

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ФАЛСАФА КАФЕДРАСИ

ФАЛСАФА ТАРИХИ ВА НАЗАРИЯСИ

ФАНИДАН
ЎҚУВ - МЕТОДИК МАЖМУА



Термиз – 2011 йил

Ушбу ўқув - методик мажмуа (ЎММ) университетнинг “Миллий ғоя: ҳуқуқ ва маънавият асослари” ихтисослиги бўйича тахсил олаётган олий таълим бакалавриат босқичи 3-курс талабалари учун мўлжалланган. Мазкур мажмуада фалсафанинг фан сифатида шаклланиш тарихи, фалсафа фанининг предмети, мақсади ва вазифалари, фалсафий тафаккур тарихи, унга Шарқ ва Европа халқлари мутафаккирларининг қўшган ҳиссаларига холис баҳо берилиб, европацентризм (ғарбпарастлик) ва осиёцентризм (шарқпарастлик) майлларидан ҳоли фикрлар баён этилган. Фалсафа фани назарияси ва методологиясига доир фикрлар кенгроқ баён қилиниб, фалсафий қонунлар ва категориялар, табиат, жамият ва инсон тафаккури тараққиётининг фалсафий муаммоларига доир маълумотлар киритилган. Фалсафа фанининг миллий мустақилликни мустаҳкамлашдаги ўрни ҳамда умуммиллий ва умумбашарий моҳияти, ижтимоий тараққиёт ва инсон камолотига кўрсатадиган ижобий таъсири кўрсатилган.

Лекциялар замонавий педтехнология талабларига мос равишда тайёрланиб, унда ўқув мақсадлари, мавзуда кўриб чиқиладиган муаммолар, назорат саволлари ва мустақил иш топшириқлари келтирилган.

Тайёрловчи:

Фалсафа фанлари номзоди, катта ўқитувчи А.Э.РАХМОНОВ

Тақризчилар:

**Фалсафа фанлари номзоди, проф. Н.Бердиев,
сиёсий фанлар номзоди, доцент Ҳ.М.Расулов**

ФАЛСАФА ТАРИХИ ВА НАЗАРИЯСИ ФАНИДАН ИШЧИ-ЎҚУВ ДАСТУРИ

Бакалаврият йўналиши: 5141500 - Миллий ғоя: ҳуқуқ ва маънавият асослари.

СЎЗ БОШИ

Биз яшаётган дунё сўнгги йилларда ниҳоятда ўзгариб кетди. Хусусан, Ўзбекистон тарихида XX асрнинг 90-йилларида оламшумул воқеалар юз берди: мамлакатимиз мустақилликка эришиб, ўзига хос тараққиёт йўлини танлади, ривожланишнинг ўзбек моделини амалга оширишга киришди. Халқимизнинг ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш зарурати дунёқарашни тубдан ўзгартириш, эски ақидалардан тамоман воз кечиш, истиқлол мафқурасини шакллантириш, халқ маънавиятини юксалтиришни тақозо этмоқда. Бунда ижтимоий фанлар ривожини улкан аҳамият касб этади. Президент Ислам Каримов таъкидлаганлари каби: «Кўп асрлик тарихимиз шуни кўрсатадики, инсон дунёқарашини шаклланишида маърифатнинг, хусусан, ижтимоий фанларнинг ўрни беқиёс. Бу жамиятшунослик бўладими, тарих, фалсафа, сиёсатшунослик бўладими, психология ёки иқтисод бўладими — уларнинг барчаси одамнинг интеллектуал камолотга эришувида катта таъсир кучига эга» . (Каримов.И.А. Миллий истиқлол мафқураси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т.: «Ўзбекистон», 2000. 33-бет.)

Фалсафа эса — барча фанлар ривожланишига асос бўладиган ва улардан озикланадиган, айти пайтда уларнинг ривожланиш йўллари белгилаб берадиган умуминсоний ва универсал фан. У қадим замонлардаёқ «барча илмларнинг отаси» деб таърифланган. Унинг ҳаётийлиги халқ табиатига,

турмуш ва тафаккур тарзига нечоғлик мос экани, жамият манфаатлари ва эзгу интилишларини қай даражада акс эттира олишига боғлиқ.

Бугунги кунда миллий мустақиллик ғоялари билан суғорилган миллий мафқурани шакллантиришда фалсафа фанининг бетакрор ўрни бор. Биз яшаётган давр муаммоларини қадам-бақадам ҳал этиш учун кадрлар ижтимоий ҳодисаларга фалсафий ёндашув кўникмаси ва малакасига эга бўлишлари ғоят муҳим бўлиб турибди.

Ана шуларни ҳисобга олиб «Миллий ғоя: ҳуқуқ ва маънавият асослари» бўлими бакалаврият босқичи учун «Фалсафа фани тарихи ва назарияси» бўйича дастур ва ўқув-методик мажмуа тайёрланди.

Ушбу курс юзасидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан алоҳида тайёрланган ва тасдиқланган намунавий дастур мавжуд эмас. Шу боис ўқув дастурини тайёрлашда «Фалсафа» фанидан намунавий дастур (бакалавр босқичи учун) - Тошкент, 2004, ЎзМУ ва Низомий номидаги ТДПУда тайёрланиб тасдиқланган ўқув дастурларига таянган ҳолда иш кўрилди.

Дастурда жаҳон фалсафаси тараққиётининг босқичлари, халқимизнинг бой фалсафий мероси, дунё маданиятига қўшган ҳиссаси, Ўзбекистоннинг истиқлоли ва тараққиётининг фалсафий масалалари, XX аср фалсафасининг асосий оқимлари, фалсафий мактаблар ва йўналишлар ўз ифодасини топди. Унда фалсафа фанининг

борлиқ фалсафаси, онг ва билиш назарияси, қонун ва категориялари, тамойиллари, инсон фалсафаси, жамиятни фалсафий англаш, уни илмий билиш ва илмий бошқариш муаммолари, инсоният истиқболи, фалсафа билан мафкура ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, ўзаро таъсир каби масалалар юзасидан талабаларга кенг ва чуқур билимлар бериш назарда тутилган.

Фан мазмунига қўйиладиган малакавий талаблар:

«Фалсафа фани тарихи ва назарияси» фани бўйича бакалавр фалсафий дунёқараш, инсон ҳаётининг мақсади, мазмуни ва моҳияти, моддий борлиқ ва ижтимоий ҳаёт ўртасидаги ўзаро қонуниятлар тўғрисида:

-фалсафий билимларнинг шаклланиши, таркибий тузилиши ва ривожланишининг тарихий босқичлари;

-ҳозирги дунёнинг илмий, фалсафий, диний манзараси;

-фалсафанинг асосий йўналишлари ва мактаблари;

-ҳозирги дунёнинг глобаллашув жараёни, инсониятнинг экологик ва бошқа глобал муаммолари ҳақида **тасаввурга эга бўлиши лозимлиги**.

Марказий Осиё мутафаккирларининг Ватан ва жаҳон маданияти, фалсафаси фанининг ривожланишига қўшган ҳиссалари;

-борлиқ категориясининг мазмуни, унинг ўз-ўзини ташкил этиши, моддийлик ва маънавийлик тушунчаси, унинг моҳияти.

-ижтимоий фалсафа: жамият ва унинг таркибий тузилиши, давлат, демократия, фуқаролик жамияти тушунчаларининг моҳияти, ижтимоий тараққиётнинг босқичлари ва цивилизация концепцияларини;

-ижтимоий муносабатлар тизимида инсон моҳияти, онг ва ўз-ўзини англаш таълимоти, аксиология, ахлоқий ва маънавий қадриятларини;

-диалектика, синергетика, ҳаракат ва ривожланиш, фазо ва вақт ҳақидаги таълимотларни;

-табиий, гуманитар ва бошқа фанларни ўрганишда умумфалсафий услуб ва тамойилларни;

-билишнинг умумфалсафий усулларини **англаши керак**.

Фалсафанинг қонун ва категориялари, тамойилларини:

-дунёқараш ва умумметодологик фалсафий принципларни;

-танқидий тафаккур эгаси бўлиш, унинг амалий фаолиятида ва илмий тадқиқотларида янгича ёндашув **қўникмасига эга бўлиш лозим**.

1.1. Фаннинг мақсади ва вазифалари.

Ўзбекистон Республикасида «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» асосида таълим тизимини ислоҳ қилиш - ўқитилаётган фанларнинг таркибий тузилиши, вазифаларини конкретлаштиришни тақозо қилмоқда. Хусусан, ижтимоий-гуманитар фанлар тизимида фалсафа фанининг миллий истиқлол ғояси ва мафкураси билан ўзаро алоқадорлиги масаласи кун тартибига қўйилади.

Шу талаблардан келиб чиққан ҳолда **фалсафа фани тарихи ва назарияси фанини ўқитишнинг мақсади** талабаларда янгича фалсафий қарашларни, ҳамда тафаккур тарзини шакллантириш; ижодий, мустақил, эркин фикрлаш қўникмаларини ҳосил этиш, назарий билишнинг методологик тамойилларини, тадқиқот услубларини эгаллашларини; юксак маънавиятли комил инсон, етук малакали мутахассис бўлиб етишишларини таъминлашга қаратилган.

Бу фаннинг вазифалари эса, унинг мақсадларидан келиб чиққан бўлиб, талабаларнинг онтологик, гносеологик, методологик, дунёқараш, аксиологик, педагогик, дидактик илмий қарашларини, амалий кўникмаларини шакллантириш билан тавсифланади.

Бакалаврият босқичида фалсафа фани соҳаларга бўлиб юбормасдан уни яхлит фан сифатида ўтиш мақсадга мувофиқ деган нуқтаи назарда турилади. Ажратилган соатларнинг асосий қисми фалсафа фани тарихи, категориялари,

қонунлари, тамойиллари ва билиш услубларига ажратилган. Бу ҳол миллий истиқлол ғоясининг фалсафий илдизларини чуқур ўрганиш, бўлажак кадрлар - педагоглар учун олам ва ундаги ҳодисаларни фалсафий идрок этишлари учун имконият яратади.

Фалсафа тарихи ва назарияси фанининг **аҳамияти**: талабаларда фалсафа фани тараққиёт босқичларини билишда, олам ва одам ҳақидаги яхлит билимлар тизимини шакллантиришда: билишнинг умумий қонунлари ва қонуниятларини, методологик тамойилларини англашида унинг услубларини кундалик ҳаётда, амалий фаолиятда қўллаш билишларида: улар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдиришнинг комплекс-системали, универсал илмий методологиясини яратишида намоён бўлади.

Мазкур дастур лойиҳаси Давлат таълим стандартлари (ДТС) талабларига мувофиқ тузилган бўлиб, талабаларнинг танлаган мутахассисликлари бўйича назарий билимларини, амалий кўникмаларини, интеллектуал салоҳиятларини оширишга йўналтирилган. Дастур муқобил фалсафий дунёқарашлар, таълимотлар тизимида талабаларнинг муносабатини шакллантиришга, мустақил ижодий фикрлаш ва шахсий мавқеини (позициясини) белгилашга қаратилган.

1.2. Талаба эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар.

Фалсафа тарихи ва назарияси фани бўйича **талабалар билимлари ва кўникмаларига қуйидаги талаблар** қўйилади:

а) муқобил фалсафий таълимотлар йўналишларини қиёсий таҳлил қилиш ва асосий майл (тенденция)ларини, муайян дунёқарашга нисбатан ўзининг шахсий муносабатига эга бўлиш;

б) мавзуга доир махсус адабиётлар, ахборот манъбаларини танлаш, улар устида мустақил ишлаш, ижодий фикрлаш қобилиятларини шакллантириш;

в) фалсафий таълимотлар ва назариялар тарихини, муаммоларнинг миллий, ҳудудий, умуминсоний характерини, амалиётда намоён бўлиш хусусиятларини ўрганиш;

г) Ўзбекистон миллий мустақилликка эришгандан кейин фалсафа фанининг ворислик қонунларига амал қилиб такомиллаштириш, шарқ фалсафаси билан чуқурроқ таништириш;

д) конкрет фалсафий муаммоларни таҳлил қилишда Президент И.А.Каримов асарларидаги назарий хулосалардан, методологик тавсиялардан фойдаланиш кўникмаларини ҳосил этишдан иборат.

1.3. Фаннинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги.

Фалсафа фани тарихи ва назарияси аввало барча ижтимоий-гуманитар фанлар, қолаверса, табиётшунослик, техникашунослик фанлари билан узвий боғлиқликда ривожланиб, такомиллашиб боради. Айни чоғда у фанлар учун методологик асос бўлиб хизмат қилади. Фалсафа фани сиёсат, маданият, мафкура соҳалари билан ҳам

мустаҳкам алоқада бўлиб, уларнинг илмий йўналиш олишлари, назария соҳасида ғайриилмий томонларга оғиб кетмасликлари учун ёрдам беради.

1.4. Бу фанни ўқитишда **илғор педагогик ва инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш** дастур доирасида талабалар етарли билим олишларига хизмат қилади. Жумладан, электрон мультимедияларни қўллаш, мавзулар бўйича тарқатма материаллар тайёрлаш, мантиқий схемалар тузиш, талабаларга турли шаклларда ижодий ишлар ва топшириқлар бериш, муаммоли дарслар уюштириш, кўргазмали куруллардан фойдаланиш, техника воситаларини имкон даражасида қўллаш назарда тутилади.

Муаллиф.

**«Фалсафа тарихи ва назарияси» курсининг дарс соатлари
ТАҚСИМОТИ.**

Т/р	МАВЗУЛАРНИНГ НОМИ	Маъруза соатлари	Амалий машғулот соатлари
	<i>I бўлим. Фалсафа фанининг умумий масалалари</i>	4	4
1.1.	Фалсафа фанининг тадқиқот объекти, предмети.	1	
1.2.	Дунёқараш ва унинг тарихий типлари. Фалсафий дунёқараш, унинг хусусиятлари ва тамойиллари.	2	2
1.3.	Фалсафа фанининг асосий йўналишлари, фанлар системасидаги ўрни ва вазифалари.	1	2
	<i>II бўлим. Фалсафа фани тарихи</i>	38	40
2.1.	Қадимги Шарқ мамлакатларида илк фалсафий фикрларнинг вужудга келиши. (Бобил, Миср, Ҳиндистон ва Хитой).	2	2
2.2.	Қадимги Марказий Осиёда ижтимоий-фалсафий фикрларнинг шаклланиши (эраמידан аввалги X асрдан эраמידнинг VI асригача).	2	2
2.3.	Қадимги Юнонистон ва Римда фалсафий фикрларнинг юзага келиши ва ривожланиши.	4	4
2.4.	Ўрта асрларда Марказий Осиёда диний-фалсафий фикрлар.	2	2
2.5.	IX-XII асрларда араб-мусулмон оламида Уйғониш даври ва фалсафаси.	4	4
2.6.	Ўрта аср Оврупо фалсафаси.	2	2
2.7.	XIV-XV асрларда Марказий Осиёда табиий-илмий, ижтимоий-фалсафий фикрлар. Тасаввуф фалсафаси.	2	4
2.8.	Ғарб Уйғониш даври фалсафаси.	2	2
2.9.	XVI-XVIII асрлар Ғарбий Оврупода фалсафий фикрлар ривожи.	4	4
2.10.	Германияда фалсафий фикрлар ривожланиши. Марксча фалсафа: унинг қадрланиш ва қадрсизланиш сабаблари.	4	4
2.11.	Россияда XVIII-XIX асрларда ижтимоий фалсафий фикрлар тараққиёти. «Рус космизми».	2	2
2.12.	XVI-XIX асрларда Марказий Осиёда ижтимоий-фалсафий фикрлар. Фалсафий фикрлар кашшоқлиги ва унинг ижтимоий оқибатлари.	2	2
2.13.	XIX аср охири XX аср бошларида Марказий Осиёда ижтимоий-фалсафий фикрлар ривожи.	2	2
2.14.	XIX аср охири ва XX аср бошларида Ғарб фалсафаси.	2	2

2.15	Ҳозирги замон фалсафаси.	2	2
	III бўлим. Фалсафа фани назарияси	36	36
3.1.	Борлиқ фалсафаси.	2	2
3.2.	Табиат - борлиқнинг ажралмас қисми.	2	2
3.3.	Онғ. Ижтимоий онғ ва унинг асосий шакллари ва даражалари. Рухга фалсафий ёндашув.	4	4
3.4.	Ҳаракат ва таракқиёт, унинг фалсафий мазмуни.	2	2
3.5.	Қонун ва фалсафа фани қонунлари.	4	4
3.6.	Фалсафа фани категориялари.	4	4
3.7.	Фалсафанинг билиш назарияси. Илмий билишнинг ўзига хос хусусиятлари. Илмий билиш услублари.	4	4
3.8.	Фалсафада инсон муаммоси, унинг асосий жиҳатлари.	2	2
3.9.	Маданият, қадриятлар, уларнинг инсон маънавий камолотидаги ўрнининг фалсафий талқини.	2	2
3.10	Жамиятни фалсафий англаш асослари.	4	4
3.11	Ўзбекистон мустақиллигининг назарий-фалсафий масалалари.	2	2
3.12	Жамиятни илмий билиш ва илмий бошқариш муаммолари.	2	2
3.13	Инсоният истиқболи. Глобал муаммолар фалсафаси.	2	2
	Ж А М И: 158 соат.	7 8	80

1. МАЪРУЗА МАВЗУЛАРИНИНГ МАЗМУНИ.

1 Бўлим. Фалсафа фанининг умумий масалалари.

1.1. Фалсафа фанининг тадқиқот объекти, предмети

Фалсафа жаҳон халқлари маданиятининг таркибий қисми, умуминсоний қадриятлар аҳамиятига эга, воқелиқнинг энг умумий алоқадорлиги ва таракқиёт қонунларини ўрганувчи таълимот. Фалсафа атамасининг луғавий маъноси. «Фалсафа» ва «Фалсафа фани» тушунчаларидаги умумийлик ва айримлик. Унинг методологик аҳамияти. Бу ҳақда Форобий фикрлари. Фалсафа фани келиб чиқишининг ижтимоий-иқтисодий заминлари, фалсафа фани предметининг жамият, фан ва техника таракқиёти натижасида доимо ўзгариб туриши. Фалсафанинг баҳс мавзулари; Борлиқ, дунёни фалсафий англаш, инсон, жамият ва унинг истиқболи, фалсафанинг ҳозирги замон умумбашарий муаммолари.

1.2. Дунёқараш ва унинг тарихий типлари. Фалсафий дунёқараш, унинг хусусиятлари ва тамойиллари.

Дунёқараш тушунчаси, унинг моҳияти ва мазмуни. Дунёқарашнинг тарихий шакллари. Мифологик дунёқараш ва унинг хусусиятлари. Мифологик дунёқарашда бадий, эстетик, диний, фалсафий қарашлар куртакларининг мавжудлиги. Диний дунёқараш ва унинг хусусиятлари. Диний дунёқарашнинг асосий элементлари.

Диний мафкура воситасида имонли комил инсонларни тарбиялаш. Ундан ижодий фойдаланиш муаммоси. Динларнинг жамият ҳаётидаги ўрни. Мустақил Ўзбекистонда динга муносабатнинг илмий-фалсафий асослари. Фалсафий дунёқараш - олам ҳақидаги яхлит ва системалаштирилган билимлар мажмуаси. Фалсафий дунёқарашнинг ўзига хос хусусиятлари. Назария ва амалиётнинг бирлиги-фалсафий дунёқараш тамойили. Фалсафий дунёқарашнинг инсон тафаккур ва турмуш тарзининг шакллантириш, ҳамда такомиллаштиришда ўрни.

1.3. Фалсафа фанининг асосий йўналишлари, фанлар системасидаги ўрни ва вазифалари.

Фалсафа-фан. Фалсафий билимлар тизими, унинг ўзига хослиги, тарихий ўзгариши ва мазмунан бойиб бориши. Фалсафий ғоялар, назариялар, уларнинг асосий йўналишлари, шаклланиши ва аҳамияти.

Ижтимоий-гуманитар фанлар тизимида фалсафанинг ўрни ва мавқеи. Фалсафанинг бошқа фанларга таъсири, дунёқараш ва методология сифатидаги аҳамияти. Илм-фан ютуқлари ва уларнинг фалсафада акс этиши. Фалсафий ғоя, назария ва тамойилларнинг мафкуравий жараёнларга таъсири. Фалсафа ва миллий мафкура масаласи.

Фалсафанинг жамият ҳаётидаги роли ва унинг асосий функциялари. Фалсафанинг дунёқарашлик, методологик, гносеологик, практиологик, тарбиявий ва в.б. функциялари. Ёш авлодни маънавий баркамоллик, мустақилликка содиқлик руҳида тарбиялашда фалсафа фанининг аҳамияти.

II бўлим. Фалсафа тарихи.

2.1. Қадимги Шарқ мамлакатларида илк фалсафий фикрларнинг вужудга келиши.

Фалсафа тарихи-фан сифатида, унинг предмети, вазифалари ва аҳамияти. Жаҳон цивилизациясининг бир бутунлиги ва ранг-баранглиги. Илм-фанда илк дунёқараш ва маданият шаклланишининг минтақа ва ҳудудларга боғлиқлиги муаммоси. Оврупопарастлик ва Осиёпарастликнинг ғайриилмий моҳияти ва мафкуравий мақсад-муддаолари. Фалсафа тараққиётини даврларга ва ҳудудларга бўлинишининг нисбийлиги ва аҳамияти. Назарий тафаккурнинг шаклланишида фалсафий фикрлар ривожининг аҳамияти. қадимги Миср ва Бобилда фалсафий фикрларнинг шаклланиши. Қадимги Ҳинд фалсафаси; ведалар ва упанишадалар. Чорвака, Локаята фалсафий мактаблари таълимотларининг аҳамияти. Қадимги Хитой фалсафаси: конфуцийчилик ва даосизм ғоялари.

2.2. Қадимги Марказий Осиёда ижтимоий-фалсафий фикрларнинг шаклланиши. (Эрамиздан аввалги X асрдан эрамизнинг VI асригача)

Марказий Осиёдаги энг қадимги фалсафий қарашлар. Бу даврларда диний, мифологик фикрларнинг пайдо бўлиши ва ёйилиши.

Зардуштийликнинг пайдо бўлиши, унда олам, борлиқ ва руҳ, табиат ва одам тўғрисидаги қарашлар. Оламдаги диалектик зиддиятни англашда «Авесто»нинг ўрни. Кушон давлати даврида ғоявий қарашлар ва маданий тараққиёт. Буддавийлик диний таълимотининг Бактрияда тарқалиши.

Моний фалсафаси. Монийлик ғояларининг тарқалиши. Маздак ғоялари. Маздакийликнинг тарқалиши, асосий тамойиллари ва қарашлари.

Ватанимиз маданияти ва фалсафасининг жаҳон цивилизациясига таъсири. Ёшларда тарихий хотирани тиклаш, миллий қадриятларга содиқлик, ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришда фалсафий мероснинг аҳамияти.

2.3.Қадимги Юнонистон ва Римда фалсафий фикрларнинг юзага келиши ва ривожланиши

Қадимги Юнонистонда ижтимоий-иқтисодий, маданий тараққиётнинг ўзига хос хусусиятлари. Милет ва Элей мактаблари. (Фалес, Анаксимандр, Анаксимен, Ксенофон, Парменид, Зенон).

Эфеслик Гераклит фалсафаси. Пифагор ва пифагорчилар фалсафаси, Софистлар фалсафаси. Сукрот ва Афлотун фалсафаси. Қадимги юнонистонлик атомистлар: Левкипп, Демокрит ва бошқалар. Аристотелнинг олам ҳақидаги фалсафаси, диалектикаси ва билиш назарияси. Аристотел мантиқи (логикаси). Эпикур.

Эллинизм даври ва стоиклар фалсафаси. Қадимги Римда фалсафий фикрлар. Лукреций Карнинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари. Қадимги Римда стоиклар таълимоти. Цицерон, Варрон, Сенека, Марк Аврелий, Антонийларнинг фалсафий, ижтимоий-сиёсий қарашлари. Неоплотонизм таълимоти. Плотин - неоплотонизм асосчиси. Апологетика ва патристика. Апологетика фалсафий таълимотининг христианликни тарғиб қилишдаги тутган ўрни. Тертуллиан - апологетиканинг асосчиларидан бири. Унинг диний-фалсафий таълимоти.

Патристика таълимоти ва унинг намоёндалари. Августиннинг фалсафий таълимоти. Ўрта асрлар даврида Европада фалсафий фикрлар ривожига Фома Аквинский диний-фалсафий қарашларининг таъсири.

2.4. Ўрта асрларда Марказий Осиёда диний-фалсафий фикрлар.

VIII аср бошларида араб қабилаларининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий тараққиёт даражаси. Ислом динининг шаклланиши. Исломдаги икки оқим: мутакаллимлар ва мутазаллийлар.

Муржийлар, мутазалийлар, карматлар билан мутакаллимлар ўртасида борган диний-илмий баҳс-мунозаралар. Ислом илоҳиёти (фалсафа)сининг шаклланиши.

Сўфийлик (тасаввуф)нинг исломдаги диний-фалсафий оқим сифатида VIII асрда араб мамлакатларида вужудга келиши. Сўфийликнинг хилма-хил шакл ва оқимларга эга эканлиги. Бу таълимотнинг комил инсон тўғрисидаги тушунчаси ва унга илмий-фалсафий муносабат масаласининг долзарблиги.

Мовароуннаҳрда сўфийлик оқимининг Юсуф Ҳамадоний (XII аср) тариқатида бошланганлиги. Кейинчалик унда турли йўналишларнинг пайдо бўлиши. Бу йўналишларнинг йирик намоёндалари Абдухолиқ Ғиждувоний ва Аҳмад Яссавийлар ҳақида. XIII-XIV асрларда нақшбандийликнинг вужудга келиши, унинг ижтимоий тараққиёт ва инсон камолотидаги ўрни.

2.5. Араб босқинчилиги. IX-XII асрларда араб-мусулмон оламида Уйғониш даври ва фалсафаси.

VIII аср бошларида араблар истилоси. Араб истилосига қарши миллий-озодлик курашлари. Араб-мусулмон оламида Уйғониш даври. Ислом доирасидаги ҳурфикрлик.

IX-XII асрларда Марказий Осиёда Уйғониш даврининг хусусиятлари.

Мухаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг табиий-илмий ва фалсафий қарашлари.

Аҳмад ал-Фарғонийнинг табиий-илмий қарашлари. Абу Наср Форобийнинг ижтимоий-фалсафий фикрлар ривожидида тутган ўрни. Арасту таълимотининг Форобий томонидан ривожлантирилиши. Форобийнинг мантиқ илми ривожига қўшган ҳиссаси. Форобий Ўрта асрда социологик таълимот асосчиси.

Абу Райхон Беруний дунёқарашлари. Ҳаёти ва илмий мероси. Беруний - ўрта асрнинг қомусий олими. Беруний табиий-илмий қарашларининг аҳамияти.

Абу Али ибн Синонинг илмий мероси. Унинг моддий олам тузилиши ва ривож ҳақидаги таълимоти ва унда диалектик унсурлар. Ибн Синонинг гносеологик қарашлари. Мантиқ ва унинг билишдаги ўрни. Ибн Сино жамият ва давлат ҳақида. Ибн Синонинг сабабли боғланиш (детерминизм) тўғрисидаги таълимоти.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари. Аҳмад Югнакийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари. Юсуф Хос Хожибнинг ижтимоий-сиёсий, ахлоқий қарашлари. Исмоил Журжоний, Махмуд Чагминийнинг илм-фан ривожига қўшган ҳиссаси.

2.6. Ўрта аср Европа фалсафаси.

Ўрта асрларда маърифат ва илмий фикрлар ривожланиши ҳолати. Схоластиканинг келиб чиқиши, унинг мазмуни ва моҳияти. Ўрта асрлар схоластикасида икки оқим; реализм ва номинализм. Кентерберийский, Пьер Абеляр, Фома Аквинский, Дунс Скотт, Уильям Оккамларнинг фалсафий қарашлари.

2.7. XIV-XV асрларда Марказий Осиёда табиий-илмий, ижтимоий-фалсафий фикрлар. Тасаввуф фалсафаси.

XV-XVI асрларда Марказий Осиёда ижтимоий-сиёсий аҳвол. Тасаввуфда Нақшбандийлик тариқати, унинг Темурийлар салтанати мафқурасига айланиши. Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва илмий фаолияти. Улуғбек табиий-илмий меросининг аҳамияти. Алишер Навоийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари.

Захриддин Мухаммад Бобурнинг ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий қарашлари.

2.8. Ғарб Уйғониш даври фалсафаси.

XIV асрнинг иккинчи ярми ва XVI асргача Европа мамлакатларида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий-маданий ўзгаришларнинг ижтимоий ва гносеологик илдизлари. Уйғониш даври гуманизмнинг моҳияти ва хусусиятлари. Николай Кузанский, Жордано Бруно, Галилео Галилей олам ва уни билиш ҳақидаги фалсафий қарашлари. Уйғониш даврида социологик таълимотларнинг ривожланиши. Никола Макиавелли, Томас Мор, Томаззо Компанеллилар идеал жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва ахлоқий қоидалари ҳақида.

2.9. XVI-XVIII асрлар Ғарбий Европада фалсафанинг ривожланиши.

XVI-XVII асрлар фалсафасининг асосий хусусиятлари, унинг ижтимоий ва гносеологик манбалари. Ф.Бэкон, Т.Гоббс. Б.Спиноза, Ж.Локк, Г.Лейбниц, Р.Декартнинг фалсафий ва табиий-илмий қарашлари.

XVII асрнинг иккинчи ярми XVIII асрнинг биринчи ярмида Англияда илғор, тараққийпарвар, маърифатпарварларнинг фалсафа майдонига кириб келиши. Ж.Толанд фалсафаси, унинг ижодида ҳурфикрлик. Ж.Берклининг фалсафий концепцияси. Д.Юм фалсафада агностицизмнинг асосчиларидан бири эканлиги.

Француз маърифатчилигининг асосий хусусиятлари Вольтер, Монтескье, Жан Жак Руссо, Ламетри, Дени Дидро, Гельвеций, Пол Анри Гольбахларнинг фалсафий қарашлари.

2.10.Германияда фалсафий фикрлар ривожи. Марксча фалсафа: унинг қадрланиш ва қадрсизланиш сабаблари.

Иммануэл Кант - немис классик фалсафасининг асосчиси. Кант фалсафий ғояларининг эволюцияси. Кантнинг космологияси, дуализми, агностицизми ва субъективизми. Кант априоризми. Кантнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари.

Фихте ва Шеллинг фалсафий қарашлари.

Гегель - немис классик фалсафасининг йирик вакили. Гегель фалсафий системасининг тузилиши. Гегель рух фалсафасининг асосий хусусиятлари Гегель диалектикасини рационал мағзи.

И.Кант ва Гегель томонидан фалсафий тушунчалар, қонунларни тартибга солиниши ва фалсафанинг фан сифатида шакллана бошлаши.

Фейербахнинг антропологик фалсафаси. Фейербахнинг Гегель диалектикасига бўлган муносабати. Унинг билиш назарияси, ижтимоий-сиёсий қарашлари. Фейербахнинг динга муносабати.

Марксча фалсафанинг вужудга келишнинг тарихий шарт-шароитлари ва унинг назарий манбаълари. Фалсафада синфийлик тамойилининг қарор топиши ва унинг салбий оқибатлари.

В.И.Ленин томонидан марксизмни сийқалаштириш, унинг синфийлик тамойилидан буюк давлатчилик, буюк русчилик шовинизмини қарор топтиришда фойдаланиши. Жаҳон инқилоби ва коммунизм тўғрисидаги ғояларга мақрли мафкура орқали халқ оммасини ишонтириш, унинг ижтимоий-сиёсий, маънавий рухий оқибатлари.

Марксизмнинг маълум бир тарихий даврда қадрланиши ва сўнгра қадрсизланишининг туб сабаблари. Мафкура воситасида марксизмнинг дунёвий динга айланиши. Марксизм-ленинизмга ҳозирги замонда турлича муносабатлар.

2.11. Россияда XVIII-XIX асрларда ижтимоий-фалсафий фикрлар тараққиёти. «Рус космизми».

Россияда XVIII асрда фан ва маданият ривожи. М.В.Ломоносовнинг табиётшунослик фанидаги кашфиётларининг XVIII аср фалсафаси тараққиётига кўрсатган таъсири. Н.А.Радищевнинг ижтимоий-сиёсий фикрларининг Россиядаги фалсафий фикрлар ривожига таъсири. А.Н.Радищев, В.Г.Белинский, А.И.Герцен, Н.Г.Чернышевский, Н.Добролюбовнинг фалсафий ва ижтимоий-сиёсий қарашлари.

Рус диний фалсафаси. «Рус космизми». С.Н.Булгаков, Л.Шестов, И.Ильин фалсафий қарашлари. В.Соловьёв, Н.Бердяев, И.Шестов диний-фалсафий қарашлари. Рус фалсафаси тараққиётида Г.Плехановнинг роли. Н.Ф.Федоров, В.С.Соловьёв, Н.А.Умов, К.Э.Циялковский, А.И.Вернадский, П.А.Флоренский, А.О.Чижевский асарларида космизм таълимотининг ифодаланиши.

2.12. XVI аср охири ва XIX асрда Марказий Осиёда ижтимоий-фалсафий фикрлар. Фалсафий фикрлар қашшоқлиги ва унинг оқибатлари.

Темурийлар давридан кейинги ижтимоий-сиёсий жараёнлар. Ягона миллий ғоявий тамойиллар тизимининг умумэтник - хусусиятининг йўқолиши. Нақшбандийлик тариқатининг кадрсизланиб бориши ва тасаввуфдаги таркидунёчилик қарашларининг ижтимоий фикрлар ривожига салбий таъсири, фалсафий фикр қашшоқлиги ва унинг оқибатлари.

Мирзо Бедилнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари. Унинг борлиқ тўғрисидаги таълимоти. Унинг калом ва тасаввуфга муносабати, инсон, жамият, давлат, одоб-ахлоқ тўғрисидаги фикрлари.

Боборахим Машрабнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари, Машраб ва тасаввуф. Машраб ижодида инсон ва инсонпарварлик ғоялари.

Махмур, Гулханий, Огаҳий дунёқараши.

2.13. XIX аср охири ва XX аср бошларида Марказий Осиёда ижтимоий-фалсафий фикрлар ривожиди.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Марказий Осиёда маънавий ҳаётнинг юксалиши. Аҳмад Донишнинг фалсафий, ижтимоий-сиёсий қарашлари. Фурқат дунёқараши. Муқимийнинг маърифатпарварлик ғоялари. Маърифатпарвар ўзбек аёлларининг ижтимоий-фалсафий қарашлари.

Жадидчилик ҳаракати, унинг ижтимоий-сиёсий моҳияти. Бехбудий, Мунаввар қори, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний - жадидчилик фалсафасининг намоёндалари. 1918-1923 йилларда Ўзбекистонда миллий озодлик ҳаракати. Ғоявий парокандалик ва унинг ижтимоий-сиёсий оқибатлари. Совет даври, мустабидчилик мафкураси асоратлари; фалсафий хулоса ва сабоқлар.

2.14. XIX аср охири ва XX аср бошларида Ғарб фалсафаси.

XIX-XX асрда ижтимоий-сиёсий ҳаёт, фан-техника тараққиёти ва маънавий маданиятдаги ўзгаришларнинг Ғарб фалсафасида акс этиши, Оврупо мамлакатларида фалсафа йўналишлари. Позитивизм фалсафаси. О.Кант, Д.С.Милль, Г.Спенсернинг қарашлари. Неопозитивизм ва постпозитивизм ғоялари. Эмпириокритицизм фалсафаси. А.Шопенгауэр иррационализи Ф.Ницше фалсафий қарашларига зардуштийликнинг таъсири.

Ҳаёт фалсафаси - ҳозирги замон демократик мамлакатларда инсон яшашининг тамойили сифатида. А.Бергсон ва О.Шпенглер фалсафий таълимоти. Прагматизм фалсафаси. Ч.Пирс, У.Жеймс, Ж.Дьюнинг фалсафий қарашлари.

Экзистенциализм фалсафаси. Кьеркегор - инсон фалсафасининг асосчиси. Феноменология фалсафаси ва унинг назарий манбаълари.

Психоаналитик оқимининг вужудга келиши. З.Фрейднинг ижтимоий-фалсафий қарашлари.

2.15. Ҳозирги замон фалсафаси.

XX асрнинг иккинчи ярмида фаннинг ривожланиши. К.Поппернинг илмий билимлар ривожланиши концепцияси, унинг ижтимоий-сиёсий қарашлари. Т.Куннинг фан ривожланиши ва унинг фалсафий мазмуни ҳақидаги фикрлари. Ҳозирги замон Ғарб диний фалсафаси. Неотомизм католик черкови фалсафасининг ҳукмрон йўналиши сифатида. Замонавий хорижий Шарқ мамлакатларида фалсафий фикрлар, оқим ва мактаблар.

III бўлим. Фалсафа фани назарияси.

3.1. Борлиқ фалсафаси.

Борлиқ тушунчасининг моҳияти ва маъноси. Онтология -борлиқ фалсафаси. Борлиқнинг асосий турлари. Моддий борлиқ. Инсон борлиги. Маънавий борлиқ. Ижтимоий борлиқ.

Материя - моддий борлиқни фалсафий англашда негизли категория. Материя категорияси ва унинг илмий, фалсафий аҳамияти. Материянинг турлари ва кўринишлари. Материя тушунчасини унинг тузилиши билан айнилаштирмаслик зарурлиги. Материя мавжудлигининг асосий шакллари, ҳаракат ва ривожланиш тушунчаси, улар ўртасидаги умумийлик ва фарқ. Ҳаракатнинг асосий шакллари ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги. Соқинлик тушунчаси ва унинг нисбийлиги. Ҳаракатнинг абадийлиги.

Фазо ва вақт - материя мавжудлигини объектив шакллари. Фазо тушунчаси ва унинг хусусиятлари. Вақт тавсифи. Фазо билан вақтнинг умумийлиги ва фарқи. Фазо ва вақтнинг бирлиги. Фазо ва вақт тушунчаларининг илмий асослари. Фазо-вақт тушунчаси ҳақида.

Материя, ҳаракат, фазо ва вақт бирлиги. Дунёнинг моддий бирлиги ҳақида табиий-илмий далиллар.

3.2. Табиат - борлиқнинг ажралмас қисми.

Табиат тушунчаси, унинг фалсафий моҳияти ва мазмуни. Тирик ва нотирик табиат, уларнинг бир бутунлиги, узвий алоқадорлиги. Ҳаёт, унинг кадр-қиммати муаммоси. Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши тўғрисида дунёвий ва диний қарашлар, таълимотлар ва уларнинг асосий ғоялари.

Табиат ва биосоциал эволюциянинг ўзига хослиги. Биосфера ва ноосфера, экосфера тушунчалари, уларнинг узвий алоқадорлиги ва фарқлари.

Табиат ва жамият. Табиий ва сунъий муҳит, уларнинг ўзаро алоқаси. Табиат-жамият-инсон коэволюцияси. Жамиятнинг табиатга таъсири. Инсон фаолияти планетар ҳодиса сифатида.

Экологик муаммоларнинг вужудга келиш сабаблари ва уларни ҳал қилиш зарурати. Минтақамиздаги экологик инқироз ва уларни бартараф этиш йўллари.

Кишиларда экологик онгни шакллантириш масалалари ва экологик тарбияни кучайтириш зарурияти.

3.3. Онг. Ижтимоий онг, унинг асосий шакллари ва даражалари.

Онг - материянинг юксак шакли бўлган миянинг маҳсули, борлиқнинг инъикоси ва фаолияти сифатида. Онг ва руҳнинг ўзаро боғлиқлиги. Онг ва руҳга илмий-фалсафий ёндашиш. Онгнинг келиб чиқиши ва тараққиёти ҳақидаги илмий маълумотлар. Онгнинг онтологик, гносеологик ва ижтимоий жиҳатлари. Онг материя тараққиётининг маҳсули. Инъикос материянинг умумий хусусияти. Англаш юксак материя, кишилар миясига хос жараён. Онг ва ўз-ўзини англаш. Миллий ўзликни англаш. Ижтимоий онг ва унинг моҳияти. Кундалик (одатий) онг ва унинг ижтимоий онг билан алоқадорлиги. Ижтимоий онгнинг нисбий мустақиллиги. Ижтимоий онгнинг даражалари: кундалик онг, назарий онг, уларнинг ўзаро муносабатлари. Ижтимоий онгнинг тузилиши: ижтимоий руҳият, ижтимоий мафкура, уларнинг хусусиятлари ва моҳияти. Мафкура - ғоялар тизими ҳамда муайян дунёқараш ифодаси бўлган Бош ғояни одамлар онгига сингдириб, уни эътиқодга, халқ оммасининг маслағига айлантириш ижтимоий институтлари, воситалари, йўллари, услублари мажмуаси сифатида. И.А.Каримов асарларида миллий мафкура концепциясининг ишлаб чиқилиши ва назарий асосланиши.

Ижтимоий онг шакллари. Сиёсий онг. Ҳуқуқий онг. Эстетик онг. Ахлоқий онг. Диний онг. Уларнинг ўзаро алоқадорлиги ва таъсири, хусусиятлари ва аҳамияти, тараққиётда тутган ўрни. Мустақиллик шароитида кишиларда юксак сиёсий, ҳуқуқий, эстетик, ахлоқий, диний ва фалсафий онг ҳамда маънавиятни ривожлантириш йўллари, услублари.

3.4. Диалектика назарияси. Ҳаракат ва тараққиёт, унинг фалсафий мазмуни.

Ўзгариш, ҳаракат, тараққиёт ва ўзаро алоқадорлик тушунчалари. Тараққиётининг асосий йўналишлари. Табиий, ижтимоий ва илмий тараққиёт. Энг умумий, умумий ва хусусий алоқадорлик.

Тараққиёт тўғрисидаги турлича назария ва концепциялар. Билишнинг тарихан шаклланган фалсафий услублари: диалектика, софистика, догматика, метафизика, эклектика, синергетика. Синергетикани диалектик метод билан алмаштиришнинг ғайриилмийлиги. Формал мантиқ билан диалектик мантиқ ўртасидаги умумийлик ва айримлик, унинг моҳияти, асосий қонунлари. Кадрларда фалсафий тафаккур маданиятини ривожлантириш зарурияти.

3.5. Қонун ва фалсафа қонунлари.

Фалсафада қонун тушунчаси ва унинг моҳияти. Табиат ва жамият қонунларидаги умумийлик ва тафовут. Энг умумий, умумий ва хусусий қонунлар, уларнинг ўзаро алоқадорлиги. Қонун ва қонуният. Диалектиканинг асосий қонунлари: миқдор ва сифатнинг ўзаро ўтиш қонуни. Сифат, миқдор, меъёр тушунчалари. Миқдор ва сифат ўзгаришларининг бир-биридан фарқи. Сакраш тушунчаси. Сакраш турлари. Миқдор ва сифат ўзгаришларининг бир-бирига ўтиши

қонунининг амалий ва илмий аҳамияти. Республикамизда мустақиллик туфайли рўй бераётган туб сифат ўзгаришлари ва уларнинг моҳияти.

Диалектик зиддиятчилик қонуни ва унинг моҳияти. Бу қонуннинг табиатда, жамиятда, илмий билишда намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятлари. Диалектик зиддиятлар ва уларнинг турлари: ички ва ташқи, асосий ва ноасосий, антогонистик ва ноантогонистик зиддиятлар. Зиддиятларни бартараф этиш йўлларини билишнинг амалий ва илмий аҳамияти. Қарама-қаршилик зиддиятчиликнинг бир кўриниши сифатида.

Инкорни инкор қонуни, унинг моҳияти. Мустақилликни мустаҳкамлаш жараёнида ворисликка муносабат. Бу жараённинг миллий мафқурани шакллантириш ва комил инсон тарбияси учун аҳамияти.

3.6. Фалсафа фани категориялари.

1. Фалсафий тоқ категориялари, уларнинг оламни фалсафий билишдаги ўрни. Фалсафа категорияларининг хусусий фанлар категорияларидан фарқи.

2. Оламдаги умумий алоқадорликни ифодаловчи категориялар: айримлик, хусусийлик ва умумийлик, моҳият ва ҳодиса.

3. Нарса ва ҳодисалар тузилишини акс эттирувчи категориялар: мазмун ва шакл, бутун ва қисм, система, структура ва элемент.

4. Нарса ва ҳодисалар ўртасидаги сабабли боғланиш (детерминизм)ни англашга имкон яратувчи категориялар: сабаб ва оқибат; зарурият ва тасодифият; имконият ва воқеълик.

3.7. Фалсафа билиш назарияси. Илмий билишнинг ўзига хос хусусиятлари. Илмий билиш услублари.

Билиш - воқеълик инъикоси. Билиш муаммосининг фалсафада қўйилиши ва ҳал қилиниши. Агностицизм - билиш мумкинлигини инкор этувчи таълимот, унинг ижтимоий-гносеологик илдизлари. Билишнинг объекти ва субъекти. Субъектнинг активлиги ва билимнинг объективлиги. Билиш зиддиятли, мураккаб, диалектик жараён. Билиш жараёнида амалиётнинг роли. Билишнинг асосий босқичлари. Ҳиссий билиш ва унинг шакллари: сезги, идрок, тасаввур. Ақлий билиш ва унинг шакллари: тушунча, ҳукм, хулоса. Ҳиссий ва ақлий билишнинг бирлиги. Билиш жараёнида ижод, интуициянинг роли ва ҳозирги замон фалсафасида буларнинг ифодаланиши.

Ҳақиқат тушунчаси. Ҳақиқатнинг объективлиги. Нисбий ва мутлоқ ҳақиқат диалектикаси. Ҳақиқатни билишда амалиётнинг роли.

Илмий билиш, унинг одатий (кундалик) билишдан фарқи, ўзига хос хусусиятлари.

Фанда эмпирик ва назарий билиш, уларнинг ҳиссий ва ақлий билишдан фарқи.

Илмий билишда илмий усулларнинг роли. Хусусий ва умумий усуллар, уларнинг ўзаро муносабатлари, илмий билишнинг умумий мантикий услублари. Анализ ва синтез, улар орасидаги боғланиш, Абстрактлашув услубларининг моҳияти ва илмий билишдаги аҳамияти. Индукция ва дедукция усуллари, уларнинг билишдаги роли ва бир-бирини тўлдириши.

Аналогия (қиёслаш) услубининг борлиқни илмий билишдаги ўрни. Моделлаштириш услуги, унинг шакллари ва билишдаги аҳамияти. Илмий билишнинг математикалашуви.

Эмпирик билиш жараёнида қўлланиладиган услублар: кузатиш, ўлчаш, таққослаш, эксперимент ўтказиш.

Назарий билиш услублари: формаллаштириш, аксиомалаштириш ва уларнинг шакллари. Илмий билишда тарихийлик ва мантиқийлик услублари.

Илмий билишнинг шакллари: илмий ғоя, муаммо, гипотеза, назария, илмий олдиндан кўриш.

3.8. Фалсафада инсон муаммоси, унинг асосий жиҳатлари.

Одам биосоциал мавжудот. Одам, инсон, индивид ва шахс тушунчалари. Антропология.

Одам ва онгнинг келиб чиқиши ва моҳияти тўғрисида диний, илмий ва фалсафий қарашлар. Маънавият-инсон борлиғининг асоси сифатида. Инсоннинг талаб ва эҳтиёжлари, манфаатлари, мақсад, орзу-умидларининг тарихан чекланганлиги. Шахснинг табиий, ижтимоий ва маънавий - рухий хусусиятлари. Индивидуаллик тушунчаси. Шахснинг ноёблиги ва бетакрорлиги. Шахснинг шаклланишида оила, маҳалла, ўқув ва меҳнат жамоаси, тарихий давр, ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ўрни. Ўтиш даври муаммоларини ҳал этишда имонли комил инсон шахсини шакллантириш объектив зарурият эканлиги. Таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш - комил инсон шахсини шакллантиришнинг муҳим омили.

Миллий мафқуранинг асосий ғояларидан бири бўлган комил инсон тушунчасининг ҳозирги замон талқини. Мустақил Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шаклланишида инсон қадри ва эркинликларининг роли. Шахс эркинлиги ва масъулиятининг узвий боғлиқлиги. Шахс ва жамият манфаатларининг ўзаро алоқадорлиги. Жамиятимиз ҳозирги тараққиёт босқичида инсон омили ролининг, инсон ижтимоий-сиёсий фаоллигининг ўсиб бориши.

Тадбиркорлик, мулкка эгалик, ахлоқий поклик, ўзликни англаш, миллий ғояга содиқлик шахс фаоллигининг мезони эканлиги.

3.9. Маданият, кадриятлар, уларнинг инсон маънавий камолотидаги ўрнининг фалсафий талқини.

Маданиятнинг ижтимоий ҳодиса сифатида моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари. Маданиятнинг хилма-хиллиги. Моддий ва маънавий маданият, уларнинг ўзаро алоқадорлиги. Маданиятда миллийлик ва умуминсонийлик диалектикаси. Ворислик ва доимий янгиланиш маданият ривожланишининг муҳим қонуниятлари эканлиги. Маданий мерос. Ўзбекистон мустақиллиги ва маданий меросга муносабат масаласи. Миллий-маданий меросни ўрганиш соҳасида амалга оширилаётган ишларнинг устувор йўналишлари. Маданиятнинг инсон маънавий-ахлоқий камолотидаги аҳамияти. Маданиятни билиш, алоқа (коммуникатив) тартибга солиш (регулятив), норматив баҳолаш функциялари. Эстетик, ахлоқий, экологик, ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий маданиятни шакллантиришда таълим-тарбиянинг роли. Маданият ва цивилизация.

«Қадрият» тушунчаси, унинг моҳият ва мазмуни. Қадриятларнинг намоён бўлиш шакллари, уларнинг хилма-хиллиги. Моддий ва маънавий, умумбашарий ва умуминсоний қадриятлар, уларнинг асосий шакллари, намоён бўлиш хусусиятлари, инсон ва жамият ҳаётидаги аҳамияти.

Қадриятларни жамиятнинг ижтимоий тузилиши билан боғлиқ шакллари: миллий, синфий, партиявий, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий. Ижтимоий онг шакллари билан боғлиқ қадриятлар: ҳуқуқий, ахлоқий, сиёсий, эстетик, илмий, диний, фалсафий ва бошқалар. Маданий қадриятлар ва уларнинг намоён бўлиш ҳамда сақланиб қолиш хусусиятлари. Оила қадриятлари ва шахсий қадриятлар тизими. қадрият шаклларининг алоқадорлиги ва чамбарчас боғлиқлиги. Уларнинг жамият ва инсон ҳаётидаги ўрни.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши ва қадриятлар соҳасидаги туб ўзгаришлар. Истиклол даврида янги қадриятлар тизими вужудга келишининг зарурийлиги. Янги қадриятлар тизимида умуминсоний ва демократик қадриятларнинг устиворлиги, уларнинг ижтимоий барқарорлик ва жамиятнинг тараққиёти учун аҳамияти.

3.10. Жамиятни фалсафий англаш асослари.

Жамият тушунчаси. Жамиятнинг моҳияти, келиб чиқиши ва тараққиёт тўғрисидаги диний ва ҳозирги социологик қарашлар. Жамият ҳаётининг кўп ўлчамлилиги. Жамиятнинг маънавий, мафкуравий, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий ва ҳ.к. соҳалари.

Моддий неъматлар ишлаб чиқариш - жамият ривожланишининг табиий ва зарурий шартлари экани. Моддий эҳтиёжларни қондириш ва манфаатдорлик жамият иқтисодий ҳаётининг бош мақсади. Жамият тараққиётида табиий-географик муҳит, аҳоли ва моддий ишлаб чиқаришнинг ўрни. Иқтисодиёт ва маънавиятнинг узвий боғлиқлиги. Юксак маънавият ижтимоий барқарорлик, тотувлик ва фаровонлик омили. Интеллектуал салоҳият ва ижтимоий ривожланиш. Жамиятнинг сиёсий ташкилотлари. Жамиятнинг сиёсий ҳаётида давлатнинг ўрни ва роли. Фуқаролик жамиятида нодавлат ташкилотларининг тутган ўрни. Сиёсий партия, жамоат ташкилотлари ва ижтимоий ҳаракатлар фуқаролик жамияти сиёсий ҳаётининг таркибий қисми. Сиёсий ҳаётни эркинлаштириш - жамият тараққиёти устувор йўналиши.

Жамият ҳаётининг социал структураси: синфлар, социал гуруҳлар, ижтимоий қатламлар. Мулкка эгаллик ва мулксизлик. Ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш социал ислохотларнинг бош мақсади. Оила ва этник бирликлар жамият таркибининг муҳим қисми. Ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувликни таъминлаш миллий мафкуранинг асосий ғояларидан эканлиги.

3.11. Ўзбекистон мустақиллигининг назарий-фалсафий масалалари.

Ўзбекистон мустақиллигини барча соҳаларда мустаҳкамлаш манфаатлари фалсафа фанига янгича методологик ёндашувларни тақоза этаётгани. Ўтиш даври қийинчиликларини енгиб ўтиш, тараққиётнинг янги босқичига кўтаришда фалсафага ва фалсафа фанига турлича муносабатлар. Ўзбекистонда фалсафани фан сифатида шакллантиришнинг муҳимлиги. Фалсафани тубдан янгилаш тўғрисидаги фикрлар ворислик қонуниятига хилофлиги. Миллий фалсафа (ёки ўзбек фалсафаси)

фалсафа фанининг таркибий қисми сифатида шакллансагина у эътиборга сазовор бўла олиши мумкинлиги.

Воқеликнинг ўзгариши билан ижтимоий ва индивидуал онгнинг янгича йўналишда ривожланиши, бунда фалсафий фанлар олдига жамият томонидан қўйилаётган катта талаблар. Ижтимоий фанларнинг янги воқеликка монанд тарзда ривожланишида фалсафа фанининг ўрни ва ролининг ошиб бориши. Соғлом илмий баҳс ва мунозара муҳитини яратиш ижтимоий зарурат эканлиги.

3.12. Жамиятни илмий билиш ва илмий бошқариш муаммолари

Ижтимоий воқеликни билишнинг моҳияти, мазмуни ва ўзига хос хусусиятлари. Ижтимоий билишда субъект ва объектнинг ўзаро таъсири. Ижтимоий қонуниятларнинг хусусиятлари, уларнинг табиат қонунларидан фарқи. Ижтимоий билишнинг сиёсат, давр манфаатлари, мафкура билан боғлиқлиги.

Ижтимоий билиш усуллари. Социал далил, кузатиш, статистик маълумотларнинг роли. Башорат қилиш. Ижтимоий прогноз, уларнинг ижтимоий билишдаги аҳамияти. Жамият тараққиёти қонунларини билишда фаннинг, хусусан ижтимоий фанларнинг роли.

Жамият тараққиёти истиқболнинг фалсафий асослари Ижтимоий ҳаёт ҳодисалари тараққиётини олдиндан билиш-жамиятни онгли равишда бошқариш йўли. Ҳозирги замон фан ва техника ютуқларидан самарали фойдаланиш. Инсон ақлий фаолиятини оқилона ишларга, бунёдкорликка буриб юбориш тарихий зарурат эканлиги. Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук ва баркамол инсонлар ҳал қилиши. Жамиятни бошқаришда халқ эҳтиёжларини ҳисобга олиш, улар билан маслаҳат қилиш, мулоқотда бўлишнинг зарурлиги.

3.13. Инсоният истиқболи. Глобал муаммолар фалсафаси.

Жаҳон цивилизациясининг ҳозирги даврдаги ўзига хос хусусиятлари. Халқаро интеграция жараёнлари ва универсал технологиялар. Мустақилликка эришган мамлакатларнинг жаҳон миқёсида нуфузининг тобора ошиб бориши.

Ҳозирги замон умумбашарий муаммолари. Ушбу муаммоларни ҳал қилишда барча миллатлар ва давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни тиклаш зарурати.

Жаҳон ва Ўзбекистон XXI асрда: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Инсон ва инсоният, улар тақдирининг муштараклиги. Умумбашарий муаммоларни ўрганишнинг тарбиявий аҳамияти.

2. СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ МАВЗУЛАРИ.

1- БЎЛИМ. ФАЛСАФА ФАНИНИНГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ.

1.1-Мавзу: Фалсафа ва дунёқараш. Фалсафий дунёқараш хусусиятлари ва тамойиллари. (2 соат).

Режа:

1. Фалсафа фанининг предмети, унинг асосий муаммолари.
2. Дунёқараш тушунчаси, унинг тарихий шакллари: мифологик, диний ва фалсафий.
3. Фалсафий дунёқарашнинг ўзига хос хусусиятлари. Назария ва амалиёт бирлиги - фалсафий дунёқараш тамойили.
4. Фалсафа фани ва фалсафий дунёқарашнинг инсон тафаккур ва турмуш тарзини шакллантириш ва такомиллаштиришдаги ўрни.

1.2.-Мавзу: Фалсафанинг асосий йўналишлари, фанлар tizимидаги ўрни ва вазифалари. (2 соат).

Режа:

1. Фалсафий билимлар тизими. Фалсафий ғоя ва назариялар, уларнинг асосий йўналишлари.
2. Фалсафа ва бошқа фанлар, уларнинг ўзаро муносабати.
3. Фалсафанинг жамият ҳаётидаги роли ва унинг асосий вазифалари.
4. Фалсафа ва миллий мафкура масаласи. Ёш авлодни маънавий комиллик, мустақилликка садоқат руҳида тарбиялашда фалсафанинг аҳамияти.

II-бўлим: Фалсафа тарихи.

2.1-Мавзу: Қадимги Шарқ мамлакатларида илк фалсафий фикрларнинг вужудга келиши. (2 соат)

Режа:

1. Қадимги Шарқда илк фалсафий фикрлар шаклланишининг маданий-маънавий асослари.
2. Қадимги Бобил ва Мисрда фалсафий фикрнинг шаклланиши.
3. Қадимги ҳинд фалсафаси: Ведалардаги фалсафий ғоялар. Қадимги ҳинд фалсафий мактаблари (жайнизм, чорвақлар, буддизм).
4. Қадимги Хитой фалсафаси: конфуцийчилик ва даосизм ғоялари.

2.2-Мавзу: Қадимги Марказий Осиёда илк ижтимоий фалсафий фикрларнинг вужудга келиши. (2 соат)

Режа:

1. Қадимги Марказий Осиёдаги фалсафий қарашларда борлиқ, олам, инсон ҳақидаги содда тасаввурларнинг ифодаланиши. (Халқ оғзаки ижоди ва ёзма манбалар). Зардуштийликнинг пайдо бўлиши.

2. “Авесто”да олам, борлиқ ва рух, табиат ва одам, инсон ва жамият тўғрисидаги қарашлар. “Авесто”да эзгулик ва инсон камолоти ҳақида ғоялар.

3. Моний фалсафаси. Маздак ғоялари.

4. Буддавийлик диний-фалсафий таълимнинг Марказий Осиёда тарқалиши.

5. Ёшларда тарихий хотирани тиклаш, миллий қадриятларга содиқлик, ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришда фалсафий мероснинг аҳамияти.

2.3-Мавзу: Қадимги Юнонистон ва Римда фалсафий фикрларнинг юзага келиши ва ривожланиши. (4 соат)

1-машғулот.

1. Қадимги Юнонистондаги ижтимоий-иқтисодий, маданий тараққиётнинг ўзига хос хусусиятлари. Милет ва Элей фалсафий мактаблари (Фалес, Араксимандр, Анаксимен, Ксенофан, Праменид, Зенон).

2. Эфеслик Гераклит фалсафаси. Қадимги Юнонистонлик атомистлар Левкипп, Демокрит, Эпикур.

3. Софистлар фалсафаси. Сукрот ва Афлотун фалсафаси. Пифагор ва пифагорчилар.

4. Аристотелнинг олам ҳақидаги фалсафаси, диалектикаси ва билиш назарияси. Аристотел мантиқи (логикаси).

II-машғулот.

1. Қадимги Римда фалсафий фикрлар. Лукреций Карнинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари.

2. Қадимги Римда стоиклар таълимоти. Цицерон, Варрон, Сенека, Марк Аврелий, Антонийларнинг фалсафий, ижтимоий-сиёсий қарашлари.

3. Сўнгги антик даврда неоплотонизм таълимоти ва Плотин фалсафаси.

4. Апологетика ва патристика. Тертуллиан ва Августиннинг фалсафий таълимотлари.

2.4-Мавзу: Ўрта асрларда Марказий Осиёда диний-фалсафий фикрлар. (2 соат).

Режа:

1. Марказий Осиёга ислом динининг кириб келиши.

2. Ислом илоҳиёти (фалсафаси)нинг шаклланиши, исломдаги икки оқим: мутакаллимлар ва мутазилийлар.

3. Суфийлик (тасаввуф)нинг исломдаги диний-фалсафий оқим сифатида вужудга келиши, ғоявий мазмуни, тариқатлари.

4. Сўфийлик таълимотида комил инсон тўғрисидаги фикрлар ва унга илмий-фалсафий муносабат масаласининг долзарблиги.

2.5-Мавзу: IX-XII асрларда араб-мусулмон оламида Уйғониш даври. (4 соат).

1-машғулот.

1. Араб - мусулмон оламида Уйғониш даври. Ислом доирасида хурфикрлилик. Марказий Осиёда Уйғониш даври хусусиятлари.

2. Мухаммад ибн Мусо ал-Хоразмий ва Аҳмад ал-Фарғонийнинг табиий-илмий ва фалсафий қарашлари.

3. Форобийнинг борлиқ, билиш назарияси ҳақидаги фалсафий қарашлари. Форобийнинг инсон тарбияси, жамият ва давлат муаммоларига доир фалсафий қарашлари.

4. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг илмий-фалсафий қарашлари.

II-машғулот.

1. Берунийнинг борлиқ, материя, ҳаракатга доир табиий-илмий, фалсафий қарашлари.

2. Ибн Синонинг борлиқ ва билиш масалаларига доир фалсафий қарашлари.

3. Ибн Синонинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари.

4. Аҳмад Югнакий ва Юсуф Хос Хожибнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари.

2.6-Мавзу: Ўрта асрлар Европа фалсафаси. (2 соат)

Режа:

1. Ўрта асрларда схоластиканинг келиб чиқиши, унинг мазмун ва моҳияти. Реализм ва номинализм.

2. Ансельм Кентерберийский, Пьер Абелярларнинг реалистик қарашлари.

3. Фома Аквинскийни диний-фалсафий қарашлари.

4. Дунс Скотт, Уильям Оккамларнинг фалсафий қарашлари.

2.7-Мавзу: XIV-XV асрларда Марказий Осиёда табиий-илмий, ижтимоий-фалсафий фикрлар. (4 соат).

I-машғулот.

1. Темурийлар даврида фан ва маданият тараққиёти.

2. Улуғбекнинг табиий-илмий, ижтимоий-сиёсий қарашлари.

3. Захириддин Бобурнинг ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий қарашлари.

II-машғулот

1. Алишер Навоийнинг олам ва уни билишга доир фалсафий қарашлари.

2. Алишер Навоийнинг инсон ва унинг ахлоқи ҳақидаги қарашлари.

3. Алишер Навоийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари.

2.8-Мавзу: Ғарб Уйғониш даври фалсафаси (2 соат).

Режа:

1. Ғарб Уйғониш даври гуманизмининг моҳияти ва хусусиятлари.

2. Николай Кузанский, Ж.Бруно, Галилео Галилейларнинг олам ва уни билиш ҳақидаги фалсафий қарашлари.

3. Уйғониш даврида социологик таълимотларнинг ривожланиши Никола Макиавелли, Томас Мор, Томмазо Компонелларнинг идеал жамият ҳақидаги фалсафий қарашлари.

2.9-Мавзу: XVI-XVIII асрлар Ғарбий Европада фалсафанинг ривожланиши (4 соат).

I-машғулот.

1. XVI-XVII асрлар фалсафасининг асосий хусусиятлари, унинг ижтимоий ва гносеологик манбалари.

2. Ф.Бэкон ва Р.Декартларнинг билиш назарияси.

3. Т.Гоббс ва Ж.Локк фалсафий қарашлари.

4. Б.Спиноза ва Г.Лейбницларнинг фалсафий қарашлари.

II-машғулот.

1. XVIII аср Европа маърифат фалсафаси. Инглиз фалсафасидаги маърифатпарварлик ғоялари. Ж.Голанд фалсафасида хурфикрлик.
2. Ж.Берклининг фалсафий ғоялари. Д. Юм фалсафада агностицизм асосчиларидан бири.
3. Француз маърифатпарвар файласуфларининг борлиқ, оламни билиш ҳамда ижтимоий-фалсафий қарашлари. (Ф. Вольтер, Ж.Ж.Руссо, Ш.Монтескье, Д.Дидро, П.А.Гольбах, К.А.Гельвеций, Ж.О.Ламетри).
4. Немис маърифатчилик фалсафаси.(Г.Лессинг, И.Гердер, Гёте, Шиллер кабилар).

2.10-Мавзу. Германияда фалсафий фикрлар ривожланиши.

Марксча фалсафа: унинг қадрланиши ва қадр-сизланиш сабаблари (4 соат)

I-машғулот.

1. Немис классик фалсафасининг асосчиси И.Кантнинг фалсафий ғоялари ва ижтимоий-сиёсий қарашлари.
2. Фихте ва Шеллингнинг фалсафий қарашлари.
3. Гегел фалсафий системаси ва диалектикаси.
4. Фейербахнинг антропологик фалсафаси.

II-машғулот

1. Марксча фалсафа вужудга келишининг тарихий шарт-шароитлари ва унинг назарий манбалари.
2. Марксча фалсафанинг моҳияти ва ундаги синфийлик тамойилининг салбий оқибатлари.
3. Ленин томонидан марксизмнинг сийқалаштирилиши.
4. Марксизмнинг маълум бир тарихий даврда қадрланиши ва сўнгра қадрсизланишининг туб сабаблари.

2.11-Мавзу: Россияда XVIII-XIX асрларда ижтимоий-фалсафий фикрлар тараққиёти. «Рус космизми» (2 соат).

Режа:

1. Россияда XVIII асрда фан ва маданият ривожини. М.В.Ломоносов, Н.А.Рашидчевларнинг табиий-илмий, ижтимоий-сиёсий фикрлари.
2. В.Г.Белинский, А.И.Герцен, Н.Г.Чернишевский, Н.Добролюбовларнинг фалсафий ва ижтимоий-сиёсий қарашлари.
3. Рус фалсафасида ижтимоий-диний қарашлар.
4. Рус фалсафий фикр тараққиётида космизм таълимотининг ифодаланиши.

2.12-Мавзу: XVI аср охири ва XIX асрда Марказий Осиёда ижтимоий-фалсафий фикрлар (2 соат).

Режа:

1. XVI-XIX асрларда Ўрта Осиё фани ва маданиятининг ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ҳолда ривожланиши.
2. Мирзо Бедилнинг борлиқ, инсон, жамият, давлат, одоб-ахлоқ тўғрисидаги ижтимоий-фалсафий қарашлари.
3. Боборахим Машрабнинг дунёқараши, ижтимоий-фалсафий қарашлари.
4. Махмур, Гулханий, Огаҳийларнинг дунёқараши.

2.13-Мавзу. XIX аср охири ва XX аср бошларида Марказий Осиёда ижтимоий-фалсафий фикрлар ривожини (2 соат).

Режа:

1. XIX аср охири XX аср бошларида Марказий Осиёда маънавий ҳаётнинг юксалиши. Аҳмад Дониш, Фурқат, Муқимийларнинг маърифатпарварлик ғоялари.
2. Маърифатпарвар ўзбек аёлларининг ижтимоий-фалсафий қарашлари (Нодира, Зебинисо, Увайсий, Анбар Отин).
3. Жаҳидларнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари. (Бехбудий, Мунаввар қори, Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний).
4. Ғоявий парокандалик ва унинг ижтимоий-сиёсий оқибатлари. Совет даври мустабидчилиги мафқураси асоратлари: фалсафий ҳулоса ва сабоқлари.

2.14-Мавзу: XIX аср охири XX аср бошларида Ғарб фалсафаси. (2 соат).

Режа:

1. XIX аср охири -XX асрда ижтимоий-сиёсий ҳаёт, фан-техника тараққиёти ва маънавий маданиятдаги ўзгаришларнинг Ғарб фалсафасида акс этиши.
2. Позитивизм фалсафаси. Неопозитивизм ва постпозитивизм ғоялари.
3. Экзистенциализм фалсафаси.
4. Психоаналитик оқимнинг вужудга келиши. З.Фрейднинг ижтимоий-фалсафий қарашлари.

2.15-Мавзу: Ҳозирги замон фалсафаси (2 соат).

Режа:

1. XX асрнинг иккинчи ярмида фаннинг ривожланиши. К.Поппер, Т.Куннинг фан ривожланиши ва унинг фалсафий мазмуни ҳақидаги фикрлари.
2. XIX-XX асрлар Ғарбий Европада “ҳаёт фалсафаси” (Ф.Ницше, В.Дильтей, Г.Зиммель, А.Бергсон, О.Шпенглер).
3. Неотомизм - ҳозирги замон Ғарб диний-фалсафий таълимотларидан бири.
4. Замонавий хорижий Шарқ мамлакатларида фалсафий фикрлар, оқим ва мактаблар.

III бўлим. Фалсафа фани назарияси.

3.1-Мавзу: Борлиқ фалсафаси (2 соат).

Режа:

1. Борлиқ тушунчаси ва унинг асосий турлари. Борлиқ ва субстанция муаммоси. Дунёнинг моддий бирлиги.
2. Материя-борлиқнинг моддий шакли. Материя тузилиши ва хусусиятлари ҳақида ҳозирги замон фани.
3. Ҳаракат тушунчаси. Ҳаракат ва тараққиёт. Ҳаракатнинг асосий шакллари.
4. Фазо ва вақт - материя мавжудлигининг объектив шакллари.

3.2-Мавзу. Табиат борлиқнинг ажралмас қисми (2 соат).

Режа:

1. Табиат тушунчаси. Ноорганик ва органик табиат, уларнинг ўзаро алоқадорлиги ва бир-биридан фарқи. «Иккинчи табиат».
2. Табиат ва инсон, уларнинг бир-бирига таъсири.
3. Экологик муаммолар ва уларни бартараф қилиш йўллари.
4. Экологик онгни шакллантириш ва экологик тарбияни кучайтириш зарурияти.

3.3-Мавзу: Онг. Ижтимоий онг ва унинг асосий шакллари ва даражалари. Рухга фалсафий ёндашув. (4 соат).

I – машғулот.

1. Онг ва рухни фалсафий тушуниш. Онг-инъикос ва фаолият.
2. Онгнинг келиб чиқиши ва тараққиёти ҳақидаги илмий маълумотлар.
3. Онгли фаолиятнинг асосий шакллари. Ҳаёл, хотира, ирода.
4. Онг ва тил орасидаги муносабатлар. Онг ва кибернетика муаммоси.
5. Онг ва ўз-ўзини англаш. Миллий ўзликни англаш.

2 – машғулот.

1. Ижтимоий онг ва унинг моҳияти. Ижтимоий онгнинг даражалари: Ижтимоий руҳият, ижтимоий мафкура. Миллий истиқлол мафкураси - жамиятни истиқболга етакловчи куч.
2. Ижтимоий онг шакллари уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва ўзаро алоқадорлиги
3. Сиёсат ва ҳуқуқий онг.
4. Эстетик, ахлоқий, диний, экологик онг.
5. Мустақиллик шароитида кишиларда юксак сиёсий, ҳуқуқий, эстетик, ахлоқий, фалсафий онг ва маънавиятни шакллантиришнинг аҳамияти ва йўллари.

3.4-Мавзу: Диалектика назарияси. Ҳаракат ва тараққиёт, унинг фалсафий мазмуни (2 соат).

Режа:

1. Тараққиёт ва алоқадорлик тушунчалари, уларнинг турлари.
2. Билишнинг тарихан шаклланган услублари: диалектика, софистика, догматика, метафизика, эклектика, синергетика.
3. Кадрларда фалсафий тафаккурлаш маданиятини ривожлантириш зарурати.

3.5-Мавзу: Қонун ва фалсафа фани қонунлари (4 соат).

I - машғулот.

1. Фалсафада қонун тушунчаси. Табиат ва жамият қонунларидаги умумийлик ва тафовут. Қонун ва қонуният.
2. Миқдор ва сифатнинг ўзаро ўтиш қонуни.
3. Миқдор ва сифат ўзгаришларининг бир-биридан фарқи. Сакраш тушунчаси. Сакраш турлари.

4. Микдор ва сифат ўзгаришларининг бир-бирига ўтиши қонунининг амалий ва илмий аҳамияти. Республикамизда мустақиллик туфайли рўй бераётган туб сифат ўзгаришлари ва уларнинг моҳияти.

II машғулот.

1. Диалектик зиддиятлик қонуни ва унинг моҳияти.
2. Диалектик зиддиятлар ва уларнинг турлари: ички ва ташқи, асосий ва ноасосий, антогонистик ва ноантогонистик зиддиятлар. Зиддиятларни бартараф этиш йўллари билишнинг амалий ва илмий аҳамияти.
3. Инкорни инкор қонуни, унинг моҳияти. Диалектик ва нигилистик инкорнинг ўзига хос хусусиятлари.
4. Ворислик - эскини инкор ва янгиликни иқдор қилишнинг фалсафий усули сифатида. Мустақилликни мустақамлаш жараёнида ворисликка муносабат.
5. Ворисликнинг миллий мафқурани шакллантириш ва комил инсон тарбияси учун аҳамияти.

3.6-Мавзу: Фалсафа фани категориялари. (4 соат).

1-машғулот.

1. Категория тушунчаси. Фалсафий категориялар, уларнинг оламни билишдаги ўрни.
2. Оламдаги умумий алоқадорликни ифодаловчи категориялар: айримлик, хусусийлик ва умумийлик; моҳият ва ҳодиса.
3. Оламдаги структуравий алоқадорликни акс эттирувчи категориялар: мазмун ва шакл, бутун ва қисм; система, структура ва элемент.

2-машғулот.

1. Нарса ва ҳодисалар ўртасидаги сабабли боғланиш (детерминизм)ни ифодаловчи категориялар: сабаб ва оқибат.
2. Зарурият ва тасодифият.
3. Имконият ва воқелик.

3.7-Мавзу: Фалсафа фанининг билиш назарияси (4 соат).

1-Машғулот.

1. Билиш-воқеликнинг инъикоси. Билиш субъекти ва объекти. Билиш зиддиятли диалектик жараён. Билиш жараёнида амалиётнинг роли.
2. Билишнинг босқичлари. Ҳиссий ва ақлий билиш, уларнинг шакллари.
3. Ҳақиқат тушунчаси. Ҳақиқатнинг объективлиги. Мутлоқ ва нисбий ҳақиқатлар, уларнинг диалектик алоқадорлиги. Ҳақиқатнинг конкретлиги.
4. Билиш жараёнида ижод ва интуициянинг роли.

2-Машғулот.

1. Илмий билиш, унинг ўзига хос хусусиятлари. Илмий билишнинг эмпирик ва назарий даражалари, уларнинг бирлиги.
2. Илмий билишнинг умумий мантиқий усуллари: анализ ва синтез, индукция ва дедукция, абстрактлашув, аналогия, моделлаштириш кабилар.
3. Эмпирик тадқиқот жараёнида қўлланиладиган усуллар: кузатиш, ўлчаш, таққослаш, эксперимент.
4. Назарий билиш усуллари: формаллаштириш, аксиомалаштириш, тарихийлик ва мантиқийлик

5. Илмий билишнинг шакллари: муаммо, илмий далил, илмий ғоя, гипотеза, назария, илмий олдиндан билиш.

3.8-Мавзу: Фалсафада инсон муаммоси, унинг асосий жиҳатлари (2 соат).

Режа:

1. Фалсафада инсон муаммоси, унинг моҳияти. Инсон, унинг моҳияти, ҳаётдаги ўрни, кадр-қиммати, иймон-этиқоди, одоб-ахлоқи ҳақида Шарқ мутафаккирларининг қарашлари.

2. Инсонда биологик ва ижтимоий жиҳатлар. «Инсон», «Одам», «Шахс» тушунчалари. Шахс ва жамият.

3. Шахснинг табиий, ижтимоий ва маънавий - руҳий хусусиятлари. Шахснинг ноёблиги ва бетакрорлиги. Шахснинг шаклланишида оила, маҳалла, ўқув ва меҳнат жамоаси, тарихий давр, ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ўрни. Комил инсон тушунчаси.

4. Мустақил Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шаклланишида инсон қадри ва эркинликларининг роли. Шахс эркинлиги ва масъулиятининг узвий боғлиқлиги. Ижтимоий тараққиётда инсон омилининг ошиб бориши.

3.9-Мавзу: Маданият, қадриятлар, уларнинг инсон маънавий камолотидаги ўрни (2 соат).

Режа:

1. Маданиятни фалсафий тушуниш. Маданият турлари. Маданиятда миллийлик ва умуминсонийлик.

2. Маданиятнинг жамиятдаги функциялари. Ўзбекистон мустақиллиги шароитида миллий маданиятимизнинг тикланиши ва ривожланиши.

3. «Қадрият» тушунчаси, унинг турлари. Миллий ва умуминсоний қадриятлар, уларнинг алоқадорлиги

4. Миллий ва умуминсоний қадриятларнинг инсон маънавий камолотида тутган ўрни.

3.10-Мавзу: Жамиятни фалсафий англаш асослари (4 соат).

1-Машғулот

1. Жамият тушунчаси. Жамиятнинг моҳияти, келиб чиқиши ва тараққиёти тўғрисидаги диний ва ҳозирги социологик қарашлар.

2. Моддий неъматлар ишлаб чиқариш - жамият ривожланишининг табиий ва зарурий шарти. Жамият ўз-ўзини ташкилловчи ва бошқарувчи тизим (система) эканлиги

3. Жамиятнинг сиёсий ташкилотлари. Жамиятнинг сиёсий ҳаётида давлатнинг ўрни ва роли.

4. Сиёсий партия. Жамоат ташкилотлари ва ижтимоий ҳаракатлар фуқаролик жамияти сиёсий ҳаётининг таркибий қисми.

5. Фуқаролик жамиятида нодавлат ташкилотларининг тутган ўрни. Сиёсий ҳаётни эркинлаштириш - жамият тараққиёти устивор йўналиши.

2-Машғулот

1. Жамият ҳаётининг социал структураси: синфлар, социал гуруҳлар, ижтимоий қатламлар.

2. Оила ва этник бирликлар (уруғ, қабила, элат, миллат) жамият таркибининг муҳим қисми.

3. Ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувликни таъминлаш - миллий мафкураининг асосий ғоялари.

4. Тарихий жараённинг субъекти ва ҳаракатлантирувчи кучлари. Жамиятнинг инқилобий ва тадрижий йўл билан ривожланишининг шарт-шароитлари ва омиллари.

3.11-Мавзу: Ўзбекистон мустақиллигининг назарий-фалсафий

м а с а л а л а р и. (2 соат).

Режа:

1. Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўли ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Мустақилликнинг фалсафий муаммолари.

2. Миллий маънавият ва ижодий тафаккур - жамият ижтимоий янгилианишининг бош омиллари.

3. Мустақил Ўзбекистонда фалсафа фани вазифалари.

4. Мустақилликни мустаҳкамлашда миллий истиқлол мафкурасининг аҳамияти.

3.12-Мавзу: Жамиятни илмий билиш ва илмий бошқариш муаммолари (2 соат).

Режа:

1. Ижтимоий воқеликни, билиш ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Ижтимоий билишда субъект ва объектнинг ўзаро таъсири.

2. Ижтимоий билишга инсон, синфлар, миллатлар ва давлатлар эҳтиёжлари, манфаатлари ва дунёқарашларининг таъсири.

3. Ижтимоий билишда социал далил, кузатиш, статистик маълумотлар, ижтимоий башорат ва прогнозларнинг роли.

4. Жамият тараққиёти қонунларини билишда фаннинг, хусусан ижтимоий фанларнинг роли.

3.13-Мавзу: Инсоният истиқболи. Умумбашарий муаммолар фалсафаси (2 соат).

Р е ж а:

1. Жаҳон цивилизациясининг ҳозирги даврдаги ўзига хос хусусиятлари. Халқаро интеграция, глобаллашув жараёнлари ва универсал технологиялар.

2. Ҳозирги замон умумбашарий муаммолари, уларнинг келиб чиқиши ва ҳал этилиш йўллари.

3. Жаҳон ва Ўзбекистон ХХІ асрда: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.

4. Инсон ва инсоният, улар тақдирининг муштараклиги.

Фалсафа тарихи ва назарияси фанидан назорат с а в о л л а р и.

1. Фалсафа фанининг предмети, унинг асосий муаммолари.

2. Фалсафанинг келиб чиқиши, унинг фанга айланиш жараёни.

3. Дунёқараш тушунчаси, унинг моҳияти ва мазмуни.

4. Дунёқарашнинг тарихий шакллари. Мифологик дунёқараш ва унинг хусусиятлари.
5. Диний дунёқараш ва унинг хусусиятлари. Мустақил Ўзбекистонда динга муносабат.
6. Фалсафий дунёқарашнинг ўзига хос хусусиятлари.
7. Фалсафанинг жамият ҳаётидаги роли ва унинг асосий функциялари.
8. Фалсафа ва бошқа фанлар, уларнинг ўзаро муносабати.
9. Қадимги Шарқда илк фалсафий фикрларни вужудга келиши. (Бобил, Миср).
10. Қадимги Ҳинд фалсафаси.
11. Қадимги Хитойдаги фалсафий таълимотлар.
12. Марказий Осиёда энг қадимги фалсафий қарашлар. (Халқ оғзаки ижоди ва ёзма манбалар).
13. «Авесто»да олам, борлиқ ва руҳ табиат ва одам, инсон ва жамият тўғрисидаги қарашлар.
14. «Авесто»да эзгулик ва инсон камолоти ҳақидаги ғоялар.
15. Моний фалсафаси. Маздак ғоялари.
16. Қадимги Юнон фалсафаси. Милет ва Элей фалсафий мактаблари. (Фалес, Анаксимандр, Анаксиман, Ксенофан, Парменид, Зенон).
17. Гераклит фалсафаси.
18. Қадимги Юнонистонлик атомистлар Левкипп, Демокрит, Эпикурларнинг фалсафий қарашлари.
19. Софистлар фалсафаси. Сукрот ва Афлотун фалсафаси.
20. Аристотель фалсафаси.
21. Қадимги Римлик Лукреций Карнинг фалсафий қарашлари.
22. Қадимги Римда стоиклар таълимоти. Плотин фалсафаси.
23. Апологетика ва патристика.
24. Тертуллиан ва Августиннинг фалсафий таълимотлари.
25. Марказий Осиёда ислом илоҳиёти (фалсафаси)нинг шаклланиши.
26. Сўфийлик (тасаввуф) фалсафаси, ғоявий мазмуни ва кўринишлари.
27. Сўфийлик таълимотида комил инсон ғояси.
28. Араб - мусулмон оламида Уйғониш даври фалсафаси асосий хусусиятлари, табиий-илмий илдизлари.
29. Мухаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг табиий-илмий ва фалсафий қарашлари.
30. Ахмад ал-Фарғонийнинг табиий-илмий қарашлари.
31. Форобийнинг фалсафий қарашлари.
32. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг илмий-фалсафий қарашлари.
33. Берунийнинг табиий-илмий, фалсафий қарашлари.
34. Ибн Синонинг фалсафий қарашлари.
35. Ахмад Югнакийнинг ижтимоий фалсафий қарашлари.
36. Ўрта асрлар схоластикасида икки оқим: реализм ва номинализм.
37. Ансельм Кентерберийский, Пеър Абелярларнинг реалистик қарашлари.
38. Фома Аквинскийнинг диний-фалсафий қарашлари.
39. Дунс Скотт, Уиълям Окконмларнинг фалсафий қарашлари.
40. Ғарб Уйғониш даври фалсафаси.
41. Ғарб Уйғониш даврида социологик таълимотларнинг ривожланиши.

42. Улуғбекнинг табиий-илмий, ижтимоий-сиёсий қарашлари.
43. Бобурнинг ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий қарашлари.
44. Алишер Навоийнинг ижтимоий фалсафий қарашлари.
45. XVII - XVIII асрлар инглиз фалсафаси.
46. XVIII аср француз маърифатчилиги ва фалсафаси.
47. Немис классик фалсафаси. И.Кантнинг фалсафий қарашлари.
48. Гегель фалсафий системаси ва диалектикаси.
49. Фейербахнинг антропологик фалсафаси.
50. Марксча фалсафанинг вужудга келишининг тарихий шарт-шароитлари ва унинг назарий манбалари.
51. Марксизмнинг маълум бир тарихий даврда қадрланиши ва сўнгра қадрсизланишининг туб сабаблари.
52. XVIII-XIX асрда Рус фалсафаси.
53. Рус фалсафасида ижтимоий-диний қарашлар.
54. Рус фалсафий фикр тараққиётида космоизм таълимотининг ифодаланиши.
55. Мирза Бедилнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари.
56. Боборахим Машрабнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари.
57. XIX аср охири XX аср бошларида Марказий Осиёда маърифатпарварлик ғоялари.
58. Маърифатпарвар ўзбек аёлларининг ижтимоий-фалсафий қарашлари. (Нодира, Зебинисо, Увайсий, Анбар Отин).
59. Жаидларнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари.
60. Позитивизм фалсафаси. Неопозитивизм, постпозитивизм ғоялари.
61. Экзистенциализм фалсафаси.
62. З.Фрейднинг ижтимоий-фалсафий қарашлари.
63. К.Поппер, Т.Куннинг фан методологияси ҳақидаги фалсафий фикрлари.
64. Неотомизм - ҳозирги замон Ғарб диний фалсафаси.
65. Замонавий хорижий Шарқ мамлакатларида фалсафий фикрлар, оқим ва мактаблар.
66. Борлиқ тушунчаси ва унинг асосий турлари.
67. Дунёнинг моддий бирлиги. Субстанция тушунчаси.
68. Материя тушунчаси. Материя тузилиши ва хусусиятлари ҳақида ҳозирги замон фани.
69. Ҳаракат тушунчаси. Ҳаракат ва тараққиёт. Ҳаракатнинг асосий шакллари.
70. Фазо ва вақт материя мавжудлигининг объектив шакллари.
71. Табиат тушунчаси. Ноорганик ва органик табиат, уларнинг ўзаро алоқадорлиги ва бир-биридан фарқи. «Иккиламчи табиат».
72. Экологик муаммолар ва уларни бартараф қилиш йўллари.
73. Табиат-жамият-одамзод коэволюцияси: ИТИ шароитида уни тиклаш муаммоси.
74. Онгни фалсафий тушуниш. Онг, инъикос, фаолият.
75. Ижтимоий онг ва унинг моҳияти. Ижтимоий онгнинг нисбий мустақиллиги.
76. Ижтимоий онг даражалари: ижтимоий руҳият ва ижтимоий мафкура.

77. Онг ва ўз-ўзини англаш.
78. Миллий ўзликни англашнинг миллий мустақилликни мустаҳкамлашдаги роли.
79. Ижтимоий онг шакллари, уларнинг хусусиятлари, ўзаро алоқадорлиги.
80. Мустақиллик шароитида ижтимоий онг ва маънавийтни шакллантириш йўллари.
81. Тараққиёт ва алоқадорлик тушунчалари, уларнинг турлари.
82. Билишнинг тарихан шаклланган услублари: диалектика, метафизика, софистика, догматика, эклектика, синергетика.
83. Фалсафада қонун тушунчаси. Қонун ва қонуният.
84. Миқдор ва сифатнинг ўзаро ўтиш қонуни.
85. Диалектик зиддиятлилик қонуни ва унинг моҳияти.
86. Диалектик зиддиятлар ва уларни бартараф этиш йўллари.
87. Инкорни инкор қонуни.
88. Фалсафада категория тушунчаси, унинг моҳияти ва хусусиятлари.
89. Айримлик, хусусийлик ва умумийлик.
90. Моҳият ва ҳодиса.
91. Мазмун ва шакл.
92. Бутун ва қисм.
93. Система, структура ва элемент.
94. Сабаб ва оқибат.
95. Зарурият ва тасодифият.
96. Имконият ва воқеалик.
97. Фалсафа фани тамойиллари.
98. Билиш - воқеаликнинг инъикоси. Билиш субъекти ва объекти.
99. Билиш зиддиятли диалектик жараён. Билиш жараёнида амалиётнинг роли.
100. Билиш босқичлари. Ҳиссий ва ақлий билиш, уларнинг шакллари.
101. Ҳақиқат тушунчаси. Ҳақиқатнинг объективлиги.
102. Мутлақ ва нисбий ҳақиқатлар, уларнинг диалектик алоқадорлиги. Ҳақиқатнинг конкретлиги.
103. Билиш жараёнида ижод ва интуициянинг роли.
104. Илмий билиш, унинг ўзига хос хусусиятлари.
105. Илмий билишнинг эмпирик ва назарий даражалари.
106. Илмий билишнинг эмпирик даражаси ва унинг усуллари.
107. Илмий билишнинг назарий даражаси усуллари.
108. Фалсафада инсон муаммоси, унинг моҳияти.
109. Инсонда биологик ва ижтимоий жиҳатлар.
110. «Инсон», «Одам», «Шахс» тушунчалари.
111. Одамзотнинг келиб чиқиши ва эволюцион тараққиёти ҳақида ҳозирги замон фани.
112. Инсоннинг ҳаётдаги ўрни, кадр-қиммати, имон-этиқоди, одоб-ахлоқи ҳақида Марказий Осиё мутафаккирларининг қарашлари
113. Жамият ва инсон эволюцияси.
114. Маданиятни фалсафий тушунчаси. Маданият турлари, уларнинг ўзаро муносабати.
115. Маданиятнинг жамиятдаги функциялари.

116. Ўзбекистон мустақиллиги шароитида миллий маданиятимизнинг тикланиши ва ривожланиши.
117. Маданият ва цивилизация (тамаддун).
118. Қадрият тушунчаси. Қадриятларнинг турлари.
119. Миллий ва умуминсоний қадриятлар, уларнинг алоқадорлиги.
120. Мустақиллик туфайли қадриятларимизнинг тикланиши.
121. Жамият тушунчаси. Жамиятнинг моҳияти, келиб чиқиши ва тараққиёти тўғрисидаги диний ва ҳозирги социологик қарашлар.
122. Моддий неъматлар ишлаб чиқариш - жамият ривожланишининг табиий ва зарурий шarti.
123. Жамият ўз-ўзини ташкилловчи ва бошқарувчи тизим (система эканлиги).
124. Жамиятнинг сиёсий ташкилотлари, уларнинг моҳияти, вазифалари ва жамиятда тутган ўрни.
125. Жамиятнинг сиёсий ҳаётида давлатнинг ўрни ва роли.
126. Сиёсий ҳаётни эркинлаштириш жамият тараққиёти устивор йўналиши.
127. Жамият ҳаётининг социал структураси: синфлар, социал гуруҳлар, ижтимоий қатламлар.
128. Оила ва этник бирликлар (уруғ, қабила, элат, миллат).
129. Тарихий жараённинг субъекти ва ҳаракатлантирувчи кучлари.
130. Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
131. Мустақилликнинг фалсафий муаммолари.
132. Мустақилликни мустаҳкамлашда миллий истиқлол мафкурасининг аҳамияти.
133. Мустақиллик шароитида инсон тафаккур тарзини ўзгартиришда фалсафа фанининг ўрни.
134. Миллий мафкуранинг илмий негизда шаклланишида фалсафа фанининг ўрни.
135. Ижтимоий воқеаликни билиш ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
136. Ижтимоий билишда субъект ва объектнинг ўзаро таъсири.
137. Ижтимоий билишга инсон, синфлар, миллатлар ва давлатлар эҳтиёжлари, манфаатлари ва дунёқарашларининг таъсири.
138. Ижтимоий билишда социал далил, кузатиш, статистик маълумотларнинг роли.
139. Ижтимоий билишда башорат қилиш, ижтимоий прогнозларнинг аҳамияти.
140. Жаҳон цивилизациясининг ҳозирги даврдаги ўзига хос хусусиятлари. Халқаро интеграция, глобаллашув жараёнлари ва универсал технологиялар.
141. Ҳозирги замон умумбашарий муаммолари, уларнинг келиб чиқиши ва ҳал этилиш йўллари.
142. Жаҳон ва Ўзбекистон XXI асрда: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.
143. Мустақилликка эришган мамлакатларнинг жаҳон миқёсида нуфузининг тобора ошиб бориши.
144. Инсон ва инсоният, улар тақдирининг муштараклиги.
145. Умумбашарий муаммоларни ўрганишнинг тарбиявий аҳамияти.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси -Т. Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2-Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т. Ўзбекистон, 1997.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998.
5. Каримов И.А. Жамиятимиз мафқураси халқни халқ, миллатни миллат этишга хизмат қилсин. -Т.: Ўзбекистон, 1998.
6. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. -Т.: Ўзбекистон 1998.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломда. -Т.: Ўзбекистон 1999.
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. -Т.: Ўзбекистон 2000.
9. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафқураси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. -Т.: Ўзбекистон 2000.
- 10.Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. А.Қодирий номидаги халқ мероси нашр. -Т.: 1993.
- 11.Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. -Т.: Ўзбекистон нашр. 2001.
- 12.Мифы народов мира. Энциклопедия. В 2-х т. М.: 1994.
- 13.Гуннар Скирбек, Нилс Гилье. Фалсафа тарихи. -Т.: Шарқ, 2002.
- 14.Комилов Нажмиддин. Тасаввуф. 1-китоб. Т.: 1996
- 15.Комилов Нажмиддин. Тасаввуф. 2-китоб. Т.: 1998.
- 16.Комилов Нажмиддин. Нажмиддин Кубро. Т.: 1995.
- 17.«Авесто» Т. «Шарқ» нашриёти. 2001.
- 18.Туленов Ж. Диалектика назарияси. -Т.: «Ўзбекистон» нашр, 2001.
- 19.Фалсафа (ўқув қўлланма) Э.Ю.Юсуповнинг умумий таҳрири остида. -Т.: «Шарқ» нашр, 1999.
- 20.Навойи. Лисон ут-тайр. -Т.: 1991.
- 21.Йўлдошев С.А., Усмонов М.О., Каримов Р.Р. Қадимги ва Ўрта аср Фарбий Европа фалсафаси. -Т.: 2003.
- 22.Йўлдошев С.А. Антик фалсафа. -Т.: 1999.
- 23.Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. -Т.: 1995.
- 24.Искандаров Б. Ўрта Осиёда фалсафий, ижтимоий-сиёсий фикрлар тарихидан лавҳалар. -Т.: 1993.
- 25.Азимов Қ. Ислом ва ҳозирги замон. -Т.: 1991.
- 26.Хайруллаев М.М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккирлари. -Т.: 1991.
- 27.Хайруллаев М.М. Фаробий ва унинг фалсафий рисолалари. -Т.: 1963.
- 28.Шарипов А. Великий мыслитель Беруни. -Т.: 1972.
- 29.Юсуф Хос Хожиб. Қудатғу билиг. -Т.: 1972.
- 30.Аҳмад Югнакий. Ҳиббатул ҳаққойиқ. -Т.: 1971.
- 31.Воҳидов Х.Ф. Ўзбек маърифатпарварларининг социологик қарашлари. -Т.: 1966.
- 32.Қосимов Б. Жадидчилик «Ёшлик» журн. 1990. 7-сон.
- 33.Каримов Ж. Жадидчилик нима? «Санъат» журн. 1990, 12-сон.

34. Ёўлдошев С., Усмонов М.О., Каримов Р., Қобулнийёзова Г., Рўзматова Г. Янги ва энг янги давр Фарбий Европа фалсафаси. - Т.: 2002
35. Зотов А.Ф., Мельвиль Ю.К. Западная философия XX века. М.: изд. «Высшая школа» 1998.
36. Мўминов И.М. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий тафаккур тарихидан. - Т.: «Фан», 1994.
37. Чориев А. Инсон фалсафаси. -Т.: 2002.
38. Каримов Иброҳим. Фалсафа яхлит фан. -Т.: «Камалак-камолот» нашр, 1998.
39. Каримов Иброҳим. Маънавият, фалсафа ва хаёт. -Т.: «Фан» нашр 2001.
40. Основы философии (под ред. М.Ахмедовой); -Т.: Меҳнат, 2004.
41. Философия. Краткий тематический словарь. Ростов-на Дону. Изд. «Феникс» 2001 г.
42. Фалсафа асослари (К.Бўронов муҳаррирлигида) -Т.: Ўзбекистон, 2005.
43. Фалсафа (изоҳли луғат). -Т.: 2003 й.
44. Фалсафа: қомусий луғат. -Т.: Шарқ, 2004 й.
45. Фалсафа: Олий ўқув юртлири учун ўқув қўлланма. (М.Аҳмедова таҳрири остида) -Т.: 2006.
46. Фарб фалсафаси. -Т.: Шарқ, 2004.
47. Мир философии. В 2-х томах. -М.: Мысль, 1990.
48. Маънавият юлдузлари. -Т.: Ўзбекистон, 1999.
49. Нуритдинов М. Юсуф Қорабоғий ва Ўрта Осиёда XVI-XVII асрлардаги ижтимоий-фалсафий фикр. -Т.: Фан, 1991.
50. Шаповалов В.Ф. Основы философии современности. К итогам XX века: Курс лекций. -М.: Изд-во «Флинт» и «Науки», 1998.
51. Тўланов Ж. Қадриятлар фалсафаси. -Т.: «Ўзбекистон», 1998.
52. Асмус В.Ф. Античная философия. 3-е изд. -М.: Высш. шк., 1999.
53. Чанышев А.Н. Курс лекций по древней философии. -М.: Высш. шк., 1981.
54. Чанышев А.Н. Курс лекций по древней и средневековой философии. -М., 1991.
55. Жумабоев Ё. Ўзбекистонда фалсафий ва ахлоқий фикрлар тараққиёти тарихидан. -Т.: Ўқитувчи, 1997.
56. Ўзбекистон мустақиллиги ва фалсафа. -Т.: Университет, 1995.
57. Фалсафа ва унинг методологик муаммолари. -Т.: Фан, 1995.
58. Билиш фалсафаси (тузувчи ва таржимон Қиём Назаров). – Т.: Университет, 2005.
59. Фалсафа асослари. – Т.: Ўзбекистон, 2005.
60. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-Х томлар. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат нашриёти, 2000-2005 йиллар.
61. Шермухамедова Н. Гносеология – билиш назарияси. Т.: Noshir, 2011.
62. Каримов И., Рустамова М. Фалсафа тарихи ва назарияси. (Методик қўлланма).- Т.: ТДПУ, 2006.

ФАЛСАФА ТАРИХИ ВА НАЗАРИЯСИ

фанидан рейтинг ишланма ва баҳолаш мезонлари

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим Вазирлигининг 2009 йил 11 июндаги № 204 - сонли буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиши ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги НИЗОМИга Ўзбекистон Республикаси АВ 26.08.2010 й. 1981-1-сон билан рўйхатга олинган ОЎМТВ буйруғига киритилган ўзгартиришлар асосида Фалсафа кафедрасининг 2011 йил 27 августдаги йиғилишида тасдиқланган.

Фалсафа тарихи ва назарияси фанидан РЕЙТИНГ ИШЛАНМА

НАЗОРАТ ТУРЛАРИ	Аудитор ия соати	Мустақил таълим соати	Умумий вақт сарфи	Назорат сони	Балл	Жами балл
ЖН. 1.1. Семинар машғулотларини бажариш (оғзаки сўров).	80		158	40	0,85	34,0
1.2. ТМИ (Мустақил иш мавзуларини конспектлаштириш)		78		30	0,2	6,0
ОН. 2.1. Маъруза мавзулари бўйича оралиқ баҳолаш (тест).	78		156	2	10	20
2.2. ТМИ – Ёзма реферат иши тайёрлаш ва ҳимоя		78		1	10	10
ЯН. 3.1. Якуний баҳолаш: Ёзма иш (2та савол).				1	(2x15=30)	30
ЖАМИ:	158	156	314			100

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Фан бўйича талаба тўплаши мумкин бўлган максимал балл – 100 балл. Мустақил таълим ЖБ, ОБ, ЯБларда қўшиб баҳоланади. Шунинг учун мустақил таълим соатлари аудитория машғулотлари ўртасида тақсимланиб, баҳолаш турлари учун баллар тақсимотини аниқлашда машғулот учун умумий вақт сарфи асос қилиб олинади.

1.1. ЖН бўйича семинар машғулотларида қатнашиб, унинг топшириқларини тўла бажарган фаол талабага 0,6 – 0,8 балл берилади, агар тўла бўлмаса ва талаба пассив бўлса топшириқни бажариш даражасига қараб 0,5 – 0,6 баллгача берилади.

1.2. ЖН таркибида талабалар ёзма мустақил иш мавзуларининг конспекти, ҳажми ва сифатига қараб ҳар бир мавзу учун 0,2 баллда баҳоланади.

2.1. Оралиқ баҳолаш фаннинг тегишли бўлимлари бўйича тест синови ва ёзма реферат ҳимояси асосида ўтказилиб, талабадан 2та тест синовига жавоб бериши ва 1та мавзуда реферат тайёрлаши сўралади.

3.1. Якуний назоратда талаба 2 та саволга ёзма жавоб бериши лозим. Ҳар бир ёзма саволга 15 балл ажратилади.

- агар савол моҳияти тўла очилган бўлиб, мавзу бўйича талабанинг мустақил таҳлилий мулоҳазалари баён қилинган бўлса 13 – 15 балл;

- савол моҳияти очилган, асосий фактлар ва маълумотлар тўғри баён қилинган бўлса 11 – 13 балл;

- саволга умуман тўғри жавоб берилган, лекин айрим камчиликлари бор бўлса 9 – 10 балл;

- саволга жавоблар умумий, мавҳум ва камчиликлар кўпроқ бўлса – 8,3 баллдан кам берилади.

НАЗОРАТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА БАЛЛАР ТАҚСИМОТИ ВА УНИ БАҲОЛАШ МЕХАНИЗМИ

1. СЕМИНАР МАШҒУЛОТИ БЎЙИЧА (Жорий баҳолаш)

Максимал балл - 40 балл, Саралаш балл – 22,4 балл

№	Баҳолаш тури	Ўтказилиш шакли	Бажариш механизми	Талаба тўплаши мумкин бўлган максимал балл	Бажариш вақти
1	ЖБ	Оғзаки савол-жавоб ва ёзма конспект	10 та мавзудан иборат топшириқ берилади.	Ҳар бир мавзуга тўғри берилган жавоб учун 1,4 балл белгиланади. 1-ЖБ учун максимал жами 14 балл берилади.	Дарс жараёнида
2	ЖБ	Оғзаки савол-жавоб ва ёзма конспект	10 та мавзудан иборат топшириқ берилади.	Ҳар бир мавзуга тўғри берилган жавоб учун 1,3 балл белгиланади. 2-ЖБ учун максимал жами 13 балл берилади.	Дарс жараёнида
	ЖБ	Оғзаки савол-жавоб ва ёзма конспект	10 та мавзудан иборат топшириқ берилади.	Ҳар бир мавзуга тўғри берилган жавоб учун 1,3 балл белгиланади. 3-ЖБ учун максимал жами 13 балл берилади.	Дарс жараёнида

Изоҳ: Семинар машғулотлари учун 3 та ЖБ белгиланди. Натижада 14+13+13=40 балл

1-ЖБ дан ўтиш бали 7,8 балл, 2-ЖБ дан ўтиш бали 7,3 балл, 3-ЖБдан ўтиш бали 7,3 балл. Семинар машғулотлари бўйича ўтиш бали 22,4 балл. Аъло баҳога

(86-100 %)=34,4 - 40 балл, яхши баҳога (71-85 %)=28,4 – 34,3 балл. ўрта баҳога (55-70 %)=22,4 - 28 балл, қониқарсиз баҳога (55 % дан кам) =22,0 баллдан кам.

2. МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИ БЎЙИЧА (Оралиқ баҳолаш)

Максимал балл - 30 балл, Саралаш балл - 16,8

№	Баҳолаш тури	Ўтказил иш шакли	Бажариш механизми	Талаба тўплаши мамкин бўлган максимал балл	Бажар иш вақти
1	ОБ	Тест	Фалсафа Фани тарихи бўлими бўйича 50 та тест саволлари асосида назорат ўтказиш.	1 та тўғри жавоб учун 0,2 балл белгиланади. Жами 1-ОБ учун максимал балл 10 балл	Дарс жараёнида
2	ОБ	Тест	Фалсафа Фани назарияси бўлими бўйича 50 та тест саволлари асосида назорат ўтказиш.	1 та тўғри жавоб учун 0,2 балл белгиланади. Жами 2-ОБ учун максимал балл 10 балл	Дарс жараёнида
3	ОБ	Реферат химояси	Танланган мавзу бўйича реферат иши тақризи асосида назорат ўтказиш.	Реферат иши тайёрлаш ва химояси учун жами 3-ОБ учун максимал балл – 10 балл	Дарсдан ташқари мустақил таълим жараёнида

Изоҳ: Маъруза машғулотлари учун 3 та ОБ белгиланди. Натижада 10+10+10=30 балл

1-, 2- ва 3-ОБ лардан ўтиш бали 5,6 балл.

Маъруза машғулотлари бўйича ўтиш бали - 16,8 балл

Аъло баҳога (86-100) =25,8 - 30 балл, яхши баҳога (71-85) =21,3 – 25,6 балл,

Ўрта баҳога (55-70) =16,8 – 21,0 балл, қониқарсиз баҳога (55 дан кам) =16,6 баллдан кам

3. МАЪРУЗА ВА СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ КЎНИКМАЛАРИ БЎЙИЧА

(Якуний баҳолаш)

Максимал балл - 30 балл, Саралаш балл – 16,8 балл

№	Баҳолаш тури	Ўтказили иш шакли	Бажариш механизми	Талаба тўплаши мамкин бўлган максимал балл	Бажариш вақти
1	ЯБ	Ёзма	2 та саволдан иборат вариантлар асосида ёзма назорат ўтказиш	Ҳар бир савол учун максимал балл - 15 балл белгиланади. Жами ЯБ учун 30 балл қўйилади.	Фан бўйича охириги дарсдан кейин.

Аъло баҳога (86-100) =25,8 - 30 балл, яхши баҳога (71-85) =21,3 – 25,6 балл
ўрта баҳога (55-70) =16,8 – 21,0 балл, қониқарсиз баҳога (55 дан кам) =16,8
баллдан кам.

ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ИШ МАВЗУЛАРИ.

1. Фалсафа ва дунёқараш. Фалсафий дунёқараш хусусиятлари ва тамойиллари.
2. Фалсафанинг асосий йуналишлари, фанлар тизимидаги ўрни ва вазифалари.
3. Қадимги Шарқ (Миср, Бобил, Ҳиндистон, Хитой) фалсафасининг мактаб ва таълимотлари.
4. Қадимги Турон заминидаги илк ижтимоий-фалсафий ғоялар.
5. Антик юнон ва рим фалсафаси.
6. Илк ўрта асрларда Марказий Осиёда ислом илоҳиётининг асосий диний-фалсафий оқимлари.
7. Ўрта асрлар Европа фалсафаси.
8. IX-XII асрларда Шарқ Уйғониш даври фалсафаси.
9. XIV-XV асрларда Марказий Осиёда табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий фикрлар.
10. Ғарб Уйғониш даври фалсафаси.
11. Ғарбий Европада XVII аср – Янги давр фалсафасининг асосий таълимотлари ва хусусиятлари.
12. Европада XVIII аср – Маърифат даври ва фалсафаси.
13. Немис мумтоз миллий фалсафаси.
14. Фалсафий билимлар тарихида марксизм таълимоти ва унинг тарихий тақдири.
15. XVI-XIX асрларда Марказий Осиёда ижтимоий-фалсафий фикрлар.
16. XIX аср охири ва XX аср бошларида Марказий Осиёда маърифатпарварлик ва ижтимоий-фалсафий фикрлар ривожиди.
17. XIX аср охири XX аср бошларида Ғарб фалсафасининг асосий таълимотлари.
18. Ҳозирги замон жаҳон фалсафасининг асосий йўналиш ва таълимотлари.
19. Борлиқ фалсафаси: борлиқ, материя, ҳаракат, фазо ва вақт категориялари.
20. Табиат – фалсафий англаш объекти.
21. Фалсафада онг ва руҳият муаммоси. Ижтимоий онг ва унинг асосий шакллари ва даражалари.
22. Диалектика назарияси. Ҳаракат ва тараққиёт, унинг фалсафий мазмуни.
23. Қонун ва фалсафа фани қонунлари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари.
24. Фалсафа фани категориялари.
25. Фалсафа фанининг билиш назарияси.
26. Фалсафада инсон муаммоси.
27. Маданият, қадриятлар, уларнинг инсон маънавий камолотидаги ўрни.
28. Жамиятни фалсафий англаш асослари.
29. Ўзбекистон мустақиллигининг назарий-фалсафий масалалари.
30. Инсоният истиқболи. Глобал муаммолар фалсафаси.

РЕФЕРАТ МАВЗУЛАРИ.

1. Фалсафа ва дунёқараш, фалсафий дунёқарашнинг инсон тафаккур ва турмуш тарзини шакллантиришдаги ўрни.
2. Фалсафа фани, фалсафий билимлар тизими ва фалсафадаги турли ғоявий йўналишлар.
3. Қадимги ҳинд ва хитой фалсафаси.
4. Антик дунё фалсафасининг жаҳон фалсафаси, илм-фани ва маданияти тараққиётидаги ўрни.
5. Афлотун ва Арастунинг жамият ва давлат тўғрисидаги ғояларининг тарихий аҳамияти.
6. “Авесто” ва зардуштийлик таълимотининг дуалистик характери.
7. “Авесто”даги эзгулик ва комил инсон ҳақидаги ғоялар.
8. Ўрта асрлар Европа фалсафаси ва унинг схоластик мазмуни.
9. Шарқ Уйғониш даври фалсафаси хусусиятлари.
- 10.Фаробийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари.
- 11.Берунийнинг табиий-илмий ва фалсафий қарашлари.
- 12.Ибн Сино ва унинг илмий-фалсафий мероси.
- 13.Тасаввуф фалсафаси, унинг тариқатлари ва унда маънавий камолот ғоялари.
- 14.Алишер Навоийнинг маънавий мероси ва унинг ижтимоий-фалсафий ғоялари.
- 15.Ғарб Уйғониш даври гуманизми ва натурфалсафасининг моҳияти ва хусусиятлари.
- 16.Ғарб Уйғониш даври социологик таълимотларининг тарихий аҳамияти.
- 17.XVII аср Ғарбий Европа Янги давр фалсафасининг асосий хусусиятлари, унинг ижтимоий ва гносеологик манбалари.
- 18.Ф.Бэкон ва Р.Декарт билиш назарияси.
- 19.XVIII аср Ғарбий Европада Маърифат даври ва фалсафаси.
- 20.Немис классик миллий фалсафаси.
- 21.И.Кантнинг “танқидий фалсафаси”.
- 22.Г.Гегель фалсафий системаси ва диалектикаси.
- 23.Л.Фейербах ва унинг антропологик материализми.
- 24.XVIII-XIX асрларда рус фалсафий фикрининг асосий ғоялари.
- 25.Мирзо Бедилнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари.
- 26.XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистонда маърифатчилик фалсафаси.
- 27.Жадид маърифатпарварлиги ва унинг ижтимоий-фалсафий ғоялари.
- 28.XIX аср охири ва XX аср бошларида Ғарб фалсафаси ривожининг асосий йўналишлари.
- 29.Ҳозирги замон Ғарб фалсафаси ва унинг асосий оқимлари.
- 30.Замонавий хорижий Шарқ мамлакатларида фалсафий фикрлар, оқим ва мактаблар.
- 31.Борлиқ ва унинг мавжудлик шакллари.
- 32.Табиат ва уни фалсафий англаш асослари.

33. Экологик муаммолар, уларнинг вужудга келиш сабаблари ва ҳал этилиш масалалари.
34. Фалсафада онг ва руҳият муаммоси. Онг муаммосига анъанавий ва ноанъанавий ёндашувлар.
35. Ижтимоий онг, унинг даражалари ва асосий шакллари.
36. Мустақиллик шароитида кишиларда юксак сиёсий, ҳуқуқий, эстетик, ахлоқий, фалсафий онг ва маънавиятни шакллантиришнинг аҳамияти ва йўллари.
37. Диалектика – фалсафий методология.
38. Тараққиётнинг фалсафий-диалектик қонунлари.
39. Диалектика категориялари.
40. Билиш ва билим фалсафий таҳлил мавзуи сифатида.
41. Илмий билишнинг моҳияти ва услублари.
42. Фалсафада инсон муаммоси. “Инсон”, “одам”, “шахс” тушунчалари.
43. Ижтимоий тараққиётда инсон омили. Фуқаролик жамияти шаклланишида инсон қадри ва эркинликларининг роли.
44. Жамият тушунчаси, унинг моҳияти, мавжудлиги ва тараққиёти қонунлари.
45. Моддий неъматлар ишлаб чиқариш – жамият ривожининг табиий ва зарурий шарти.
46. Жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва унда давлат ва сиёсий партияларнинг ўрни ва роли.
47. Сиёсий ҳаётни эркинлаштириш – жамият тараққиётининг устувор йўналиши.
48. Жамият ҳаётининг социал структураси.
49. Тарихий жараённинг субъекти ва ҳаракатлантирувчи кучлари.
50. Ўзбекистон мустақиллиги ва унинг назарий-фалсафий масалалари.
51. Мустақилликни мустаҳкамлашда юксак маънавият ва миллий мафқуранинг аҳамияти.
52. Жамиятни илмий билиш ва илмий бошқаришда ижтимоий фанларнинг роли.
53. Жаҳон цивилизациясининг ҳозирги даврдаги ўзига хос хусусиятлари.
54. Умумбашарий (глобал) муаммолар, уларнинг асосий йўналиш ва намоён бўлиш хусусиятлари.
55. Жаҳон ва Ўзбекистон ХХІ асрда: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.

ИЗОҲ: Талабалар берилган мавзу асосида реферат ёзиб, оғзаки ҳимоя қилишади. Тайёрланган реферат иши кириш, рефератнинг мақсади ва вазифалари, асосий қисм (таҳлил қилинган саволлар асосида) ва хулоса қисмидан иборат бўлиши лозим. Реферат охирида фойдаланилган адабиётлар ва ахборот манбалари рўйхати келтирилади.

**ФАЛСАФА ТАРИХИ ВА НАЗАРИЯСИ ФАНИ БУЙИЧА
БАЖАРИЛАДИГАН МУСТАҚИЛ ИШ, РЕФЕРАТ, ОҒЗАКИ ВА
ЎЗМА ИШЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИ ЮЗАСИДАН УСЛУБИЙ
КЎРСАТМАЛАР:**

Талабаларнинг мустақил ижодий фаолияти уларда назарий фалсафий билимларнинг шаклланишига ва маълум кўникмаларини ҳосил қилишга ёрдам беради.

Талаба мустақил ишини бажариш жараёнида қуйидаги билим ва кўникмаларни ҳосил қилиши керак:

- махсус фалсафий атамалар категориялар-тушунчаларини эгаллаш;
- фалсафа тарихи ва назарияси буйича чуқур билимларга эга бўлиш;
- махсус фалсафий адабиётларни ўқиш ва тушуна олиш;
- фалсафий мунозара, бахслашиш куникмасига эга бўлиш;
- ўз мустақил фикрига эга бўлиш;
- ўз фаолияти жараёнида фалсафий дунёқарашни амалга ошириш.

Талабаларнинг асосий мустақил ишларига қуйидагилар киради:

1. Маъруза конспекти.
2. Семинар машғулотларга тайёргарлик.
3. Ўқув, илмий ва махсус адабиётлар билан ишлаш, манбаларни конспектлаштириш, шарҳлаш.
4. Оралик ва якуний назоратларга тайёрланиш.
5. Оддий ва электрон кутубхоналарда ишлаш, библиография тузиш.
6. Интернет оркали ахборот йиғиш ва уни ишлаб чиқиш.
7. Кичик илмий иш (реферат) бажариш.
8. Илмий ҳисобот, доклад, мақола ёзиш.
9. Илмий тўғаракларда, илмий анжуманларда, олимпиадаларда, ижодий танловларда иштирок этиш.

Маъруза конспектларини олиб боришга қўйиладиган талаблар:

1. Конспект олиб бориш учун махсус дафтарларининг борлиги.
2. Ўрганилаётган мавзуларнинг барча конспектларининг борлиги.
3. Янги тушунчалар, таърифлар, ном ва хулосаларни тўлиқ ёзиб борилиши.
4. Маълумотларни баён қилишда мантиқий изчиллик бўлиши.
5. Ўқитувчи бераётган маълумотларни аниқ қилиб ёза олиши.

Семинар машғулотларига тайёргарлик кўришга қўйиладиган талаблар:

1. Семинар машғулоти режаси билан танишиш.
2. Ушбу мавзу буйича эшитилган маъруза конспектини ўқиш.
3. Дарслик ёки ўқув қўлланманинг тегишли бўлими билан танишиш.
4. Тавсия қилинган адабиётлар, биринчи манбалар билан танишиш.
5. Қўшимча адабиётлар билан танишиш.
6. Ўқиб чиққан биринчи манбани конспект қилиш.
7. Семинарда муҳокама қилинмоқчи бўлган муаммо ёки саволларни ёзиб қўйиш.

Талабаларнинг оғзаки гапиришларига қўйиладиган талаблар:

1. Ушбу муаммо бўйича ўз фикрига (муносабатига) эга бўлиши;
2. Мавзуни назарий даражада фалсафий билимлардан (тамойиллари, категориялари, қонунлари ва усуллари) фойдаланиб очиб бера олиши;
3. Фалсафий манбалар ва ижтимоий амалиётдаги мисолларга таянган ҳолда ўз мавқеини асослаб бера олиши;
4. Кўриб чиқиладиган фалсафий қоидаларни ривожланишда тасаввур қила олиш;
5. Турли фалсафий қарашларни таққослаш;
6. Фалсафий қоидаларнинг амалий қимматини кўрсата олиш;
7. Гапираётган билан баҳслашишни билиши керак.

Кичик илмий иш (реферат ва ёзма иш)га қўйиладиган талаблар:

Кичик илмий иш (реферат ва ёзма иш) мавзуни танлаш, режа тузиш, материал тўплаш, уни ўрганиш ва тизимлаш, ишни расмийлаштириш каби босқичларда олиб борилади.

Мавзуни танлашда талабанинг ўз қизиқишига ушбу мавзуга оид адабиётларнинг борлиги, ишланганлик даражаси, амалий аҳамиятига эътибор бериш керак. Режа тузаётганда батафсил ҳар бир параграф бўйича саволномалар ёзиб чиқиш, уларни манбалар ва адабиётлар билан таъминланганлигига эътибор қилиш керак.

Материал тўплашда мавзу билан дарсликлар, ўқув қўлланмалар, қомусий луғатлар ёрдамида умумий танишиб чиқилади. Бунда танланган мавзунинг фалсафадаги ўрни, хронологик чегараси, унинг бошқа мавзулар билан ўзаро алоқадорлиги, мавзу бўйича манбаларни аниқлаш, илмий адабиётларни нашр йили ёки алифбе кетма-кетлигида жойлаштириш лозим.

Режа асосида мавзу устида ишлашда унинг долзарблигига аҳамият бериб манбалар ва адабиётлар ишлаб чиқилади. Улардан олинган маълумотларнинг муаллифлари, асарнинг номи, бетлари албатта кўрсатилиши керак.

Реферат ва ёзма ишни расмийлаштиришда унда титул варақи, кириш қисми, бўлимлари, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати бўлишига эътибор бериш керак. Реферат қўлёзма шаклида бажарилиши ва ҳимоя қилиниши лозим.

Талабаларнинг оғзаки ва ёзма ишларига қўйиладиган умумий талаблар:

1. Илмий тушунчалар, илмий сўз бойлигига эга бўлиши;
2. Жавобнинг тўлиқлиги, унинг асосланганлиги, ва исботланганлиги, тизимлилиги;
3. Назарияни амалиёт билан боғлай олиш.

Маъруза машғулотларининг технологик харитаси

<i>Иш жараён- лари вақти</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>Ўқитувчи</i>	<i>Талаба</i>
1-босқич. мавзуга кириш (10 дақиқа)	1.1.Мавзу билан таништирилиб, дастлабки умумий тасаввурни беради, дарснинг услубий ва ташкилий жиҳатлари билан таништиради.	Тинглайди ва ёзадилар.
	1.2.Мавзу бўйича барча саволлар билан таништиради, уларнинг узвийлиги хақида қисқача маълумот бериб, шарҳлайди.	Тинглайди ва ёзадилар.
	1.3.Маъруза якунида қўйиладиган рейтинг баҳолаш мезонлари билан таништиради.	Ёзиб оладилар.
	1.4.Мавзунинг ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.	Ёзиб оладилар.
2-босқич. Асосий бўлим (60 дақиқа)	2.1.Мавзу ва саволларнинг мақсади ва вазифаларини тушунтиради. Унинг асосий жиҳатларини ёритиб беради. Машғулотда талабаларни фаоллаштириш учун уларга жонлантирувчи саволлар беради.	Тингланади. Ҳар бир тушунча ва иборалар муҳокама қилинади. Ахборотлар тизимлаштирилади.
	2.2.Мавзу ва саволлари моҳиятини визуал материаллар ёрдамида очиқ беради. Тушунчаларнинг ҳар бирига алоҳида таърифлар беради.	Тингланади. Барча олинган ахборотлар ёзиб олинади ва саволлар муҳокама қилинади.
	2.3.Мавзунинг бошқа мавзу ва фанлар билан боғлиқлиги тушунтирилади ва изоҳланади. Машғулотда диалог, жамоавий ишлаш усулидан фойдаланади ва саволни ниҳоясида умумлаштиради.	Тингланади, ёзиб олинади. Саволлар берилади ва муҳокама қилинади.
	2.4.Ҳар бир мавзу ва саволларга таъриф беради ва ҳар бирини изоҳлайди. Айтилган фикрлар юзасидан аниқ мисоллар келтиради. Машғулот ниҳоясида саволларни умумлаштиради.	Тингланади. Баҳс-мунозара юритади. Конспект қилинади. Олинган ахборот тизимлаштирилади.
3-босқич. Яқуний босқич (10 дақиқа)	3.1.Мавзу бўйича яқунловчи хулоса чиқаради.	Тингланади.
	3.2.Фаол талабалар баҳолаш мезонлари орқали рағбатлантирилади.	Қўшимча саволлар берилади.
	3.3.Мавзу бўйича мустақил ўрганиш учун топшириқлар беради.	ЎММга қаранг.
	3.4.Кейинги маъруза дарсида ўтиладиган мавзу билан таништирилади. “Инсерт” техникасидан фойдаланган ҳолда тайёрланиб келишни сўрайди.	Ёзиб олинади.

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ ВА МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР.

1 бўлим. Фалсафа фанининг умумий масалалари

1.1.-мавзу: Фалсафанинг фан сифатида шаклланиши, унинг предмети, функциялари ва муаммолари.

Режа:

1. «Фалсафа» ва «Фалсафа фани» тушунчалари ўртасидаги умумийлик ва айримлик.
2. Фалсафа фанининг тадқиқот соҳаси (предмети).
3. Фалсафий дунёқараш, унинг миллий ва умумбашарий моҳияти.
4. Фалсафа фанининг ижтимоий вазифа(функция)лари ва муаммолари.

Мавзуга оид таянч тушунча ва атамалар:

Фалсафа, фалсафа фани, дунёқараш, олам-одам, умуминсоний маънавий қадрият, фалсафа – фан, тадқиқот объекти, предмети, баҳс мавзуси, муаммолари, фалсафанинг умумбашарий моҳияти, фалсафа фани функциялари.

Ушбу лекцияда олам-одам муносабатларини илмий тушунишда фалсафий қарашларнинг алоҳида, бетакрор ўрни борлигига эътибор қаратилади. Фалсафанинг фан сифатида шаклланиши узок тарихий жараён бўлганлиги айтилади. Фан сифатида унинг ўз тадқиқот соҳаси, функциялари борлиги таъкидланади. Хар бир тарихий давр муаммолари фалсафий баҳс соҳасига айланиши табиий хол эканлиги далилланади.

1. Олам ва унда одамнинг ўрни муаммоси ҳамиша қизгин баҳс-мунозара объекти бўлиб келган. Бу муаммога илмий жиҳатдан ёндашишнинг қарор топишида барча мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистон файласуфларининг ҳам хизматлари бор.

Оламни, унда одамнинг ўрнини фалсафий идрок этишдан аввал «фалсафа» ва «фалсафа фани» тушунчалари ўртасидаги умумийлик ва айримликнинг фарқини англаб олиш муҳимдир. «Фалсафа» умумий ва кенг тушунча бўлиб, олам, унда одам ва унинг уюшмалари (жамоалари, ижтимоий ҳаракатлари, партиялари, давлатлари ва х.к.)нинг ўрни, қисқаси инсон омили қандай? деган саволларга ҳар бир тарихий даврда, минтақа ва мамлакат халқлари тафаккур ва турмуш тарзларидан келиб чиқиб, турлича қарашлар мавжуд бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундай.

Инсонда табиатан фалсафий фикрлашга мойиллик кучли. «Философия» атамаси юнонча иккита сўз бирикмасидир. («филио» - севаман, «софио» - донолик) «фалсафа» эса латинча «философия» сўзининг ўзбекчалашган шакли бўлиб, у «донишмандликни севиш» маъносини англатади. Немис философи Гегелнинг фикрича, фалсафа донишмандликнинг ўзидир. Шу нуқтаи назардан қараганда, эртақлар, ривоятлар, дostonлар, кўшиқлардан тортиб, барча динларнинг муқаддас китобларидаги олам, унда одамнинг ўрни қандай бўлиши керак, деган саволга ўзига хос жавоблар бор. Шунинг учун қадимги греклар барча фанларни фалсафа, яъни донолик, донишмандлик ифодаси ҳисоблаганлар. Натижада одатий

(кундалик) онгда тарихан «фалсафа – фанлар фани», «фалсафа – фанлар онаси» деган фикр кенг тарқалган. Эшитилиши жозибали ва эхтиромли кўринган бу иборалар остида фалсафани фан сифатида тан олмаслик мақсадлари ётадики, бу бизнинг давримиз учун хатарли майл (тенденция)дир. Ҳатто олимларнинг баъзилари ана шу ақидага таяниб, фалсафа фанига муносабат белгилайдилар.

Фарб мамлакатларида эса эндиликда фалсафага эhtiёж қолмади, чунки у парчаланиб, барча фанларга, айниқса ижтимоий ва гуманитар фанларга тарқаб кетди, деган нуқтаи назардан келиб чиқиб муносабат белгилаш майли кучлидир. Бундай қарашларни XIX асрдаги позитивизм асосчиси О.Конт илгари сурган бўлиб, у В.В.Яневич, В.Виндельбанд томонидан ривожлантирилди. «Фалсафа, – дейди Виндельбанд, – барча мулкани фарзандларига улашиб, шундан сўнг қашшоқ одам сифатида кўчага улоқтириб ташланган қирол Лирга ўхшаб қолди». Афсуски, бундай ғайриилмий нуқтаи назарда турган ватандошларимиз ҳам йўқ эмас.

Бундай фикрлар хатолигини, ғайриилмий эканлигини ғоявий-назарий жихатдан исботлаш долзарб вазифалардан бири бўлиб турибди. Чунки фалсафа фан сифатида шаклланиб, ўз тадқиқот соҳаси аниқланганига анча вақт бўлди.

Фалсафа фан сифатида мавжуд нарса ва ҳодисаларнинг энг умумий алоқадорлиги ва ривожланиш қонунларини, одам-олам муносабатларининг туб моҳиятини билишга имкон яратади. Бу ҳақда ўрта асрнинг машҳур файласуфи, «Иккинчи муаллим» номи билан жаҳонга танилган олим Абу Наср Фаробий бундай дейди: «Мавжудот ҳақидаги билим қўлга киритилса, шу ҳақда таълим берилса, мавжудотдан бўлган нарсанинг зоти билинса, нарсанинг маъноси тушунилса, ишончли далил-ҳужжатлар асосида шу нарса ҳақида мияда бир турли ишонч ва тасаввур пайдо бўлса, мана шу маълумотга доир фанни фалсафа деймиз.

Фалсафа билими очиқ-ойдин ишончли далил-ҳужжатларга эга бўлади. Одамлар фалсафа йўли билан исбот этилган мавжуд нарса ҳақида тўла ишонч ва қаноатга эга бўладилар».¹

Бу фикрлардан кўриниб турибдики, ватандошимиз Абу Наср Фаробий ўз хулосаларида фалсафа фан сифатида илм-фан далилларига асосланиши, одам-олам муноабатлари шулардан келиб чиқадиган ишонч ва қаноатга таяниш лозимлигига эътиборни қаратган.

Фалсафа фанининг қонунлари, категориялари, тушунчалари, тамойиллари ва фалсафий билиш методлари шаклланиши узоқ тарихий даврни ўз ичига олади. Ана шулар орқали оламини, унда одамнинг ўрнини фалсафий англаш имконияти вужудга келади. Биз яшаётган тарихий даврда барча кадрлар ўзларида фалсафий (донишмандларча) фикрлаш қобилиятига эга бўлишлари ижтимоий тараққиётда инсон омилининг ўрни ва ролини илмий англаб олишлари учун кафолат бўлади.

2. Фалсафа фан сифатида бошқа фанлардан устун ҳам, кам ҳам эмас. Моҳиятан фалсафа фани предметининг аниқланиши бошқа фанлардан фарқ қилмайди. Чунки истаган фанни олманг, унинг предметининг аниқланиши узоқ тарихий даврларни ўз ичига олганининг гувоҳи бўласиз. «Фалсафа» атама сифатида тарихан турлича маъноларда қўллаб келинди. Жаҳондаги жуда кўп олимларнинг асрлар давомидаги изланишлари, тадқиқотлари натижаси сифатида «олам-одам» муносабатларига илмий-фалсафий ёндашувга имкон тугдирадиган ўз тушунчалари, категориялари,

¹ Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. Т., Абдулла Қодирий номидаги «Халқ мероси» нашр., 1993. – 183-184-бет.

қонунлари, услублари, тамойиллари аниқ-равшан бўлгач, немис файласуфи Гегель томонидан уларни муайян бир тизим (система)га солиш бошланди.

Олам ва унинг умумий манзараси, буни билиш мумкин ёки мумкин эмаслиги, шу жараёнда одамнинг ўрни ва оламини ўзгартиришдаги ролини аниқлаш, оламга гўзаллик қонунларига асосланиб муносабат белгилашнинг турли усулларига амал қилиш жараёнида муайян дунёқараш ва тафаккур тарзи шаклланади, шу дунёқарашга ва тафаккур тарзига мувофиқ қадриятли онг вужудга келади. Бу дунёқараш ва қадриятли онг одамнинг муайян йўналишдаги имон-этикодида ўз мужассамини топади. Демак, фалсафа фанининг предмети ана шу ҳолатларни қамраб олиши керак, деб ҳисоблаймиз. Шунинг учун ҳам фалсафа фани предметининг қуйидаги таърифини берамиз ва уни ўз нуқтаи назаримиздан туриб тавсифлаймиз.

Оламни илмий билиш, унда одамнинг ўрни ва ўзаро муносабатини аниқлаш жараёнида кенг қамровли тафаккур тарзига асосланиб, илмий дунёқарашни шакллантириш, инсон онги ва қалбига шунга мувофиқ имон-этикод руҳини сингдириш илмий фалсафанинг предметиدير.

Фалсафа фанининг тадқиқот объекти билан унинг предмети ўртасида яқинлик бор. Бирок, предмет ўша объектни ўрганиш услуб ва усулларини ҳам ўз ичига олади. Юқоридаги таърифда бу ҳолат инобатга олинган. Сўнгра, унда бизга ҳозиргача маълум бўлган таърифлардаги умумий мазмун сақланган ҳолда бошқа фалсафий оқимлар, йўналишлар ва мактаблар учун характерли бўлган жиҳатлар ҳам ҳисобга олинган. Уларнинг инсоният маънавий таком依лидаги ўйнайдиган ва ўйнаётган ролларига холисона баҳо беришни ҳам ўз доирасига киритади. Бу таъриф оламни билишда фалсафа фанининг бошқа фанлардан фарқ қиладиган ўз ўрни, йўли, усули, воситалари, мезони, мароми, қадриятлари, идеаллари борлигини ҳам назарда тутаяди. Оламнинг бир зарраси ва айни чоғда ўзи бир сирли олам бўлган одамнинг ўзи яшаётган тарихий, географик ва ижтимоий муҳитда муайян ўрни ва ўйнайдиган роли борлиги (яратувчи ёки бузувчи куч эканлиги) эътироф этилиб, буни билиш зарурати аён бўлади. Одамзот оламни билишда пастдан юқорига, соддадан мураккабликка, чекли қарашдан кенг қамровли қарашга томон бориш жараёнида ғор одамларига хос олғирлик, босқинчилик тафаккур тарзи ва чекланган (соҳавий) тафаккур тарзидан кенг қамровли (фалсафий) тафаккур тарзига томон кетаётгани, бунда фалсафанинг алоҳида, бетакрор ўрни борлигига эътибор қаратилади. Ва бу ҳол инсон тафаккур тарзини ўзгартириб боришининг аҳамияти ҳақида теран фикрлар билдиришни назарда тутаяди. Таърифнинг умумий мазмунида муайян дунёқараш ва тафаккур тарзининг одам маънавий-ахлоқий қиёфаси тимсолида гавдаланишини намоён этадиган имон-этикодга муносабат ҳам бор. Чунки фалсафа фани бу масалани четлаб ўтмаслиги керак, зеро ҳар бир дунёқарашдаги мазмун, йўналиш одам онги ва қалбидан жой олиб, имон-этикодида айлангандагина, улар қадр топа олади ва у ҳаракатлантирувчи кучга айланади.

3. Олам нима, ундаги ҳаракатлар негизда қандай қувват ёки қудрат (энергия) ётади, у қачон ва қандай пайдо бўлган, одам онги борлиқни билишга қодирми, уни ўз хошишича ўзгартира оладими ёки йўқми каби саволларга жавоб қидириш жараёнида даставвал мифологик, сўнгра диний дунёқарашлар ўз-ўзидан шаклланиб, одамларнинг ижтимоий муҳитда бир-бири билан ҳамкор-ҳамнафас бўлиб яшашлари учун маънавий-руҳий шарт-шароит яратилди. Бу дунёқарашлар

туфайли одам-олам муносабатлари инсонпарварлик асосида ривожланиши йўлида катта тарихий тажрибалар тўпландики, уларга таяниб туриб ИТИ ва Глобаллашув жараёнида одамлар, элатлар, халқлар, миллатлар ўзаро ҳамкор, ҳамнафас, дўстона алоқаларда яшашлари учун янгича, тарафкашликдан ҳоли тафаккур тарзини шакллантириш, «одам-олам» муносабатларини тўла-тўқис илмий ўзанга буриб юбора оладиган дунёқарашга кучли ижтимоий эҳтиёж пайдо бўлмоқда. Чунки ИТИ ҳамда одамзод маънавий олами қашшоқлиги туфайли юзага келаётган муаммоларни фақат илмий-фалсафий дунёқараш орқали хал қилиш мумкин, холос. Шунинг учун фалсафа мустақил фан эканлиги, унинг ўз предмети борлигини тан олиш дунё миқёсида ҳам, мамлакатимиз ичида ҳам фавқулотда муҳим бўлиб турибди. Одамзотнинг ақл-идроки, унинг меваси бўлган фан-техника ва технология муваффақиятлари буткул оқилона ишларга, фақат бунёдкорликка, эзгуликнинг қарор топишига буриб юбориш мумкинми-йўқми, деган саволга фақат фалсафа фани асосли жавоблар топиши мумкин. Шу фанга ишонч ва ихлос (эътиқод) туфайли ҳозирги замон илғор фан ютуқлари хулосалари ва далилларига асосланган фалсафий дунёқарашни қарор топтириш мумкин. Бу фанни ривожлантириш, унинг категориал базасини мустахкамлаш орқали ҳар бир жамиятда маънавий кадриятларни барқарор қилиш одам учун олий кадрият эканини ҳар бир индивид онгига етказиш ва энг муҳими, миллий, диний, ирқий ёки бошқа тафовутлар туфайли ҳар қандай шакл-шамойилда душман образи яратиш сиёсати ва мафкурасининг ғайриинсоний моҳиятини фож қилиб ташлаш мумкин. Дунёда йиғилиб қолган ва тобора кўпайиб бораётган муаммоларни ҳамма элатлар, халқлар, миллатлар биргаликда, ҳамкор ва ҳамнафас бўлган шароитда хал этиш мумкин. Бунинг учун одамзод руҳини поклашда барча динларнинг намоёндалари ва илм-маърифат ахллари биргаликда изланишлари, бу йўналиш бўйича ўзаро иттифоқ тузишлари мақсадга мувофиқдир. Шунда фалсафа фанининг миллий ва умумбашарий аҳамияти беқиёс ошиб кетади.

Албатта Ўзбекистонда маънавият миллий негизда ривожланиши лозим ва бу хол умуминсоний кадриятларнинг қарор топиши учун кафолат бўлади. Ҳар бир миллатнинг тарихан таркиб топган ўз табиати (менталитети) ва шунга мувофиқ ўзига хос дунёқараш, тафаккур ва турмуш тарзи бўладики, бу ўша миллатнинг фалсафий қарашларида ўз мужассамини топади. Бинобарин, миллий фалсафа миллий кадриятлар гултожиси сифатида умуминсоний кадриятлар мажмуаси бўлган фалсафа фанига ва фалсафий қарашларга терс бўлиб қолмаслиги устида гап боради. Турлича фалсафий оқимлар мавжуд ва яна янги оқимлар пайдо бўлаверади. Бирок, бу оқимларнинг биронтаси, жумладан миллий фалсафа фалсафа фанининг ўрнини эгаллаб олишдан эҳтиёт бўлиш зарур. Акс холда ижтимоий ходисаларга марксча синфийлик тамойиллари ўрнини миллий маҳдудлик тамойиллари эгаллаб, миллий мафкура ёрдамида фалсафий ақидапарастликка йўл очилиши мумкин.

4. Фалсафа фанининг функцияларида унинг фанлар тизими ва ижтимоий ҳаётдаги ўрни равшанлашади. Функция (вазифа) деганда ҳаракат услуби, фалсафий билимлар тизими доирасида фаоллигининг намоён бўлиши, бажариши лозим бўлган вазифаларнинг умумий тип (тур)лари назарда тутилади.

Фалсафа фани функциялари хилма-хил. Улар ичида дунёқарашлилик (онтология), оламни билиш (гносеологик), кадриятли онгни шакллантириш, ижтимоий, амалиётчилик (праксиологик), методологик, инсонпарварлик, маданий-

тарбиявий функциялари индивидуал ва ижтимоий онгга фаол таъсир кўрсатиб, шу жараёнда у ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий ҳаёт ҳамда бошқа барча фанлар ва дунёқарашлар билан узвий боғланиб кетади.

Ҳаёт ва ўлим ҳақида ўйламайдиган ва яшашнинг чеклангани тўғрисида қайгурмайдиган, ғам-ташвиш чекмайдиган одам бўлмаса керак. ўлимнинг муқаррарлиги ҳар бир инсонда салбий хис-туйғуларни юзага қалқитиб, одамнинг илик-иликларигача бўлган қувватни ҳам гўё суғириб олгандек бўлади. Бу хислардан холи бўлиш учун одам абадийлик тўғрисида қайгуради, абадийликка дохил бўлиш йўллари кидиради. Шу жараёнда ақл билан билиб, тажриба йўли билан синаб бўлмайдиган (трансцендентал) олам борлиги, у билан рухий алоқа боғлаш орқали ўлим ваҳимаси, ҳаёт тушкунлиги, яшашнинг маънисизлиги тўғрисидаги ғам-андух хисларидан холи бўлишга интилади, натижада инсон ички олами («Мени») ташқи абадий олам – космик бутунлик билан бирлашгандек бўлади. Оқибатда мифологик (афсонавий), диний, бадий, одатий дунёқарашлар вужудга келиб, улар орқали одам ҳаётдан қониқиш, ваҳимага тушмаслик хис-туйғуларини ўзида гавдалантирмоқчи бўлади. Фалсафа эса инсоният тўплаган барча илмлар, тажрибаларни умумлаштириб, айрим-айрим тармоқларга бўлиниб кетган дунё ҳақидаги тасаввурларни йиғиб, илм-фан далилларига, инсониятнинг абадийлик йўлида тўплаган тарихий тажрибаларига таянган илмий дунёқарашни шакллантиради. Шунинг учун ҳам фалсафа фанининг моҳияти – «Одам-олам» тизимида ялпи умумий муаммолар ҳақидаги фикрларда намоён бўлади. Одам неча йил яшаши билан эмас, балки қандай яшаганлиги билан ўз абадийлигини ярата олишига фалсафа ишontiриб, инсон ўз ҳаётининг маъноли, мазмунли қилишига ёрдамлашади. Илмий фалсафа одамзодни ҳаётбахш дунёқараш эгаси қилиш функцияси орқали олам, ундаги барча муносабатлар ижтимоий тараққиётга, инсон баркамоллигига хизмат қилиши учун қурашувчилар авлодини етиштиришга ҳаракат қилади.

Фалсафа оламини билиш методи орқали фанларга нисбатан эвристик, уйғунлаштириш, бирлаштирувчилик, мантикий-гносеологик (билишга оид) каби функцияларни ҳам бажаради. Бу, унинг методологик функцияси бўлиб, барча фанларга доир мураккаб назарий ва фундаментал муаммоларни хал этишга ёрдамлашади.

Фалсафа фанининг муаммоларини маънисиз, деб қаровчи оқимларнинг даъволари танқиддан ҳам тубандир. Чунки ҳар бир элат, миллат олдида муайян тарихий даврда пайдо бўладиган муаммолар, фалсафий таҳлил, фалсафий қарашлар йўли билан хал этиб келинган ва шундай бўлиб қолаверади. Улар ичида одамнинг умуман оламга муносабати муаммоси – дунёқараш энг муҳими ҳисобланади. Моддий ва рухий олам ўртасидаги муносабатларни аниқлаш, табиат ва жамият қонунлари ҳақиқатан ҳам мавжудми, ёки одамзот тартиб-қоидага бўлган эҳтиёжи туфайли уни ўйлаб топганми, одам нима ва оламдаги, яъни умумий алоқадорликлар ичида унинг ўрни қандай – у яратувчиси ёки бузувчи қудратми, инсон ақл-заковатининг табиати нима, одам ўзини қуршаб олган оламини ва ўз-ўзини била оладими, ҳақиқат ва адашиш деганда нима англашилади, эзгулик ва ёвузлик нима, қандай қонуниятлар ва қандай йўналишлар инсоният тарихини ҳаракатга келтиради каби дунёқараш билан боғланиб кетган муаммоларни англаш, уларни хал этиш орқали оламда ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиш ҳар бир одамда оламий фикрлаш қобилятини вужудга келтиради.

Табиат ўз тараққийетининг Ноосфера – Ақл соҳаси босқичига ўтганлиги муносабати билан Она-табиатни муқаррар ҳалокатдан сақлаб қолиш муаммоси фан-техника ва ахборот технологияларидан умумбашарий манфаатлар йўлида фойдаланиш усуллари излаш ва топиш фалсафа фани олдига янги катта вазифаларни кўндаланг қилиб қўймоқда.

Илмий-техника инқилоби (ИТИ) туфайли анъанавий тафаккур ва турмуш тарзи инқирозга учрагани, янги даврга мувофиқ келадиган турмуш тарзини шакллантириш, инсоният ақл-заковати ва унинг меваси бўлган фан-техника ва технология муваффақиятларини тўла-тўқис оқилона ишларга буриб юбориш муаммоси пайдо бўлдики, уни фалсафий дунёқараш негизидагина хал этиш мумкин.

Умуман фалсафа фани олдида турган барча муаммоларни бешта гуруҳга бўлиш мақсадга мувофиқдир: а) онтологик, б) антропологик, в) аксиологик, г) гносеологик ва д) праксиологик. Бу муаммоларнинг барчаси дунёқарашнинг муайян типи билан боғланиб кетади. Аммо илм-фан хулосалари, далилларига таянган фалсафий дунёқараш орқали инсоният миллий ва умумбашарий муаммоларни кадам-бакадам хал эта олишига умид боғлаш ҳар бир кишида ижобий хис-туйғуларни вужудга келтириб, ҳаётини мазмунли ва қадрли этади.

Хулоса: а) «фалсафа» ва «фалсафа фани» тушунчаларидаги умумийлик ва айримликни англаш бағоят муҳим аҳамиятга моликдир; б) фалсафа фанининг ўз тадқиқот соҳаси (предмети) борки, шу орқали у бошқа фанлардан ажраб туради; в) фалсафий дунёқараш ҳам миллий, ҳам умумбашарий моҳиятга эгадир; г) фалсафа фани бир қатор функцияларни бажаради ва шулар орқали ижтимоий муаммоларни хал этиш йўллари излайди ва топади.

Назорат саволари:

1. Фалсафа атамасининг луғавий маъноси ва моҳиятини қандай тушунасиз?
2. Фалсафа фанининг тадқиқот объекти ва предмети нима?
3. Фалсафанинг баҳс мавзулари ва уларнинг тарихан ўзгариб келишини қандай изоҳлайсиз?
4. Фалсафанинг асосий масаласини тушунтиринг.
5. Фалсафа фани тўғрисида ўтмиш мутафаккирларининг қандай фикрларини биласиз?
6. Фалсафанинг умуминсонийлиги деганда нимани тушунасиз?
7. Фалсафанинг жамият ҳаётидаги роли ва асосий функциялари қандай?

1.2.-мавзу: Фанлар тизимида фалсафа ва унинг асосий хусусиятлари

Режа:

1. Фалсафанинг фан ва мафкура билан алоқадорлиги.
2. Фалсафа ҳамда инсоншунослик фанлари ва санъат.
3. Фалсафа донишмандликнинг ўзи сифатида.
4. Фалсафий билимлар тизими. Фалсафий ғоя ва назариялар, уларнинг асосий йўналишлари.

Мавзуга оид таянч тушунча ва атамалар:

Фалсафа-фан, фалсафа ва бошқа фанлар, табиатшунослик, жамиятшунослик, инсоншунослик, техникавий фанлар билан боғлиқлиги, фалсафа ва мафкура,

ижтимоий онг шакли, фалсафий илмлар, онтология, гносеология, методология, аксиология, праксиология, ижтимоий фалсафа, мантик, этика, эстетика, натурфалсафа, антропология, маданият фалсафаси, тарих фалсафаси, сиёсат фалсафаси, ҳуқуқ фалсафаси, мафкура фалсафаси, фалсафа – донишмандлик.

Фалсафа фани узоқ тарихий даврларни босиб ўтди. Оламни илмий билиш эҳтиёжи ундан турли фанлар ажралиб чиқишига сабаб бўлди. Табиийётшунослик ва инсоншунослик фанларининг шаклланишига илғор фалсафий қарашлар қанчалик ижобий таъсир кўрсатган бўлса, ўз навбатида бошқа фанлар, ҳатто сиёсий ва мафкуравий қарашлар ҳам тарихан фалсафий қарашларга ўз таъсирини ўтказиб келмоқдалар.

1. Фалсафий фикрлар олам ҳодисотлари сабабли боғланишини излаш, ҳақиқатни топишга бўлган одамзотдаги кучли интилиш туфайли ривожланиб борди. Дунёқараш структурасида билиш субъектларининг тубдан янгича қарашларга эга бўлиши афсонавий (мифологик) қарашлар ўрнини том маънода илмий йўналишлар эгаллай бошлади. Умуман олам ва унга одам муносабатлари ҳақида мифологик ва диний дунёқарашлар доирасига сиғмайдиган янгича ғоялар, нуқтаи назарларнинг пайдо бўлиши натижасида табиийётшунослик фанлари, сўнгра жамиятшунослик, инсоншунослик, техникашунослик фанлари юзага келдики, булар олам тўғрисидаги анъанавий тасаввурлар ўрнини эгаллай бошлади.

Фалсафий билимлар ўзининг вужудга келиши ва ривожланиш жараёнида табиийётшунослик фанлари билан қоришиб кетди. Фалсафа горизонтал бўйича табиийётшунослик фанлари билан туташади, вертикал бўйича эса ижтимоий-гуманитар фанлар сирасига кириб, ё мафкуралашади, ёки мафкуранинг илмий йўналиш олиб, реал воқеликка мувофиқ келишига имкон туғдиради. Фалсафа билишнинг турли соҳаларидаги маълумотларни йиғиб, уларни қайта муҳокамадан ўтказди. Шу жараёнда оламнинг янги умумий манзараси тўғрисидаги тасаввурлар ўзгариб боради. Масалан; «атом», «модда», «нарса» в.б. ҳақидаги илмий маълумотлар, энергиянинг сақланиш ва бошқага айланиш, бутун дунё тортилиш қонунлари каби табиийётшунослик фанларига доир тушунчалар фалсафа фанининг илмий салоҳиятини оширади. Шунини таъкидлаш лозимки, «атом» ҳақидаги фикр фалсафий қарашлар натижаси бўлса-да, аммо унинг мазмун-моҳияти экспериментал тарзда табиийётшунослик фанлари томонидан исботланди. Ернинг думалоқлиги, ўз ўқи атрофида айланиши тўғрисидаги илмий-тахминлар ҳам файласуфлар ижоди эди. Аммо у табиийётшунослик фанлари томонидан ўз исботини топгач, дунёқарашда жиддий ўзгаришлар содир бўлди.

Билиш воқеликдаги анланган аниқ хиссий ва тушунчавий тимсолларни қабул қилиб олиш, хотирада сақлаш, қайта ишлаш ва системалаштиришга қаратилган фаолиятдир. Билимларнинг ривожи ва уларни системага солиш жараёнида илм-фан пайдо бўлади. Мифологик ва диний дунёқараш ишончга асосланса, фан илмийлик мезонларига амал қилади.

Улар: а) объектив (холис)лик тамойили; б) рационаллик ёки далиллаш (исботлаш) тамойили; в) эссенциал йўналиши ёки объектнинг моҳиятини очиш тамойили; г) билимларни системалаш ёки назарий шаклга солиш тамойили; д) илмий ҳақиқатларни текшириш мумкинлиги тамойили.

Фанга доир бу тамойиллар тўлалигича фалсафий билимларни, айниқса онтология, гносеология, антропология ва методологияга ҳам тааллуқлидир. Шу

маънода фалсафани илмий билимларнинг бир тури, яъни табиийатшунослик фанлари қаторига киритиш мумкин.

Бироқ, фалсафа ижтимоий фан ҳамдир; жамият, унинг тараққиёт қонунлари, ижтимоий борлиқ, индивидуал ва ижтимоий онгни ҳам ўрганади. У ҳуқуқшунослик, сиёсатшунослик, иқтисодий фанлар билан ҳам туташиб кетади. Барча ижтимоий фанлар тарихий аспектда муайян мафкура билан ўзаро алоқада мавжуд бўлади. Бинобарин, фалсафанинг бирон-бир оқими ижтимоий ҳаётга муносабатда мафкура билан боғланади. Ижтимоий ҳодисаларга мафкуравий ёндашув эса маълум даражада уни илмийликдан узоқлаштиради. Зеро, мафкура ижтимоий борлиқни муайян-социал гуруҳлар, синфлар, миллатлар манфаатлари кўзгуси орқасидан қараб ифодалашдир. Мафкура мазмунини сиёсий ғоялар тизими ва амалий ҳаракатлар дастури ташкил этади. Мафкуранинг фалсафага таъсири айрим фалсафий оқимлар ўртасида муросасизлик вазиятини вужудга келтиради. Бу ҳол бир ижтимоий-иқтисодий муносабатлардан бошқасига ўтилаётганда фалсафага нисбатан салбий ёндашувларни вужудга келтирадики, бу фалсафанинг фан сифатида тан олмаслик оқибатидир. Аммо муайян тарихий даврда мафкура билан боғланиб кетган фалсафий оқимни фалсафа фани билан айнанлаштириб бўлмайди, яъни айрим (бўлак) оқимни бутун (фалсафа фани) билан алмаштириш ҳақиқатга хилофдир.

Шуни ҳам айтиш керакки, фалсафа барча фанларга ўз таъсирини кўрсатади, уларнинг далиллари, ҳулосаларини синтез қилиб, муайян дунёқарашни шакллантиради ва барча фанлар учун методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Бугина эмас, фалсафа хатто мистика ва дин билан ҳам алоқадордир. Демак, фалсафа барча йўналишдаги фанлар ва қарашларни бир-бирига боғловчи, уларни йўналтирувчи алоҳида хусусиятга эга бўлган фан ҳисобланади.

2. Ҳамма инсоншунослик (гуманитар) фанларнинг тадқиқот объекти инсоннинг ички олами, руҳи ва бу билан боғлиқ бўлган жамиятнинг маънавий маданияти ҳамда одамларнинг ўзаро муносабатларининг ғоявий асосидир. Бу фанлар одамнинг руҳий оламини матнларда ўрганади. Одамзот феъл-атвори имконият даражасидаги ўзига хос матндир.

Инсоншуносликда тадқиқотчи жонли одам маънавий олами, унинг руҳи билан тўқнаш келади. Бунда тадқиқотчи ўзи учун қадриятли дунёқараш таъсирида иш кўради. Ҳар бир одам ўзи бир кичик олам, унинг нарса, ҳодисаларга ўз қарашлари, баҳолашлари ва шу асосда муносабат белгилашлари мавжуд. Фан, аввало фалсафа бу индивидуалликнинг ўзига хос шакли ва функцияларини ўрганиши лозим бўлади. Матнларни ўз маъносида англаш ва қўллаш учун матнни тасдиқ этиш ва бегона индивидуалликка эришиш санъати сифатида герменевтика фани шаклланган. Герменевтика фалсафа фанининг табиий хусусиятларини тушунишга имкон берадиган услуб (метод)лардан биридир. Матнларни ўз маъносида талқин этиш ва баҳс-мунозарали муносабатлар моҳиятини англаш санъати сифатида герменевтика тадқиқотнинг фалсафий услуб (метод)лари билан «қоришиб» кетади ҳамда ўзи билишнинг рационал босқичига кўтарилиб, фалсафа мақомига эга бўлиб қолади.

Фалсафа фан сифатида одам билиш фаолиятининг яна бир тури бўлган санъат билан ҳам алоқадордир. Санъат воқеликни образли идрок этиш, шу туфайли у воқеликнинг ўзидаги гўзалликни билишга қаратилгандир. Санъаткорнинг онгли, ўзгармас қарашлари объектни бир бутунликда англашга қаратилади. Санъатдаги

донолик фалсафадаги каби индивидуаллик билан туташиб кетади. Буюк файласуфларнинг асарлари ҳам санъаткорники каби инсоният тарихининг турли даврлари учун қўйилган хайкалдек ҳаётни, оламни бир бутун ҳолатда англашга имкон туғдиради. Олам ва одам муносабатларига бир хил қаровчи санъаткор шахси бўлмаганидек, фалсафий фикрлашда ҳам айнан бир хил шахс бўлмайди. Уларнинг ҳар қайсисида ҳам муайян масала (объект)га умумий қарашлар бўлиши мумкин, аммо у умумийлик индивидуал шаклда намоён бўлади. Шунинг учун ҳам битта файласуф асарларига ихлосманд одамлар ҳам, уларни ёқтирмайдиган одамлар ҳам бир даврда ёнма-ён яшайдилар. Фақат фалсафада умуман олганда эмоционал (ҳис-ҳаяжонли) қувват санъатдагидан озроқ, аммо табиийётшунослик ва техникашунослик фанларидан анча кўпроқдирки, шунга биноан, фалсафий фикрлаш ҳам ўзига хос санъатга ўхшаб кетади. Поэтик ва фалсафий асарлар муайян бир даврдаги фақат таниқли шахсларнигина қониқтира олади, бошқаларни эса қониқтирмайди, ўзгача айтганда, ҳар иккисига муносабат одамлар диди, фаросатига боғлиқ бўлиб қолади. Табиийётшунослик, техникашунослик фанлари асосларига муносабатда санъатга ва фалсафага хос реалликдан узоқлашиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Бинобарин, фалсафий асарлар ҳам санъат асарлари каби қиёфалиқдир, одам-олам муносабатларига шахсий қарашлар мевасидир.

Оламнинг «фалсафий манзараси»ни яратишнинг ўзи файласуфда гўзалликни хис этиш, олам ичига кириб кетишни тақоза этади. «Олам манзараси»нинг умумий, фалсафий мазмунининг ўзи индивид ва инсоният тақдирини баҳолаш нуқтаи назаридан инсоний, эмоционал муносабатни тақоза этади. Кўпинча, айниқса Шарқ фалсафаси асарлари ҳудди бадиий асарлардек жозибали, инсон қалбини ўзига ром этувчан хусусиятга эга бўлади. Зеро, Шарқ одамида образли тафаккур тарзи Ғарб одамига нисбатан устиворроқ бўлади. Аммо Ғарб одамларида мантикий тафаккур тарзи Шарққа нисбатан устиворроқ ривожлангандир.

3. Фалсафанинг яна бир томони шуки, унда нарса, ҳодисаларни тажриба йўли билан эмас, ундан ташқарида – ақл-идрок ва фахм-фаросат билан мантиқан билишга мойиллик кучли бўлади. Буни фанда трансцендалистик қараш дейилади. Дарҳақиқат оламда тажриба доирасига сиғмайдиган, ундан ташқаридаги нарса ва ҳодисалар ҳам бўлади. Зеро, олам моҳият эътибори-ила мўъжизадир. Масалан, космосда, бошқа юлдузларда ҳаёт борлигини ҳозирча тажриба йўли билан билиб бўлмайди, аммо инсоният фан-техника соҳасида тўплаган тажрибасига таяниб туриб, тахминан фараз қилиб, уни мантиқан асослай олади. Бу эса янги кашфиётлар учун ўзига хос йўл очади. Ёки муҳаббат хис-туйғусини тажриба йўли билан исботлаш қийин. Одам ўз «Мени»ни, чин ҳаёти, ҳузур-халовати, орзу-армонларини ўзида эмас, балки севиклиси – «Унда» кўради, унинг учун яшайди, ўз ҳаёт маъносини унингсиз тасаввур эта олмайди. Чин муҳаббат хис-туйғуси ҳар бир инсонга битмас-туганмас қувват (энергия) беради, уни ақл бовар қилмайдиган жасоратларга, қаҳрамонликларга чорлайди. Шунинг учун И.Кант «трансцендентал» сўздан «трансцендент» сўзини фарқлашни маслаҳат беради, яъни «трансцендент»га кўра, билиш қийин, аммо ишониш предмети бўладиган нарсалар, ҳодисалар ҳам борки, уларни математик ўлчовлар доирасига сиғдириб бўлмайди.

Одамзот оламни тўла-тўқис била олмайди, фақат унинг айрим томонларининг ичига кириб боради. қаердаки, ақл ожиз бўлиб қолган вақтда ва жойда трансрационаллик ёрдамга келади. Унинг ёрдамида биз олам ва қалбимизнинг биринчи асосларини англашга қодир бўламиз. Борлиқ билан кадрият бирлигини

англаш натижасида инсон маънавий борлиғига эга бўлиш мумкинлигига ишонч ҳосил этамиз. Масалан, худони билиш, кўриш мумкинми? Аммо уни кадрлаш, севиш, ишониш, унга ўзини таваккул қилиш орқали одамзот ўз борлиғини топиши мумкин. Ёки бўлмаса, эзгулик ёвузлик руҳи устидан тантана қилишига ишонган одам ўз-ўзини англаб, ҳаёт маъносини тушуниб етади ва ўзидан яхши ном қолдириш, саховатли бўлиш орқали чинакам борлиғини топа олади. Одамзот ўз кичик олами – «Мен»ни катта одам – «У» - трансцендент билан боғлаш орқали ўз-ўзини, инсон зотига мансублигини билиш имкониятига эга бўлади.

Трансцентланиш эса мистика билан туташиб кетади. Мистикани кўпинча фақат дин билан боғлашади, бу, тўғри эмас. Н.А.Бердяев мистиканинг 2 та типи борлиғига эътиборни қаратади: а) руҳий тажрибага асосланган; б) ақл-идрок, билишга асосланган мистика. Мистика оламда сирли нарсалар борлиғига ишончдир, биз билишга улгурмаган барча нарса, ҳодиса аслида мўъжиза сифатида намоён бўлади. Ҳақиқий мистика реализм бўлиб, у оламнинг бизга маълум бўлмаган биринчи асосларини билишга қаратилгандир. Медитация инсон ўз-ўзини, руҳини поклаш йўли бўлиб, мистика билан медитациянинг қўшилувидан илмий-фалсафий имон юзага келади. Бу имон орқали инсон ўз ички оламини мунаввар қилишга интилади.

Фалсафа донолик, донишмандликнинг ўзи бўлиб қолмай, яна ҳаёт ҳақида турмуш тажрибасига таяниб донишмандларча фикрлаш, донишмандларча яшашга интилишдир. Шу маънода фалсафий билимлар эгаси бўлмаган чўпон ёки деҳқон ҳам ўз ақл-идроки, ҳаётий тажрибаси асосида доно фикрлаш қобилиятига эга бўлиши мумкин. Шунинг учун фалсафанинг тили содда, равон ва оммага тушунарли бўлгандагина у эътиборли бўла олади. Муайян фан профессори ўз ихтисослиги бўйича чуқур билимга эга бўлиши, аммо ҳаёт ва унинг маъноси ҳақида донишмандларча фикрлай олмаслиги мумкин. Зеро, донишмандлик ҳаётий тажрибага асосланган чуқур ақлдир. Файласуф эса олам, унда одамнинг ўрни ҳақидаги билимларни муайян тизимга солади, оламни фалсафий идрок этишга имкон туғдирадиган тушунчалар, категориялар, тамойиллар, қонунлар, услуб (метод)лар ҳақида билим бериб, кадрларда фалсафий фикрлаш қобилияти шаклланишига ёрдамлашади.

Инсон ва унинг ҳаёти, инсонни қуршаб турган борлиқ ва унинг ривожланишининг энг умумий қонунлари тўғрисидаги фан сифатидаги фалсафий билимлар бир қанча соҳа ва тармоқларни ўз ичига олади. Улар қуйидагилар:

Онтология – олам, инсон ва жамиятнинг объектив универсал моҳияти тўғрисидаги фалсафий таълимот, яъни борлиқ тўғрисидаги, инсоннинг оламга муносабати ҳақидаги фалсафий билим соҳасидир.

Гносеология – билиш фалсафаси бўлиб, оламни англаш, билиш назарияси, билишнинг шакллари, усуллари ва имкониятлари тўғрисидаги таълимотдир.

Ижтимоий фалсафа – жамият ва инсон фалсафаси бўлиб, ижтимоий ҳаёт ва унинг энг умумий ривожланиш қонунлари тўғрисидаги фалсафий билим соҳаси.

Аксиология - қадриятшунослик ёки қадриятлар тўғрисидаги фалсафий таълимот.

Праксиология – инсоннинг предметли-ўзгарувчан, Амалий фаолияти тўғрисидаги фалсафий таълимот.

Логика (мантик) – тафаккур шакллари (тушунча, ҳукм, хулоса) ва тафаккур воситаларини (таъриф, қоида, муҳокама), тафаккур қоидалари ва қонунларини ўрганувчи фалсафий фан.

Этика – ахлоқ фалсафаси, инсониятнинг ахлоқий тамойиллари, талаб ва тартиб қоидалари тўғрисидаги фалсафий фан.

Эстетика – нафосат фалсафаси, инсон ҳаётида гўзалликнинг ўрни, қоидалари тўғрисидаги фалсафий билим соҳаси.

Бундан ташқари, табиат фалсафаси (натурфалсафа), инсон фалсафаси (фалсафий антропология), маданият фалсафаси (маданиятшунослик), тарих фалсафаси, сиёсат фалсафаси, ҳуқуқ фалсафаси, мафкура фалсафаси (идеология), дин фалсафаси, техника фалсафаси, фан фалсафаси, глобал муаммолар фалсафаси каби бугунги кунда мустақил фалсафий билим тармоғи сифатида ривожланаётган соҳалар ҳам мавжуд. Буларнинг барчаси ижтимоий-фалсафий фанлар тизимини ташкил этади.

Фалсафанинг марказий муаммоси «дунё-инсон», «олам ва одам» муносабатларининг онтологик, гносеологик, аксиологик, праксиологик томонлари фалсафа тарихининг турли даврларида етакчи баҳс мавзусига айланган. Фалсафий фикр тарихида етакчи фалсафий муаммолар тўғрисида турли фалсафий ғоялар ва таълимотлар, оқим ва йўналишлар, фалсафий билиш усуллари шаклланган. Уларни қуйидагича фарқлаймиз:

1. Борлиқ ва унинг бошланғич ибтидоси, дунёни билиш муаммоси, яъни онтологик ва гносеологик масалаларда монизм, дуализм ва плюрализм деб эътироф этилувчи фалсафий йўналиш ва усуллар мавжуд. Монизм – борлиқ, яъни дунёнинг ибтидосини моддий ёки ғоявий ягона субстанциядан иборат деб кўрсатувчи таълимот. Дуализм – дунёнинг асоси тенг ҳуқуқли мустақил моддий ва рухий субстанциялардан иборат деб ҳисобловчи таълимот. Плюрализм – борлиқнинг асосини кўпчилик хилма-хил субстанциялар ташкил этади деб кўрсатади. Фалсафа тарихида дуализмнинг энг машҳур вакили француз файласуфи Р.Декарт, плюрализмнинг йирик вакили немис файласуфи Г.Лейбниц бўлган.

Монизм фалсафа тарихида икки шаклда материалистик ва идеалистик кўринишда мавжуд. Материализм – рухий ибтидога қадар ҳам ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган табиат, ягона моддий субстанция бирламчилигини эътироф этувчи таълимот. Материализмнинг қуйидаги тарихий шакллари фарқланади:

- қадимги содда материализм;
- Янги давр метафизик материализми;
- антропологик материализм (Л.Фейербах, Н.Чернишевский);
- марксистик диалектик материализм;
- табиий-илмий изчил материализм кабилар.

Материализмнинг деизм – илоҳий туртки ҳақидаги ёки пантеизм – табиат билан худо (Оллоҳ) айнан бир деган ғояни илгари сурувчи кўринишлари ҳам мавжуд.

Идеализм руҳ ва онг бирламчилигини эътироф этиб, борлиқни «Мен» ва менинг онгимдан иборат деб кўрсатувчи субъектив идеализм ва шахсдан ташқари руҳнинг мутлақ ғоялиги тўғрисидаги объектив идеализм шаклидаги таълимотлари мавжуд. Хитой файласуфи Ван Ян Мин, инглиз епископи Ж.Беркли, немис файласуфи И.Фихте ва эмпириокритицизм, неопозитивизм, неокантчилик ва бошқа фалсафий мактаблар субъектив идеализм принципларига асосланади. Қадимги хинд

фалсафасидаги брахманизм ва веданта, юнон файласуфи Афлотун, немис файласуфлари Шеллинг, Гегель, неотомизм кабиларнинг фалсафий ғоялари объектив идеализмга мансубдир.

Оламни билишнинг фалсафий муаммолари (гносеология) тўғрисидаги масалани олсак, ҳақиқий билимга эришиш мумкинлигини эътироф этувчи гностицизм (юн. gnosis – билиш) ва уни инкор этувчи агностицизм («а» - инкор) йўналишларига бўлинади. Ҳақиқатга эришишга асос бўлувчи билиш усулларига кўра эмпиризм, рационализм ва иррационализм таълимотларини фарқлаш мумкин.

XX асрдан бошлаб классик фалсафий меросга муносабат масаласида фалсафий йўналишлар неоклассик оқим (классик фалсафа ғояларини, анъаналарини тиклаб, ривожлантиришга йўналтирилган) ва антиклассик (уларни тўлиқ қайтадан кўриб чиқиш ва рад этишга асосланган) оқимларга бўлинади.

Инсоннинг ўз атрофини қуршаб турган объектив оламни билиши турли шаклга эга бўлиб, билишнинг яъни тафаккурнинг оддий, илмий (профессионал) ва фалсафий усулларини фарқлаш мақсадга мувофиқдир. Фалсафанинг асосий методи назарий тафаккур ҳисобланади. Назарий тафаккурга асосланувчи фалсафий фикрлашнинг турли шакллари фалсафа тарихида шаклланган. Улар қуйидагилар: софистика, эклектика, релятивизм, догматик фикрлаш, метафизика, диалектик тафаккур ва бошқалар. Ушбу усуллар замирида фалсафада диалектика (нарс ва ҳодисаларни ўзаро боғлиқликда ва ривожланишда деб қаровчи) ва метафизика (нарс ва ҳодисалар умумий боғлиқликдан ташқарида, ўз-ўзидан сифат жиҳатидан ривожланмайди деб қаровчи) таълимотлари фарқланади.

Фалсафа ва аниқ фанлар ўзининг дастлабки қадамлариданоқ бир-бирига чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланиб келган. Фалсафа, аввало, аниқ фан вакиллари воқеликни билишнинг энг умумий методологияси билан қуроллантиради ва фалсафий билимлар билимнинг конкрет соҳалари учун методологик асос бўлиб хизмат қилади. Фалсафа фанга нисбатан муносабатда фақат методологик функцияни бажариб қолмайди. У дунёқараш бўлгани ҳолда у ёки бу илмий ғоянинг шаклланишига таъсир кўрсатади. Ўз навбатида, фалсафа ҳам аниқ фанларнинг эришган ютуқ ва янгиликлари таъсирида ривожланади.

Фалсафа ва фаннинг ўзаро муносабатларидаги яна бир жиҳати фалсафа илмий билишдаги турли соҳа ютуқларини синтезлайди, мувофиқлаштиради, умумлаштиради ва уларни умумлаштирган фалсафий категорияларда акс эттиради.

Умуман, фалсафа барча аниқ табиий ва ижтимоий-гуманитар фанлар учун умумназарий фундаментал асос бўлса, аниқ фанлар фалсафа ривожланишининг табиий-илмий замини бўлиб хизмат қилади.

Хулоса: а) Фалсафа барча фанлар билан боғлиқ ҳолда ривожланади ва бошқа фанлар каби узоқ тарихий тараққиёт натижаси сифатида мустақил фанга айланган; б) Фалсафа фани табиий-шунослик, жамиятшунослик, инсоншунослик, техникашунослик фанлари хулосаларини бир-бирига боғлаб, инсониятни илмий-фалсафий дунёқараш эгаси қилади; фалсафа фани инсоншунослик фанлари ва санъатнинг ривожига йўл очади; г) Фалсафа донишмандлик йўлларини равон қилади, олам сирларининг ич-ичига кириб бориш имкониятини яратиш жараёнида мистика билан боғланади; д) Фалсафа фани кенг қамровли назарий билимлар тизимидан иборат бўлиб, кўплаб фалсафий илм соҳаларини ўз ичига олади; ж) фалсафа фани тарихида оламни фалсафий тушунишнинг турли ғоя ва таълимотлари шаклланган.

Назорат саволлари:

1. Фалсафа фанми ёки маънавий фаолият турими?
2. Фалсафанинг мафкуравий жараёнларга таъсирини тушунтиринг.
3. Фалсафанинг бошқа фанлар билан алоқадорлигини қандай тушунасиз?
4. Фалсафий билимлар тизимини қандай тушунасиз?
5. Оламни фалсафий тушунишда қандай фалсафий ғоялар, таълимотлар, назариялар шаклланган?

1.3.-мавзу: Дунёқараш ва унинг тарихий типлари.

Фалсафий дунёқараш, унинг хусусиятлари ва тамойиллари.

Режа:

1. Дунёқараш тушунчаси, унинг моҳияти ва мазмуни.
2. Дунёқарашнинг тарихий типлари. Мифологик ва диний дунёқараш.
3. Фалсафий дунёқараш ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
4. Фалсафий дунёқарашнинг инсон тафаккур ва турмуш тарзини шакллантириш ҳамда такомиллаштиришдаги ўрни.

Мавзуга оид таянч тушунча ва атамалар:

Дунёқараш, мифология, дин, фалсафа, фалсафий дунёқараш, тамойиллари, монизм, дуализм, плюрализм, материализм, идеализм, диалектика, метафизика.

1. Дунёқараш кишиларнинг олам ҳақидаги ахлоқий, фалсафий, ҳуқуқий, эстетик, илмий, диний ва хоказо қарашлари мажмуидан иборат. Дунёқарашда кишиларнинг муайян тарихий даврдаги олам ҳақидаги умумлашган, яхлит билимлари акс этади. Дунёқарашнинг асосини инсоннинг оламга муносабати ташкил этади. Инсон бутун умри давомида ўзини ўраб олган дунёнинг моҳиятини англашга ҳаракат қилади. Дунёқарашнинг субъекти инсон (индивид), ижтимоий гуруҳлар, синфлар, партиялар, жамият аъзолари ҳисобланади. Дунёқараш кишиларнинг нафақат оламга, балки ўз-ўзларига муносабатини ҳам ифодалайди. Шу маънода дунёқарашни инсон томонидан оламни ва ўз-ўзини англаш жараёни, деб ҳисоблаш ўринлидир. Дунёқараш ўзига хос хусусиятларга эга:

- Дунёқараш олам ва одам ҳақидаги яхлит, умумлаштирилган билимлардан иборат. Унда олам, воқелиқдаги турли ўзгаришлар, тараққиёт ҳақидаги ўй-фикрлар, орзу-умидлар, ҳис-туйғулар, кайфиятлар, билимлар акс этади.

- Дунёқараш кишиларнинг амалий фаолиятлари жараёнида вужудга келади ва ривожланади. Инсон фаолияти эса хилма-хил: меҳнат, ижтимоий-сиёсий, маънавий соҳадаги хатти-харакатлар; шу маънода дунёқарашни англаш ва фаолиятнинг уйғунлиги тарзида ифодалаш мумкин.

- Дунёқарашда индивид, ижтимоий гуруҳлар, синфлар, миллатларнинг яшаш шароитлари, турмуш тарзлари, улар ҳаётининг табиий-илмий ҳамда ижтимоий-маънавий омиллари ўз ифодасини топади. Дунёқараш кишилар ижтимоий ҳаёти-ижтимоий борлиқнинг инъикосидир. Дунёқарашнинг шаклланиши ва ривожланиши узлуксиз тарихий жараён бўлиб, жамиятдаги ўзгаришлар, тараққиёт унда ўз ифодасини топади. Турли ижтимоий тузумларда дунёқарашнинг ўзига хос мазмуни ва шакллари вужудга келади ва тараққий этади.

- Дунёқараш оламнинг инсон томонидан англанишигина эмас, балки унинг баҳоланиши ҳамдир. Алоҳида олинган кишилар, ижтимоий гуруҳлар, синфлар,

миллатлар ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда оламни англайдилар, Ундаги предмет, ходисалар, жараёнларга ўз муносабатларини билдирадилар, яъни баҳолайдилар. Шу маънода дунёқараш деганда уни ташкил этувчи икки элементни, биринчидан, олам ҳақидаги билимларни, иккинчидан, инсон ҳаётининг муҳим томонини ташкил этадиган кадриятларни тушунмоқ лозим. Инсон оламни ва ўз-ўзини англаши, ўз хатти-ҳаракатларига, мақсад ва манфаатларига бошқаларнинг нуқтаи-назарини ҳисобга олган ҳолда баҳо бериши унинг дунёқарашининг қай даражадалигидан, қанчалик мустақил фикр юрита олишидан далолат беради.

- Дунёқараш ўз ичига дунёни ҳис қилиш, дунёни тушуниш жараёнларида ҳосил бўладиган идрок, кайфиятларни ҳам қамраб олади.

Дунёқарашнинг иккита даражаси мавжуддир. Унинг биринчисини, кишиларнинг кундалик ҳаётини амалий тажрибаси ҳамда касбий фаолияти асосида тўпланган билимлар, тасаввурлар, қарашлар ташкил қилса, иккинчисини эса илм-фан туфайли тўпланган назарий билимлар, ғоялар йиғиндиси ташкил этади. Уларнинг иккаласи бир-бири билан узвий боғланган бўлиб, бир-бирини тўлдиради.

2. Дунёқарашнинг узлуксиз ўзгариб, янгиланиб, ривожланиб турувчи жараён эканлигини унинг тарихий типларининг шаклланиши ва алмашинувидан ҳам билса бўлади.

Дунёқарашнинг тарихий типларига мифологик, диний ва илмий-фалсафий дунёқарашлар киради.

Мифологик (юнонча – «мифос» - нақл, ривоятлар ҳақидаги таълимот демакдир) дунёқараш жамият тараққиётининг энг бошланғич даврига хос бўлиб, унда олам ходисалари нақллар, ривоятлар, афсоналар асосида тушунтирилади. Мифологик дунёқараш илм-фан тараққий этмаган вақтда кенг тарқалган бўлиб, унинг келиб чиқиш сабабининг асосини инсоннинг ўзини қуршаб турган оламни билишга интилиш ётади. Мифологик дунёқарашда жамият билан табиат, жонли билан жонсиз нарсалар бир хил тарзда ифодаланлади. Унда дунёнинг қандай пайдо бўлганлиги, оламнинг асосида нима ётиши, нарса ва ходисаларнинг ўзаро алоқадорлиги афсоналар, эртаклар мисолида ифода қилинади.

Мифологик дунёқарашнинг хусусиятлари:

1. Бу дунёқараш инсоният тараққиётининг энг қуйи босқичларига тўғри келади. Унда табиат инсондан ажратилмаган ҳолда тасвирланади, табиат ходисалари жонлантирилади, табиатнинг моҳияти, хусусиятлари инсонга хос бўлган хислат-хусусиятлар асосида тушунтирилади.

2. Мифологик дунёқарашда кишиларнинг олам тўғрисидаги фикрлари афсонавий қаҳрамонлар образлари орқали гавдалантирилади. Мифологик дунёқарашда ҳаёт ва ҳаёл, фикр ва ҳис-туйғу, билим ва бадийлик, объективлик ва субъективлик яхлит ҳолда ифода этилади. Гарчи ижтимоий тараққиётнинг нисбатан кейинги босқичларида мифологик дунёқарашнинг оламни англаш усули сифатида етарли эмаслиги, кишиларни қаноатлантирмаслиги равшан сезилиб қолган бўлса-да, у халқлар маънавий маданиятининг шаклланиши ва тараққиётига баракали таъсир кўрсатди, оқибатда ривоятлар, халқ эпоси, афсоналар, нақллар адабиёт ва санъат тараққиётида ўз ифодасини топди.

3. Мифологик дунёқарашда табиат ва жамиятнинг, олам ва одамнинг, бир бутун борлиқнинг умумий бирлиги, ички ва ташқи алоқадорлиги, инсон ички дунёсининг манзараси ўзининг дастлабки ифодасини топган.

Мифологик дунёқараш билан дастлабки содда фалсафий қарашлар омухтаси сифатида диний дунёқараш ўз-ўзидан шаклланган. Мифологияда нарса ва унинг образи, моддийлик ва маънавийлик бир-биридан ажралмаган яхлит ҳолатда тавсифланса, диний дунёқараш буларни бир-биридан ажратиб тавсифлайди.

Диний дунёқараш тарихий тараққиётнинг нисбатан кейинги босқичларида вужудга келган бўлиб, у оламни, табиий ва ижтимоий ходисаларни илоҳий кучлар таъсири ва мўъжизасига боғлаб тушунтиради. Шу билан бир қаторда диний дунёқараш табиат, олам борлиғидан ташқари илоҳий борлиқнинг мавжудлигини тан олади. Диний дунёқарашнинг хусусиятлари:

-Диний дунёқарашнинг моҳиятида Олий ибтидони барча нарсалар, бутун оламнинг яратувчиси ёки биринчи сабаб, деб тан олиш ётади.

-Диний дунёқарашнинг асосини диний имон ва эътиқод ташкил этади. Диний имон Олий ибтидо (худо, олий руҳ ва ҳ.к.)га сиғинишни, шунингдек, кишилар онгидаги диний тасаввурлар, қарашлар, образларни ўз ичига олади.

-Диний дунёқараш, хиссий-эмоционал хусусиятга эгадир.

-Диний дунёқараш диний ақидаларда ўз ифодасини топади, ҳар бир диннинг ўз ақидалари мавжуд.

-Диний дунёқараш таркибига сиғиниш, тоат-ибодат қилиш, урф-одат, расм-русум, маросимлар системаси киради.

-Диний дунёқараш на фақат инсон онгига, шу билан бирга унинг руҳиятига қаратилган бўлиб, у турли хикматлар, афсоналар, фалсафий фикрлар орқали шакллантирилади.

Диний дунёқараш ҳақида фикр юритганда, унинг мазмунида кишиларнинг ахлоқ-одоб ҳақидаги минг йиллар давомида тўплаган билимлари ва тарихий тажрибалари акс этганлигини, дин узок даврлар мобайнида одамларни тарбиялашга йўналтирилганлиги, у одамларни баҳамжиҳат яшашга ундаганлигини унутмаслик лозим. Дин маънавий маданиятнинг таркибий қисми эканлигини унутмаган ва диний кадриятларни ҳурмат қилган ҳолда, фуқороларни, айниқса ёш авлодни замонавий, дунёвий фанлар асосида дунёқарашини шакллантириш замон талаби эканлигини унутмаслик керак.

И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Биз бундан буён ҳам аҳолини энг олий руҳий, ахлоқий ва маънавий кадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилиш тарафдоримиз. Лекин биз ҳеч қачон диний даъватлар ҳокимият учун курашга, сиёсатга, иқтисодиёт ва қонунчиликка аралашиш учун дин байроқ бўлишига йўл қўймаймиз. Чунки бу ҳолни давлатимизнинг хавфсизлиги, барқарорлиги учун жиддий хавф-хатар деб ҳисоблаймиз»²:

3. Мифологик ва диний дунёқарашларда фалсафа унсурлари ҳам бўлиб, дастлаб эрамиздан аввалги тўртинчи, учинчи минг йилликларида қадимий Шарқ мамлакатларида илмий фикрлар, у билан боғлиқ равишда оламни фалсафий англаш вужудга кела бошлаган. Фалсафий дунёқарашнинг ўзига хос томонлари қуйидагилардан иборат:

²Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истикболнинг асосий тамойиллари. Т., 1995 йил, 55-бет.

-фалсафий дунёқараш оламни фан ва ақлга асосланган ҳолда тушунтиришдир. Шу маънода фалсафий дунёқараш дастлаб илмий дунёқарашнинг синоними тарзида вужудга келган.

-фалсафий дунёқараш кишиларнинг олам ҳақидаги яхлит тизимга солинган билимлари йиғиндисидир. Шу маънода фалсафий дунёқараш табиат, жамият, инсон маънавий ривожланишининг энг умумий қонуниятлари тўғрисидаги маълумотларни ўзида мужассамлаштиради.

-Фалсафий дунёқараш оламни қандай бўлса, шундайлигича, ҳеч қандай қўшимчаларсиз тушунтиради. Олам эса мураккаб, у ноорганик ва органик олам, табиат, инсон ва жамиятни ташкил этувчи нарсалар, ходисалар йиғиндисидан иборат.

- Илмий фалсафий дунёқарашга мувофиқ нотирик ва тирик табиат, жамики нарса ва ходисалар, бутун мавжудот доимо ҳаракат, ўзгариш, тараққиётда; оламда ҳеч қандай нарса, ҳодиса йўқки, у ўз-ўзича мавжуд бўлсин. Барча нарса ва ходисалар ўзаро бир-бирлари билан боғлиқ, бири иккинчисига таъсир кўрсатади. Бу боғлиқлик, алоқадорлик уларнинг доимий равишда ўзгариб, ривожланиб туришига олиб келади.

- Илмий фалсафий дунёқараш қуйидаги тамойилларга амал қилади:

- | | |
|----------------|------------------------|
| -Илмийлик | -Мақсадлилиқ. |
| -Тарихийлик | -Ғоявийлик. |
| -Мантиқийлик | Назария ва амалиётнинг |
| -Универсаллик. | бирлиги. |

4. Фалсафий дунёқараш кишиларнинг фикрлаш маданиятини, ички маънавий дунёсини илмий асосда шакллантиради.

-Фалсафий дунёқараш инсоннинг оламни, жамиятни, унда ўзининг тутган ўрнини илмий англаш имкониятларини беради: кишиларда содир бўлаётган воқеа-ходисаларга мустақил ёндошишни, ўз фикри, нуқтаи-назарига эга бўлишни тарбиялайди.

Назорат саволлари:

1. Дунёқараш тушунчасининг мазмун-моҳияти қандай?
2. Дунёқарашнинг тарихий шакллари қайсилар?
3. Фалсафий дунёқарашнинг ўзига хос хусусиятлари нимада?
4. Фалсафа фани ва фалсафий дунёқарашнинг асосий тамойилларини қандай тушунаси?
5. Оламни фалсафий тушунишда қандай фалсафий ғоялар, таълимотлар ва назариялар мавжуд?

ГЛОССАРИЙ:

Фалсафа (юнон. *phileo* – севаман, *sophia* – донолик, дониўмандлик) – инсоният тарихидаги энг қадимий илмлардан бири; олам ва унинг ўзгариши, ривожланиши ва тараққиётининг энг умумий қонунлари, ҳаёт ва инсон, умрнинг моҳияти ва мазмуни, борлиқ ва йўқлик, оламни билиш каби кўплаб муаммолар ҳақида баҳс юритадиган фан.

Фалсафа фанининг муаммолари – фалсафий фанлар шуғулланадиган масалалар, фалсафанинг предмети билан боғлиқ муаммолар. Олам ва одам муносабатлари, борлиқ ва йўқлик, дунёнинг яратилганлиги ёки ўз-ўзидан мавжудлиги, ундаги ўзаро алоқадорлик ва тараққий этиш, инсоният ҳаётидаги

адолат ва ҳақиқат, яхшилик ва ёмонлик, уруш ва тинчлик, умрининг мазмуни, табиат ва жамият тараққиётининг асосий тамойиллари билан боғлиқ кўпдан-кўп масалалар фалсафа ва фалсафий билим соҳаларининг азалий муаммолари сирасига киради.

Дунё (араб.) – инсонни қуршаб олган моддий ва маънавий борлик, бутун олам, бутун борлик.

Дунёқараш – фалсафа фанининг энг муҳим категорияларидан бири. Фалсафанинг асосини ташкил қилади, олам ва одам ҳақида бир бутун қарашлар, ғоялар тизимини ташкил этади. Энг муҳими инсоннинг оламга муносабати, дунёдаги ўрни, моҳияти, ҳаётини йўналишини, ўзлигини англаш каби саволларга жавоб беради.

Миф (юнон. *mifhos* – афсона, нақл, ривоят) – ибтидоий двар кишилари онги ва дунёқарашда инсон, табиат, жамият ва коинотнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ воқеалар, шунингдек, табиат ва жамият ҳодисаларининг акс этиши.

Мифологик (афсонавий) дунёқараш – табиат кучлари ва ҳодисаларини ҳиссий қиёфалар, ҳаёлий вужудлар шаклида жонлантириб тасвирловчи, кишиларнинг ҳаёлотига асосланувчи қарашлар ва тасаввурлар.

Диний дунёқараш – бу кишиларнинг табиий ва ижтимоий ҳодисаларни илоҳий кучлар асосида акс эттирувчи қараш ва тасаввурлари ҳамда ана шу илоҳий кучларга бўлган ишонч ва эътиқодларидир. Диний дунёқарашнинг асосий элементларига диний туйғу, диний ақидалар ва унга ишониш, сиғиниш, диний эътиқод кабилар киради.

Фалсафий дунёқараш – инсоннинг олам, одам, жамият ва бошқаларга муносабатини ифодаловчи фалсафий тафаккур ва билимлар тизими бўлиб, бу мантиқий таҳлил ва умумлашмалар, мантиқий муҳокамалар ва хулоса чиқаришлар, мантиқий исботлар ва раддиялар асосида назарий фикр юритишлар орқали дунёни, борликни тушуниш, тушунтириш, баҳолаш ва изоҳлашдир.

Фалсафий дунёқараш тамойиллари – ҳар қандай аниқ дунёқараш шакллари учун услубий асос бўлиб хизмат қилади. Фалсафий дунёқарашнинг асосий тамойиллари (талаб-қоидалари)га қуйидагилар киради: илмийлик, тарихийлик, мантиқийлик, универсаллик, мақсадлилик, ғоявийлик, назария ва амалиётнинг бирлиги.

Монизм – фалсафада муайян ягона ибтидо – моддий ёки руҳий субстанцияни эътироф этиш тамойили. Монизм икки кўринишда – материалистик монизм ва идеалистик монизм шаклларида намоён бўлади.

Дуализм (лот. *duo* – икки ёқлама) – монизмга қарама-қарши ўлароқ, моддий ва руҳий субстанцияларни тенг ҳуқуқли асослар деб ҳисоблайдиган фалсафий таълимот.

Плюрализм (лот. *pluralus* – кўплик, кўпхиллик, кўпсонлик) – борлиқнинг асосини, моҳиятини кўпчилик хилма-хил субстанциялар ташкил этади, унинг тараққиётини белгилайди деб ҳисобловчи фалсафий қараш.

Материализм (лот. *materiactos* – моддий) – ягона борлиқнинг икки томони – руҳий (ғоявий) ва моддий томонларидан бирини, айнан, моддий борлиқни асосий (бирламчи) деб қараб, бошқасини (руҳий, ғоявий борлиқни) моддий борлиқдан келиб чиққан мавжудлик деб ҳисоблайдиган фалсафий концепция.

Идеализм (юнон. *idea* – ғоя, фикр) – энг қадимги ўзига хос фалсафий йўналишлардан бири бўлиб, руҳ ва онгни борлиқнинг ягона асоси ва бирламчи деб

эътироф этувчи таълимотлардир. Фалсафий идеализм ўз моҳиятидан келиб чиқиб, икки кўринишда: субъектив идеализм ва объектив идеализм таълимотларида намоён бўлади.

Диалектика (юнон. *dialektike* – суҳбат, мунозара қилиш) – борлиқ ва ундаги нарса ва ҳодисаларни ўзаро боғлиқликда ва ривожланишда, тараққиётнинг моҳиятини акс эттирувчи таълимот, билишнинг умумфалсафий методи ва илмий билиш методологияси.

Метафизика – оламда нарса ва ҳодисалар умумий боғлиқликдан ташқарида, ўз-ўзидан сифат жиҳатидан ривожланмайди деб қаровчи фалсафий таълимот ва фалсафий билишнинг диалектикага зид бўлган методи.

Герменевтика (юнон. *hermeneutikos* – изоҳлаш, талқин этиш) – 1) матнларни таҳлил қилиш назарияси ва амалиётит; 2) ҳозирги замон фалсафаси оқимларидан бири бўлиб, тарихий-фалсафий фан доирасида матнларни назарий асословчи ва методологик тушунтирувчи соҳа.

Агностицизм (юнон. *agnostos* – а – инкор, *gnostos* – билиш, билишни инкор этиш, номаълум) – фалсафий таълимот бўлиб, табиат ва жамият қонуниятлари моҳиятини билиш имкониятларини рад этиб, билимнинг воқеликка мувофиқлигини исботлаш мумкин эмас, деб ҳисоблайдиган таълимот.

Гностицизм (юнон. *gnosis* – билиш) – фикрлаш қобилиятига эга бўлган инсонгина борлиқдаги нарсалар, ҳодисалар ва жараёнларнинг моҳиятини билиши мумкинлигини эътироф этувчи фалсафий таълимот.

Тамойил (Принцип) (лот. *principium* – ибтидо, асос, илк сабаб) – 1) турли аҳамиятга эга бўлган фактлар ва билимлар мажмуининг асоси, пойдевори; 2) ҳар қандай хатти-ҳаракат, хулқ-атвор ва фаолиятнинг бошланғич қоидалари.

Метафилософия, метафалсафа (юнон. *meta* – кейин ва “философия” сўзларидан) – фалсафанинг ўз-ўзини билиши жараёнини ифодаловчи ва ҳар қандай фалсафий муаммо устида мулоҳаза юритиш учун замин тайёрловчи фалсафий билим назарияси. Метафалсафани фалсафа фалсафаси деб ҳам юритадилар.

II бўлим. Фалсафа тарихи.

2.1. –мавзу: Қадимги Шарқ мамлакатларида илк фалсафий фикрларнинг вужудга келиши.

Режа:

1. Фалсафий фикрлар вужудга келишининг ўзига хос хусусиятлари.
2. Қадимги Миср ва Бобилда фалсафий фикрларнинг шаклланиши.
3. Қадимги Хинд фалсафаси.
4. Қадимги Хитой фалсафаси.

1. Бу мавзуда фалсафанинг келиб чиқиш сабаблари, унинг мавжуд ижтимоий-иқтисодий муносабатлар билан бирга қандай ривожланиб, такомиллашиб борганини аниқлаб олинади.

Ҳозирги адабиётларда фалсафанинг вужудга келишини марксизмнинг синфийлик тамойилларига асосланиб, қулдорлик тузумининг шаклланиши билан боғлаб, унинг тарихини уч минг йил деб ҳисобланади. Фикримизча, қадимги асотирлардаёқ фалсафий фикрлашлар, олам ва ундаги ҳодисаларга ақл кўзи ва тажриба мезони билан қараш унсурлари мавжуддир.

Шу билан бирга фалсафа тарихининг ривожланиш босқичларини ижтимоий тараққиётнинг у ёки бу даврлари билан боғлаб тушунтириш ҳам ўзини оқламайди. Чунки бу даврлар турли минтақаларда ўзига хос тарзда кечган. Масалан, қадимги Греция ва қадимги Румода қулчилик иқтисодий ишлаб чиқариш усулини асосини ташкил қилиб, бу давлатларнинг ривожланишида қулдорлик даврини ташкил қилган. Агар Хитой, Ҳиндистон ҳамда Марказий Осиё халқлари тарихига назар ташласак бу ерда соф қулдорлик тузumi бўлмаганлигини кўраимиз. Кўпгина давлатларда қулчилик у ёки бу тарзда XIX асрнинг 2-чи ярмигача давом этиб, ҳеч қачон улар иқтисодиётнинг асосини ташкил қилмаган.

Шунинг учун фалсафанинг ривожланиш босқичлари турли минтақаларда ўзига хос хусусиятларга эга бўлганлигига эътиборни қаратиш керак. Ҳамма минтақалар учун фалсафий савол ва жавоблар туғилишини универсал босқичи бўлиб мифологик тафаккурнинг парчаланиш даврини олиш мумкин.

Фалсафий фикр ривожланишига ёндашувнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири – бу, жаҳон тарихий–фалсафий жараёнларни турли–туманлигини торайтириб кўядиган Европоцентризм қарашларидир. Бу қарашларни ғайриилмийлигини кўрсатиш билан Шарқ билан боғлиқ жиҳатини таҳлил этганда ҳам Осиёцентризм ғоялари таъсирга тушмаслик керак. Бу ўринда Ғарб ва Шарқ тарихий–фалсафий жараёнларини даврларга ажратиш тамойилларига эътибор қаратиш билан бирга Ғарб ва Шарқ фалсафасидаги анъаналарнинг ўзаро муносабатини ҳам таҳлил қилиш лозим.

Шарқнинг ўзига хослиги, унга муносиб бўлган маданий тараққиёт жаҳон цивилизациясининг бешиги, дунё халқлари ривожига кўшилган муносиб ҳисса экани ҳам сир эмас. Бу ҳол жаҳоннинг барча холис мутахассис олимлари томонидан эътироф этилади. қолаверса, Ватанимиз цивилизациясининг Шарқ цивилизациясининг қучоғида вояга етгани ва унинг кадриятларини ўзида акс эттирганини, унга ва бутун дунё маданиятига улкан таъсир кўрсатганини доимо эсда тутиш даркор.

Фалсафий ғоялар муайян ижтимоий шароитлар таъсирида, маълум тарихий–маданий манбалар асосида шаклланади.

Одамлар миллион йиллар давомида оила-оила, гала-гала бўлиб яшашдан бундан 50-40 минг йиллар муқаддам Кромоньон типига аждодларимиз жамият мухитида яшаш ва тарбияланиш босқичига ўтдилар. Натижада ибтидоий ҳаётнинг мураккаблашиши ва кишилар ижтимоий амалиётининг кенгайиши уларни абстракт фикрлашни ривожлантирди, шу билан бирга аста-секин илмий билимларни шакллантирди.

Фалсафа фани ўзига хос ёндошишга эга. қадимдан файласуфлар борлиқ нима? Бор бўлишнинг ўзи нима? деган саволларга жавоб қидирганлар. Фалсафий қарашларнинг бу ўзига хос хусусияти қачон ва нима учун фалсафа келиб чиққан деган саволга жавоб беришга имкон туғдиради.

Ижтимоий ҳаёт ва ижтимоий онгда, одатда, мифология ёрдамида ҳал қилиб бўлмайдиган, ишонтиришнинг иложий йўқ жиддий зиддиятлар вужудга келади. Бу ўринда шаклланган фикр билан, ҳақиқатан қандай эканлиги ҳақида билимни фарқлаш эҳтиёжи туғилади. Бу фарқлаш фалсафа билан бирга вужудга келади.

Фалсафа аввал бошдан кундалик онгни, урф–одатни, анъанавий қадриятларни ва ахлоқ нормаларини танқид қилади. Файласуф ҳамма нарсага шубҳа билан қарайди, буни у шу анъаналарни келиб чиқиш илдизини топиш учун қилади. Шундан унинг бор бўлишнинг ўзи нима?, борлиқ нима? деган саволининг мазмуни келиб чиқади.

Фалсафанинг вужудга келишида қандай ижтимоий вазият, маданиятдаги қандай силжишлар таъсир қилади? деган саволлар туғилиши табиийдир. қадимги Грецияда фалсафа инсон ҳаётининг маъноси, унинг одатдаги тузуми ва тартиби хавф остида қолган вақтда шаклланди. Фалсафанинг у ёки бу даврда шаклланишигина эмас, балки таракқиёти ҳам чуқур ижтимоий кризис (инқироз)лар билан боғлиқ бўлиб, инсон қийналганда, эскича яшай олмай қолганда, эски қадриятлар ўз аҳамиятини йўқотганда, энди нима қилиш керак? деган савол туғилади. қадимги Грек фалсафасининг келиб чиқишига келсак, у ўша жойдаги қулдорлик тизимининг одатдаги мифологик–афсонавий тасаввурларини рад этиб, янги дунёқарашни тақоза этарди. Шундай қилиб, фалсафий қарашлар одатдаги турмуш тарзи ва одатдаги қадриятлар инқирози мухитида вужудга келади. У эскича ёндашувларга хос урф–одатларни танқид қилиб, янгича қарашларни қарор топтириш, янгича турмуш тарзини шакллантиришга ҳаракат қилади. Шунинг учун фалсафада назарий ва дунёқараш муаммолари узвий боғлиқдир.

2. Қадимги Шарқ цивилизациясининг бешиқларидан бўлган Миср ва Бобилда эраמידан аввалги тўрт минг йилликнинг охири ва уч минг йилликнинг бошларида дастлабки фалсафий фикрлар, олам ҳақида содда илмий қарашлар, жумладан, астрономия, космология, математикага оид қарашлар вужудга келди.

Бу ерда шаклланган фалсафий қарашларнинг энг асосий хусусияти шундан иборатки, уларда, бир томондан, сирли кучлар, мўъжизаларга ишонч, у кучларнинг табиат ва жамиятга кўрсатадиган таъсирини мутлоқлаштириш хусусияти устивор бўлган бўлса, иккинчи томондан афсона ва ривоятлар тарзида дунёвий билимлар, илмий қарашлар ҳам аста-секин шакллана бошлаган. Бу – ўша даврлардан қолган ёзма манбаъларда, хусусан, «Хўжайиннинг ўз кули билан ҳаётининг мазмуни ҳақида суҳбати», «Арфист кўшиғи». «Ўз ҳаётдан хафсаласи пир бўлган кишининг ўз жони билан суҳбати», «Адапа» достони, «Этапа» ҳақидаги афсона, «Жафокаш авлиё ҳақида дoston» каби битикларда яққол намоён бўлган.

3. Бизнинг эрамизгача бўлган 1 минг йилликнинг ўрталарида инсоният тарихининг тараққиётида қадимги маданиятнинг уч ўчогида Хиндистон, Хитой, Грецияда деярли бир вақтнинг ўзида фалсафий фикрлар вужудга келди. Унинг туғилиши оламни мифологик тушунишдан билимга таянадиган дунёқарашга ўтишдек узоқ жараёни бошидан кечирди.

Хиндистон башарият тарихида цивилизация бешикларидан бири ҳисобланиб, унинг фалсафаси ўзининг қадимий ва бой тарихига эга. қадимги Хинд фалсафасини ўрганишда «Рамаяна», «Махабхарота», «Калила ва Димна», «Ведалар» каби машхур асарлар илк манбалар бўлиб хизмат қилади. Хинд маданияти ва фалсафасининг ана шу бебаҳо ёдгорликларининг ҳар бирида ақл-идрок, адолат, инсоф-диёнат, халоллик, поклик, меҳнатсеварлик, миллий тотувлик, тўғри сўзлилиқ ҳақида ва ёмон иллатларга қарши курашиш зарурлигига доир жуда муҳим фалсафий гоялар хикматлар, ривоятлар, мақоллар шаклида баён этилган.

Фалсафий қарашларнинг куртаклари Хинд маданияти энг қадимги ёзма ёдгорликлари «Ведалар»да («Веда»лар – табиатнинг илохий кучларига қаратилиб айтиладиган гимнлар, дуолар тўплами) учрайди. «Веда» китоби Ригведа, Самаведа, Яжурведа ва Атхарвоведа деб аталадиган 4 катта бўлимдан иборат.

Уларда борлиқнинг бош манбаи, моддий ибтидоси деб ҳисобланган сув, олов, ҳаво, ёруғлик, тупроқ ҳамда озиқ-овқат, фазо ва вақт ҳақидаги, шунингдек оламнинг тузилиши ва уни бошқарувчи қонунлар, инсон билимининг манбаълари ва турлари, инсоннинг ижтимоий мажбуриятлари каби қатор фалсафий масалалар ёритилган. Уларда таъкидланишича, тана жоннинг қобиғи бўлиб, жон эса – дунёвий рухнинг бир бўлагидир.

Хинд фалсафаси асослари «Упанишадалар» номи билан машхур бўлган манбаъларда ҳам ўз аксини топган. «Упанишадалар» «сирли билим» деган маънони англатиб, «Ведалар»нинг фалсафий қисмини ташкил этади. «Упанишадалар» яхлит китоб ёки фалсафий рисола бўлмай, балки турли вақтда ҳар хил мавзуда ижод этган номаълум муаллифларнинг матнларидан иборатдир. Уларнинг мазмуни ва услуби турлича фалсафий қарашлар маҳсулидир. «Упанишадалар»даги фалсафий мавзулар, асосан, инсонни ўраб турган борлиқ, унинг ҳаётдаги ўрни ва вазифаси, ташқи олам ва инсон табиати, унинг ҳаёти ва рухиятининг моҳияти, билиш имкониятининг чегаралари, ахлоқ меъёрлари ҳақидадир. Фалсафий муаммолар асосан диний-мифологик нуқтаи назардан баён этилган.

Эрамизгача бўлган VIII-VII асрларда Хиндистонда Локайти (бу дунё)ни тан олувчи фалсафий таълимот шакллана бошлади. Бу таълимотнинг асоси Брихаспати ва унинг издошлари ведаларда баён этилган диний қарашларни танқид қилиб, ердан бошқа тарздаги ҳаётнинг бўлиши мумкин эмас, деган фикрни илгари сурдилар.

Локаятанинг энг ривожланган оқими Чарваклар (эр.авв. VI-аср) таълимотидир. Уларнинг фикрича, дунё 4 элементдан - тупроқ, ҳаво, сув ва оловдан ташкил топган бўлиб, барча нарса, ходисалар шу 4 элементнинг турли бирикмасидан иборатдир. Улар дунёни билиш мумкин ва билишнинг манбаи идрокдир деб, билимда хиссиётнинг ролини бўртириб юборганлар, хулосалар ёлгон бўлиши мумкин деб ҳисоблаганлар.

4. Хитойдаги дастлабки фалсафий таълимотларда дунё абадий ва 5 унсур – олов, сув, ер, дарахт ва металлдан ташкил топган, деб уқтирилади.

Эрамиздан олдинги VII-VI асрдаги Хитой мутаффакирларининг фикрича, табиат ходисалари ЦИ деган моддий зарралардан таркиб топган, у Дао деган объектив табиий қонуниятга бўйсунди. Хитойликларнинг табиат ходисалари қонуниятли асосда тараккий қилади, деган тасаввурлари, дунё моддийдир, деган таълимотига боғлиқдир. Дао ҳақидаги таълимот фалсафадаги қонун тушунчасини ҳосил қилишдаги дастлабки уринишдир.

«Даосизм» «Дао» сўзидан келиб чиққан бўлиб, «йўл», «таракқиёт», «дунё негизи» маъноларини билдиради. Даосизмнинг асосчиси Лао-цзи бўлиб, у дунёда абадий ҳаракат ва қарама-қаршилиқлар бир-бирига боғлиқлиги амал қилади, табиат ходисалари ўз-ўзига зид ҳолатга айланиб ривожланади, деган фикр юритилади. Таъкидланишича, гўзаллик ва ёмонлик, борлиқ ва йўқлиқ, узун билан қисқалиқ бир-бирини тўлдиради, бирин-кетин келади, бир-бирига боғлиқ бўлади, табиатдаги барча мавжудот, барча ходисалар қарама-қаршилиқларни ўз ичига олади.

Даосизм вакиллари билишдаги ҳиссий ва мантикий жихатларнинг мавжудлиги масаласини ўртага қўйиб, билишда ҳиссиёт ва амалиётнинг аҳамиятини камситиб, ақлни бўрттириб юборганлар.

Эрамиздан олдинги V-III асрларда Хитойда Конфуцийчилик каби фалсафий оқим бўлган. Бу оқимнинг асосчиси Хитой мутафаккири Конфуций бўлган. (эр.олдинги 551-479 йилларда яшаган). Конфуций инсонпарварлик гоёларини қадимги Хитойда биринчи бўлиб олға сурди. У ўзининг фалсафий қарашларида тарбия масалаларига катта эътибор қаратган. Одамлар ўз табиатига кўра, бир-бирларига ўхшайдилар, фақат тарбияга кўра, улар бир-бирларидан фарқланадилар, дейди у. Конфуций фикрича, инсонлар ўртасида ўзаро муҳаббат, ҳурмат тамойиллари хумрон бўлиши керак.

2.2.-мавзу: Қадимги Марказий Осиёда ижтимоий-фалсафий фикрларнинг шаклланиши

Режа:

1. Марказий Осиёдаги қадимги мифологик, диний ва фалсафий фикрларнинг пайдо бўлиши ва ёйилиши.
2. Зардуштийлик дини, унда олам, борлиқ ва рух, табиат ва одам тўғрисидаги қарашлар.
3. Моний ва Маздак таълимоти.
4. Буддавийлик диний-фалсафий таълимотининг Марказий Осиёда тарқалиши.

1. Марказий Осиё жаҳоннинг илм, фан, фалсафа, дин, адабиёт ва санъат қадимдан ривожланган, тарихи ниҳоятда бой минтақалардан бири. Маълумки, ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Тарихимизни ўрганар эканмиз, у умумжаҳон цивилизацияси бешиқларидан бири бўлганига ишонч ҳосил қиламиз. Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Тарихда “Турон”, “Туркистон” ва “Моварауннаҳр” номи билан машҳур бўлган Марказий Осиё, айниқса, Ўзбекистон ҳудудида минглаб йиллар давомида юксак маданият гуллаб яшнади, қудратли давлатлар мавжуд бўлди. Улар инсоният тарихида сезиларли из қолдирди”. (И.А.Каримов. Маънавий юксалиш йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 1998, 379-бет).

Милoddан илгари X-VIII асрларда Турон (Марказий Осиё)да ижтимоий муносабатлар раванқ топа бошлайди. Шу даврда Марказий Осиёда яшаган халқлар Юнон тарихчилари томонидан скифлар деб аталса, Эрон манбаъларида саклар деб

номланганлар. Аммо катта худудга тарқалиб кетган турк қабилалари яшайдиган улкан маскан Турюок, Турон, Туркистон деб атаб келинган. Собик Шўролар даврида шу масканларни Ўрта Осиё, Марказий Осиё деб аташ расм бўлган.

Қадимги Турон халқлари ҳаётида дехқончилик ва чорвачилик муҳим аҳамият касб этган. Бу худудда дехқончилик сунъий суғоришга асосланган бўлиб, у суғориш иншоотларининг ривожланишига олиб келган. Шундай қилиб дастлабки маданий марказлар вужудга кела бошлайди. Мана шу даврда Туронда оромийлар алифбоси кенг тарқалган. Унинг асосида эса Хоразмликлар, Сугдиёналиклар алифбоси вужудга келади. Шу билан бирга бу жойда яшаётган халқларнинг бой адабий мероси пайдо бўла бошлайди. Туронликларнинг оғзаки ижодининг энг дастлабки намуналари бизгача етиб келган. Масалан, Тўмарис, Спитамен, Зарин, Чўпон, Широқ ҳақидаги афсоналар шулар жумласидандир. Уларда Турон халқларининг ватанпарварлик хислатлари мадҳ этилади.

2. Милоддан аввалги VI асрдан то милоднинг III асригача Туронда зардуштийлик ва у билан боглик дунёқараш ҳукмронлик қилган.

Зардуштийлик фақат дин бўлиб қолмай, балки ўша даврнинг ҳукмрон мафқураси ҳам эди.

Зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто» материали (12000 ошланган қора мол терисига ёзилган) милоддан илгари бир қанча асрлар давомида тўпланган. Александр Македонскийнинг босқинчилик даврида унинг кўп қисми йўқолган. Эронлик Аршохийлар даврида унинг қолган қисми «Авесто» сифатида тартибга солинган.

Унда Турон халқларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ахлоқий қарашлари ва умуман дунёқарашини ўз ифодасини топган.

«Авесто»да ўтмиш аждодларимизнинг диний тасаввурлари, коинот ва ердаги дунёнинг яратилиши билан боглик афсона ва ривоятлар, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаёти, географияси, табиати, набототи, илм-фани ўз аксини топган. Унда қадимги Турон ўлкасининг иқлими, суви, ҳайвонот дунёси, ер тузилиши, саҳролари, тоғлари ҳақида қимматли маълумотлар берилган.

Ғаразғўйлик, ҳасад, манманлик, фитна-фасод «Авесто»да қаттиқ қораланса, ваъдага вафо қилиш, аҳдга садоқат, самимият, холислик, ўзаро иззат-икром каби одамлар ўртасида устивор бўладиган ахлоқий қоидалар улуғланади. «Авесто» дунёни инсон учун синов майдони деб тушунтиради.

«Авесто»да одамларни имонли бўлишга, доимо пок-тоза юришга, танани озода тутишга, ҳар қандай ёвуз ният ва сўзлардан юз ўгиришга даъват этадиган ахлоқий қоидалар диний ўғитлар, фалсафий ғоялар ниҳоятда кўп.

«Авесто»да қайд этилган энг муҳим фалсафий фикрлардан бири – инсонларни меҳнат қилишга, ўз қўллари билан моддий бойликлар яратиш, тўқ-фаровон ҳаёт кечиришга даъватлардир.

Зардуштийлик дини ва унинг «Авесто» китобида дунёнинг моддий асоси деб ҳисобланган ер, сув, тупроқ, олов муқаддаслаштирилади. Ер ва ҳаво шундай эъзозланганки, ҳавони булғаш, ифлослантириш, ҳайвонлар ўлиги у ёқда турсин, одамлар жасадини ҳам ерга кўмиш, сувга оқизиш, оловда ёқиш гуноҳи азим бўлган. Марҳумлар ерни, сувни, ҳавони заҳарлаб қўймасликлари учун уларнинг жасадларини маҳсус сопол идишлар – остадонларда кўмиш расм бўлган.

Шундай қилиб, «Авесто» яккахудочилик (вахдоният)га асосланган дунёда энг биринчи дин бўлган. Ундаги барча асосий ғоялар ҳозирги жаҳон динларида ўз

мужассамини топган. Шунинг учун инглиз тадқиқотчиси Мэрэ Бойс хоним зардуштийликни билмай туриб, жаҳон динлари моҳиятини англаш қийин, дейди. Зардуштийликнинг муқаддас китобида аждодларимизнинг узок ўтмиш тарихи ва тафаккур тараққиётининг қомусий йигиндиси, тили, ёзуви, бой маданияти, фалсафаси, бадиий ижоди ўз ифодасини топган.

Бирок, уруғлар, қабилалар, элатлар ўртасидаги келишмовчиликлар, ўзаро можаролар ташқи душманлар учун қўл келади. Туронни аввал Эрон шохлари босиб олади. Кейин эса греклар уни ўз мустамлакасига айлантиради. Турон халқлари, элатлари бирлашган даврларда йирик қўшни давлатлар улар билан ҳисоблашганлар, савдо-сотиқ алоқаларини кенгайтиришга интилганлар. Айти чоғда улар бу кўҳна халқнинг «орасини бузиб, ҳукмронлик қил» тамойилига амал қилиб, уларни парчалаб юборишга муваффақ бўлганлар. Бу аччиқ тарихий халқикатлар Тош битикларда ўз ифодасини топган: Турк ҳоконлари унда турк қавмларига мурожаат қилиб, сизлар бирлашсангиз душманлар хизматингизда бўлади, мабода парокандаликка йўл қўйсангиз, унда сизлар душманлар малайига айланасизлар, деган маънодаги фалсафий фикрлар бор.

Эрон ҳоконлари зардуштийликдан ўз манфаатлари йўлида фойдаландилар. Ундаги бирлик, эзгулик учун кураш ғоялари қадрсизланиб борди.

3. Бундай шароитда бошқа ғоялар тарқалиши учун қулай муҳит юзага келди. Ироқда туғилган ва даставвал Эрон шохлари марҳаматига сазовор бўлган Моний (216-277) кейинчароқ қувғинга учради ва ижодининг кўп қисмини Туронда рўёбга чиқарди. У зардуштийлик, христианлик, яккахудолик (иудаизм) динларини бирлаштириб, Монийлик номи билан ягона дин яратмоқчи бўлди. У яккахудолик ва христианликдан халоскорлик ғоясини, Зардуштийликка қиёсан нур ва зулмат ғоясини олади. Бу таълимотда Моний ўзи Само нури элчиси ҳисобланади. Борлиқнинг 2 субстанция асоси - ёруғлик, яхшилик ва руҳ олами билан зулмат, ёвузлик, материя олами ўзаро курашади, деб таълим беради. Моний, биринчи оламда худо, иккинчисида шайтон ҳукм суради, дейди. Икки олам кураши фалокат билан тугайди, натижада материя ҳалокатга учраб, руҳ озодликка чиқади. Моний таълимотига кўра, инсон руҳ-нур ва жисм-зулмат бирлигидан иборат мавжудот бўлгани сабабли, у зулмат кучларига қарши курашда руҳи покланиб, нур фарзандига айланади.

Монийнинг бу таълимоти авом халқ орасида кенг тарқала бошлади. Бундан таҳликага тушган шох Баҳром уни остириб юборди.

Маздакийлик ҳам Туронда кенг тарқалган. Унинг асосчиси Маздак (470-529) зардуштийлик кохинлари ва зодагонларига қарши курашга бошчилик қилган. Унинг таълимотига кўра, оламда эзгулик, ёруғлик манбаи билан қоронғулик (жоҳиллик) ўртасидаги курашда «яхшилик» «ёмонлик» устидан ғалаба қозонади.

Маздакийлик ғоялари Эрон ва Туронда кенг ёйилиб, салтанат ҳамда бой-зодагонлар учун хавф солади. Чунки бу таълимотга кўра, ўзига тинч, бой одамлар ночор кишиларга ёрдам қўлларини чўзишлари керак эди. Акс ҳолда улар мулкининг бир қисми зўрлик билан қашшоқларга олиб бериларди. Маздакийлик ҳаракати бостирилиб, Маздак қатл этилган бўлса-да, аммо унинг таълимоти Эрон, Турон, Озарбайжон халқларини зулмга, адолатсизликка қарши курашида қўл келди. Туронни араблар босиб олгач, уларга қарши кураш (Муқанна, Бобак қўзғалонлари) учун ғоявий мадад ролини ўйнади.

4. Маълумки, буддавийлик милоддан аввалги I минг йиллик ўрталарида Ҳиндистонда пайдо бўлган. Бироқ бу даврларда буддачиликнинг хинаяна номли оқими кенг тарқалган эди. Хинаяна (кичкина аравача ёки нажот топишнинг тор йўли) буддачилигининг бош ғояси фақат жуда кибор, мўътабар табақага мансуб буддавий азиз-авлиёларгина Нирвана саодатига эриша олади. Нирвана – бу юксак буддавийлик даражаси, мутлақ маъсудлик, хотиржамлик, эзгулик, жаннатийлик ҳолати демакдир.

Милоддан аввалги II ва I асрларда Турон заминида ҳам буддавийлик кенг тарқалган. Марв, Балх, Термиз, Сигноқ, Қува, Косон, Самарқанд, Бухоро каби шаҳар ва вилоятларда буддачилик таълимоти ақида ва маросимларини ишлаб чиқишда, уларни бошқа Шарқ мамлакатларида тарғиб этишда алоҳида ўрин тутган марказлар бўлган.

Буддачиликнинг жаҳон динига айланишида қадимги хитой сулолалари сарой солномаларида “юэчжэ” деб аталган 5та катта туркий уруғ асос солган Кушоншоҳлар салтанати, унинг шаҳаншоҳлари – Каджула Кадфис, Вима Кадфис, Канишка, Васуде ва бошқалар ҳал қилувчи рол ўйнаганлар. Милоддан аввалги I аср ва милоднинг IV-V асрлари орлиғида каттагина ҳудудни ўз ичига олган Кушоншоҳлар салтанати Махаяна буддачилигини ўзининг ғоявий эътиқоди, мафкураси яъни давлат дини деб эълон қилган эди. Шу тариқа буддавийликда иккинчи оқим – махаяна(катта аравача ёки нажот топишнинг кенг йўли) шаклланди. Манбаларнинг хабарларига қараганда Кушонлар салтанатининг асосчиси, буюк шаҳаншоҳи Канишка Кадфис томонидан мил.авв. 78 йил Панжобнинг Жаландхар шаҳрида чақирилган буддавийларнинг Жамъ-йиғинида “Махаяна – ҳамма учун бирдек улуғ йўл”, давлат дини ва мафкураси деб эълон қилинган. Чунки бу Кушонлар салтанатини мустаҳкамлаш, турли халқларни бирлаштириш учун зарур эди.

Махаяна тарафдорлари буддавийлик таълимотининг ақидавий асосларига, анъаналарига, маросимчилиги ва ижтимоий асосига жиддий ўзгаришлар киритишган, уни замон руҳига мослаганлар. Махаяна таълимоти руҳий камолот аҳдига риоя этувчи, худога илтижо қилувчи ҳар қандай оддий тақводор ҳам нажот топиши мумкин, “нирвана” саодатига шу дунёнинг ўзида ҳам эришиш мумкин, деб ўргатади. Нирванага фақат нуфузли ва кибор тоифалар, будда авлиёларигина эмас, балки маънавий-руҳий покланиш, тозаланиш йўлига кириб комилликни олий ва эзгу мақсад қилиб олган барча одамизот эришиши мумкин. Бундан ташқари, Махаяна тарафдорлари буддавийликка жаннат тўғрисидаги таълимотни кўшдилар. Бунгача жаннат ҳақидаги таълимот буддавийликда йўқ эди.

Таниқли археологлардан бири проф. Б.Я.Стависский буддачиликнинг Узоқ Шарққа кенг тарқалиши асосан Туронлик авлиё роҳибларнинг хизмати эканлигини қайд этади. Мазкур авлиё роҳиблар янги “вагн”ларга асос солганлар ва муқаддас сураларни шахсан кўчирганлар, уларни маҳаллий тилларга таржима қилганлар ва шарҳлаганлар. Ана шундай авлиё роҳиблар орасида Тармита (Термиз)лик Дхармамитранинг номи тилга олинади. Туронлик авлиё-роҳиблар буддавий сутралар матнини шарҳлаганликлари, бу иш билан нафақат Узоқ Шарқдаги, балки Ўрта Осиёдаги ибодатхоналарда ҳам шуғулланганликларини Ўзбекистон ҳудудида топилган янги археологик топилмалар тасдиқламоқда. Япония-Ўзбекистон археологик экспедицияси маълумотлари буддачилик Японияга айнан бизнинг юртимиздан тарқалганлигини тасдиқлади.

Буддачилик диний-фалсафий таълимотининг асосини Будда яратган “тўрт олий ҳақиқат” ташкил этади. Булар куйидагилар:

1). Азоб-уқубат ҳақидаги таълимот яъни яшамок – азоб-уқубатдир;

2). Азоб-уқубатнинг сабаблари мавжудлиги ҳақидаги таълимот. Азоб-уқубатларнинг сабаби – кишиларнинг истак, нафс-ҳирсга интилишлари, ҳаётга ташналиклари;

3). Азоб-уқубатлардан халос бўлиш ҳақидаги таълимот;

4). Азоб-уқубатлардан қутулишнинг нажот йўлларини топиш ҳақидаги таълимот. Бу таълимот ечими “нажотнинг олижаноб саккизлик йўли”да ўз ифодасини топади:

- тақводорлик (таркидунёчилик, зоҳидлик) эътиқоди;

- тақводорлик қатъияти;

- тақводорлик сўзи;

- тақводорлик иши;

- тақводорлик турмуш тарзи;

- тақводорликка интилиш;

- тақводорликни орзу қилмоқ;

- тақводорлик фикри ҳаёли билан яшаш.

Кўриниб турибдики, нажотнинг “олижаноб йўли” – тақводорлик ҳаёти бўлиб, унга амал қилган одам охир-оқибатда юксак камолотга эришади, яъни у архатга – чин ҳақиқатни англаб етган тақводор авлиёга айланади ва нирвана саодатига эришади. Шундай қилиб, буддавийликда нажот бу сансарадан (бу дунёдан) нирванага ўтишдан иборатдир.

Буддавийликда олам уч босқичли деб таърифланади. Унинг биринчиси, энг юқориси нирванадир. Унда мутлоқ осойишталик, руҳ хотиржамлиги ҳукм суради. Иккинчиси – бу бодисатводир, яъни руҳий мавжудотлар билан тўлган жаннатдир. Бу оламда руҳ барча гуноҳлардан халос бўлган, лекин энг олий оламга кўтарилмаган авлиёлар яшайдилар. Оламнинг шу қисмидан кишиларга Будда таълимоти юборилади, деб ҳисобланади. Учинчи олам – бу энг қуйи олам, қайта туғилишлар олами, сансарадир. Унда одамлар ва ҳайвонлар яшашади. Оламнинг бу қисмида руҳ қафасда яшайди. Руҳ юқори оламга – нирванага ўз-ўзидан эмас, балки одамларнинг савобли ишлари, руҳий-маънавий покланишлари, олижаноб фазилатлари, юксак эътиқодлари туфайлигина кўтарилиши мумкин.

Демак, Турон заминида тарқалган буддавийлик диний-фалсафий таълимоти ҳам кишиларни юксак ахлоқий-маънавий камолотга ундовчи қарашларни ўзида мужассам этарди.

Шундай қилиб, милоддан анча олдин қадимги Турон заминида диний-мифологик, ижтимоий-фалсафий фикрларнинг илк куртаклари вужудга келди. Бу ижтимоий-фалсафий қарашлар диний руҳда бўлса ҳам, ўша давр кишиларининг олам, инсон, унинг ахлоқи ва ҳуқуқи ҳақидаги қарашларини ўзида акс эттиради.

2.3.-мавзу: Қадимги Юнонистон ва Римда фалсафий фикрлар ривожланиши. (4с)

Режа:

1. Қадимги Юнонистонда ижтимоий–иқтисодий, маданий тараққиётнинг ўзига хос хусусиятлари. Милет ва Элей мактаблари.

2. Эфеслик Гераклит фалсафаси. Софистлар фалсафаси. Сукрот ва Афлотун фалсафаси.

3. Қадимги юнонистонлик атомистлар: Левкипп ва Демокритлар фалсафаси.

4. Аристотелнинг олам ҳақидаги фалсафаси, диалектакаси ва билиш назарияси.

5. Қадимги Римда фалсафий фикрлар. Лукреций Карнинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари.

6. Қадимги Римда стоиклар таълимоти. Цицерон, Варрон, Сенека, Марк Аврелий, Антонийларнинг фалсафий, ижтимоий–сиёсий қарашлари.

7. Неоплотонизм таълимоти.

8. Апологетика ва патристика.

Рухий уйғониш ва маънавий юксалишларга бой бўлган антик давр инсоният тарихида беқиёс ўрин тутди. Чунки жуда кўплаб тараққиёт соҳаларига айнан шу даврда асос солинган. Бу даврдаги маънавий-маърифий ривожланиш ҳалигача одамзод аклини хайратга солиб келади. Шу боис у антик даврдан узоқлашгани сари унинг сир-синоатларини батафсилроқ ўрганишга янада кўпроқ қизиқмоқда. Чунки тарихни англаш бугунги кунни яхшироқ кадрлаш ва келажакни аниқроқ тасаввур қилишда қўл келади. Дарҳақиқат, бугунги ва эртанги кун ҳақидаги ҳақиқатлар сири мозий бағрида яширинган бўлади. Ўтмишни тафаккур сандиғи дея таърифлашлари бежиз эмас. Айниқса, фалсафий мерос борасида антик давр маданияти ва фанининг ўрни ҳамда аҳамияти каттадир. Бу даврда буюк мутафаккирлар етишиб чиқиб, умуминсоний тафаккур ривожига бебаҳо ҳисса қўшган.

Умуман олганда **антик фалсафа** (дастлаб юнон, сўнгра рим фалсафаси) бир минг йилликдан кўпроқ вақт давомида (мил. ав. VI асрдан милоднинг VI асригача) ривожланиб борди. Бу вақт оралиғида у бутун антик маданият сингари ўзининг қуйидаги 4 ривожланиш босқичини ўз ичга олади:

1. Сукротгача бўлган даврда антик фалсафанинг пайдо бўлиши ва илк шакллари (мил.ав. VII-VI асрларга оид Иония ва Италия фалсафий мактаблари);

2. Классик давр – антик фалсафанинг гуллаб яшнаган ва юксак ривожланган даври (мил.ав. V-IV асрларга оид қулдорлик демократияси босқичидаги фалсафа);

3. Эллинизм даври – антик фалсафанинг султ ривожланиш даври. Бу Эллин даври юнон фалсафаси ва Рим республикаси босқичидаги латин фалсафаси (мил.ав. III-I асрлар);

4. Рим даври – антик фалсафанинг Рим империяси давридаги инқироз ва таназзул босқичи (мил.ав. I аср охири ва милодий I-V асрлардаги фалсафий таълимотлар).

1. Қадимги грек-юнон фалсафаси эрамиздан олдинги VI-асрда Грецияда вужудга келди. Иқтисодий ҳаётда ўсиш, савдо-сотикнинг ривожланиши натижасида маданий-маърифий ҳаётда жиддий силжишлар рўй берди. Давлат пайдо бўлди, ҳуқуқ, санъат ва адабиёт шаклланди, савдо–сотик кучайди. Шунингдек, табиий фанлар, айниқса физика, математика, астрономия, география

фанлари шакллана бошлади, булар фалсафий фикрлар ривожланишига замин яратди.

Қадимги Юнонистоннинг дастлабки файласуфлари Ер, куёш, юлдузлар, хайвонлар ва одамнинг келиб чиқишини бир бутун яхлит тассавур этишга ҳаракат қилган мутафаккир эдилар. Шунинг учун ҳам уларни «физик–табиийётшунослар» деб атаганлар.

Улар мифологик ва диний дунёқарашдан фарқ қиладиган илмий фикрларни дадил илгари сурдилар. Маълумки, Юнон мифологиясида асосий эътибор дунёнинг келиб чиқишини изоҳлаб беришга қаратилган бўлиб, унда «дунёни ким яратган?» деган саволга жавоб қидирилди. Юнон файласуфлари эса асосий эътиборни дунё нимадан яралган, деган саволга жавоб қидира бошладилар.

Бу даврга келиб, Юнонистонда йирик савдо ва маданият марказига айланган Милет шаҳрида фалсафий фикрлар кенг ривожланди. Таниқли мутафаккир Фалес (эр.авв. 624-567) ҳамма нарса сувдан келиб чиққан ва сувга айланади, деб ҳисоблаган бўлса, Анаксимандр (эр.авв. 610-546) дунё ноаниқ материя – апейрондан ташкил топган, дейди. Нарсалар, унинг фикрига кўра, апейрон ҳаракати ҳамда совуқлик ва иссиқлик, намлик ва қуруқлик каби қарама-қаршиликларнинг натижасида пайдо бўлади. Анаксименнинг (эр. авв. 588-525) фикрича, ҳамма нарса ҳаводан ҳосил бўлган ва ҳавога айланади. Эфеслик Гераклит (эр. авв. 530-470) оламдаги барча нарса ва ходисаларнинг асоси оловдан иборат деб ҳисоблаган.

2. Гераклит таълимотининг ахамияти шундаки, у ўзининг дунёнинг моддийлиги ҳақидаги фикрини нарса ва ходисаларнинг ўзгариши ва ривожланиши каби қонуний жараён, деб эътироф этишидадир. Мазкур абадий ва энг умумий қонуниятни Гераклит логос деб тавсифлайди.

Гераклит фалсафасининг яна бир муҳим томони воқеликдаги нарса ва ходасаларга диалектика нуқтаи назардан ёндашувидадир. Унинг фикрича, нарса ва ходисалар доимий ўзгаришда, ўзаро алоқадорликда, боғлиқликда, бир-бирига ўтиб туришдадир. Бу ўзгариб, ривожланиб туришнинг манбаи диалектик зиддиятликдадир, деб ҳисоблади.

Қадимги Юнон файласуфларидан Пифагор (эр. авв. 580-500) нуқтаи назарича, дунёнинг асосини сонлар ташкил қилади, сонлар коинотдаги тартибнинг ифодасидир. Дунёни билиш – уни бошқарувчи сонларни билишдир.

Пифагорчилар сонни материядан ажратиб, уни илохийлаштирган бўлсалар-да, аммо улар математика фанининг шаклланишига катта ҳисса қўшдилар. Натижада машҳур Пифагор теоремаси вужудга келди.

Қадимги Юнон маданиятида софистлар фалсафаси катта ўрин тутди. Софистлар антропология (инсон ҳақидаги фан) ва гносеология (билиш ҳақидаги фан) муаммолари билан шуғулланганлар. Софистлар ўша даврдаги янги касбларнинг моҳир усталари, яъни ўқитувчилар, дипломатлар, нотиклар, суд маҳкамаларида ишловчи мутахассислардан иборат бўлиб, ҳақиқат ва адолат ўрнатишга хизмат қилишган. Уларнинг таълимоти Сукрот фалсафасига ҳам маълум даражада таъсир кўрсатган. Сукрот (эр. авв. 469-399 й.) фикрича, фалсафанинг марказида ахлоқ масалалари турмоғи лозим. Жамиятнинг равнақи, тинчлик ва осойишталиги, фаровон ҳаёти ахлоқ-одобнинг аҳолига боғлиқ. Бу масалалар Шарқ фалсафасида ҳам катта ўрин тутганлиги боис халқимиз, буюк алломаларимиз

Сукрот номини бенихоят хурмат билан тилга олган, унинг ахлоқ-одоб хақидаги панд-насихатларига амал қилган.

Сукротнинг шогирди Афлотун (асли Платон мил. авв. 427-347) жаҳон фалсафаси тарихида ўчмас из қолдирган, у нафақат файласуф олим, балки санъаткор, шоир ва драматург бўлган, ўз ғояларини диалоглар тарзида баён қилган.

Афлотун Демокрит фикрларини қаттиқ танқид қилади. Афлотуннинг фалсафий қарашлари, асосан унинг «Базм», «Теэтет», «Федон» номли диалогларида, сиёсий қарашлари эса «Давлат», «Сиёсат» ва «Қонунлар» номли асарларида ифода этилган.

Афлотун таълимотича, оламда «ғоялар дунёси» бирламчи бўлиб, моддий дунё эса иккиламчи, ғоялар дунёсининг махсули, соясидир. Унингча, «ғоялар дунёси» фазо ва вақтга боғлиқ бўлмай, абадий ҳаракатсиз ва ўзгармасдир: у «хақиқий дунё»дир.

Афлотуннинг билиш назариясига кўра, билиш объекти «ғоялар дунёси», моддий дунё ва ундаги нарса ва ходисалар хиссий билишнинг манбаъидир. Хиссий билиш ҳақиқат эмас, чунки у орқали кишилар ғояни эмас, балки моддий предметларни сезадилар, улар тўғрисидаги тасаввурга эга бўладилар. Моддий буюмларнинг асоси ва мохияти бўлган «ғоялар дунёси»ни фақат соф тафаккур ёрдамида билиш мумкин.

Афлотун Юнонистондаги ўша давр давлатини энг адолатли ва идеал давлат деб ҳисоблаган. У жамиятни 3 табақага бўлади. 1. Давлат арбоблари – файласуфлар. 2. Ҳарбийлар (соқчилар). 3. Дехқонлар ва хунармандлар. Бунда давлат файласуф – аристократлар қўлида бўлиши лозим, ҳарбийлар эса давлатнинг зўрлик ва зулм аппаратидан иборат бўлиб, қулдор учун зарур бўлган шароитни яратиши керак.

3. Қадимги Юнонистоннинг энг машхур файласуфларидан бири Демокритдир (эр. авв. 460-370). Унинг нуқтаи назарича, дунё моддий бўлиб, рух, онг материянинг махсулидир. У дунёнинг асоси атомлар ва бўшлиқлардан иборат, нарса ва ходисаларнинг ранг-баранглиги атомлар бирикиш усулларининг турлитуманлигидан келиб чиқади, деб ҳисоблаган. Демокрит материя ва ҳаракатнинг ажралмаслигини, ҳаракат, фазонинг ҳам худди материя сингари объектив мавжуд эканлигини тан олиш лозим, дейди. Лекин у ҳаракатни атомларнинг бўшлиқдаги оддий ўрин алмашиши, ҳаракатнинг ўзини эса атомларнинг фазода ўзаро тўқнашуви натижасида ҳосил бўлади, деб ҳисоблаган.

Демокрит табиатдаги ҳамма воқеа, ходисаларнинг доимо ўзгариб туришини зарурият ҳисоблаб, табиатдаги тасодифни тан олмас эди. Унинг фикрича, нарса ва ходисалар ўртасидаги сабабиятни билмаслик тасодифни тан олишга олиб келади. Сабабий боғланишларни текширишни у фанларнинг асосий вазифаси деб ҳисоблар эди.

Демокрит онг ва рух ҳам атомдан иборат, деб ҳисоблаган. У оламни билиш мумкинлигини таъкидлаб, уни қоронги ва хақиқий билимлардан иборат деб ўйлаган. У билиш жараёнида хиссиёт ва тафаккурнинг ролини ҳам кўрсатиб ўтади.

Демокрит қадимги Юнонистоннинг қомусий олими эди. У фаннинг турли сохалари: фалсафа, физика, биология, тиббиёт, педагогика, рухшунослик, филология, этика, сиёсат, мантиқ, ижтимоий ҳаёт масалаларига доир фикрларни баён этган. Демокритнинг меросида инсонни ҳар томонлама камол топтириш, унда инсонпарварлик, ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш, одоб-ахлоқ,

этикод, виждон ва бошқа олижаноб инсоний фазилатларни шакллантиришга оид қимматбаҳо фикрлар мавжуддир.

Левкипп (500-440) Демокрит билан биргаликда атомистик назарияга асос солди. У биринчи бўлиб сабабият қонуни ва етарли асос қонунини таърифлаб берди.

Демокритнинг атомистик фалсафаси кейинчалик Эпикур (341-270) томонидан ривожлантирилди. Демокрит атомларнинг асосан шакл ва миқдор жihatдан фарқини таъкидлаган бўлса, Эпикур эса уларнинг ҳажми, оғирлиги жihatдан фарқини таъкидлайди.

4. Афлотуннинг ғоялар ҳақидаги таълимоти қадимги дунёнинг энг буюк мутаффакири, кулдорларнинг ўрта табақа вакили Аристотель – Арасту (эр.авв. 584-322) томонидан қатъий танқид қилинган. У «Метафизика» (ёки «Биринчи фалсафа»), «Физика», «Жон тўгрисида», «Аналитика», «Категориялар», «Этика», «Сиёсат» ва бошқа асарларида Афлотуннинг «ғоялар» назариясини асоссиз, деб хисоблайди. Арасту ғоялар билан предметлар ўртасида айирма йўқ, деб таъкидлайди. Унингча, моддий олам абадий ва объектив характерга эга бўлиб, у ҳеч қандай Платон «ғоялари»га мухтож эмас. Табиат моддий асосга эга бўлган нарса ва ходисалар йигиндисидан иборат, у ҳар доим ҳаракат ва ўзгаришдадир.

Арасту ўз асарларида ҳамма нарсанинг асосида материя ётади, деб моддий дунёнинг объектив мавжудлигини эътироф этади. Нарсалар материя ва шаклдан пайдо бўлади. Ўар бир нарса шаклланган материядир ва шакл борлиқнинг моҳиятидир. Материянинг ўзида ривожланишнинг фақат имконияти бор, холос, у шакллантиришга мухтождир. Шакл туфайлигина материя имкониятдан воқеликка айланади. Ҳақиқий борлиқ, унинг фикрича, материя ва шаклланиш бирлигидир. Булар бир-бирига ўтиб туради. Шаклсиз материя йўқ. Арасту материя пассив, шаклсиз нарса. Шакл эса фаол бўлиб, нарсани нарса қилувчидир. Арасту шаклнинг фаоллиги ҳақидаги қарашини давом эттириб, ҳамма нарса шаклларнинг шакли – худонинг, «дунёвий рух»нинг, «дастлабки турткининг» ижодий ролини таъкидлайди. Бу масалада у Афлотунга яқин туради.

Билиш назариясида Арасту Демокритнинг тарафдори эди. Унингча, моддий дунё билишнинг, сезгиларнинг, тажрибанинг асосидир. Сезгилар бизга айрим аниқ нарсалар ҳақида маълумот берса, ақлимиз эса умумлаштирилган маълумотлар беришга қодир, деган эди.

Арасту мантиқ фанининг барча муҳим масалаларини ишлаб чиқди, у мантиқ билиш учун зарур бўлган тафаккур шакллари ва исботлаш тўгрисидаги фандир, деб ёзади. Фикрлар борлиқлиги, Арастунинг нуқтаи назарича, мавжуд объектив олам ходисалари боғланишларининг инъикосидир.

Арасту категориялар, тушунчалар, мулоҳазалар ва хулосалар тўгрисидаги таълимотларни кашф этди. Фалсафа тарихида 1-бўлиб категориялар тизимини ишлаб берди. Шунинг билан бирга у категорияларнинг бир-бири билан алоқадорлигини, бир-бирига ўтишини исботлади.

5. Римда фалсафа милoddан аввалги II асрда ривожланган, унинг гуллаган даври эса милoddан аввалги I асрга тўғри келади. Рим фалсафасининг йирик намоёндаларидан Лукреций Кар милoddан аввалги 99-58 йилларда яшаб ижод қилган, ўз дунёқарашини «Нарсаларнинг табиати тўгрисида»ги асарида чуқур ва атрофлича баён қилган. У Демокрит ва Эпикурларни атомистик назарияларини кенгайтиради, чуқурлаштиради ва ривожлантиради. Материя абадий, у бир

холатдан иккинчи холатга айлана олади, дейди. У фазо ва вақт, ҳаракатнинг объективлиги, материя билан боғлиқлиги ҳақида фикр юритади.

Яшашдан мақсад, деб ёзган Лукреций, бахтли ҳаёт кечиришдан иборатдир. Жамият ҳам худди табиат сингари ўз қонунларига эга ҳамда табиат қонуниятларига таянган ҳолда ривож топади, дейди у.

6. Милоддан аввалги IV аср охирида Юнонистонда стоиклар таълимоти шаклланди. У кейинча Рим даврида кенг тарқалган фалсафий оқимлардан бирига айланган эди. Стоиклар асосий эътиборларини инсоннинг ахлоқий муаммоларига қаратадилар. Улар илгари сурган ахлоқий меъёрлар инсон фаолиятининг чўққиси сифатида эзгуликни муҳим деб билади. Эзгулик уларнинг фикрича, бирдан-бир фаровонликдир. Эзгуликнинг маъноси оқилона яшашдан иборат. Стоиклар асосий ахлоқий талабдан келиб чиққан ҳолда, «Табиатга мувофиқ яшаш»ни талаб этишарди. Табиат ва дунёнинг тартиби–логосга мувофиқ яшашга, ҳаёт кечиришга даъват этганлар. Бу ўринда Рим стоиклари Цицерон, Сенека, Марк Аврелий, Антонийларнинг фалсафий, ижтимоий-сиёсий қарашлари диққатга сазовордир.

7. Неоплотонизм – бу мистик, диний фалсафа бўлиб, III-V асрларда Рим империяси даврида кенг ривожланган. Бу таълимот христианлик ривожланган ижтимоий даврда тараққий этган. Неоплатоник оқимнинг кўзга кўринган намоёндаси Плотин (205-270) бўлган. Плотиннинг фикрича, мавжудликнинг асосини хиссиётдан, ақлдан устун турувчи гайритабиий, илохий тамойил ташкил этади. Борлиқнинг барча шакллари унга боғлиқ. Плотин бу тамойилни мутлақ борлиқ ва уни билиш мумкин эмас, деб тушунтиради.

8. II-III асрда христианлик тарихида апологетика ёки апологетлар даври вужудга келди. Апологетика сўзининг луғавий маъноси «ҳимоя қилувчи» демакдир, яъни христиан дини ақидаларини турли хужумлардан ҳимоя қилишдир. Апологетлар ўз адабий асарларида христианлик таълимотини асрашга, Рим салтанати ҳокимларига христианликни таъқиб қилишни оқлаб бўлмаслигини кўрсатишга интиланлар. Шу туфайли ўз асарларида, ё диалог ёки апологиянинг тан олинган мумтоз шаклидан фойдаланганлар. Христиан динини мантиқий асослашга интилиш учун тушунарли талқин қилиш ва оқибатда унга қонунийлик мақомини бериш мақсади кўзда тутилади.

Апологетлар илоҳиётчиларга нисбатан кўпроқ файласуф эдилар. Уларнинг таъкидлашича, христианлик бу энг қадимги дин ва фалсафадир. Масалан, Инжилда Троян ҳақида башорат қилинган, Юнон фалсафасида мавжуд бўлган ҳақиқат масаласи эса, христианлик ва яҳудийлик динидан ўзлаштирилган. Апологетларнинг уқтиришларича, христианлик энг олий фалсафадир. Бунинг исботи эса Тавротда башорат қилинган. Апологетлар ғояларини тарғиб қилишда Тер Туллиан жонбозлик қилган.

Патристиканинг луғавий маъноси «ота»ни англатиб, бу сўз кўпинча ҳурмат маъносида Ғарбий Епископларга берилган. Ғарбда черковнинг энг йирик отаси Аврелий Августин (354-430) бўлиб, у Муқаддас (Блаженный) деб ном олган эди. У файласуф ва илоҳиётчи бўлган. У икки давр оралиғида, яъни антик дунё ва шаклланиб келаётган ўрта асрчилик оралиғида яшаган.

Бу ўринда Августиннинг бутун фалсафаси ягона мутлоқ ва мукамал худо ҳақидаги таълимотда мужассамлашган.

2.4.-мавзу: Ўрта асрларда Марказий Осиёда диний-фалсафий фикрлар.

Режа:

1. Араб босқини ва Марказий Осиёга ислом динининг кириб келиши.
2. Исломдаги икки оқим: Мутакаллимлар ва муътазиллийлар. Ислом доирасидаги хурфикрлик.
3. Сўфийлик (тасаввуф)нинг исломдаги диний-фалсафий оқим сифатида вужудга келиши. Унинг хилма-хил оқим ва йўналишлари.
4. Сўфийлик таълимотида комил инсон тушунчаси ва унга илмий-фалсафий муносабат масаласининг долзарблиги.

Турк ҳоқонларининг бирлашишга қаратилган оташин даъватларига қарамай, VII аср охири VIII аср бошларига келиб ўзаро қирғинбарот урушларда, айниқса Хитой ҳоқонлари ва Эрон шоҳларининг бу халқнинг орасини бузишга қаратилган макрли ташқи сиёсатлари ҳамда босқинчилик урушлари туфайли Марказий Осиё халқлари холдан тойган эдилар. Унинг устига турли худоларга сиғиниш натижасида ғоявий парокандалик ҳам душманга қарши бирлашиб курашишга монёлик қиларди.

Парчаланиб кетган ва ягона давлатга эга бўлмайд қолган турк элатларини босиб олиш араб истилочилари учун нисбатан қийин бўлмади. Аммо бу эрксевар халқни бутунлай бўйсундириб олиш қийин кечди. Сўғдда, Чоч, Етгисув – Талас. Чу водийси, Или дарёси бўйлари, Иртиш (Эритиш) ҳавзасида, Фарғона водийси, Зарафшон водийси, Тоҳаристон, Бухоро, Самарқандда араб босқинчиларига қарши катта кўзғалонлар бўлди. Айниқса Исҳоқ Турк (769-776), Муқанна (767-783) бошчилигидаги ҳамда Рафиъ ибн Лайс бошлиқ Сўғд кўзғалонлари араб босқинчиларини холдан тойдирди.

Ҳарбий куч билан бу эрксевар халқни бошқариб бўлмаслигига ақли етган араб сиёсатдонлар ислом ғояларини таъсирли мафкуравий усуллар билан одамлар онгига сингдириш, уни халқ маслагига айлантириш йўлини тутдилар. Улар зардуштийлик ва бошқа динларга оид барча китобларни ёндирдилар, уларга эътиқод қилганларни қатли-ом этдилар, кўп уламолар бошқа мамлакталарга қочиб, жонларини сақлаб қолдилар. Араб тили ва ёзувига давлат мақоми берилди. Босқинчилар маҳаллий халқ намозгоҳларини бузиб, масжидлар қурдирдилар. Номозга келганларга 2 дирҳамдан пул инъом этдилар. Исломга ўтганларни солиқларнинг бир қисмидан озод этдилар. Шу тариқа 1-2 авлод ўтгач, кейинги авлод тўласича исломни қабул этди.

Араб истилоси туфайли Ғарбий Хитойдан тортиб Испаниягача, Шимолий Африкани ўз ичига олган жуда катта худудда империя юзага келди. Бу йирик марказлашган давлатнинг барпо бўлиши иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётнинг ривожини учун қулай шароитлар яратди.

Иқтисодий ва савдо-сотик ривожини фан олдига янги катта талаблар қўя бошлади. Натижада Боғдод, Самарқанд, Бухоро каби шаҳарларда йирик кутубхоналар вужудга келди. Мадрасалар, маҳадлар (диний олий ўқув юртлари) барпо бўлди. Уларда соф диний билимлардан ташқари, дунёвий фанлар ҳам ўқитила бошланди. Боғдодда «Байтул-ҳикма» - фанлар академияси барпо этилди, унда қадимий олимлар, уламолар, файласуфлар, илоҳиётчиларнинг китоблари тўпланди. У жойда Марказий Осиёлик олимлар кўп эди. қадимий китобларни араб тилига таржима қилиш, уларга шарҳлар ёзиш кенг тус олди. Айниқса христиан руҳонийларининг таъзйиқи остида халқ хотирасидан чиқариб юборилган милоддан аввалги грек олимларининг асарлари таржима қилингани ва уларга шарҳлар ёзилгани

индивидуал ва ижтимоий онгда жиддий ўзгаришларга олиб келди. Астрономия, математика, геология, геодезия, география, лингвистика каби фанлар ривожланиши таъсирида фалсафий фикрларда ҳам янгича ёндашувлар пайдо бўла бошлади. Халифатдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва уни барқарор қилиш мақсадлари маҳаллий аҳолининг урф-одатлари, маросимлари, умуман маданиятига янгича муносабат белгилашни тақоза этарди. Чунки босиб олинган мамлакатлардаги иқтисодий ва маданий ҳаёт арабларникидан анча устун турарди. Буларни ҳисобга олмай сиёсат ва мафкура белгилаш империя асосларига путур етказиши мумкин эди.

Ана шулар туфайли VIII аср охирлари ва IX аср бошларидан эътиборан ислом доирасида ҳурфикрлик шакллана бошлади.

2. Бу даврда қарама-қарши мазҳаблар билан кураш ҳамда мўътадил исломнинг асосларини химоя қилиш зарурияти туфайли илоҳиёт, калом пайдо бўлди. Калом тарғдорлари мутақаллимлар дейилади. Каломнинг асосчиси ал-Ашъорий (874-941) ва Мансур Мухаммад ибн ал-Матурудийдир.

Мутақаллимлар қуръон оятлари қандай ёзилган бўлса, сира ўзгартирмасдан тушунтириш ва тушуниш керак, зеро, у Аллоҳнинг каломи экан, бандалар уни ўзгартиришга ҳақлари йўқ, деган фикрни баён этдилар. Мўътазилийлар ақидалардаги мазмунни ақл ёрдамида мантиқ кучи билан англаш тарафдори эдилар. Мўътазилийларнинг фикрича, пешонага ёзилган тақдир борлигига ишонч Аллоҳнинг обрўйига путур етказди, чунки ақидавий талқинда ёмон хатти-ҳаракатлар ҳам унинг иродаси билан боғлиқ, бўлиб қолади, деб ҳисобладилар.

Мўътазила» - (ажралиб чиққанлар) Уммавийлар давридаёқ пайдо бўлган ва аббосийлар даврида кенг тарқалган диний оқимдир. Мўътазилийлик халифа Маъмун (813-830) даврида қўллаб-қувватланиб, уларнинг гоёларини ўз давлатининг мафкураси асосига қўйди. Бироқ халифа Мутаваккил (847-861) даврида унинг давомчилари «бидъатчилар» ва «кофирлар» деб эълон қилинди.

Мўътазилийлик кўпгина тадқиқотларда Ислом мазҳабларидан бири сифатида талқин этилади. Мўътазилийлар араб халифалигида соф фалсафий фикрлашнинг ташаббускорлари бўлиб танилдилар. Уларнинг хизматлари шундан иборатки, мўътазилийлар ҳиссий тажриба ва анъанавий билим билан бир қаторда билимнинг учинчи мезони – ақлий билишни илгари сурдилар. Мўътазилийлар фалсафий масалаларни ўрганишга катта эътибор бердилар. Шу сабабдан ақлий билишни оламни билишнинг асосий методи сифатида илгари сурдилар.

Мўътазилийлик оқимларидан бири бўлган қадарийлар ислом тарғиб этган диний фатализмга қарши чиқиб, инсоннинг ирода эркинлиги ҳақидаги фикрларни илгари сурдилар. ўзларини ҳақиқий мусулмон деб атаган хорижийлар эса ислом теократияси, халифаликнинг мерос сифатида авлоддан-авлодга ўтиб боришига, унинг фақат пайгамбар авлодига мансуб бўлишига қарши чиқиб, ҳар қандай мусулмоннинг бой-камбағаллигидан қатъий назар, кўпчилик томонидан халиф этиб сайланиши мумкинлиги ҳақидаги таълимотни илгари сурдилар. Мутақаллимлар мўътазилийларни қанчалик «кофирликда» айблашмасин, барибир ислом доирасида пайдо бўлган ҳурфикрликнинг йўлини тўсишга ожизлик қилдилар.

Мўътазилийлик гоёлари Марказий Осиёда кенг ёйилиб, илм-фан равнақи учун йўл очилди. фалсафий фикрлар ривожланди.

Мўътазилийлар таъсирида исломда «вужуди мумкин» ва «вужуди вожиб» (вахдат-ул мавжуд ва вахдат-ул вужуд) диний-фалсафий оқимлари шаклланди. Вужуди мумкин (ёки вужудиюн-пантеизм) оқими вакиллари Ал-Кинди, Ибн Рушд,

Форобий, Ибн Сино, Умар Хайём ва бошқалар борлиқни иккига – вужуди мумкин ва вужуди вожибга бўлганлар. Вужуди мумкин сабаб ва оқибат алоқаларига эга бўлиб, унинг мавжудлиги бошқа нарсдан эмас, балки ўз мохиятидан келиб чиқади. Шу назарий қоидадан келиб чиқиб, Форобий бутун борлиқни 6 даражага бўлади. Шулардан 1-си, вужуди вожиб – Аллоҳ; қолган 5-таси ақл, жон, шакл, материя, осмон – вужуди мумкин. Бу даражалар бир-бири билан сабаб-оқибат шаклида боғланган бўлиб, 1-сабаб ўз сабабига эга эмас. Ибн Синонинг «Рисола фи-таксим ал мавжудот» асарида вахдат-ул мавжуд ва вахдат-ул вужудни шу тарзда таърифлайди. Вахдат-ул вожиб Аллоҳни билдиради, лекин у қуръондагидек ҳамма нарсанинг ижодкори эмас, балки сабаб, яъни умумий мавжудотнинг 1-сабаби ва унинг бир қисми сифатида талқин этилади. Бундай қараш эса табиат ходисаларини (инсон табиати ҳам) мустақил ички сабаблари асосида тушунтиришга имкон бериб, илм-фан равнақиға кенг йўл очади.

Муътазилийларнинг диний-фалсафий гоялари қўшхақиқат тўғрисидаги катта назарий қоида шаклланишига сабаб бўлди. Бунга кўра, илохий ва дунёвий (илмий) хақиқатлар бор бўлиб, илохий хақиқатга фақат алоҳида одамлар – пайгамбарлар, азиз авлиёлар етишиши мумкин. Дунёвий хақиқатни эса ҳар қандай одам ақл ёраида, илм-фан йўли билан англаб олади.

Муътазилийлар билан мутакаллимлар ўртасидаги ғоявий курашларда Абу Хамид ал-Ғаззолий каломи шаклланиб, ислом фалсафаси юзага келди. Баъзи араб тадқиқотчилари уни табиат фалсафаси (натурфилософия) ҳам деб атайдилар. Ал-Ғаззолий аввал сўфийлик қарашларига мойил бўлса-да, кейинроқ улар таълимотини танқид қилиш асосида ўз каломини яратади. Бироқ, ўзи истамаган холда, тасаввуфни назарий жиҳатдан асослаб қўяди. Ғаззолий таълимотича, инсон Аллоҳ каломи - қуръон оятларини ўзлаштиргунга қадар ирода эркига эга, уни ўзлаштириб олгач, бутун иродаси Аллоҳ иродаси билан уйғунлашиб кетади. Бинобарин, унинг хатти-харакатлари, бутун фаолияти Аллоҳ иродасининг ифодаси бўлиб қолади.

3. Маълумки, Шарқ фалсафасининг етакчи йўналиши инсон қалбини, руҳини поклашга, унда комил инсонлик сифатларини вужудга келтиришга, шу негизда ижтимоий муносабатларни инсонийлаштиришга қаратилган.

Ўткинчи мол-дунё, мансаб-мартабалар эмас, балки маънавий бойлик, ахлоқий поклик, халоллик, инсоф-диёнатлилик одамни инсонга айланишининг муҳим шарти, деган фикрлар тасаввуф (сўфийлик)нинг шаклланишига ва кенг ёйилишига сабаб бўлди.

Сўфийлик оқим сифатида исломгача ҳам мавжуд бўлганини тадқиқотчилар кўрсатмоқдалар. Масалан, Шамсуддин Бобохонов ва Абдулазиз Мансурнинг фикрича, тасаввуф лафзи хижратнинг иккинчи асрида пайдо бўлган бўлса-да, лекин шу мазмунни ифода этувчи зохидлик каби лафз-истилоҳлар орқали бу йўналиш исломдан олдинги даврларда ҳам мавжуд бўлганлигини қайд этиб ўтадилар. Аммо у ислом заманида муайян бир тизимга кириб, ташкилий тус олганини айтиш жоиздир.

Тасаввуф мураккаб диний-фалсафий оқим бўлиб хилма-хил йўналишга эга.

Унда 2 та асосий гоявий йўналиш кўзга яққол ташланади: бу ўткинчи дунё, мол-мулк, мансабга ихлос қўйиш Аллоҳни унутишга, имонсизликка олиб келади, деган ғояга таяниб, тарки дунёчиликни тарғиб этганлар; азрўзи азалда пешонага ёзилган

тақдир борлигига, одам ундан қочиб қутила олмаслигига ишонтиришга интиланлар.

Иккинчи йўналиш – бу дунё Аллоҳ томонидан одамлар, уларнинг инсонлардек яшаши учун яратилгани, одам шу дунёдаги эзгу ишлари билан у дунёда худо висолига етиши учун оғир, машаққатли покланиш йўлидан боришини ташвиқ этганлар.

Тасаввуфда Аллоҳ раҳматига етишишнинг, инсон маънавий камолот йўлининг 4 босқичи мавжудлиги тасдиқ этилади. Булар шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқатдан иборат.

Шариат – диний қонун-қоидалар ва маросимларни, қуръони Карим ва Хадиси Шарифдаги ахлоқий, илохий кўрсатмаларни пухта ўзлаштириш, айнан изчил суръатда бажариш, худога ибодат қилишдир. Шариат худони идрок билан танишни кўзда тутди. Шариат талаблари, қоидаларини бажармасдан тариқатга ўтиш мумкин эмас.

Тариқат – ер юзасидаги лаззатлардан воз кечиб, нафсни тийиб, хилватда яшаб, фақат худо ҳақида ўйлаш, ҳаёл суриш, эслаш, уни қалбдан севишдан иборат йўлни танлаш босқичидир.

Маърифат – Устоз (муршид) ёрдамида мурид (шогирд) холл босқичига ўтиш бўлиб, ҳамма нарса - бутун борлиқнинг асоси Аллоҳ эканини англаб шу тариқа худога яқинлашишдир. Маърифатда олам, юлдузлар, Ой, қуёш, одамлар, хайвонлар, қушлар, капалаклар - бошқа жамики нарсалар худонинг зухуротидан иборат, одам ҳам Аллоҳ зухурининг зарраси ҳисобланади.

Ҳақиқат босқичида солиқ ўзини худонинг висолига етган ҳисобланиб, у билан қўшилиб кетган, яъни фанога айланади. Марказий Осиёда фанога айланиш ҳақиқатга етишиш ҳисобланиб, солиқ ҳақиқат тимсоли бўлиб майдонга чиқади.

Юсуф Хамадоний, Абдулҳолик Ғиждувоний, Нажмиддин Кубро, Хожа Аҳмад Яссавий йўналишларининг бевосита таъсирида Марказий Осиёда нақшбандийлик йўналиши вужудга келиб, у Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига кенг ёйилади. Хожагон йўналишини бошлаб берган А.Ғиждувоний бундай деган «Эй фарзанд, барча холатда илм, амал ва тақво билан бўл, суннат ва жамоатни маҳкам тут, фикр ва ҳадисни ўрган; яна бундай фикрлар бор:» «кам е, кам ухла», «халол е, шубҳадан холи бўл». А.Ғиждувонийнинг 8 та табарук сўзига Б.Нақшбанд 3 та манзил қўшиб, ўз йўналишини асослайди.

Хожа Аҳрор Валий (Убайдуллоҳ) нақшбандийлик тарғиботчиси сифатида таъмадан жирканиш, тухфа олмаслик, бир касбни мукамал эгаллашга чақиради. Тасаввуф тариқатига кирганлар учун касб-корнинг ёмони йўқ, ёмони бирор касб билан шуғулланмаслик, текинхўрлик, таъмагирликка одатланиш ҳисобланади.

Нақшбандийлик имони унинг «Дил ба ёру, даст ба кор», яъни «Дилинг Аллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин» деган талабида яққол гавдаланади. Улар амал деганда биринчи навбатда Аллоҳ номини дилга жо қилиб, ижтимоий-фойдали меҳнат билан шугулланишни, таъма ва текинхўрликдан ҳазар қилишни назарда тутишган. Нақшбандийлик сулуқини қабул қилган Амир Темур, Улугбек ва бир қатор Туркистон хоқонлари дарвешликни қораладилар, улардан шу дунё ишлари билан шуғулланиб, халол яшашни талаб этдилар. Дарвешлар фойдали меҳнат билан банд бўлишлари учун давлат шароит яратиб бериши тўғрисида фармони олий чиқарганлар. Буни бажармаганларни жазолаганлар.

Тасаввуфнинг сўл қаноти - диний-фалсафий таълимот сифатида ақидапарастлик, расмий исломга нисбатан муҳолифиятда бўлиб, Яқин ва Ўрта Шарқда, айниқса Марказий Осиёда табиий ва фалсафий фанлар ривожига ўз ўрни ва мавқеига эгадир.

2.5.-мавзу: IX – XII асрларда Араб – мусулмон оламида Уйғониш даври*.

Режа:

1. Араб – мусулмон оламида Уйғониш даври. Марказий Осиёда Уйғониш даври хусусиятлари.

2. Мухаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Ахмад ал-Фарғонийларнинг табиий–илмий ва фалсафий қарашлари.

3. Абу Наср Форобийнинг фалсафий қарашлари.

4. Абу Райхон Берунийнинг табиий–илмий, фалсафий қарашлари.

5. Абу Али ибн Синонинг фалсафий қарашлари.

6. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Аҳмад Югнакий ва Юсуф Хос Хожибларнинг ижтимоий–фалсафий қарашлари.

7. Исмоил Журжоний ва Маҳмуд Чоғминийларнинг табиий–илмий қарашлари.

1. Араб халифалигида VIII аср охири IX аср бошларида халифаликнинг маркази–Боғдод, Дамашқ шаҳарларида маданият кучайиб борди: хиндча, юнонча, форсчадан илмий, сиёсий, бадиий асарларнинг таржималари кўпайди, маданий алоқалар авж олди. қадимги Юнонистоннинг машхур олимлари Аристотель, Гален, Гиппократ, Архимед, Евклид кабиларнинг мероси кенг ўрганилди. Халифаликнинг турли ўлкаларидан таниқли олимлар Боғдодга олиб келинди, бу ерда IX аср бошида «Дор ул хикма» - Донолик уйи - илм маркази ташкил топди, унда турли илмлар – фалакиёт, риёзиёт, тиббиёт, тарихшунослик, география, кимё, фалсафа каби фанлар бўйича тадқиқотлар кенг йўлга қўйилди..

Араб халифалигида ижтимоий тараққиётнинг турли даражасида бўлган кўпгина халқ ва қабилалар бирлашган эди. Унга Сурия, Миср, Хуросон, Мовароуннахр каби минг йиллик маданий меросга эга бўлган халқлар ҳам кирганди.

Араб-мусулмон маданияти халифалик тарихининг дастлабки маданий мероси заминида шаклланган эди. Бу маданиятнинг араблар, шунингдек, араблаштирилган бошқа халқлар тарихи учун ҳам ахамияти жуда катта бўлди.

Халифаликдаги араблаштирилмаган халқлар арабларникидан фарқ қиладиган ўз миллий маданиятларини асрлар оша тиклаб олган бўлсалар-да, у араб-ислом маданияти доирасида янги босқичда ривожланди.

IX–XII асрларда Марказий Осиёда дехқончилик, хунармандчилик ва савдонинг тараққий этиши эмпирик билимларни ривожлантиришга эҳтиёж туғдирди ва шунга

* Ҳозирги мавжуд адабиётларнинг аксариятида IX–XII асрларни Шарқ Уйғониш даври деб номлаш расм бўлган. Аммо бундай қараш, бизнинг назаримизда, объектив ҳақиқатга мувофиқ келмайди. Чунки Шарқда Ҳиндистон, Хитой, Япония каби йирик мамлакатлар, бошқа халқлар ҳам борки, юқорида тилга олинган асрларда уларда имл-фанда ёки ижтимоий тараққиётда кескин ўзгаришлар бўлгани аниқланмаган. Фақат араб империяси доирасида ва унинг таркибига кирган бошқа халқлар ҳаётида чиндан ҳам олам-одам муносабатларида янгича ёндашувлар вужудга келиб, дунёвий фанлар, айниқса фалсафий ва диний билимлар ривожига сифат ўзгаришлари хосил бўлган. Бу ҳол жаҳон цивилизацияси тараққиётида янги бир босқич бўлгани илмий жиҳатдан асосланган. Шунинг учун бу даврни «Араб-мусулмон олами Уйғониш даври» деб номлаш объектив ҳақиқатга мувофиқ келади, деб ҳисоблаймиз. Чунки на фақат араб уламолари ва олимлари, балки халифаликка кирган, ўзининг бетакрор тарихи, маданияти, анъаналарига эга элатлар, халқлар намоёндалари ҳам бу Уйғониш даврига улкан ҳисса қўшганлар.

мувофиқ Марказий Осиёнинг илғор кишилари математика, астрономия, география, тиббиёт фанларини чуқур ўргандилар. Бу даврни ўз мазмуни, салмоғи, ахамияти жихатидан Марказий Осиё Уйғониш даври ҳам дейилади. Уйғониш даври маданиятининг ўзига хос томонлари мавжуд бўлиб, улар куйидагилардан иборат эди:

1. Дунёвий маърифатга интилиш, бу йўлда ўтмиш ва қўшни мамлакатларнинг маданияти ютуқларидан кенг фойдаланиш, айниқса табиий-фалсафий, ижтимоий илмларни ривожлантириш.

2. Табиатга қизиқиш, табиётшунослик илмларининг ривожини, рационализм, ақл кучига ишонишдан, асосий эътиборни ҳақиқатни топишга қаратилган фанларга бериш, ҳақиқатни инсон тасаввурини, илмининг асоси деб ҳисоблаш.

3. Инсонни улуғлаш, улардан ақлий, табиий, бадий, маънавий фазилатларини асослаш, инсонпарварлик, юқори ахлоқий маромлар ва қоидаларни такомиллаштириш, комил инсонни тарбиялашни мақсад қилиб қўйиш.

4. Универсаллик - қомусийлик, барча нарса билан қизиқиш бу давр маданиятининг муҳим томонларидан бири эди.

Шу даврда илғор фалсафий фикрлар ривожланишида Ибн Закарий ар-Розий, Ал Кинди, Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Форобий, Аҳмад Фарғоний, Беруний, Абу Али ибн Сино, Умар Хайём, Аҳмад ибн Абдуллоҳ Марвазий, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф хос Хожиб, Мирзо Улуғбек, Навоий каби машхур мутафаккирларнинг роли каттадир.

Уйғониш даври фалсафаси табиий-илмий фанлар ривожини билан узвий боғланиб кетган. Чунки табиатдаги ходисалар, инсон организмнинг ҳолатидаги ўзгаришлар сабабларини ўрганиш жараёнида ижтимоий фикрда ўрнашиб қолган оламга ақидавий-диний қарашларга путур етиб, оламнинг илмий манзараси ҳақидаги тасаввурлар ижтимоий онгда муҳим ўрин эгаллай бошлади.

2. Бу даврдаги жаҳонга машхур олимлардан бири Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий бўлиб, унинг математика, астрономия, жўғрофия, табобат, тарихшунослик соҳасидаги нодир асарлари фалсафий фикрлар ривожига ҳам катта ҳисса бўлиб қўшилди. Олимнинг энг машхур асарлари: «Ал-жабр ва-л муқобала», «Китоб сурат ал арз», «Ер сурати», «Астрономик жадваллар», «Қуёш соати тўғрисида рисола», «Хинд ҳисоби ҳақида рисола», «Устур лаб куриш ҳақида китоб», «Зиж», «Астрономик жадвал», «Муסיқа бўйича рисола», «Тарих бўйича рисола» каби асарлари унинг илмий тафаккури бениҳоя кенглиги, қомусий аллома эканлиги, нафақат ўз даврининг, балки ҳамма замонларнинг энг буюк қомусий олими эканлигидан далолат бериб турибди.

Шарқда ва жаҳонда табиий ва аниқ фанлар ривожига салмоқли ҳисса қўшган буюк алломалардан яна бири Аҳмад ал-Фарғонийдир. Фарғонийнинг асосан олти китоби бутун дунёга маълум ва машхур.

1. «Китоб фи усул илм ан-нужум», яъни «Астрономия илмининг усуллари ҳақидаги китоб».

2. «Ал-Фарғоний жадваллари».

3. «Ой Ернинг устида ва остида бўлганида вақтни аниқлаш рисоласи».

4. «Устурлаб билан амал қилиш ҳақидаги китоб».

5. «Етти иқлим ҳисоби».

6. «Устурлаб яшаш ҳақидаги китоб».

Унинг ушбу асарларида коинот харитаси тузилган, Ер ва фазовий сайёралар хажми, иқлимлар, жўғрофий кенгликлар тўғрисида кузатувлар орқали асосланган янги маълумотлар берилган, илм-фаннинг янги йўналишларига асос солинган. Қўлга киритилган маълумотларни умумлаштириш, тадқиқотда хиссий ва ақлий мушоҳада муштараклиги алломага хос хусусиятлар сифатида илмий дунёқарашни шакллантиришнинг муҳим омиллари бўлиб келди.

3. Абу Наср Муҳаммад Форобий Сирдарё бўйидаги Фороб қишлоғида туғилиб, ўз Ватанида ва сўнгра Богдод ва Дамашқда билим олди. У Марказий Осиё халқлари ва бутун шарқнинг машхур файласуфи ва олимларидан бири эди. Форобий йирик файласуф, тилшунос, мантиқшунос, математик, астроном, химик, медик, психолог, мусиқа санъатининг йирик назариётчиси, грек маданияти, фани ва фалсафасини эгаллаган эди. Форобий энг йирик Аристотелшунос, унинг фалсафаси, табиий-илмий назарияси ва асосларини чуқур билган файласуф эди. Шунинг учун Форобийни ҳаётлигидаёқ «Ал муаллим ас-соний» (2- устоз), яъни 2-Аристотель деб фахрий ном билан атаган эдилар. Форобий Аристотель асарларини араб тилига таржима қилиб, унга шарҳлар ёзади, шу билан бирга 160 дан ортиқ нодир асарлар яратди. Форобий «Фалсафани ўрганишда нималарни билиш керак?», «Фалсафий саволлар ва уларга жавоблар», «Шеър санъати», «Шоирларнинг шеър ёзиш санъати қонунлари ҳақида», «Илмларнинг келиб чиқиши тўғрисида», «Мусиқа ҳақида сўз», «Оханглар таснифи ҳақида китоб», «Масалалар булоғи», «Ақл тўғрисида», «Инсон аъзолари ҳақида рисола», «Фозил шаҳар аҳолисининг қарашлари», «Давлат ҳақида рисола» каби қимматли асарлар бизга мерос қилиб қолдирди.

Форобий Аллоҳни «биринчи сабаб», «биринчи мохият» деб изоҳлайди. У сабаб-оқибат муносабатларида биринчи сабабни худо деб билади. Ундан кейинги сабабларни материя билан боғлайди. Материя ўз сабабига, яъни худога хос бўлган барча хусусиятларга эгадир. Унингча, материясиз, яъни оқибатсиз сабаб ҳам бўлиши мумкин эмас. Дунё, табиат худо томонидан қисқа муддат ичида яратилган эмас, дейди олим. Унинг фикрича, дунё худодан бошқа мохиятга эга бўлган борлиқ бўлмасдан, худонинг зуҳр этилишидир. Табиатнинг бу холга келишига қадар бир қанча вақтлар, жараёнлар ўтган. Шундай қилиб, Форобий барча мавжудотни, оламни, материяни биринчи сабаб – худодан келтириб чиқаради. Форобийнинг фикрича, материя оламдаги нарса ва ходисаларнинг асосидир. Дунёнинг моддий асоси ёки материя тупроқ, сув, ҳаво, олов ва осмондан иборат бўлиб, Форобий таълимотича, осмон жисмлари ҳам ердаги жисмлар ҳам ана шу унсурларнинг бирикувидан вужудга келади. Форобий фикрича, оламдаги ҳар бир предмет материя ва шаклдан иборат бўлиб, материя ҳам шакл, ҳам тенг ахамиятга эга бўлган сабаблардир, дейди. У ҳаракат материянинг объектив хусусияти, моддий олам эса ҳаракатнинг манбаидир: оламдаги предмет ва ходисалар тўхтовсиз ҳаракат ва ўзгаришда, ҳаракат ва ўзгаришнинг сабаби эса бошлангич моддий элементларнинг турлича қўшилишидадир, деган фикрни илгари суради. Форобийнинг билиш ҳақидаги фикрлари ҳам эътиборга лойиқ, унинг таълимотича, моддий олам инсон, унинг сезгиси, ақлдан аввал мавжуд бўлган. Инсон ва унинг ақли эса - моддий олам ривожининг олий махсулидир, инсон ҳайвондан ўзининг сезги аъзолари, табиатни билиш қобилияти, ақли, тили билан фаркланади; инсон моддий оламни бирин–кетин ўсиб етишган сезги аъзолари орқали била бошлайди ва ундан ақлий билишгача- мантиқий тафаккургача кўтарилади. Форобий билишда инсон ақлининг ролига катта баҳо берган. Инсон ақли тафаккур ёрдамида табиатни,

борликни, материяни, ижтимоий ходиса ва жараёнлар мохиятини, маъносини билади. Форобий ўзининг ижтимоий қарашларида инсоният жамияти вужудга келиши ва ривожланишининг муайян табиий сабабларини, ахлоқнинг шаклланишини, инсон ва жамиятнинг ўзаро муносабатини, инсонийлик, адолат, етук жамоа, комил инсон каби масалаларни назарий жихатдан асослашга ҳаракат қилади.

4. Ўрта аср буюк олимларидан бири, ўзбек халқининг улуг фарзанди, энциклопедист олим, географ, геолог, астроном, математик, философ, тилшунос, этнограф, табиб Мухаммад Ибн Ахмад Абу Райхон Беруний 973 йилда 4 октябрда қадимги Хоразмнинг марказий шаҳри Қиётда тугилди. Беруний ўз умри давомида 152 асар яратди. Шулардан энг машхурлари «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Маъсуд қонуни», «Хиндистон», «Геодезия», «Минералогия», «Сайдана»дир. Беруний ўз даврида тажрибавий билимларни пухта эгаллаган олимлардан бўлиб, бу унинг табиий-илмий ва фалсафий қарашларининг муайян томонларини аниқловчи муҳим омиллардан ҳисобланади.

Умуман, Берунийнинг табиий-илмий меъроси, аниқ фанлар бўйича кўтарган муаммолари ўз даврида оламнинг умумий манзарасини яратишда, яъни фалсафий дунёқараш шаклланишида катта аҳамиятга эга бўлди. Беруний ўз астрономик жадвалида оламнинг маркази Ер эмас, балки қуёшдир, ҳамма планеталар, шу жумладан Ер ҳам қуёш атрофида айланади, деган гелиоцентрик гипотезани олға сурди. Берунийнинг бу илмий хулосаси 500 йилдан кейин улуг астроном Коперникнинг гелиоцентрик системасида илмий асосда тасдиқланди. Беруний Абу Али ибн Сино билан қилган мунозарасида коинотдаги планеталар, шу жумладан Ер ҳам ўзаро тортишиш кучига эга, деган хулосага келади. Унинг бу илмий таҳмини XVIII аср бошида инглиз олими Ньютон кашф этган бутун дунё тортилиш қонуни билан илмий жихатдан асосланди.

5. Инсоният Абу Али ибн Синони жаҳон фани ёки маданиятининг юқори чўққиси, Уйғониш даври маданиятининг йирик арбобларидан бири сифатида билади ва эъзозлайди. Ибн Сино 400 дан ортиқ асарлар ёзди. Унинг ёзган асарлари илм–фаннинг барча соҳаларига тааллуқлидир. Шундан 242 таси бизгача етиб келган. Аллома асарларидан 80 таси фалсафа, илоҳиёт, тасаввуфга, 43 таси таъбабат, 19 таси мантиқ, 26 таси эса рухшуносликка бағишланган. Ибн Сино ўз асарлари билан Марказий Осиё халқлари маданиятини дунё маданиятларининг олдинги қаторига олиб чиқди. Шунинг учун ҳам «Шайхурраис» - «Олимлар бошлиғи» деб аталиши бежиз эмас. Олимнинг асосий фалсафий асари «Китобат шифо», «Донишнома», «Нажот», «Китобул инсоф», «Китоб ал қонун фиттиб» китобларидан иборат. Ибн Сино «Донишнома» номли фалсафий китоби 5 хил илмни–мантиқ, тиббиёт, астрономия, мусиқа, илоҳиётни ўз ичига олади. Ибн Сино ўз замондошлари сингари Аллоҳни оламни яратган биринчи сабаб ҳисоблайди.

Ибн Синонинг айтишича, фалсафа борлиқ ҳақидаги фандир. Борлиқ эса абадийдир, у шаклини ўзгартириши, бир кўринишдан иккинчи кўринишига ўтиши мумкин, лекин унинг ўзи, материя йўқолмайди. Уни текшириш учун зарурийят, имконият ва сабаб категорияларини асос қилиб олиш зарур. Ушбу категориялар орқали инсон олам тўғрисида фалсафий фикрларга эга бўлади. Ибн Синонинг фикрича, оламда зарурий вужуд ва имконий вужуд бор бўлиб, уларнинг биринчиси ҳеч нарсага боғлиқ бўлмаган бир бутунликдир; у қудратли, доно, иродали ва ҳамма нарсани билувчи Тангридир. Иккинчиси зарурий вужуд бўлиб, у тангридан келиб

чиқади ва уни намоён этади. Бу келиб чиқиш эманация тарзида, яъни куёшдан чиқаётган нур шаклида мавжуд бўлган ақл, жон ва жисм, улар билан боглиқ холда осмон жисмлари келиб чиқади. Бу жавҳар (субстанция) бўлиб, ундан ташқари борлиқда араз (акциденция), яъни нарсаларнинг белгилари, ранги, хажми, хиди ва бошқа хислатлари мавжуд. Жисм шакл ва материядан ташкил топади. Моддий жихатдан бир бутун бўлган табиат ўз ички қонуниятлари асосида ривожланади, бинобарин, табиий ходисалар сабабли боғланишга эга бўлиб, уларни ўрганиш мумкин.

Ибн Сино жисмлар 4 унсурдан ташкил топган, - дейди. Бу 4 унсур – хаво, сув, олов, тупроқ - ўзаро боглиқ, бир–бирига таъсир этади. Шундан у ёки бу нарса пайдо бўлади ёки йўқолади. Лекин уларнинг асоси – 4 унсур ўзгармайди, йўқолиб кетмайди. Материя, ҳаракат, вақт ва фазо ўзаро бир-бири билан узвий боглиқдир. Ибн Сино билиш назариясига ҳам улкан хисса қўшган. У инсон билимлари реал объектив нарсалар, уларнинг сабабий боғланишларини билиб олиш орқали вужудга келади, деган. Инсон сезгилари ёрдамида нарсаларни хиссий билса, тушунчалар ёрдамида ақлий билади. У билишда тафаккурнинг ролига юксак баҳо беради.

6. Ўрта асрларда яшаб ижод қилган яна бир олим Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий эди. Унинг бизгача етиб келган «Мафотих ал-улум» («Илмлар калитлари») асари бўлиб, унда ўрта асрлардаги фанларнинг ривожланиши ва ҳолатини анча мукаммал акс эттирган. Муаллиф асарда ўз давридаги ҳар бир фаннинг мазмунини, унинг атамаларини шархлаш йўли билан тушунтириб беради. Ушбу асарда фалсафа, мантиқ, тибб, илму-н-нужум, мусиқа ва бошқа фанларнинг асослари берилган, ал-Хоразмий ўша даврда юқори даражада ривожланган фанларни маълум тартибга тушириш ва тасниф қилишни ўз олдига вазифа қилиб қўяди.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий фалсафанинг назарий қисмига табиётшунослик фанларини, амалий қисмига этика, сиёсатшунослик ва бошқарувни қўяди. Зарурий борлиқни худо ва унинг қудрати (биринчи сабаб) билан изоҳласа, имконият даражасидаги борлиқни моддий олам ва ундаги сабабли боғланишлар билан изоҳлайди. Материя унинг назарида 4 унсурдан ташкил топади ва улар фазо ва вақтда мавжуд бўлади. Ҳаракат материянинг атрибути эканини тан олади. Аммо у ақл, руҳ, жон каби номоддийлик бор деб ҳисоблайди. Ақлни «фаол ақл», «моддий ақл» ва ўзлаштирилган ақлга бўлади.

Туркий забон адабиётининг йирик ва забардаст мутафаккирларидан бири Аҳмад Югнакийдир. Унинг бизгача етиб келган ягона илмий мероси «Хибатул-хақойик» («Хақиқатлар тухфаси»)дир.

Аҳмад Югнакий ҳам ўзидан олдинги буюк мутафаккирлар сингари илм-маърифатни ёқлайди, илмли кишиларни, олимлар, файласофлар, фозилу фузалоларни улуғлайди. Маърифатпарварликни тарғиб қилади, кишиларни илмли бўлишга чақиради, илмнинг манфаати, жаҳолатнинг зарари хақида куйиниб – ёниб гапирди.

Мутафаккир ўзининг сўз юритилаётган асарида ҳиммат ва саҳийликни бахиллик ва зикналикка қарама-қарши қўяди. Унинг фикрича, халқнинг етуги саҳий кишидир, саҳийлик шараф, мартаба ва камолатингни орттиради. Дунёда яхши ва нуқсонсиз ном саҳийликдир.

Аҳмад Югнакийнинг ахлоқий-фалсафий таълимотида инсонпарварлик, одам-одам билан дўстона ҳаёт кечириши, дўстларга садоқат, вафодорлик каби ғоялар ҳам катта ўрин тутди.

Шундай қилиб Аҳмад Югнакий «Хибатул-хақойиқ» асарида баён этган фикр-мулоҳазалари билан Марказий Осиёда ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-фалсафий таълимотлар ривожига ўзига хос бетакрор ўрин тутди.

Юсуф Хос Ҳожиб - Шарқ халқларининг XI асрда яшаб ижод этган етук шоири ва файласуфи, қомусий олими ва давлат арбобидир. У ўзининг бизга қадар етиб келган ягона дидактик, бадий-фалсафий «Қутадғу билик» («Саодатга йўлловчи билим») номли достони билан жаҳонга маълум ва машҳурдир. Бу асар Шарқда кенг ёйилган ўғит-насиҳат жанрига мансубдир. Унда ягона қўл остида бирлашган, марказлашган давлатни барпо этиш, мустаҳкамлаш, уни бошқариш йўл-йўриқлари, сиёсий, ижтимоий-ахлоқий, таълимий, маърифий, маънавий масалалар, расм-русум, урф-одат, ўзаро муомала – муносабат қоидалари кенг ва атрофлича баён этилган.

«Қутадғу билик»да одоб-ахлоқ, илм-маърифат, бола тарбияси, жамоат жойларида ўзини қандай тута билиш, сўзнинг аҳамияти ва қадри, меҳмондорчилик қоидалари, турмуш тарзи ва инсон маънавий оламининг масалалари баён этилган.

Маънавият ва маърифат жарчиси бўлган Юсуф Хос Ҳожиб марказлашган кучли давлат барпо этиш учун курашувчи донишманд, адолатли ҳукмдор қиёфасини ўз асарида ифодалайди. Давлат ва ҳокимият бошлиғи ва унинг сарой аъёнлари, махнаткаш оммага муносабатлари қандай бўлиши лозимлиги ҳақида фикр-мулоҳазаларини аниқ-равшан баён этади. Адолатни юксак даражада эъзозлайди.

«Қутадғу билик» панд-насиҳатларга, таълим-тарбияга ҳамда муҳим фалсафий ўғит ва йўл-йўриқларга бениҳоя бой, маданият, маънавият ва маърифат асосларини, инсоний қонун-қоидаларни, умуминсоний қадриятларни чуқур ўзлаштириб даъват этадиган ғоялар билан суғорилган том маънодаги қимматли бир илмий манба, бебаҳо қомусдир.

Марказий Осиёлик кўзга кўринган олимлардан яна бири Исмоил Журжонийдир. Унинг илмий меросидан уни ҳар томонлама етук ҳамда ўз вақтининг кўзга кўринган олими эканлиги, табобат, фалсафа ва бошқа илмлар соҳасида ижод қилганини кўриш мумкин.

Олимнинг фалсафий асарларидан бирининг номи «Китоб тадбир йавм ва лайл» («Кундуз ва туннинг тадбири китоби»)дир.

Исмоил Журжоний борлиқ моддийлигини, яъни материядан иборатлигини ва ҳар бир модданинг асосини тўрт элемент (ҳаво, олов, сув ва тупроқ) ташкил этишини таъкидлайди. Унинг фикрича, тўрт элемент ўзаро аралашиб кетиб, то мутаносиб бўлгунча ёки биронтаси устун келгунча, бир-бирига таъсир этади.

Олим асарларидаги табиий-илмий маълумотлар, яъни минераллар, наботот ва ҳайвонот дунёси, одам анатомияси ва физиологияси ва ҳоказолар ҳақидаги фикрлар уни билиш моҳиятига алоҳида эътибор берганлигидан далолатдир. Унинг гносеологиясида нарса ва жониворларни ўрганишда тафаккурга юқори баҳо беради. Бу эса барча билимларни, олим тили билан айтганда, ташқи сабабларни чуқур ўрганишни тақоза этади.

Исмоил Журжоний табиий-илмий фикрларининг қисқа таҳлили унинг табиётшунослик масалаларини фалсафий талқин этишда Ибн Сино таълимотига суянганлигини ва уни давом эттирганлигини кўрсатади.

Ўзидан олдин ўтган буюк алломалар, хусусан Абу Райхон Берунийнинг илмий ва фалсафий фикрларини давом эттирган ва уларни XII-XIII асрларда ривожлантирган олимлардан бири – буюк хоразмлик олим Маҳмуд ибн Муҳаммад Умар ал-Чағминийдир. Фан тарихида у илму-нужум, риёзиёт, табобат ва жўғрофия соҳасида машҳурдир. Чағминий табиий илмлар ривожланишига катта ҳисса қўшган, табиатни билиш жараёнида унга фалсафий ёндашгандир.

Чағминий бошқа мутафаккирлар қатори дунёнинг Аллоҳ томонидан яратилганлигини эътироф этади, лекин шу билан бирга табиат, ўзининг махсус қонунларига эга бўлиб, маълум фаоллик кўрсатиши мумкин, деб ҳисоблайди. Олимнинг фикрича, табиат «табиий кучга» эга бўлиб, унинг ички фаоллигини белгилайди.

Чағминий фалсафий қарашларининг характерли хусусияти ўша даврда арастучиларни ва бўлинмас заррачалар ҳақидаги таълимотнинг маълум томонларини бирлаштиришга бўлган ҳаракатдир. Бу хусусият олимни дунё, материя, табиат тузилиши ва ҳоказоларни тушунишида акс этади.

2.6.-мавзу: Ўрта аср Европа фалсафаси. (2с).

Режа:

1. Ўрта асрларда маърифат ва илмий фикрлар ривожланишининг ҳолати.
2. Схоластика, унинг мазмуни ва моҳияти, оқимлари.
3. Реализм оқими, (Кентерберийский, Пьер Абелляр, Фома Аквинский фалсафаси).
4. Номинализм оқими, Дунс Скотт ва Уильям Оккамларнинг фалсафий қарашлари.

1. Ўрта аср Европаси тушунчаси I асрдан XV асргача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу давр давомида бир қанча оқимлар пайдо бўлди ва амал қилди. Христианлик шаклланиб, давлат дини ва мафкурасига айланди ҳамда фалсафий фикрлар яккахудочилик ғоялари асосида ривожлана бошлади. Ўрта асрлар онтологияси негизини оламни худо томонидан яратилиши тўғрисидаги ғоялар ташкил этса, ундаги башорат ғояси билиш тўғрисидаги таълимот тусига киради. қадимги дунё худолари табиат билан уйғунлашиб кетган бўлсалар, христиан худоси табиат устидан хукмронлик қиладиган фаол кучга айланди.

2. Европа ўрта аср фалсафаси реал ҳаётдан узилгани, куруқдан-куруқ сўз ўйини маъносида схоластика номи билан тарихга кирган. Унинг асосий хусусияти фанни «илоҳиёт хизматкори»га айлантиришга интилишдир.

«Схоластика» сўзи юнонча «школа» («shola»)дан олинган бўлиб, «ўқиш жойи», «мактаб» маъноларини англатади. Буюк Карл саройида ўқитувчилик қилганларни ёки умуман сарой мактабидаги ўқитувчиларни схоластлар деб атаганлар. Шунингдек, динни ўрганишда фалсафани тадбиқ қилган ўрта аср олимларини ҳам схоластлар деб атаганлар. Схоластикани маълум даражада илоҳиётни ақлга мослаштириш, динни тафаккур ёрдамида қувватлашга бўлган интилиш, деб ҳам баҳолаш мумкин. ўша даврда илоҳиётни муқаддас китоблар ақидалари асосида эмас, балки фалсафий нуқтаи назардан тадқиқ қилиш тақоза қилинарди. Схоластларнинг мақсади эътиқод ақлга мувофиқми, деган саволга жавоб бериш бўлган. Схоластик фалсафада икки асосий оқим – реализм ва номинализм ўртасида кескин кураш давом этди. Бу икки оқим ўртасидаги курашнинг асосий масаласи–

умумий тушунчалар, улар айтганидек, «универсиалиялар» нинг моҳияти масаласи эди.

3. Реалистлар айрим нарсалар эмас, балки умумий (универсал) тушунчалар реал мавжуд, деб ҳисоблаганлар. Бу, илоҳий Ақлга тенглаштирилган. Бинобарин, шу умумий тушунчалар орқали инсоният нарсалар моҳиятини англайди, деганлар. Бу ўринда Ангельм Кентерберийский, Пьер Абеляр, Фома Аквинскийларнинг фалсафий қарашларини ўзига хос хусусиятлари устида тўхталиш мақсадга мувофиқ.

4. Номиналистлар умумий тушунчалар (универсиалиялар) якка нарсаларга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлиши мумкин эмас, деб уқтирадилар. Уларнинг фикрича, умумий тушунчалар якка нарсаларнинг номларидир. Яъни умумий тушунчалар талай нарсаларга хос умумий белгиларга қараб бизнинг ақлимиз мавҳумлаштириши ёрдамида вужудга келади, деб исботлашга уриндилар. Демак, универсал тушунчалар нарсалардан олдин эмас, кейин ҳосил бўлади. Бу ғояларни Иоан Дунс Скотт ва Уильям Оккамлар илгари сурганлар.

2.7.-мавзу: XIV – XVI асрларда Марказий Осиёда табиий-илмий, ижтимоий–фалсафий фикрлар. Тасаввуф. (2с).

Режа:

1. XIV – XVI асрларда Марказий Осиёда ижтимоий сиёсий аҳвол. Тасаввуфда нақшбандийлик тариқатининг шаклланиши ва унинг жамият ҳаётидаги роли.
2. Улуғбекнинг табиий-илмий мероси ва унинг аҳамияти.
3. Алишер Навоийнинг ижтимоий–фалсафий қарашлари.
4. Захириддин Муҳаммад Бобурнинг ижтимоий–фалсафий ва ахлоқий қарашлари.

1. XIV – XVI асрлар Марказий Осиёси тарихга Темурийлар даври номи билан кирган. Чунки халқимиз мўғуллар асоратидан озод бўлиб, марказлашган мустақил миллий давлатга эга бўлган давр ҳисобланади. Бу давр фалсафаси халқимизнинг Соҳибқирон Амир Темур бошчилигида озодликка эришган ва мустақилликни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш учун амалга оширган буюк ишларининг ифодасидир. Мазкур даврда мамлакатда тартиб–интизом ва қонун устиворлиги таъминланди. Иқтисод, фан ва маданият юксалди, хорижий мамлакатлар билан мустаҳкам алоқалар ўрнатилди. Темур ва Темурийлар даврида ислом дини ва тасаввуфга катта эътибор берилди. Ислом асосида шаклланган Нақшбандийлик ғоялари бу давр мафқурасининг умумий йўналиши бўлиб қолди. Натижада ислом бағрикенглик динига айланиб, ундаги мутаассибликка мойиллик чеккага чиқиб қолди. Бу ҳол марказлашган давлат барпо этишда, иқтисод, маданият ва илм–фан равнақиға эришиш учун маънавий ва назарий асос бўлиб хизмат қилди. Амир Темур ўз фаолиятида унга таяниб иш кўрди.

Соҳибқирон тасаввуфдан мамлакатдаги салбий иллатларни йўқотишда, турли жанжал ва низоларни бартараф қилишда, ҳақиқат ва адолат ўрнатишда, инсонпарварлик ғояларини тарқатишда фойдаланган. Темур тасаввуфдаги покланиш, тўғри ва софдил бўлиш, зино ва фахш ишлар билан шуғулланмаслик, харом–хариш ишлардан қочиш, ҳалол меҳнат қилиш, бирор касбни эгаллаш, мухтожларга меҳр–шафқат кўрсатишда моҳирона фойдаланди. Темурийлардан Шохрух, Улуғбек, Хусайн Бойқаро, Бобур Мирзолар давлатни бошқаришда

тасаввуф қоидаларига амал қилишди, илм-фан ва маданиятни ривожлантиришда унинг тажрибаларига таяндилар.

Маълумки, XIV аср ўрталарида Бахоуддин Нақшбанд асос солган тасаввуф сулуки нақшбандия деб аталади. Ҳазрат Бахоуддин Нақшбанд таълимотида бошқалар меҳнати билан кун кечиришни, текинхўрликни, ижтимоий зулм ва истибдодни қатъиян қораланади. Мазкур таълимот тарафдорлари тарки дунёчиликка, бой-задагонларнинг зулм ва истибдодига қарши бўлганлар, кишиларни фақат ўз кўл кучи, пешона тери билан ҳалол меҳнат қилиб кун кечиришга чақирганлар. Шунинг учун ўз давридаги илм-маърифатнинг, адабиётнинг йирик намоёндалари бўлмиш Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Бедил, Сўфи Оллоёр, Машраб, Махтумқули сингари Шарқдаги улкан тараққиёпарвар, инсонпарвар шоирлар ва мутафаккирлар нақшбандия йўлини танлаб, баракали ижодларида ва унинг кадр-қимматини юксакларга кўтарганлар.

2. Улуғбек хукмронлик қилган даврда фан ва маданият кенг тараққий этди. Шу даврда Самарқандда Қозизода Румий, Жамшид бин Маъсуди, Муйиддин ва унинг ўғли Мансур Коший, Али ибн Муҳаммад Журжоний, Хиротда Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, улуғ рассом Бехзод, тарихшунос Хондамир, Султон Али Машҳадий ва бошқалар баракали ижод қилганлар.

Бошқа табиётшунослар сингари Улуғбек ва унинг шогирдлари моддий оламни киши онгидан ташқарида, объектив мавжудлигига шубҳа қилмадилар ва уни чуқур ўрганишга даъват этдилар. комусий илмлар соҳиби бўлган Мирзо Улуғбек риёзиёт, фалакиёт, мусиқашунослик, фалсафа, тарих соҳасида ижод қилган. «Бир даражанинг синусини аниқлаш ҳақида рисола», «Рисола дар илми мусиқа», «Рисолаи йирик тарихий китоб»ларнинг муаллифи Улуғбек номи бутун дунёга машҳур бўлди. Айниқса, унга шон-шухрат келтирган бебаҳо асар «Зижи жадиди Кўрагоний»дир. Бу асар Улуғбекнинг 20 йил давомида олиб борган астрономик кузатишларининг натижаси бўлиб, унинг асосий қисми юлдузлар жадвалидан иборатдир. Улуғбек ўлимидан кейин икки юз йил давомида бу жадвал ўзининг аниқлиги ва илмийлиги билан жаҳонда тенги йўқ ҳисоблаб келинган.

3. Шу даврнинг ёрқин юлдузларидан бири - ўзбек халқининг улуғ фарзанди, буюк мутафаккур, сиёсий арбоб, инсонпарвар шоир Алишер Навоий эди. (1441-1501).

Навоий фан, адабиёт, санъатнинг турли соҳаларига доир қирқдан ортиқ асар яратди. «Чор девон», «Ҳамса», «Махбуб-ул қулуб», «Муҳокамат-ул луғатайн», «Мажолисун нафоис» асарлари шулар жумласидандир.

Алишер Навоийнинг фалсафий қарашлари унинг асарларида ўз мужассамини топган.

Уларда борлиқ ва унинг моҳияти, инсон ва инсон ҳаётининг мазмуни ҳақида чуқур фалсафий мулоҳазалар, инсоннинг бахт-саодати ҳақидаги орзу-умидлари, адолат ва ахлоқий камолат, комил инсон ва фозил жамоа, уларга етиш йўллари ва чоралари хусусида изланишлар ўз ифодасини топган. Навоий Борлиқни Аллоҳ зуҳури маъносида тушунган, шу маънода оламдаги барча нарсалар унинг шуъласи, турли рангларда товланишдан иборат деган нуқтаи назарда турган. Изчил Нақшбандий сифатида эса реал ҳаётга реал кўз билан қараган. Унинг фалсафий қарашларида ҳамма нарса 4 моддий элементдан - ўт, сув, ҳаво, тупроқдан ташкил топгани ҳақида ҳам фикрлар учрайди. («Саъди Искандарий»га қаранг). Унингча, худо зуҳуридан иборат бўлган моддий олам доим ҳаракатда ва ўзгаришда. Навоий

моддий оламини билиш мумкин эканини асосан эътироф этади. Унингча, билимнинг манбаи реал воқелиқдир, дунёда мавжуд нарсаларнинг ҳаммаси хисларимизнинг предметдан (объектидан) иборат. Навоий инсон ўзининг беш сезги аъзолари орқали ташқи моддий дунё билан алоқа боғлайди ва у тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлади, уларни тафаккур ёрдамида умумлаштиради, қайта ишлайди, сўнгра муайян ҳулоса чиқаради, дейди.

Алишер Навоий инсонни бутун коинотнинг марказий сиймоси, бутун мавжудотнинг тожи деб билади. Инсонни безайдиган гўзал ҳислат ва фазилатлар сифатида одоб-ахлоқли, камтар, мурувватли, ростгўй, меҳнатсевар, саҳий бўлишини алоҳида таъкидлайди.

Алишер Навоий асарлари марказида турган белгиловчи ва йўналтирувчи бош масала – инсон, халқ, Ватан, унинг гуллаб-яшнаши, истиқболи ҳақидаги муаммолардир. Навоий инсон ва унинг тақдири, халқ ва унинг манфатлари йўлида ғамхўрлик қиладиган кишиларни улуглайди.

4. Захириддин Муҳаммад Бобур (1483-1529) Темурийлар сулоласининг энг буюк вакиллари бири, Хиндистонда «Буюк мўғуллар» салтанатини қурган, туркий, араб-мусулмон, форс-тожик, хинд маданияти, бадиий-фалсафий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий ва диний-тасаввуфий фикрига катта ҳисса қўшган мутафаккирдир.

Бобурнинг хизмати шундаки, у Хиндистонда марказлашган давлатни ташкил этди, мамлакатда тинчлик ўрнатди, ободонлаштириш ва қурилиш ишларини ривожлантирди, маданият, санъат, адабиёт ва илм-фанни юксалтирди. «Бобурийлар сулоласи» Хиндистонда 300 йилдан ортиқ ҳукмронлик қилиб, темурийлар давлати ва маданиятининг давомчиси сифатида машҳур бўлди.

Бобур нафақат сиёсатчи, сулола асосчиси, ақлли харбий лашкарбоши, балки жуда иқтидорли олим, исломий илмлар, шариат ҳамда тасаввуф ифодачиси, тариқатлар билимдони, мухлиси, буюк сўз устаси, шоир, воиз эди. Унинг ижтимоий-фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, бадиий-ахлоқий қарашлари у қолдирган жуда бой маънавий мерос – девонлари, «Бобурнома» асари, шариат асослари баёни бўлган «Мубайян» рисоласи, бадиият назарияси бўйича «Аруз рисоласи», Хўжа Ахрор Валий «Рисолаи волидия»сининг туркий назмий баёни, мусиқа, лашкаркашлик бўйича рисоалар, у ўзи яратган ва қўллай бошлаган махсус алифбо «Хатти Бобурий», туркий-мўғулий қонунчилик анъанасида тузилган «Тузукати Бобурий»лар бизгача етиб келган.

Бобур дунёқарашининг асосий йўналиши инсонпарварлик, маърифатпарварлик, санъатсеварлик, бадиият, ўз Ватанини севиш, кумсаш ва айни пайтда бошқа халқлар, миллатлар, диний эътиқодларга эътиқодий бағрикенглик, ҳурмат муносабатида бўлиш, қонунни, ҳуқуқ анъаналарини устун санаб, хайрли ишларни қилишдир.

2.8.-мавзу: Ғарб Уйғониш даври фалсафаси. (2с).

Режа:

1. Ғарб Уйғониш даврининг ижтимоий ва ғносеологик илдизлари.
2. Уйғониш даври гуманизмининг моҳияти ва хусусиятлари.
3. Николай Кузанский, Жордано Бруно, Галилео Галилейларнинг олам ва уни билиш ҳақидаги фалсафий қарашлари.
4. Уйғониш даврида социологик таълимотларнинг ривожланиши.

1. Уйғониш даври Европада XIV асрнинг иккинчи ярмидан то XVII асрнинг бошларигача бўлган даврни ўз ичига олади. Моҳият жихатдан Уйғониш даври индивидуал ва ижтимоий онгнинг илм-фан асосида ривожланиши билан боғлиқ, табиётшунослик фанлари ва у билан боғлиқ ҳолда фалсафий фикрлар христианлик таъсиридан чиқиб боришни ифодалайди.

Ижтимоий онгдаги бу ўзгаришлар географик ва техник кашфиётлар Европа халқининг бу давр маънавий ҳаётида туб ўзгаришларга сабаб бўлди. Черков маънавий ҳокимияти заифлашди, дунёвий фанлар ривожини учун кенг йўл очила бошланди.

2. XIV асрларда дастлаб Италияда вужудга келган бу янги маданият гуманизм номини олади. Умуман гуманизм ибораси луғавий жихатдан инсонийлик, деган маънони англатади. Ўз моҳияти жихатидан бу маданият черков, илоҳиётга хос бўлган маърифатлиликдан узоклашишни англатади. Зеро, гуманистлар дунёвий фанларни черков схоластикасига қарши кўярдилар.

Бу маданиятнинг энг асосий моҳияти черков томонидан инкор этилган инсон шахсининг манфаатлари ва ҳуқуқларини химоя қилган гуманизм эди, чунки у ҳар томонлама ривожланган инсон шахси ҳақида гапирса ҳам, бутун халқни назарда тутмас эди. Иккинчидан, бу гуманизм инсонни ҳар қандай зўравонликдан, черков ҳукмронлигидан озод қилиш ҳақида орзу қилган. Бу гуманизм унинг асосий хусусияти индивидуал эрка, рақобатга йўл очиш эди. Дунёқарашдаги бу янги оқим ўша даврда илғор табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий фикрлар ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлди. Бу даврда ижтимоий-иқтисодий ва маданий-илмий ҳаётдаги кескин ўзгаришлар ўз навбатида Уйғониш даври фалсафасининг ривожланиш хусусиятларини белгилаб берди. Ўз моҳияти жихатидан бу фалсафий ривожланиш нисбатан илмий йўналишда бўлиб, унинг асосий мақсади схоластикага тобора кўпроқ зарба бериш эди. Бу зарба шундан иборат эдики, фалсафа гуманистик маданиятнинг таркибий қисмларидан бири сифатида илоҳиётнинг хизматкори бўлишдан бутунлай воз кечади.

3. XV-XVI асрлардан фан тобора илоҳиёт билан ўз алоқасини уза бошлаб аста-секин мустақил ривожланиш йўлига ўтиб дин, черков ҳукмронлигига қарши чиқа бошлайди. Ўша пайтда жамиятнинг илғор табақалари техниканинг назарий асоси ва диний мафкурага қарши курашда қурол бўлган табиётшуносликнинг ривожланишидан манфаатдор эдилар. Чунки саноатни ривожлантириш учун фан керак эди. Бу фан физик жисмлар табиат кучларининг намоён бўлиши шаклида таҳлил қилинар эди. Табиётшуносликнинг ривожланиб бориши кескин кураш билан боғлиқ эди.

Бу ўринда Николай Кузанский, Жордано Бруно, Галилео Галилейларнинг табиий-илмий, фалсафий қарашлари устида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Уйғониш даврида ўрта аср ижтимоий-сиёсий тузумига ва маънавий ҳаётда черковнинг яққаҳоқимлигига қарши кураш жараёнида илғор социологик таълимотлар вужудга келди. Ўша даврда жамиятнинг илғор табақалари дунёвий, миллий ва марказлашган давлат тарафдори бўлганлар. Ўрта аср мафкурасига қарши қўйи табақалар демократиясининг химоячилари ҳам турарди. Улар ижтимоий тузумни тубдан қайта қуриш ҳақида орзу қилар эдилар. Худди шу даврга келиб инсоннинг «табиий-ҳуқуқлари», халқнинг суверенитети ҳақидаги ғоялар вужудга келади. Лекин «табиий-ҳуқуқ» ва «халқ суверенитети» ғоялари ўша даврда воқеаликда ўз аксини топа олмади. Омманинг инқилобий портлашидан кўрққан

янги мулкдорлар кучли давлат хокимияти хақидаги таълимотни асослаб беришни талаб қилардиларки, бу давлат фақат ер эгаларининг қаршилигини эмас, балки халқнинг инқилобий ҳаракатини бостиришга ҳам қодир бўлсин. Бундай социологик назариянинг типик вакилларида бири Николо Макиавелли (1469-1527) эди.

4. Уйғониш даврида халқ қуйи табақаларининг орзу-умидлари ва интилишларини акс эттирувчи илғор мутафаккирлар камол топа бошлади. Шулар жумласига йирик сиёсий арбоб ва мутафаккирлар Томас Мор ва Томмазо Кампанелла киради. Улар дастлабки ижтимоий - ҳаёлий жамият хақидаги таълимотнинг асосчиларидир. Улар ўзларининг “Утопия” ва “Қуёш шаҳри” номли асарларида жамият аъзоларининг тенглиги ва ижтимоий адолат қарор топадиган жамият хақидаги орзуларини ифода этганлар.

2.9.-мавзу: XVI-XVIII асрлар Ғарбий Европада фалсафий фикрлар ривож.

Режа:

1. XVI-XVIII асрлар фалсафасининг асосий хусусиятлари, унинг ижтимоий-гносеологик манбаълари.

2. Янги давр фалсафасида инглиз файласуфларининг қарашлари.

3. Француз маърифатчилигининг асосий хусусиятлари.

1. XVI-XVIII асрлар Ғарбий Европа тараққиётида янги давр бошланади. Маънавий ҳаёт католик черкови таъсиридан чиқишида христианликда протестантизм оқимининг вужудга келиши ҳам муайян роль ўйнади. Ғарбий Европада шакллана бошлаган ва фалсафага асосланган янгича дунёқараш ўрта асрчилик қабоҳатларини қадам-бақадам енгиб ўта бошлади. Бу ҳол аввало ишлаб чиқаришни ташкил этишда хунармандчиликдан мануфактурага ўтишда ўзини намоён этди. Эркин рақобатга асосланган бозор иқтисодига ўтиш натижасида янги синф – тадбиркорлар ижтимоий-сиёсий ҳаётда салмоқли ўринни эгаллаб бошлади. Индивидуал эркинликка кенг йўл очишдан манфаатдор бўлган бу синф ва инсонпарварлик, маърифатпарварлик ғоялари учун кескин курашга отланган зиёлилар бу давр ижтимоий муҳитини шакллантиришда тобора етакчи мавқега эга бўлиб бордилар.

Мануфактура ишлаб чиқаришининг ўсиши патриалхал муносабатларнинг парчаланишига сабаб бўлди. Халқлар ўртасида иқтисодий ва маданий алоқаларнинг ривожланиши ижтимоий ҳаётдаги турғунликка барҳам берди.

Ишлаб чиқариш ресурслари тараққиётининг эҳтиёжлари табиат ва ундаги ҳодисаларни илмий билиш жараёнини тезлаштиришни тақоза этарди. Шунинг учун ҳам инсонпарварлик ғояларидан илҳомланган олимлар буюк кашфиётлар ижодкорлари сифатида майдонга келдилар.

Денгизда савдо муносабатларининг ривож кemasозликнинг тараққиёти, янги шаҳарлар қурилиши астрономияга, математика ва механикага бўлган эҳтиёжни кучайтирди. Н.Коперник гелиоцентрик назариясининг таъсири тобора кучая борди. Кеплер сайёралар ҳаракати қонунини очди. Галилейнинг механика назарияси вужудга келди. Ньютон механиканинг асосий қонунларини кашф қилди. Табиёт фанларидаги бу ютуқлар ўрта аср схоластик ва диний мафкура таъсирини камайтириб, янги дунёқараш учун илмий асос тайёрлади. Лекин шунга қарамай, янгича илмий дунёқарашнинг асосида оламга механик ва метафизик қарашлар

етакчи майл эди. Чунки қадимги даврдан бошлаб йиғилган табиат тўғрисидаги билимлар умумий характерга эга бўлиб, у янги даврнинг тажрибаси ва фан талабига жавоб бера олмасди. Шунинг учун янги давр табиийётшунослари табиатдаги ходисалар далилларни йиғиш ва ўрганиш, чуқурроқ билиш мақсадида уларни бир-биридан ажратиб ўрганардилар. Бунинг натижасида табиийётшунослар табиат ходисаларида, предметларнинг ўзаро боғланиши, бир-бирини тақоза этишини англаб етмаган эдилар. Улар назарида олам қотиб қолган тасодифий ходисалар йиғиндисидан иборат бўлиб кўринарди. Бу давр қарашларининг механик табиати қуйидагилар билан изоҳланади.

XVI-XVIII асрларда табиийёт фанлари ичида механика ва математика фанлари катта ютуқларга эга бўлиб, кимё ва биология эса бу даврда ҳали у қадар ривожланмаган эди. Шунинг учун ҳам бу даврнинг олимлари механика ва математиканинг табиатдаги барча ходисаларга тадбиқ этиш мумкин бўлган умумий фан, табиатдаги барча сирларни очиб берувчи калит, деб ҳисоблардилар. И.Ньютоннинг физик тадқиқотидаги механик сабабият математика томонидан асослангандан кейин механизм яна мустақамланди. Механицизм таълимотича, оламда ҳар бир жисмнинг ҳолати бошқа жисмнинг ҳолатига, шунингдек, ҳар жисмнинг тенглиги ёки ҳаракат сабаби бошқа жисмнинг ҳаракати ёки тенглигига боғлиқ. Предмет ёки ходисаларнинг ўзи ҳаракат манбаи эмас, у ўз-ўзидан ҳаракат қилиш қобилиятига эга эмас. Материя ҳаракатининг сабаби унинг ўзидан ташқарида бўлиб, ҳаракат эса сифат жихатидан бир хил бўлган предметларнинг маконда оддий ўрин алмашинувидан иборатдир. Механицизм материя ҳаракатининг механик шаклинигина эътироф этиб, унинг бошқа шакллари инкор этарди. Натижада механистлар табиатдаги сифат ўзгаришларини, тараққиётни бутунлай инкор этардилар. Шунинг учун механицизмнинг билиш методи амалда метафизик методдан иборат бўлиб қолди.

Бу давр дунёқарашида илмий фикрлар тобора етакчи ўринни эгаллагай бошлади. Натижада фалсафада билиш назарияси – гносеология муаммолари билан шуғулланиш етакчи майлга айлана борди. Буни инглиз файласуфлари Фрэнсис Бэкон (1561-1626), Томас Гоббс (1588-1676), Жон Локк (1632-1704), голландиялик Бенедикт Спиноза (1631-1677), франциялик Рене Декарт (1596-1650), немис файласуфи Готфрид Вильгельм Лейбниц (1646-1716) фалсафий қарашларида яққол кўриш мумкин.

Уларнинг ижодлари натижаси ўлароқ, билиш назариясида эмпиризм ва рационализм оқимлари вужудга келди.

2. Эмпиризм оқимининг асосчиси инглиз олими Франсис Бэкон ўзининг «Янги органон», «Янги Атлантида» асарларида ўрта аср схоластикасини танқид қилди ва табиат ходисаларини илмий тушунишни асослади. Билишнинг бирдан-бир тўғри йўли, унинг фикрича, тажриба (эксперимент)дир. Бэкон мавжуд бўлган барча нарса ва ходисаларга индуктив усул асосида ёндашиш ғоясини илгари сурди. Унинг фикрича, билиш алоҳидаликлардан, яъни хусусий далиллардан умумий илмий назариялар томон йўналиш асосида бўлади. Бироқ у эмпирик усулга ортиқча эътибор бериб, рационал усулнинг ролини пасайтириб юборди. У хиссий билиш билан ақлий билиш ўртасидаги алоқадорлик диалектикасини тўғри очиб бера олмади.

Бэкон фикрича, моддий дунёнинг асосини материя ташкил қилади. Унинг таъбирича, материя хилма-хил сифатга эга бўлиб, унинг миқдори ўзгармасдир, ҳеч

нарсадан ҳеч нарса вужудга келмайди, ҳеч нарса йўқ бўлиб кетмайди. Материянинг умумий миқдори ҳеч қачон ўзгармайди, у камаймайди ҳам, кўпаймайди ҳам.

Жорж Беркли ўзининг «Киши билишининг асослари ҳақида рисола» асарида субъектни бирламчи деб ҳисоблаб, барча нарсалар онгнинг ҳолатидан, сезгилар мажмуидан иборат, деб таълим беради. Беркли материяни, объектив реалликни бутунлай тан олмас эди. У оламда «Мен» ва менинг сезгиларимдан бошқа ҳеч нарса йўқ, оламдаги нарсалар менинг сезгиларимдагина мавжуд, агар мен сезмасам, уларнинг мавжудлиги ҳақида гап бўлиши мумкин эмас, деб ҳисоблайди.

Объектив реалликнинг мавжудлигига шубҳа билан қаровчи скептицизмнинг асосчиларидан бири Давид Юм (1711-1776)дир. Унинг нуқтаи-назарича, дунё қонунлари, субъектив хусусиятга эга бўлиб, бизнинг одатларимизга боғлиқ, сабабият ва зарурият сезгиларимизнинг тартибидан, кетма-кетлигидан бошқа ҳеч нарса эмас. Шундай қилиб, Юм скептицизмни агностицизмнинг турларидан бири сифатида қараб, моддий дунё қонунларини билишни инкор этиб фан тараққиётини чеклашга ҳаракат қилади.

3. XVII асрнинг энг йирик мутафаккирларидан бири франциялик Рене Декарт (1596-1650) эди. У рационалистик оқимнинг асосчиси бўлиб, унинг таълимотича, табиатни билишнинг бирон-бир йўли, услуби – ақлий билишга асосланган дедуктив услубдир.

Илмий-фалсафий билимларнинг келиб чиқиши ва ривожланишида ақл бениҳоя муҳим роль ўйнайди. Фақат ақлнинг ёрдамида инсон ўзига зарур бўлган ҳақиқатга эришиши мумкин. Ҳақиқат эса бу ақл нуқтаи назаридан аниқ-равшан ва шубҳасиз бўлган назарий хулосалардир.

Билишнинг бирдан-бир манбаи – тафаккурдир. Рационалист сифатида Декарт сезгиларнинг билишдаги ролини пасайтиради. Унингча, кўз, қулоқ, тил, бадан ва бурун ташқи дунё тўғрисида нотўғри маълумот беради. Шунинг учун билишнинг манбаи ҳам, билимларимизнинг ҳақиқатлик ўлчови ҳам ақлдир. Шундан келиб чиққан ҳолда, Декарт ўзининг «Мен фикрлайман – демак, мен мавжудман» деган машхур тезисини илгари суради.

Янги давр фалсафасида XVIII аср француз олимлари П.Гольбах (1723-1789), Д.Дидро (1713-1784), К.Гелвеций (1715-1771), Ж.Ламетри (1709-1751) ҳисобланади. Уларнинг таълимотича, ҳамма мавжуд нарсалар моддийдир ва уни илмий тилда материя деб номланади. Материя майда молекула ва атом заррачаларидан ташкил топган. Француз олимларининг фикрича, материянинг асосий хусусиятлари – ҳажм, оғирлик, ўтказмаслик, фигура ва механик ҳаракатдан иборат. Улар ҳаракати материянинг ажралмас хусусияти, ҳаракатсиз материя бўлиши мумкин эмас, деб таъкидладилар.

Ҳаракатнинг сабабини ҳам табиатнинг ўзидан деб тушундилар. Бироқ улар ҳаракат предмет ёки ходисаларнинг фазода оддий ўрин алмашинувидан иборат деб ҳисоблашарди.

Француз олимларининг билиш назариясига кўра, табиат предметларини билиш – уларни сезишдан иборат, сезгининг манбаи эса объектив реалликдир, чунки материягина сезги аъзоларимизга таъсир эта олади.

Улар билиш жараёнида ақлнинг ролини инкор этмадилар. Уларнинг фикрича, сезгиларимиз-тафаккурнинг асоси ва мазмуни, тафаккур эса миянинг бир қанча сезгиларини йиғиш, кўшиш, солиштириш қобилятидан иборатдир.

Шу билан бирга уларнинг билиш назарияси чекланган бўлиб, билиш оддийдан мураккабга қараб боровчи диалектик жараён эмас, балки сезги, фикр ва мулохазаларни йиғиндисидан иборат, деб тушунтирадилар. Иккинчидан, билиш жараёнида кишиларнинг ижтимоий-тарихий тажрибаси аҳамиятини тушунмасдилар. Улар ижтимоий ходисалар ҳақидаги фикр юритиб, киши ижтимоий муҳитнинг маҳсули, ижтимоий муҳит қандай бўлса, киши ҳам шундай бўлади, деб ҳисобладилар. Ижтимоий муҳитни янгилаш фақат маърифатнинг ривожини орқалигина амалга ошириш мумкин. Лекин улар ижтимоий муҳит маъносидан давлатни, сиёсий идоралар, унинг қонунларини, устқурмани тушунар эдилар. Бундан фикр жамиятни бошқаради, кишиларнинг фикри бўлса бас, жамият ҳам, ижтимоий муҳит ва унинг тузилиши ҳам шундай бўлади, деган хулоса келиб чиқади. Улар бўлажак жамиятнинг асосий вазифаси ҳамма кишиларни адолатли равишда бахт ҳуқуқи билан таъминлашдир, деб ўйлардилар. Улар давлатни вужудга келтирган иқтисодий сабабни, давлатнинг ижтимоий-сиёсий моҳиятини ва тарихий характерини очиқ бера олмадилар.

2.10.-мавзу: Германияда фалсафий фикрлар ривожланиши. Марксча фалсафа: унинг кадрланиш ва кадрсизланиш сабаблари. (4с).

Режа:

1. Иммануэл Кант – немис классик фалсафасининг асосчиси.
2. Фихте ва Шеллинг фалсафий қарашлари.
3. Гегель фалсафий системаси. Гегель фалсафасининг рационал мағзи.
4. Фейербахнинг антропологик фалсафаси.
5. Марксча фалсафа вужудга келишининг тарихий шарт-шароитлари ва унинг назарий манбаълари, моҳияти.
6. В.И.Ленин томонидан марксизмни сийқалаштирилиши.
7. Марксизмни маълум бир тарихий даврда кадрланиши ва сўнгра кадрсизланишининг туб сабаблари.

1. Фалсафа фанининг ривожланишида немис файласуфларининг ҳиссаси катта.

Немис классик (мумтоз) фалсафаси XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX асрнинг бошида вужудга келди. Бу фалсафанинг асосий вакиллари И.Кант, И.С.Фихте, Ф.Р.Шеллинг, Г.Ф.В. Гегель ва Фейербахдир.

Немис классик фалсафасининг асосчиси И.Кант эди. (1724-1804)

Кант фалсафасининг ривожини асосан икки даврга бўлинади.

Биринчиси танқидий фалсафагача бўлган давр (тахминан XVIII асрнинг 70-йилларигача); иккинчиси танқидий фалсафа даври. Кант ўз фалсафасининг дастлабки даврларида асосан табиётшуносликнинг фалсафий масалалари билан шуғулланди. У 1785 йилда ёзган энг йирик асари «Бутун умумий табиий тарих ва осмон назарияси»да қуёш системаси коинотдаги бошлангич катта туманликни айланма ҳаракат қилиши натижасида келиб чиққан, деб ҳисоблайди. Бу жараённинг сабаби «дастлабки туртки» эмас, балки ўзаро тортишиш ва итарилиш орасидаги зиддиятдир. Шу сабабли қуёш системасидаги барча сайёралар, Кант таълимотига кўра, узоқ давом этган табиий-тарихий тараққиётнинг маҳсулидир. Кантнинг бу хулосаси унинг табиат ходисаларини илмий тушунганлигидан далолат беради. XVIII асрнинг 70-йилларидан бошлаб Кант фаолиятининг иккинчи даври бошланди ва «Соф ақлни танқид» (1781), «Пролегоменлар» (1785), «Муҳокама қобилятини

танқид» (1790) каби асарларида ўзининг трансцендантал тизимини асослади. Бу асарларида инсоннинг билиш қобилияти ва имкониятларини тахлил қилиб, объектив реалликнинг мавжудлигини эътироф этади ва уни «нарса ўзида» деб атайди ва унингча нарса моҳиятини билиш мумкин эмас.

Кант инсон билимини икки гуруҳга ажратади: тажрибавий билимлар (апостериори), яъни у алоҳида-алоҳида олинган, бир-бири билан боғланмаган ҳодисаларни ифодаласа, тажрибагача бўлган априор билимлар эса ҳодисалар ўртасидаги умумий сабабни ва зарурий боғланишларни, яъни қонуниятларни ифодалайди. Дунё қонунларининг объектив хусусиятга эга эканлигини Кант мутлақо тан олмайди.

Унинг фикрига кўра, кишиларнинг идроки табиатга қонунлар ато қилади, шундан ҳам инсон ақли табиатга мослашиши керак эмас, балки табиат инсон ақлига мослашиши керак. Кант ахлоқ масалаларига ҳам катта эътибор берди. Унингча, жамиятдаги ҳар бир кишининг хулқ-атвори, иродаси объектив реалликдан тамомила ажралган ва ўзгармасдир. Ахлоқнинг асоси эса кишилар онгидаги ўзгармас амр-фармондир.

2. Иоганн Готлиб Фихте (1762-1814) Кантнинг «нарса ўзида» ҳақидаги таълимотини танқид қилиб, билиш шаклларининг бутун хилма-хиллигини бир субъектив ибтидодан келтириб чиқаришга уринган. Бу ибтидо шундан иборатки, файласуф қандайдир мутлоқ субъект - «Мен»ни назарда тутиб, унга бенихоя актив фаолият беради, шундан кейин у оламни яратади. Бошланғич «Мен» ўзига хос «мен» эмас, балки онгнинг ахлоқий фаолиятидир. Ана шу мистик бошланғич - «Мен» алоҳида «мен»ни келтириб чиқаради. Уни Фихте мутлоқ эмас, балки чекланган инсон субъекти ёки эмпирик «мен» деб тушунади ва бунга табиат, яъни эмпирик табиат қарама-қарши туради, деб ҳисоблайди.

Фихтенинг фикрича, абсолют субъект - «Мен» ва табиат, онг ва нарсалар бир-бири билан узвий боғланган, уларнинг ҳеч бирини айрим равишда билиб бўлмайди. Фихте таълимотидаги диалектик фикрлар унинг ижобий томонини ҳосил қилади.

Фридрих Вильгельм Иозеф Шеллинг (1775-1854) табиат тушунчасига тараққиёт ғоясини киритади. У субъектив «Мен»га асосланган фалсафасига ўзининг объективлик бирламчи деган фикрини қарама-қарши қўяди. Шеллинг айният фалсафасини яратади. Объект билан субъектнинг айният ғояси Шеллинг таълимотининг асосини ташкил қилади. Оламдаги барча нарсалар ва ҳодисалар, унингча, мутлоқ рухнинг ифодасидир. Материя онгдан ташқари мавжуд бўлган реаллик эмас, балки мутлоқ рухнинг алоҳида ҳолатидир. Шунинг учун материя ва рухни бир-бирига қарама-қарши қўйиш мумкин эмас. Билиш «Мен»нинг ўз-ўзини англаши деганидир. Демак, билишни онг ташкил этади ва унинг ёрдамида «Мен» ўзлигини англайди. Рух, жон ва улар ҳақидаги тасаввурлар ўзининг фаолиятини, ўзлигини билишга қаратилгандир.

Шеллингнинг мазкур фикрлари немис классик фалсафасининг йирик намоёндаси Гегель томонилан янада ривожлантирилади.

3. Немис классик фалсафасининг энг йирик вакили Г.Ф.Гегель эди. (1770-1831). Гегель тўғрисида сўз борганда унинг фалсафасининг икки томонни - диалектик усул ва консерватив системасини фарқ қилмоқ зарур. Агар диалектик усул ўзида «рационал мағиз»ни - тараққиёт тўғрисидаги таълимотда гавдалантирган фалсафа шакли бўлса, унинг догматик системаси эса консерватив бўлиб, тараққиётнинг бир доирада айланишидан иборат; деган тасаввурни вужудга келтирадики, бу унинг

диалектик усулига тубдан зиддир. Бунга кўра, тараққиёт «тезис антитезис-синтез» тарзида рўй беради. Диалектик усулга кўра эса барча нарса доимо ҳаракатда, ўзаро алоқа ва таъсирда, бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтишдан иборат доимий жараёндир.

Гегельнинг фикрича, дунёвий рух, ақл бирламчи бўлиб, моддий олам иккиламчи, дунёвий рухнинг гавдаланишидан иборатдир. Дунёвий рух (мутлок ғоя), унингча, яратувчи сабаб бўлиб, моддий олам унинг маҳсулидир. Табиат ва жамиятдаги ҳар бир буюм ёки ҳодиса шакл бўлиб, унинг мазмуни эса рух ёки ақлдир. Чунки бу предметлар рухнинг гавдаланишидан ўзга нарса эмас. Гегель ўз фалсафий системасида ҳар вақт рух ва табиатнинг ёки тафаккур ва борлиқнинг айнанлигига суянади. Шунинг учун унда моддий жараёнлар ҳар доим мантиқий жараён каби ифода этилади. Гегель фикрича, дунёвий рух мангу, у табиат ва жамиятдаги ҳамма воқеаларнинг манбаи ва ҳаракатлантирувчи кучидир.

Гегель фалсафий тизимининг «рационал мағзи» унинг диалектикаси ва билиш назариясида ўз аксини топган. Бу эса «Логика фани» асарида баён этилган. Бу асарида Гегель диалектиканинг 3 асосий қонунни: 1. Қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни. 2. Миқдор ўзгаришларнинг сифат ўзгаришларига ўтиш қонуни. 3. Инкорни инкор қонуни моҳиятини чуқур ва атрофлича асослаб беради*. Шунингдек мазкур асарда фалсафанинг барча даражалари ҳам тавсифлаб берилган.

Билиш назариясига Гегельнинг қўшган хиссаси шундан иборатки, у логика (мантиқ) ва билиш назариясининг бирлигини асослаб бериш билан бир қаторда диалектик мантиқнинг бирлиги кенгайтирилган тизимини яратади.

4. Кант ва Гегель фалсафасини танқид остига олган файласуф Людвиг Фейербах (1804-1872) эди.

Фейербах фикрича, олам табиатдангина иборат, табиат ҳеч қандай илохий кучга мухтож эмас. Билиш назариясида Л.Фейербах объектив реалликни билиш мумкинлигини шубҳасиз эътироф этади. Билиш жараёнида, у сезгилар ролига алоҳида аҳамият беради. Унингча, сезги ташқи моддий оламнинг киши сезги аъзоларига таъсири натижасида вужудга келади. Фейербах таълимотича, сезгилар билиш жараёнининг бошланғич босқичи бўлиб, у кишини ташқи дунё билан боғлайди.

* Гегель диалектикага алоҳида таълимот деб қарайди, чунки у даврларда ҳам, ҳозир ҳам Европада фалсафага онг шаклларида бири сифатида қараб келинади. Қадимги грек олимларининг баъзилари диалектикага билиш методи ва таълимот сифатида ёндашганлар. Бошқалари уни билиш услуги (методи) ва суҳбат куриш санъати деб ҳисоблаганлар. Бизнинг кунларимизда ҳам диалектикага алоҳида таълимот ҳисоблаб, муносабат билдирувчилар бор. Кўзга кўринган олимлар, жумладан Арасту ва Афлотуннинг фалсафий қарашларини шарҳлаб, уларга ўз муносабатини билдирган ватандошимиз, 2-устоз номи билан жаҳонга машҳур Абу Наср Форобий диалектикага билиш услуги ва баҳс юритиш санъати сифатида ёндашади.

Назаримизда, айниқса фалсафа фан сифатида шаклланган ҳозирги даврда диалектикага назарий билишнинг бир услуги (методи) сифатида ёндашиш маъқул кўринади. Шу билан бирга баҳс-мунозара санъати сифатида ҳам у фикрлар хилма-хиллиги (плюрализм)га йўл қўйиш шароитида алоҳида аҳамиятга молик бўлиши мумкин.

Диалектикага таълимот сифатида қараш моҳият эътибори-ила фалсафани фан сифатида тан олмасликка сабаб бўлади. Буни биз фалсафа фани қонунлари ва категорияларини диалектикага тааллуқли деб ёндашишда кўраимиз. Абу Наср Форобий нуқтаи назаридан келиб чиқиб, биз диалектикага билишнинг битта услуги ва баҳс санъати сифатида қараймиз. Чунки фалсафа фан сифатида мустақил таълимот бўлиб, диалектика унинг таркибига киради, деб ҳисоблаймиз.

Гегельнинг диалектикага ва фалсафа қонунларига муносабатига тарихий давр нуқтаи назардан ёндашамиз. Шундан келиб чиқиб ва ҳозирги замон ил²ор фалсафий фикрларига таяниб, у қонунларни биз бундай номлаймиз: а) диалектик зиддиятлилик қонуни; б) миқдор ва сифатнинг ўзаро ўтиш қонуни; в) инкорни инкор қонуни.

Фейербах таълимотида инсон фалсафанинг асосий мазмунини (предметини) ташкил этади. Унингча, фақат инсон орқали табиат ўзини пайқайди, сезади ва ўзи тўғрисида фикрлайди. Шунинг учун фалсафа антропология (инсон тўғрисидаги таълимот) билан боғлиқ бўлиши лозим. Фейербах ўз фалсафасида борлиқ ва тафаккур, объект ва субъект, физикавий ва рухий жараёнларнинг бирлигини асослаб бершга интилади. Ижтимоий ҳаётнинг тартибли бориши учун барча динлар ўрнига «Муҳаббат дини» яратишга уринган. Фейербах Гегель системасининг консерватив томонини танқид қилиб, шу билан бирга, унинг диалектик услубини ҳам инкор этади.

Хуллас, немис классик фалсафаси, айниқса Гегелнинг диалектикага доир қарашлари XIX аср Фарбий Оврупо фалсафасининг шаклланишида катта аҳамиятга эга бўлди ва шу билан бирга немис фалсафаси фалсафа тарихида бир босқич бўлган марксча фалсафанинг назарий манбаъи бўлиб хизмат қилди.

5. Марксизм Фарбий Европа XIX асрнинг 40-йилларидаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, сиёсий тузум ва маънавий турмушда содир бўлган чуқур кризис муҳитида шаклланди. У бу разолатга қарши вужудга келаётган кучли ижтимоий-инқилобий ҳаракатни илмий заминга қўйиш эҳтиёжларини ифодаларди. Бинобарин, у ўша давр муаммоларини ҳал қилишга қаратилган бир фалсафий оқим эди.

Немис классик фалсафаси, инглиз иқтисоди, француз ҳаёлий социалистларининг таълимотлари марксизмнинг назарий асоси бўлди.

К.Маркс ҳамма ёвузликлар асосида бегоналашган меҳнат ётади, бунинг сабаби эса, мулкнинг хусусийлиги деб билди. ўз асарларида, айниқса «Капитал»да ана шу нуқтаи назарни исботлашга уринди. Дин ўрнига атеистик дунёқараш ва эътиқод қарор топиши керак, деб ҳисоблади. Инсоният тарихи синфий курашлар тарихидан иборат, деган ғайриилмий қарашлардан келиб чиқиб, у жамият тараққиётини сунъий равишда формацияларга бўлиб, инсонлар фаолиятини, ҳар бир худуднинг ўзига хос хусусиятлари асосида тарихан шаклланадиган ижтимоий-иқтисодий тузумларни англашда бир томонлама тасаввурлар вужудга келишига асос солди. Унинг фикрича, кейинги формация илгаригисидан тараққий этган бўлиши керак эди. Хусусий мулкчилик ва талончиликка асосланган XIX аср Фарбий Оврупосида капитализм унинг назарида охириги нафасини олаётгандек туюлди, капиталистик жамият ўрнига ижтимоий мулкка асосланган ва байроғига Тенглик, Адолат, Эрк, Биродарлик ёзиб қўйилган қандайдир умумий (коммуна) жамияти бутун дунёда муқаррар барпо бўлишини «башорат» қилди.

Маркс маънавий ҳаёт, унда ғояларнинг ролига юксак баҳо берган ҳолда, уларни моддий ишлаб чиқарашнинг соясида қолдирган эди. Натижада илмий-техника тараққиёти ва илмий-техника инқилоби шароитида бошланган маънавий инқироз Маркс таълимоти негизида тобора чуқурлашиб борди.

Марксизмнинг кадр топиб кенг ёйилишига, ижтимоий адолатсизлик, тенгсизлик, зулмга асосланган давлат тузумлари ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларга қарши Фарб муҳитида тобора авж олиб борган норозилик ҳамда инсон онги ва рухий оламида асрлар давомида қарор топган ҳалоскорга ишонч руҳи катта роль ўйнади.

Ижтимоий тараққиётнинг барча масалаларига «пролетариат манфаатлари» нуқтаи назаридан қараш тарихий жараёнларни сохталаштиришга олиб келди.

6. Марксизм фалсафасининг кейинги тақдири асосан В.И.Ленининг назарий ва амалий фаолияти билан боғлиқ. У марксизмга «ижодий ёндошиш» шиори остида

Маркснинг «буржуа хусусий мулкчилигини тугатиш» ҳақидаги қарашлари, давлат қурилиши масаласидаги таълимотини менсимасди. Миллий сиёсат соҳасида Ленин буюкдавлатчилик шовинизмини қарор топтириш, янги мустамлакачиликни жорий этишнинг ниҳоятда мақрули системаси бўлган ва СССР деб аталган «қизил империя»ни вужудга келтирди. Бу даврда фаннинг назарий муаммоларини ўша негизда сиёсийлаштириш табиийётшуносликнинг кўплаб ютуқларини холисона умумлаштиришга имкон бермади.

7. Марксизм фалсафасининг катта салбий оқибати айниқса маданий ва фалсафий меросга бўлган муносабатда яққол намоён бўлди. Бу фалсафанинг методологик принциплари – синфийлик (партиявийлик) холис хулосалар чиқаришга имкон қолдирмас эди, уларга мос келмайдиган ҳар қандай таълимот қораланар, хатто бутунлай инкор қилинарди. Ўтмиш меросининг қай даражада умумбашарий, умумжаҳон аҳамиятига эга эканлиги эътибордан четда қолар эди. Бу, нафақат умуминсоний кадриятларнинг аҳамиятини менсимасликка олиб келарди, шу билан бирга, маълум даражада халқларда миллийлик руҳини, миллий меросдан ғурурланиш руҳини тугатишга қаратилган ҳаракат эди. Ўтмиш меросига бундай ёндошишнинг зарарли томонларидан яна бири шунда эдики, охир-оқибатда ўтмиш мероси бир ёклама талқин қилинарди, кўпинча эса очикдан-очик сохталаштирилди. Ижтимоий-иқтисодий, тарихий, маънавий, мафкуравий шароитларни ҳисобга олмаган ҳолда, ўтмиш меросини юқорида эслатиб ўтилган принциплар қолипига солиб талқин қилинарди.

Хуллас, ленинизм албатта марксизм заминида пайдо бўлди. Аммо ижтимоий ходисаларга муносабат белгилашда илмийликдан узоқлашиб, марксизмни дунёвий динга айлантирди. Шу асосда аввало собиқ Россия империяси ҳудудида социализм шиорлари остида барча мулк давлат монополиясига айлантирилиб, уни бошқариш усули сифатида маъмурий-бўйруқбозликка асосланган тоталитар давлат тизими қарор топди. Ленинизм байроғи остида ташкил этилган жаҳондаги «Социалистик лагер» деб аталган мамлакатлар модели социализм (коммунизм) ғояларини қадрсизлантирди. Охир-оқибатда «Социалистик лагер» тарқаб кетди. СССР деб аталган империя тарих саҳнасидан кетиб, «икки қутбли» дунё «кўп қутбли» дунёга айланди.

2.11.-мавзу: Россияда XVIII-XIX асрларда ижтимоий-фалсафий фикрлар тараққиёти. «Рус космизми».

Режа:

1. Россияда XVIII асрда фан ва маданият ривожини ва унинг фалсафа тараққиётига кўрсатган таъсири.
2. XIX аср рус фалсафаси.
3. Рус диний фалсафаси.
4. Рус космизми.

1. XVII асрнинг охиридан бошлаб рус фалсафаси тараққиётида янги давр бошланди. Бу давр Пётр I нинг Европа фан ва техника ютуқларини Россияга сингдириш ҳаракатлари билан узвий боғланган бўлиб, у табиат ва жамият тараққиётига илм-фан нуқтаи назаридан ёндашишга қаратилган илмий - фалсафий фикрларнинг вужудга келиши билан тавсифланади. Ана шундай тарихий шароитда М.В.Ломоносов ва А.Н.Радищевларнинг фалсафий дунёқарашлари шаклланди.

М.В.Ломоносов табиёт фанларини анча олға сурган XVIII асрнинг энциклопедист олими эди. У Россияда илмий табиётшунослик, рус металлургияси, геология, физика, химия, механика, рус адабий тили ва фалсафасининг асосчиси, шоир, риторик, рассом, талантли педагог эди.

Ломоносовнинг фикрича, барча нарсалар атомлардан ташкил топган бўлиб, улар ўз навбатида майда заррачалар (корпускулалардан) иборат. Корпускулалар ва молекулаларнинг турлича кўшилуви нарсаларнинг хилма-хиллигини белгилайди.

Ломоносов материя доимо ҳаракатда, ривожланишда деган ғояни олға сурган, у материя ва ҳаракатнинг сақланиш умумий қонунини кашф этади. Унинг билиш назариясида сезгиларнинг манбаи ташқи олам деб, нарса ва ҳодисаларнинг сабабини билишда хиссий билиш ва тафаккур бирлиги зарур қилиб қўйилади.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида Россияда яшаб ижод қилган рус ёзувчиси А.Н.Радищев ўзининг онгли ҳаётини ўша даврда меҳнаткаш омманинг рус крепостной тузумини ўзгартириш учун кураши билан боғлади. Унинг борлик, материя, ҳаракат, фазо ва вақт, оламни билиш ҳақидаги фалсафий фикрлари «Петербургдан Москвага саёҳат», «Инсон, унинг ўлиши ва ўлмаслиги тўғрисида» асарларида тўла ифода этилган.

2. XIX аср рус фалсафасини ривожланишига рус инқилобчи-демократлари В.Г.Белинский (1811-1848), А.Н.Герцен (1828-1889), Н.Г.Чернишевский (1820-1880), Н.А.Добролюбов (1836-1861), Н.П.Огаров (1813-1877) ва бошқаларнинг хизматлари катта. Улар М.В.Ломоносов, А.И.Радищев ҳамда немис файласуфлари Гегель ва Фейербахнинг илмий-фалсафий меросларини атрофлича ўрганиб, янги фалсафий таълимот яратдилар.

Инқилобчи-демократларнинг фалсафий қарашлари асосан илмий характерга эга эди. Улар фалсафани ҳаёт билан боғлашга уриндилар. Уларнинг фикрича, диалектика табиат ва жамиятнинг ривожланиш қонунларидан иборатдир.

Тарихда ҳеч қачон жамиятнинг ҳукмрон табақалари ўз имтиёзларидан ихтиёрий тарзда воз кечмаганлар, шунинг учун жамиятнинг кўпчилик қисми адолатга эришиши авваламбор жамиятни инқилобий қайта куриш ва халқ ҳокимиятини ўрнатиш, деб тасаввур қилишган. Деҳқонлар инқилоби, жамоатчиликнинг турли табақаларининг умумий инқилоби демократлар тушунчасидаги жамият ривожининг истиқболини ташкил қиларди.

3. Илмий фалсафа билан бир қаторда ана шу даврларда Ф.М.Достоевский, К.Н.Леонтьев, Н.Ф.Федоров, Л.Н.Толстой, В.Соловьевларнинг диний фалсафаси пайдо бўлди. Улар рус халқининг ва у орқали «барча инсонлар нажот топадиган» «художўйлик» ғоясининг ривожлантиришни давом эттирадилар.

4. Рус фалсафаси ривожидеги йўналишлардан яна бир нуфузли ахамиятига эга бўлган таълимот - рус космизмидир. Рус космизмининг диққатга сазовор жойи шуки, қатор файласуфлар, мутафаккир олимларнинг (Н.Ф.Фёдоров, В.С.Соловьев, Н.А.Умов, К.Э.Циолковский, А.И.Вернадский, П.А.Флоренский, А.О.Чижевский ва бошқалар) асарларида инсон ва космос бирлиги, инсоннинг космик табиати ва инсон фаолиятининг доираси муаммолари қўйилган эди. Космизм ғояларига бўлган қизиқиш асосан XX аср бошларида Ғарбий Оврўпода вужудга келган бўлса, аммо у ўзининг кенг тарғиботини Россияда топган эди.

Рус космизми асосан уч йўналишда борди: биринчиси, ҳаёлий (фантастик) йўналиш: масалан, К.Э.Циолковский ғоялари; иккинчиси геологик йўналиш (Н.Ф.Федоров) ва учинчиси табиат илми билан боғлиқ бўлган йўналиш (Н.А.Умов,

В.И.Вернадский) К.Э.Циолковский (1857-1935) ўзининг илмий-техник лойихалари билан ҳозирги замон космонавтикасининг шаклланишига муҳим ҳисса қўшган эди. У «Космик фалсафа» деган асаридида космосни ҳаётнинг турли-туман шакллари энг содда кўринишларидан тортиб то куёш энергиясини бевосита ўзлаштира оладиган, боқийликка, нурга тўла бўлган мавжудотлар билан тўлдирилган, деб тасвирлаган эди. Ўзирги замон кишиси, Циолковский фикрича, эволюция бўгинининг хали тугалланган босқичи эмас. Ақл-заковат ва ижодиёт келажакда инсонни космос даражасига кўтаради. У Ерда вақт ўтиши билан инсоннинг жисмоний табиати ҳам ўзгариб, у юлдузлараро фазода яшайдиган олий организмлар даражасига яқинлашади.

В.И.Вернадский (1863-1945) турли фан сохалари бўйича йирик тадқиқотлар олиб борган. Унинг раҳбарлигида биохимия, геохимия, биосфера сохаларида салмоқли ишлар қилинган. Вернадский инсон билан космосни микро ва макробосқичларда уйғун ва ўзаро боғлиқлиги ҳақида гапириб, антропокосмизм назариясига асос солди. Унинг гоялари илмий далилларга асосланган эди. Ноосфера тўғрисидаги таълимоти ХХІ асрга келиб ўз долзарблигини яққол намоён этди. Чунки инсон Ақли-заковати, унинг меваси бўлган илмий-техника кашфиётларидан фақат башарият манфаатлари йўлида фойдаланишга қаратилган таклифлари алоҳида ахамият касб этмоқда. В.И.Вернадскийнинг бу фалсафий қарашлари катта методологик ва дунёқараш ахамиятига эга бўлиб, илмий фалсафа равнақида улкан ҳисса бўлиб қўшилди.

Хулоса шуки, биринчидан, рус фалсафасида инсонпарварлик йўналишидаги қарашлар анча кучли эди. Рус фалсафасида ўзига хос антропокосмизм, персонализм мавжуд эди. У асосан, инсон ҳақида диний қараш қобиғида тарғиб қилинса, иккинчидан рус фалсафаси, хусусан, рус космизми қандай йўналишларда бўлишидан қатъий назар, инсон ақл-заковатининг қудратига, унинг чексиз имкониятлари мавжудлигига ишонч туғдиради, инсон коинотни забт этиши, олис сайёраларга саёҳат қилиши мумкинлиги ҳақида башорат қилиш имконини берарди.

2.12.-мавзу: XVI-XIX асрларда Марказий Осиёда ижтимоий-фалсафий фикрлар. Фалсафий фикрлар қашшоқлиги ва унинг ижтимоий оқибатлари.

(2с).

Режа:

1. XVI-XIX асрларда Марказий Осиёда ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва уларнинг ижтимоий фикрлар ривожига таъсири.
2. Бобораҳим Машраб ва Бедилнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари.
3. Махтумқули, Увайсий, Нодирабегим, Анбар отинларнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари.
4. Абай, Гулханий, Огаҳийларнинг маърифатпарварлик гоялари.

Маълумки, темурийлар салтанатидаги тахт учун борган ўзаро урушлар, жанжаллар уларнинг ҳокимиятини заифлаштирди. Бундан фойдаланган Шайбонийхон ва униг авлодлари Волга бўйларидан Марказий Осиёга юриш бошлаб, темурийлар салтанатига барҳам бердилар. Бироқ уларнинг марказлашган йирик ўзбек давлати барпо этиш йўлидаги барча уринишлари муваффақиятсизлик

билан тугади. Оқибатда Марказий Осиёда учта нисбатан кичик ўзбек давлати вужудга келди. У давлатлар тахтига кўпроқ ваҳдат-ул вужуд асосида шакллланган дунёқарашга мойил кишилар ўтирдилар. Нақшбандийлик тариқати ихлосмандлари ҳам бўлса-да, аммо кўпроқ тасаввурнинг зоҳидлик сулукларининг қарашлари ижтимоий онгда қарор топди.

XVI-XVIII асрлар ва XIX асрда жуда мураккаб, зиддиятли ижтимоий-иқтисодий муҳит бўлганига қарамай, Марказий Осиёдаги илгари етишиб чиққан буюк алломаларнинг анъаналари муайян даражада давом эттирилди. Шоир ва ёзувчилар, тарихчи ва файласуфлар бу давр талаблари асосида янги ғояларни илгари сурдилар. Ҳозиргача ўз ижтимоий-аҳамиятини сақлаб келаётган, мазмунан бой, ахлоқий, таълим-тарбиявий жиҳатдан ғоят таъсирли, нафислиги билан ҳайратга соладиган, кишини ўйлашга даъват этадиган ғазаллар, рубоийлар, ҳикоялар, тарихий ва фалсафий асарлар юзага келди.

Шуни таъкидлаш ўринлики, биринчидан, Марказий Осиёнинг уч хонликка бўлиниб кетиши, улар ўртасидаги келишмовчиликлар, ўзаро талончилик урушлари халқнинг тинка-мадорини қуритди, иқтисодий аҳволини ёмонлаштирди, савдо-сотиқни издан чиқарди. Бу ҳол илм-фан, маданият тараққиётига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Иккинчидан, XVI асрлар иккинчи ярмидан бошлаб, ислом ақидапарастларининг давлат сиёсати, мафкурага таъсири кучайди. Шу аснода сўфийликнинг ўнг қаноти, яъни таркидунёчилик, ночорликни тарғиб қилувчи оқимларининг халқ оммасига таъсири етакчи бўлиб қолди. Учинчидан, хонлик ва амирликлар, улар маҳкамаларини бошқариш кўп ҳолларда нодон, маърифатсиз, ўз шахсий манфаатини ҳар нарсадан устун қўювчи, маишатпараст, порахўр одамлар қўлига ўтиб қолди. Улар халқни жаҳолат ва нодонликда сақлаш учун мутаассиб руҳонийлар, балойи нафс йўлига кирган сохта сўфийлар фаолиятини рағбатлантириб бордилар. Булар эса хонликларнинг асосий мафкурачилари бўлиб қолдилар. Ана шулар барчаси кучли ва қудратли илмий салоҳиятга, ҳавас қилса арзигулик маънавий маданиятга, хайрли анъаналарга эга бўлган Марказий Осиё халқлари, жумладан ўзбекистон аҳолисини бир неча аср тараққиётдан орқада қолишга сабаб бўлди.

2. XVII асрнинг иккинчи ярми ва XVIII аср бошларида яшаб ижод этган Машраб дунёқарашини ислом негизи асосида шаклланди. Маърифатли ислом-дин софлиги учун курашиб, ҳавойи нафсларини қондириш учун динни қурол қилиб олган риёкор зоҳидлар, руҳонийларни танқид қилади. Унинг назарида мусулмон Оллоҳ ишқи билан яшаб, унинг висолига етиш мақсадида нафс балосидан фориғ бўлмоғи даркор. У бундай дейди:

Ишқ маҳобатига такваю тоат чидаёлмас,
Тасбеху санно, зуҳду ибодат чидаёлмас.
...Ишқ аҳли агар нолаю фарёд чиқарса,
Масжид куяру воизу минбар чидаёлмас.
Ишқ сурасидан гар ўкусам сура боякбор,
Бешубҳа, билинг, ояти қуръон чидаёлмас.

Офокхўжа канизакларидан бирини яхши кўриб қолгани учун уни бичиб қўйдилар. У яшаган даврдаги барча ижтимоий иллатлар дин, шариат, худо номи билан «тақдиру илоҳий»га боғланарди. қаландарлар орасида бўлиб, уларнинг кўпи Аллоҳ ишқида эмас, мол-мулк ишқида куйиб-ёнишларини Машраб кўрди. Буларнинг ҳаммаси унинг дунёқарашига таъсир этмай қолмас эди. Машрабнинг

назарида худогина башарият дўсти бўлиб, биргина унга итоат қилиш орқали жамиятдаги иллатларни бартараф этиш мумкин эди. Бир жойда у гўзал (худо)нинг бир ишваси учун «жаннату ризвонни», «тоату имонни» сотиш мавқеида турса, иккинчи ўринда аршу-аълони улуғлайди.

Машраб ижтимоий тенгсизлик, адолатсизликни кўриб фиғони ошади, унинг поэтик қаҳрамонлари адолатсизликдан азоб чекади. Бошқа ижодкорлардан фарқли ўлароқ, Машраб ҳаётнинг қачонлардир барча одамлар учун кулиб боқишига умид қилади. Айрим сўфий шоирлар дунёдан ғамноқ ўтмоқни, доимо худо йўлида оху-фиғон чекиб, ибодат қилмоқни ташвиқ қилсалар, у шодлик, висол дамларини, хушчакчақ кунларни орзу қилиб, бундай ёзади:

Ул дилбари раънога мен ёр бўлай,

Май берса паризод бир қатра тотай, дейман.

Машраб фалсафасидан баҳра олиб яратилган шеърлар ўзининг мазмундорлиги, ўйноқчилиги, шўхлиги ва чинакам дунёвийлиги учун халқ қалбидан чуқур ўрин олди. Шунинг учун риёкор руҳонийлар, зоҳидлар унда ўзларининг ашаддий душманларини кўрдилар ва 1711 йилда уни қатл этишга фатво бердилар. Бу фатвони Балх ва Қундуз ҳокими Маҳмудбий Оталиқ ўз ҳукми билан бажарди.

Бедил (1644-1721) гарчи Ҳиндистонда туғилиб ижод этган бўлса-да, аммо унинг ижоди Марказий Осиё халқлари орасига кенг тарқалган. Октябрь тўнтарилишигача шаҳар ва қишлоқларда «Бедилхонлик ўқишлари» кенг тарқалган эди, ўзи эса ўзбек халқининг шаклланишида катта роль ўйнаган барлос қабиласидандир.

Бедилдан 120000 мисрадан ортиқ шеър ва 20-25 босма тобоқ ҳажмида насрий асарлар қолган. «Ирфон» («Билим»), «Чор унсур», «Нуқот» («Ҳикмат») асарлари фалсафага доирдир.

Маълумки, Ҳиндистон ва Марказий Осиё фалсафасида ислом илоҳиёти асосида иккита оқим пайдо бўлган: а) Ваҳдат-ул вужуд, яъни фақат Аллоҳгина мавжуд, моддий олам ҳақиқий эмас, бинобарин, унга эмас, фақат Аллоҳга муҳаббат қўйиш керак, деган оқимдир. Мистик сўфийлар бунга амал қилиб, билим олишни, кишилар фаол ижтимоий фаолият кўрсатишни инкор этиб, таркидунёчиликни тарғиб қилдилар, фақат садақа билан кун кўрувчи дарвеш, қаландар, зоҳидларнинг турли уюшмаларини туздилар. Бу оқим Марказий Осиёда XVII-XIX асрларда кенг тарқалиб, ижтимоий тараққиётга жиддий путур етказди. ваҳдат-ул вужуд ғоялари Туркистон хонликлари сиёсати, мафқурасини шакллантиришда кўп ҳолларда етакчи бўлиб қолди.

б).Ваҳдат-ул мавжуд – реал воқеликдан таркиб топган ягона моддий олам бор, худо унга сингиб кетган деган таълимот бўлиб, унинг тарафдорлари одамларни билимли бўлишга, меҳнат билан улуғланишга даъват этган. Ваҳдат-ул мавжуд тибийёт билимлари учун фалсафий асосни яратиб беришга уринган ва илғор фикрлар тараққиётида муҳим роль ўйнаган.

Машраб сингари Бедил ҳам ана шу ваҳдат-ул мавжуд оқимиغا мансуб бўлиб, у тана билан руҳ бирлигини тан олади. У тескаричи руҳонийларни куръон ва тасаввуф илмига хиёнат қилишда айблайди: «Дин китоби варақни ағдарди, ислом аҳли табиатида ғайрат қолмади. Тасаввуф ва тақайя даюслик – номуссизликни ва ғайратсизликни баланд чўққига – меърожга чиқарди», - дейди у.

Бедилнинг фикрича, олам ташқи кўринишдан – моддий, ички моҳияти билан эса - илоҳийдир, олам ягона бўлиб, худо ҳам шу оламдадир, олам барқарор, бир бутун, у ҳамма нарсани ўз ичига олади, одам эса реал борлиқнинг, дунё, коинот-

махсулидир. Дунёдан ташқарида ҳеч қандай куч йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Худони борлиқнинг – дунёнинг ўзида мавжуд деб билган Бедил ўз асарларида буни исботлашга уринади. Унинг фикрича, ҳамма моддий нарсаларнинг асоси ҳаводир. Ўаво мутлоқ, абадий, ҳаракатчан, ўзгарувчан, енгил ва рангсиздир. У ўзида сув заррачалари (буғ), ер заррачалари (чанг), олов заррачалари (нур)ни сақлайди. Шуларнинг қўшилмасидан моддий нарсалар ҳосил бўлади. (Анаксимен, Эмподокл таълимотини эсга олинг.)

Бедил ҳавони илоҳийлаштириб, исломдаги Аллоҳга берилган ҳамма сифатларни ҳавога хос деб кўрсатади, ҳаво табиатидан буғ - «бухори латиф» - мутлоқ руҳ пайдо бўлади, деб ҳисоблайди. Шундай қилиб, Бедил руҳ ва жисм маносабатлари ҳақида қуйидаги хулосага келади: а) ҳаво дунёси, борлиқни яратувчи 1-асосдир; б) ҳаводан мутлоқ руҳ келиб чиқади; в) мутлоқ руҳ нозик буғ бўлиб, тупроқда пайдо бўлади; г) руҳ моддий жисм учун шаклдир. Шакллар жисмлар билан чамбарчас боғланган.

Бедил фалсафасида билиш ҳам муҳим ўрин тутаяди. Унинг фикрича, сезги, тасаввур ва фикрларнинг манбаи инсондан ташқаридаги борлиқдир. У сезгилар билан бирга ақл иштирокида оламни англаш мумкин, дейди. Бедил ақлни, онгни худди ойнага, ёки тоза ёзув тахтасига ўхшатади, унда ташқи ашёлар ўз изларини қолдирадilar, ўз суратлари, образларини ясайдилар, натижада миямизда улар ҳақида муайян фикр туғилади. Фикрлашнинг эса икки хили бор: жабулқо, яъни Шарқона, жабулсо, яъни Ғарбча фикрлаш мавжудлигига эътиборни қаратади. (Бедил бу фикрининг катта методологик ахамияти борки, фанда, маданият, сиёсат, мафкурада бу ҳолатни, албатта ҳисобга олиш даркор. Зеро Шарқ халқларида поэтик (образли) тафаккур мантикий тафаккурга нисбатан кучлироқ ривожланган).

Жабулқо қатъий фикрни, аниқ тушунчани билдирса, Жабулсо сезиш жараёнини, фикр пайдо бўлишини билдиради. Бедил билишнинг ҳиссий ва ақлий томонини бирликда олиб қарайди.

Бедил ўз фалсафий қарашларини ижтимоий ҳаётга тадбиқ этиб, жамият ҳаётидаги ёмонликни бартараф қилиш ва яхшиликни ўрнатиш ниятида ҳақиқатни излайди ва бошқаларни ҳам шунга даъват этади. У ўз замонасидаги диний ва миллий фанатизм ғояларидан ғазабланади. Ўарбий зодагонларнинг, ғаразгўй ва раҳмсиз амалдорларнинг жаҳолатпарастлиги ва фирибгарликларидан нафратланади. Унинг назарида инсон мўжизакор, айна чоғда у фитналар манбаи ҳамдир. Одамдаги бу икки хил табиатни ҳисобга олиш кераклигига эътиборни қаратади. Инсон ҳақида, унинг фазилат ва нуқсонлари ҳақида гапиришдан мақсади, унга (инсонга) яхшиликни ўргатиш, ёмонликни йўқотишдан иборат. Шуниси муҳимки, Бедил кишиларга миллий ва диний тафовутлар нуқтаи назаридан эмас, балки умумий инсон бўлганликлари нуқтаи назаридан қарайди. У инсонни ирқий, миллий ва диний эътиқоди тафовутларидан қатъий назар, хурмат ва эҳтиромга сазовор зот деб билади. «Ҳар кимки, ҳазрати инсонни саждага сазовор демаса, у малъундир», дейди.

Бедил давлатга тарихий ва ижтимоий ҳодиса сифатида қарайди: дастлаб майда ҳокиму мутлоқлар пайдо бўлган, кейинчалик эса, бора-бора кучлироқ марказлашган давлатлар вужудга келган. Унинг назарида ғаразгўйлик урушлари ва ҳокимлик қилиш истаги давлатнинг келиб чиқишига сабаб бўлган. Худди Алишер Навоий каби Бедил ҳам халқ тўғрисидаги, деҳқончилик ва фанни ривожлантириш тўғрисидаги ғамхўрлик қиладиган одил подшоҳ бўлишини истади ва унга умид боғлайди.

3. Марказий Осиёнинг буюк алломаларидан бири туркман шоири ва донишманди Маҳтумкули - Фироғий XVIII асрда яшаб ижод этган (XVIII асрнинг 90-йилларида вафот этган). Унинг отаси Давлатманд Озодий тахаллуси билан шеър ва дostonлар ёзган. Маҳтумкулига аввало отаси таъсир этди. У Хиванинг машхур Шерғози мадрасасида тахсил кўрди. Шарқнинг буюк алломалари асарларини синчиклаб ўрганди.

Маҳтумкулининг ижтимоий ва фалсафий қарашлари ўз тадқиқотларини кутади. Агар унинг шеър, дostonлари, термаларига таяниб фикр юритсак, у моддий оламни, рухнинг кўриниши сифатида талқин этади. Табиатни бир бутун ҳисоблайди, одам эса ана шу табиатнинг олий маҳсули вaм уқаддас бир мавжудоддир. Шунинг учун инсонни қадрлайди, барча бойликлар инсонга хизмат қилиши керак, дейди.

Маҳтумкули инсон нариги дунё кўрқинчларидан озод яшашини истаб, у дунёда бахт-саодатни ваъда қилиб, бу дунё хузур-ҳаловатларидан воз кечишни тарғиб қилган рухонийларни танқид остига олади. Халқни ҳар томонлама талаган, бахтсиз қилган, ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қашшоқлаштиришга сабабчи бўлган амалдорларни сатира остига олади. Уларнинг порахўрлиги, иккиюзламачилиги, судхўрлигини, маънавий тубанлиги ва ахлоқий бузқлигини фoш этади. қозикалон порахўрлигини бундай танқид қилади.

Пайғамбар ўрнида ўтирган киши,
Пора учун қўлни чўза бошлади.

Ёки:
Баъзи сўфийлар сўфиман дейди,
Сўрамас, золимлар таомин ейди.

Маҳтумкули яшаган даврда туркман халқи уч томонлама таланарди: Эрон шоҳларининг босқинчилиги, Бухоро хонлигининг талончилиги Хева хонлигининг даҳшатли зулми билан тутшиб кетарди.

Туркман халқининг уруғларга бўлиниб яшаши, улар ўртасидаги келишмовчиликларни кўрган Маҳтумкули уларни бирлашишга чақирди, бунинг учун аввало ҳар бир қабиланинг ўз ичида барқарорлик бўлиши керак, деб ҳисоблади. ўч олиш, одам ўлдириш, жароҳатлаш – нодонликдир деб, бундай ёзади:

Бир-бирини чопмоқлик эмас эрликдан,
Бу иш шайтонликдур, балки кўрликдан,
Оғзолалик айирар элни бирликдан,
Бунда давлат кетиб, душманга келгай.

Маҳтумкули туркманлар халқ бўлиб бирлашса, унга ҳамла қилишга ҳатто ташқи душманлар ҳам журъат эта олмайди, деб ҳисоблайди. У, шодиёна яшаш учун баҳодирона кураш керак, дейди.

Хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнига юксак баҳо бериб, уларни хўрлашга қаратилган урф-одатларини қоралайди. Хотин-қизлар эркаларнинг ҳамфиكري, уларнинг кучига куч, қувватига қувват қўшадиган, ҳаётига безак ва завқ берадиган жонкуяр ҳамроҳ деб билади, аёллардаги одобу икромни, иффату самимийликни, соддалик ва назокатни, камтаринлик ва олижанобликни улуғлайди.

Маҳтумкули ижтимоий-сиёсий қарашларида ахлоқ масаласи марказий ўринларда туради. Панд-насиҳатли шеърларида золимлик, адолатсизлик, такаббурлик ва мактанчоқлик, номардлик ва иккиюзламачилик қаттиқ қораланади, юксак инсоний фазилатлар улуғланади.

Ўзбек хонликлари ўртасидаги келишмовчилик, ўзаро урушлардан ташқи душманлар усталик билан фойдаланишга киришдилар. Россия ва Англия бу ўлкалар бойликларини талаш учун кўпдан бери кўз тикиб юрарди. Петр I давридан бошланган Марказий Осиёни босиб олиш режалари XIX асрга келиб реал тус ола бошлади. Рус чоризми XIX асрнинг иккинчи ярмида кўқон хонлигини тугатиб, бу худудда Туркистон генерал-губернаторлигини ўрнатди. Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги Россияга вассал бўлиб қолди.

XIX асрда ҳам Марказий Осиёдаги ижтимоий-сиёсий ва фалсафий фикрлар Шарқ анъаналари руҳида давом этган бўлса-да, аммо жамиятда рўй берган юқоридаги ўзгаришлар унга кучли таъсир этди. Бу даврда халқни маърифатга, илм-фанни, техникани эгаллашга, шу орқали мустақилликка эришишга даъватлар баралла янгради.

Ана шу давр ҳақида фикр юритар эканмиз, Марказий Осиё аёлларида уйғониш, ўзлигини англаб бориш руҳи кучайганлигининг гувоҳи бўламиз. Увайсий, Нодира, Анбар отин ва бошқа ўнлаб аёл шоиралар ижтимоий адолатсизликни қоралаган шеърлар битибгина қолмасдан, бу боши берк кўчадан чиқиш йўлларини ҳам изладилар.

Замона кулфатидан бу кўнгил доғ ўлди, доғ ўлди,
Бу чархи бемурруватидан кўнгил доғ ўлди, доғ ўлди.
Жароҳат бўлди бағрим тиғи бедоди рақиблардин,
Бу кўтах мардуми нофаҳмдин доғ ўлди, доғ ўлди.
Бу гулзори фано ичра маҳалли бе ҳасол йўқдур,
Ўамиша хорадин захму кўнгил доғ ўлди, доғ ўлди, -

деб фиғон чекади Увайсий. Унинг фикрича, гўё булбуллар қафас ичига ташланган бўлса, зоғлар сайрга қўйиб юборилди. «Булбул» образида ҳақ-ҳуқуқи кишанланган, имконияти чекланган ёвуз кучларига нисбатан нафрат қўзғатилади. Увайсий чархнинг кажрафторлиги туфайли яхшилар ўрнида ёмонлар, жоҳил одамлар ҳоким, жамият боғини донолар эмас, разил нодонлар эгаллашганидан фарёд чекади. Бу фикрлар кўқон хонлиги салтанати даргоҳида ёзилганини эътиборга олсак, марғилонлик бир косибнинг қизи Увайсийдаги жасорати намоён бўлади.

Унинг шогирди ва олампаҳоқи Нодирабегимнинг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий қарашлари Марказий Осиёда, айниқса, ўзбекистонда ижтимоий фирлар ривожига катта ўрин тутди. У кўқон хонлиги салтанатини мустаҳкамлаш, адолатни қарор топтириш учун қанчалик курашмасин, саройдаги ўх хусусий манфаатидан бошқа манфаати инобатга олмайдиган амалдорлар, беклар, ҳокимлар унга жиддий қаршилик кўрсатадилар. Шунинг учун у зулмкор замондан зорланади, жаҳолат, разолат ва нодонликка қарши туради, инсон фазилати ва қадр-қимматини улуғлайди.

Мен Макнунанинг сўзларида куйинишдин бошқа нарса йўқ,
Дафтарим - доғ тўпламию, китобим – оташдир, -

дейди у. Заҳматдан қадди-қомати букилган Нодирабегим орзу-ҳаваслари ҳам хаёлгина бўлиб қолганидан нидо чекади.

Дод шу найрангбоз фалакнинг дастидан, ки
Ярамас пасткашларга кулиб боқади.
Халқни эса куруқ ваъдалар билан алдайди.
Унинг афсоналари сеҳр билан оврашдан бошқа нарса эмас.

Нодиранинг адолат, инсоф-диёнат учун олиб борган курашлари сарой амалдорлари ғазабини оширди, уларнинг фитнасидан фойдаланиб Бухоро амири Қўқонни босиб олди ва Нодирани «кофирлик»да айблаб, қатл этди.

XIX асрда яшаб ижод этган Анбар отин ўз асарларида ижтимоий тенгсизлик, зулмга қарши фикрлар баён этди. У девонига ёзган сўзбошисида ўзи ҳақида бундай дейди: «Замонанинг норасолиғи ва халқ кўрган зулму ситамларни ўз кўзи билан кўриб, мушоҳада этиб, эл-юрт ҳолига йиғлаган ва қуввати етганича нафас, тил ила мурожаат қилган ким заифаи мунглиғ Анбарой Суннати Фармонқул Марғилонийдурман».

Шуни таъкидлаш керакки, Увайсий, Нодира каби Анбар отин ҳам қанчалик оҳу нола чекмасин, барибир келажакка умид билан қаради, одамларни ҳам шунга даъват этди.

Умидворман, умидимиз тонги келиб қолади,
Биоларнинг, зиндонларнинг кечаси йўқолади.
Умидворман, ёқаси чок номуроднинг бахтига,
Мурод ўзи бечоралар этагига келади.
Бегоналар тирноғидан юракдаги яралар,
Битиб келиб, дил лавҳага дўстлик сўзи тўлади.
Менинг ғамгин тунларимни ёритар шам чироғи,
Нурга етар парвоналар, қоронғу тарқалади.

Агар Увайсий ва Нодиралар Навоий изидан бориб, Одил шоҳ келиб, жамиятни инсонийлаштиришга муваффақ бўлишига умид боғлаган бўлсалар, Анбар отин бу адолатсиз жамиятни ўзгартириш халқ иродасига боғлиқ, деб тушунди. Шунинг учун халқни ғафлат уйқусидан уйғотишга, ўз юртини обод ва озод қилишга чақирди.

Анбар отин халқ ҳаётининг оғирлигидан азоб чекар экан, аёллар қисматини кўриб, бу азоби ўн чандон ошиб кетади. Хотин-қизларга ожиза, заифа, чўри деб қаралар, уларнинг қалб ҳислари, севгиси, ҳохши билан ҳеч ким ҳисоблашмас эди. Анбар отин ўзбек аёлларининг чор девор ичкарасида кечираётган қайғу аламларга Тула ҳаётини, уларнинг озодликка бўлган интилишларини ўз шеърларида таъсирчан этиб ифодалайди, эркакларни инсоф-диёнатга чорлайди, у замонага, мавжуд тузум ва унинг намоёндаларига мурожаат қилиб, аёлларнинг нима гуноҳи борки, шундай зулмга гирифтор бўлди, дейди.

«Аёллар сочи узун, ақли қисқадур» деганларга,
Товуқча ақли йўқ, ахлатни титқонларга ўт тушсин!
«Хотинлар мол қатори сотилар» деб муштипарларни,

Зулайхо, Лайли, Ширинни тан олмағонларга ўт тушсин!
Бўйи хуш Анбар каби хайф ҳаромхўрлар учун,
Судхўру, фоҳишабоз, сўзи ёлғонларга ўт тушсин!

Шоира аёллар ҳуқуқини талаб қилар, уларни улуғлар экан, аввало оналар тўғрисида гапиради, уларнинг инсоният олдидаги буюк хизматларини билмаслик, қадрламаслик кўрнамакликдир, дейди.

Анбар отиннинг кириш ва 4 фасл (қисм)дан иборат «Қароллар фалсафаси»³ асарида ижтимоий адолат билан бирга байналмилалчилик ғоялари ҳам ўз ифодасини топади. қора танли одамларга паст назар билан қаровчиларни қоралаб, улар оқ кўнгилли бўладилар, дейди. Уларнинг меҳнат самараларидан оқ танлилар баҳра оладилар, бунинг устига уларни ҳақорат қилишдан уялмайдилар, дейди.

Бу тўпламга кирган шеърларида Анбар Отин русларнинг Марказий Осиёга келиши илм-маърифат учун йўл очади, ҳаддан ошган беклар, амалдорларни тийиб қўяди, деб аввал мамнун булганлиги аён бўлади. Синчков кузатувчан файласуф – шоира чоризм мустамлакачилик тузуми шароитида зулм янада ошиб кетганини кейинчалик сезиб, бундай дейди:

Олиқлар бир қатор эрди, тўплашга бўлмади дармон,
Солиқлар қўшқатор ўлгач, эл энди мосуво бўлди.
қилич ёнига тўппонча қўшилиб, хайбати ошди,
Ки Аскар пойловучлар ҳибсда мотамсаро бўлди,
қувониб истибдодда ўйлади эл, «зулм кетди» деб,
Келиб золим, мулозим бирла тезда ҳамно бўлди.

4. Абай (Иброҳим) Қўнонбоев (1845-1904) Семипалатинск (Еттисув) шаҳридаги Аҳмад Ризо мадрасасида таълим олиб, Ғарбий Европа, рус ва Шарқ Уйғониш даври мутафаккирлари ижодидан баҳраманд бўлди. Унинг ижтимоий-сиёсий, фалсафий қарашлари шулар таъсирида ривожланиб борди ва у қозоқ адабиётининг асосчиси ва маърифатпарвар шоири бўлиб камол топди.

Абай ўз шеърлари, ўланлари, дostonларида халқни илм-фанни эгаллашга, маърифатга, инсонийликка, меҳнатни севишга, касб-хунарни эгаллашга даъват этди. У 45 ҳикоядан иборат «Насиҳатлар» тўпламида дунёда инсон инсонни севмасдан, дўст орттирмасдан яшай олмайди, дейди. Агар ўзгалардан ёрдамнинг, саҳоватингни аямасанг, дўстларинг кўп бўлади, ҳаётинг завқли кечади, дейди. Абай талқинида дўстлик қозоқ уруғлари ўртасидагина эмас, умуман барча халқлар орасида ҳам илдиз отса, ҳаёт яхши бўлади. «Агар дўстим кўп бўлсин десанг: ҳеч кимга душманлик қилма ҳамда ўзгалар ичида ўзингга оро берма, мактанма ва ўзингни бировдан ортиқ санама», дейди у.

Унинг фикрича, одамзотни хор қиладиган учта қусур бор: а) нодонлик, б) эринчоқлик, в) золимликдир. Нодонлик – билимсизлик ва дунёдан хабари йўқликдир. Билимсизлик эса ваҳшийликдир. Эринчоқлик - ҳамма нарсанинг душманидир. Камбағаллик шундандир. Золимлик эса инсоният душманидир. Одам золим бўлдими – у одамгарчиликдан айрилади, инсонлик қиёфасини йўқотади ва йиртқич ҳайвондан фарқи қолмайди.

³ Илгари замонларда хўжалар, тўралар, оксуяқлар, оддий меҳнат аҳли қароллар ҳисобланади.

Абай қозоқ уруғлари ўртасидаги ўзаро жанжаллар туфайли юрт вайрон, халқ хор-зор бўлганлигини ачиниб гапиради. «қозоғим, шўрлик юртим, вайрон юртим» шеърида қозоқ уруғларини бирлашишга чақиради:

Оталарга ўхшамай қолди, туркинг,
Ёпирай, мунча кетди, элим хулқинг!
Бирлик йўқ, барака йўқ, бузилди феълинг.
қани йиғган давлатинг, боққан йилқинг.

Абайнинг бу нолалари фақат қозоқ уруғларигагина қаратилган деб билмаслик, балки Марказий Осиё халқларига қаратилган улуғ бир даъват деб билиш лозим. Марказий Осиё халқлари ўртасида бирлик, дўстлик, ҳамкорлик муносабатларини юқори даражаларга етказиш орқали чинакам тараққиётга эришиш мумкин, деб ҳисоблаган Абайнинг фикрлари бизнинг замонамиз учун янада долзарбдир.

Бу даврда Огаҳий, Гулханий, Махмур каби шоирлар ҳам ижод қилдилар.

Огаҳий ўзининг ижтимоий қарашларида инсонпарварлик ғояларини илгари сурди, одамларни яхшилик ва эзгуликка, хайрли ишлар билан шуғулланишга, маърифатпарварликка даъват этди. Огаҳий ўзининг «Касидаин насихат» номли асари ва бошқаларда давлатни бошқариш йўлларини кўрсатади. Унинг тарихий рисолалари ҳаққонийлиги билан ажралиб туради.

Муҳаммад Шариф Гулханий ўз замонасидаги сўз санъатининг йирик вакиллари қаторида ўзига муносиб ўрин олди. Гулханий ўз асарларида халқнинг ниҳоят даражада оғир меҳнати, шароити, ҳуқуқсизлиги ва эзилганлигини, инсон кадр-қийматининг поймол этилганлигини бадиий акс эттиради.

Ўз замонасининг талантли шоири Махмур ўзининг хажвий асарларида ўша давр тузумининг адолатсизлигини фош этди.

2.13.-мавзу: XIX аср охири XX аср бошларида Марказий Осиёда ижтимоий-фалсафий фикрлар ривож.

Режа:

1. XIX аср охири ва XX аср бошларида Марказий Осиёда маънавий ҳаётнинг юксалиши.
2. Аҳмад Дониш, Фурқат, Муқимийларнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари.
3. Сатторхон, Муқимий, Фурқатнинг маърифатпарварлик ғоялари.
4. Жадиличлик фалсафаси намоёндалари Бехбудий, Абдулла Авлонийларнинг қарашлари.

1. XIX аср ижтимоий-фалсафий фикрлари ҳақида гап борганда Совет давридаги мавжуд илмий адабиётларда «демократик-маърифатпарварлар» ибораси Фурқат, Муқимий, Аваз ўтар ўғли, Завқий ва бошқаларга нисбатан бериб айтилади. Бу ибора марксизмнинг синфий кураш тўғрисидаги назарияси асосида ва Совет мафкурасининг таъсири ва таъъйиқи билан вужудга келган. Гўё бир жамият ичида ҳокимиятни халққа олиб бериш учун курашувчилар бўлган. Ғарбий Европа ва Россия воқелигига кўр-кўрона эргashiш ҳам шундай нуқтаи назарларни туғдирди. Ҳозир ҳам шу нуқтаи назарни ҳимоя қилувчилар топилади. Аммо шуни таъкидлаш жоизки, XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида ижтимоий фикрда маърифатпарварлик ғоялари кенг тарқалди. Бу ғояларни Марказий Осиё, жумладан ўзбекистон мутафаккирлари ислом ақидалари, маънавияти доирасида ёйишга ҳаракат қилдилар. Уларнинг ижодларидаги баъзи бойлар, амалдорларни, зоҳид руҳонийларни танқид қилиш асло давлат тузумини ўзгартириш, ислом динини

бадном этишга қаратилмаган эди. Бинобарин, «демократик» сўзини уларга нисбат бериб ишлатиш ўринсиз, деб ҳисоблаймиз.

Уларнинг қарашларидаги умумий белги мавжуд қашшоқлик, ижтимоий адолатсизлик, ҳуқуқсизликка қарши халқ оммаси норозилигининг ифодаси, ундан қутулиш ва тараққиётга эришиш учун илм-фанни эгаллаш, маърифатли бўлишга чақирув эди. Улар кенг халқ оммаси онгидаги сусткашликни, ўз кучига бўлган ишончсизлик руҳини тугатишни назарда тутурдилар.

2. Аҳмад Дониш (1827-1897) ижоди ва фаолияти XIX аср ижтимоий-фалсафий фикрларини англаб олишга ёрдам беради. У риёзиёт, ҳандаса, фалакиёт, Мусиқа, тарих ва фалсафа соҳасида мустақил равишда билимдон бўлди ва ўз даврининг илғор мутафаккири даражасига кўтарилди. А.Донишнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари «Наводир-ул вақое» ва «Бухоро амирларининг тарихи» асарларида ўз ифодасини топган. У.У.Ўайёмнинг олам-абადийлиги ҳақидаги фикрларига хайрихоҳлик билдиради. Руҳ жисмга муносабати масаласини ҳал қилиш учун, - дейди у, - руҳнинг нималигини ва қаерда туришини тушунтириб бериш керак. Руҳни арши аълода дейиш билан чекланиб бўлмаслигини айтиб, «руҳнинг аршдан ташқаридалигини ақлимиз билмайди: умуман айтганда, бу ҳақда фикр юритиш ман этилади», - дейди у. А.Донишнинг фикрича, руҳ икки кўринишга эга: а) соф, муқаддас, илоҳий руҳ, у ҳамма жисмларга ўз нуруни сочиб туради; б) иккинчи кўринишдаги руҳ «нарсалар дунёсига кирган бўлиб, нарсалар дунёсида мавжуддир ва ўлимга маҳкумдир», яъни у вужудга келиш ва барҳам топиш жараёнини бошидан кечириб туради. Айни чоғда А.Дониш «руҳ жисмда барҳаётдир, жисмдан ташқарида бу руҳ йўқдир», дейди. Демак, руҳ жисм ичида бўлиб, у жисмнинг сиртида бўлиши мумкин эмас. Шу маънода у руҳнинг кўчиб юриши (таносух) тўғрисидаги таълимотга кўшилмайди.

Жаннат ва дўзах тўғрисидаги ғояларда ҳам. Ўайём нуқтаи назарлари туради. «Жаннат мусулмонлар учун, дўзах кофирлар учун дейдилар. Мусулмонлар орасида ҳам номусулмонлардан баттарроқ бузуқилар ва иккиюзламачилар бор-ку, ахир. Мана шу сабабдан жаннат ва дўзах тўғрисидаги таълимот ажабланарлидир», - дейди у. дониш инсон онги оламини билишга қодир деб ҳисоблайди. Инсон турли фанларни эгаллаб, дунё сирларини очишга яратилган, «Биз, - дейди у, - дунёни гуллантиб-яшнатиш учун, ер ости бойликларини топиш учун, дунёнинг ажойиб сирли томонларини тадқиқ этиш учун, унинг ҳамма қитъалари ва аҳолисини билиш учун туғилганмиз». А.Дониш илмий тафаккурни ривожлантириш асосида асрий қолоқликлардан чиқиб олиш, мамлакат манфаатларини ҳимоя қилиш мумкин, деб ҳисоблади. Унинг ижтимоий-фалсафий қарашлари ана шу орзу ва ният билан суғорилган эди.

3. XIX асрда яшаб, ижод этган яна бир ватандошимиз Сатторхон Анбар отин ғояларини ривожлантирди. Масалан, Сатторхон «Жамият тараққиётининг асосини илм-фан, маърифат ташкил қилади, маърифат жамият фаровон яшаши гаровидир... Билим ҳақиқатни ёлғондан ажрата билиш воситасидир», - деб ҳисоблади. У бошқа халқлар билан дўстона алоқа ўрнатиш, уларнинг тажрибасини ўрганиш ва ибрат олиш орқали тараққиётга эришиш мумкин, бусиз тараққиёт йўқдир, - деди.

Сатторхон ўзининг «Россия истилосига қадар кўқон хонлигининг ички аҳволи ҳақида қисқача очерк» асарида хонлик тузумини ўзбошимчаликда, қонунсизлик ва порахўрликда, мамлакат фаровонлиги, илм-фан ривожини ҳақида ҳеч қандай ғамхўрлик қилмасликда айблади. Унинг кўрсатишича, мамлакат кулгили даражада

қолоқ бўлса-да, хон, бек ва ҳокимлар ўз маишатини кўзлаганлар, ўз ҳукмронликларини ошириш ва бойитиш билан овора бўлганлар. Сатторхон мактаб ва мадрасаларда дунёвий фанларни ҳам ўқитиш керак деб ҳисоблади.

Муқимий, Фурқат, Завқий, А.ўтар ўғли ҳам ижтимоий тараққиёт жамият аъзоларининг замонавий билимларни эгаллашларига боғлиқ, деб билдилар. Фурқатнинг фикрича, нодонлик жамият учун, инсон учун ҳақиқий офатдир, фан эса кишига йўл кўрсатувчи, теварак атрофдаги дунё ҳақида билим берувчи чироқдир:

Кўнгулларнинг сурури илмдандур.

Кўрар кўзларнинг нури илмдандур.

Керак ҳар илмдан бўлмоқ хабардор,

Бўлар ҳар қайси ўз вақтида даркор.

Фурқат бу фикрларини айтиб, бошқа мамлакатлар, масалан, Россия иқтисодий ва маданий жиҳатдан қудратли бўлишига сабаб, у жойларда фан ва олимларнинг қадрланишидир деб тушунди.

Муқимий билан Фурқат ҳаётни порлоқ изга солмоқ учун маърифат, ижтимоий адолатга кенг йўл бериш, халқ моддий фаровонлигини таъминловчи тартиблар ўрнатиш зарурлигини англайдилар. Аммо улар бу тартиблар шарқона маънавий маданиятга асосланиш тарафдори сифатида майдонга чиқадилар. Ғарбликларнинг беҳаё, меҳр-оқибатсизликка асосланган маданиятига нафрат билан қарайдилар.

Маърифатпарварлар давлатни доно, одил ва маърифатли кишилар идора қилганларида эди, мамлакатда бундай нодонлик ва қолоқлик бўлмас эди, деб аслида Навоий ғояларини янги бир шароитда ривожлантирадилар. ўрни келгандан, шунини айтиш керакки, Навоийнинг бу ғояларини ҳозиргача ҳаёлпарастлик, диний-идеалистик қараш деб изоҳланади. Бизнинг фикримизча, Навоийнинг одил подшоҳ тўғрисидаги концепциясининг фалсафий жиҳатларини тушунмаслик, яъни унинг тарихий шахсларнинг жамият тараққиётидаги ролига катта баҳо берганлигининг аҳамиятини тушунмаслик ва «одил подшоҳ» тушунчаси аслида инсон омили тушунчасига яқинлигини англамаслик натижасидир. Аслида фақат давлат бошлиғигина эмас, балки давлат муассасаларида ишловчи ҳар бир шахс адолатли, инсоф-диёнатли, халқпарвар, фидоий бўлган тақдирдагина давлат қудратли, бообрў бўлади, жамият эса равнақ топади.

Маърифатпарварлар жамиятнинг ижтимоий тузилиши ва унинг тараққиётга таъсирини аста-секин тушуна бошлаган эдилар.

4. Жадиализм XX аср бошларида Марказий Осиёдаги миллий-озодлик ҳаракати мафкураси ва амалиётидаги йўналишлардан биридир: у маҳаллий зиёлиларнинг орзу-умидларида, кейинчалик сиёсий, фалсафий, эстетик ва бошқа қарашларида ифодаланди, янги таълим олиш, давлатни демократик бошқариш, иш юритишда ўзбек тилини кенг қўллаш, банк тизимини ислоҳ қилиш миллий ўзига хосликни мустаҳкамлаш ва ҳақозолар учун курашдилар. Халқимизнинг зукко фарзандлари Махмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний, Чўлпон, Усмон Носир, Абдулла Қодирий, шулар жумласига кирадилар.

Туркистоннинг келажак тақдири тўғрисида, миллатнинг истиқболи ҳақида тинмай қайғурдилар, изландилар, миллий истиқлолимизга замин яратдилар.

2.14.-мавзу: XIX аср охири ва XX аср бошларида Ғарб фалсафаси. (2 с).

Режа:

1. XIX-XX асрда ижтимоий-сиёсий ҳаёт, фан-техника тараққиёти ва маънавий маданиятдаги ўзгаришларнинг Ғарб фалсафасида акс этиши.
2. Позитивизм фалсафаси ва унинг кўринишлари.
3. Прагматизм фалсафаси.
4. Экзистенциализм фалсафаси.

1. Маълумки, ҳамма замонларда ҳам фалсафа ўз даврининг долзарб муаммоларини ҳал этиш йўллари топишга ҳаракат қилган. XX асрга келиб инсоният фан ва техника тараққиёти соҳасида улкан ютуқларни қўлга киритди. Лекин шу билан бирга, айнан ушбу аср ижтимоий силсилалар, иккита жаҳон уруши, экологик инқироз, оғир йўқотишлар даври ҳам бўлди. Бу эса фалсафий фикрнинг тараққиётида ўз аксини топди, унинг турли йўналиш ва оқимлари шуғулланган муаммоларнинг салмоғи ошади. Бунинг натижасида ҳозирги давр фалсафасида ниҳоятда хилма-хил оқим ва йўналишлар мавжуд. ўз навбатида бу илм-фан ва амалиётнинг ҳамда XIX асрнинг иккинчи ярми ва ҳозиргача бўлган фалсафа илми ривожининг асосий хусусиятларини ўзида ифодалайди.

XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрларда Ғарбий Оврупода иккита ғоявий оқим, бири аввалги анъанавий фалсафий тизимни тикловчи ва химоя қилувчи, иккинчиси эса номумтоз (ноклассик) йўналишдаги бир қанча фалсафий оқимлар вужудга келди.

XX аср фалсафасининг диққат марказида асосан инсоният маънавий тажрибасининг яхлитлиги, нораціоналликнинг ўзига хослиги ва унинг томонлари кўпроқ ўрин эгаллай бошлади. Билишда рационалликнинг устунлигидан воз кечилиб, асосий эътибор руҳиятнинг нораціонал (ирода, онгсизлик) элементларига қаратилди. (Шопенгауэр, Ф.Ницше, З.Фрейд).

2. XIX асрда француз файласуфи О.Конт асос солган позитивизм фалсафаси Ғарбда энг кўп тарқалган фалсафий оқимлардандир. Позитивистлар социологик ва бошқа фанлар ривожини фалсафага эҳтиёжни қондирмайди, деган даъво билан чиқдилар. (Д.С.Милл, Г.Спенсер). XIX аср охирларида табиийётшуносликда рўй берган инқилоб туфайли позитивизм кризисга учради ва у эмпирокритицизм деб аталган янги кўринишда тарқалди (Э.Мах, Р.Авенариус). XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб эса неопозитивизмнинг мантикий позитивизм, семантик позитивизм оқимлари пайдо бўлди. Улар сўз ва ифодалар мазмуни муаммоларини ҳал этмоқчи бўладилар. (Л.Шлик, Л.Витгенштейн, Р.Карнап, О.Нейрат, Г.Рейхенбах, Б.Рассел, А.Айер).

3. Прагматизм (амалиётчилик) фалсафа ва диний оқимлар қоришмасидан иборат бўлиб, у ўрта синф – тадбиркорлар манфаатларининг ифодаси сифатида АҚШда юзага келди. Уларнинг фикрича, инсон фаолиятида билиш эмас, ишонч ва унинг мустақиллиги алоҳида ўрин тутди. Ҳақиқат одамлар манфаатига хизмат қилиши лозим, яъни наф, фойда келтирадиган барча нарсалар ҳақиқатдир. (Ч.Пирс, У.Жеймс, Ж.Дьон, Буюк Британияда Ф.К.С.Шиллер).

4. Германияда М.Хайдеггер, К.Ясперс, Францияда Г.Марсель, Ш.Т.Сартрлар экзистенциализм (мавжудлик) фалсафасига асос солдилар. Индивиднинг яшаши,

ўлими ёки «яшаш усули»даги ташвишлар ва ўлим олдидаги кўрқув экзистенциалистларнинг қизиқтирадиган масалалардир.

Экзистенциалистик фалсафа ўз эътиборини аввалам бор инсонга, унинг эҳтиёжига, хис-туйғуларига, кечинмаларига қаратиши лозим, деб чиқдилар. Фалсафа уларнинг назарида асосан инсонга маънавий «озуқа» бериши керак.

2.15.-мавзу: Ҳозирги замон фалсафаси.

Режа:

1. XX асрнинг иккинчи ярмида фаннинг ривожланиши.
2. К.Поппер, Т.Куннинг фан ривожи ва унинг фалсафий мазмуни ҳақидаги фикрлари.
3. Ҳозирги замон Ғарб диний фалсафаси.
4. Замонавий хорижий Шарқ мамлакатларида фалсафий фикрлар, оқим ва мактаблар.

1. Маълумки, XX аср илмий-техника инқилоби – илмий тафаккурнинг беқиёс юксалиш даври бўлди. Инсон ва инсониятнинг ақл ва фанга бўлган ишончи янада мустаҳкамланиб, кенгайиб бормоқда. Бу даврда авж олаётган илмий – техника инқилоби фақат муаммо ва зиддиятларни пайдо қилмасдан, балки янги фанлар ва техника тараққиёти мураккаб муаммоларини ва инсон ҳаётидаги зиддиятларни ҳал этилишига умидлар туғдиради. Ўзирги даврдаги ана шу умидлар, ишончлар асосида юзага келган йўналишлар сциентизм (лотинча – «фан») ва техницизм номини олган.

Сциентизм фан барча ижтимоий муаммоларни ҳал этиш мумкинлигини, илм-фан тараққиётининг доимий ижобийлигини асословчи фалсафий дунёқарашдир. Сциентизм ғоялари постпозитивизм, технологик детерминизм каби таълимотларнинг асосини ташкил этади.

Илмий-техник тафаккурга сиғиниш XX асрда классик даврдагига қараганда анча кучли бўлди. Асримизнинг 50-60-йилларида иқтисодий соҳадаги ривожланишлар тўлқинида илмий-техника инқилоби туфайли умумий роҳат-фароғат жамиятлари тўғрисидаги қарашлар (У.Ростов, Д.Белл) тизими юзага келди.

Илмий-техник тафаккурга сиғинишнинг янги шакли – «информацион жамият» тўғрисидаги қарашлардир. Бундай назария япон социологи Масуданинг «Информацион жамият постиндустриал моментдир» деган китобида батафсил ёритилган. «Информацион жамият» тўғрисидаги таълимотлар А.Тойнби, Ж.Белл, А.Гоффмерларнинг асарларида ҳам берилган. «Информацион жамият» - компьютер ва телекоммуникация воситаларининг интеграциялашувидан иборат бўлган жамият ҳисобланади. Бунга кўра, техник ва технологик ахборотларни зудлик билан тўплаб, оқилона ишлата билган жамиятгина жуда катта имкониятларга эга бўлади.

Бундай ёндашувларда, технократик қарашлар тизимига қарама-қарши, «антитехнократик», «антисциентик» фикрлар ҳам бўлиб, улар фан-техника тараққиёти жамият ҳаётига салбий таъсир кўрсатишини асословчи фалсафий дунёқарашдир. Бундай дунёқараш экзистенциализм, Франкфурт ижтимоий-фалсафий мактаби, Рим Клубининг бир қатор тармоқларини, баъзи диний-фалсафий оқимларнинг фанга муносабатини ифодалайди. Антисциентизм илм-фан тараққиётининг натижаларини назорат остига олиш, бу масалада жамият ҳаётини хавф остига қўймаслик талаби билан боғлиқдир.

2. Ҳозирги замонда фаннинг методологик муаммолари Ғарб олимларининг диққат марказида турибди. Масалан: Карл Поппер «Илмий текшириш мантиқи» ва бошқа асарларида илгари фанда қабул қилинган концепцияларни танқидий кўриб чиқиш ғоясини илгари суради. Бунда у фальсификациялаш усулини илгари суради. Бунга кўра, инсон баъзи назарий билимларнинг ҳақиқатлигини эмас, хато эканлигини исботлаши керак.

Ҳозирги замон фанининг методологик муаммолари америкалик олим Куннинг «Илмий инқилоблар структураси» китобида кўриб чиқилган.

Унда фан доимий ривожланиб туради, деб таъкидланади. Бироқ, маълум даврларда илмий жамоатчилик томонидан қабул қилинган фаннинг эски концепциялари, ғоялари янги концепцияларга зид бўлиб қолади, натижада фанда инқилоб рўй беради. Эски ғоялар, концепциялар (парадигма) ўрнини янги концепция – парадигмалар эгаллайди, янги тадқиқот дастурлари (метрицалар) яратилади.

3. XX аср фалсафасида диний оқимлар ҳам салмоқли мавқега эга бўла бошлади. Улардан бири неотомизмдир. Неотомизм ўрта асрлардаги (XIII аср) Фома Аквинский таълимотининг қайта тикланишидир. Бу таълимотга кўра, илм ва эътиқод ўртасида тўла мувофиқлик, уйғунлик бор. Улар бир-бирини тўлдириб туради, ҳар иккиси ҳам худо томонидан берилган ҳақиқат.

Неотомизм вакиллари фикрича, илм етмаган жойда эътиқод қўлланилиши керак. Лекин бу эътиқод кўр-кўрона, шунчаки ишонч бўлмай, балки мантиқан теран англаган эътиқод бўлиши керак. Худонинг мавжудлигини фалсафа турли мантиқий усуллар орқали исбот қилиши лозим. Шундай қилиб, фалсафанинг вазифаси динга хизмат қилишдан иборатдир, деб ҳисобланади.

4. XX асрдаги Ғарб фалсафаси умуминсоний фалсафанинг фақат бир томони бўлган. Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ, Жанубий - Шарқий Осиё мамлакатларида ҳам ана шу даврларда ўзига хос фалсафий фикрлар мавжуд бўлган.

Муҳаммад Иқбол (1873-1938) Ҳиндистон (ҳозирги Покистон)да машҳур шоир-файласуф бўлган. У ўзининг бир қанча асарларида, масалан, «Шахс сирларнинг билиши», «Живоднома» («Боқий») асарларида ватандошлари миллий онгининг шаклланиши ва жамият билан шахс ўртасидаги муносабат, идеал жамият масаласига тўхталади.

Яна бир мутафаккир, диний ислоҳчилик руҳидаги диний-сиёсий оқимнинг асосчиси Жамол Ад-дин Ал-Афғонийдир. Ал-Афғоний асос солган сиёсий оқим чор Россияси ва кейинчалик Совет давридаги адабиётларда панисламизм деб ном олган эди. Ал-Афғоний ва унинг маслакдошлари эса ўзларини ислом файласуфлари деб атаганлар.

Ал-Афғоний ижтимоий-фалсафий муаммолар билан бир қаторда, ўша давр учун энг долзарб муаммо бўлган Оврупо мамлакатларининг илмий-техникавий илғорлиги ва мустамлакачилик сиёсати, Шарқнинг қолоқлиги ва мустақиллигини қўлдан бой бериши билан боғлиқ масалаларни ҳам чуқур тушунган. Бу муаммоларни ислом мафқураси мавқеидан туриб хал қилишга уринган. Шунинг учун ҳам Ал-Афғоний дунёқараши, ижтимоий-сиёсий, маърифатпарварлик, диний-

ислохчилик соҳалардаги актив фаолияти мураккаб ва зиддиятли мазмунга эга бўлган.

Ал-Афғоний фикрдошлари Ғарбдан фақат илм-фан ва техникани эмас, балки унинг қимматли томонлари бўлган фикр ва хатти-ҳаракатлардаги либерализм ва индивидуализмни ҳам олишга даъват этганлар. Улар мамлакатлар ўртасидаги дин, ҳаёт ва жамият тартибларининг уйғунлашуви ислом тамойилларининг ҳозирги замон шароитларига мослашувига даъват этдилар. Бу оқимнинг намоёндалари Амир Али ва Муҳаммад Абдодир.

Ҳозирги замон мусулмон ижтимоий фикри асосан уч йўналишда давом этмоқда. Булар анъанавийлик (традиционализм), мутаассиблик (фундаментализм) ва ислом ақидаларини замон талабларига мувофиқлаштириш (модернизм)дан иборатдир.

Анъаначилар ислом ўрта асрини реставрация қилиш тарафдорларидир. Фундаменталистлар эса ислом кадриятларини ўзгартирмасдан қабул қилиш нуқтаи назардан ёндошадилар. Модернистик йўналиш тарафдорлари ўрта аср мусулмон меросининг рационализм ва демократизм мавқеидан туриб ўзгартириш ва ўзлаштиришни назарда тутадилар. Хуллас, XX аср мураккаб, зиддиятли шароитида Шарқдаги фалсафий таълимотлари мохиятан Ғарбий Европа фалсафий қарашларидан фойдаланишни тарғиб этадию, аммо шу билан бирга Европа фани ва маданиятига эҳтиёткорлик билан қарайди; Европача тарбиянинг кенг тарқалишига рўйхўш бермайди, маънавий-ахлоқий тубанлик йўлини тўсиш нуқтаи назарида туради. Анчагина путур етган ислом мафқурасининг мавқеини ошириш учун турлича қарашлар, оқимлар вужудга келмоқда.

“ФАЛСАФА ТАРИХИ” ФАНИДАН ТЕСТ САВОЛЛАРИ.

1. ДУНЁҚАРАШ НИМА?

А) Ҳаёт тўғрисидаги қарашлар ва тасаввурлар мажмуи.

Б) жамият ва инсон, унинг ўзгариши ҳақидаги фикрлари ва қарашлари.

*В) олам ва инсон, унинг ўзгариши ва ривожланиши тўғрисидаги қараш ва тасаввурлари мажмуи.

Г) борлик ва материя тўғрисидаги қараш ва тасаввурлари.

2. ДУНЁҚАРАШНИНГ ТАРИХИЙ ТУРЛАРИ.

А) афсонавий, диний, бадий, фалсафий.

Б) афсонавий, диний, ахлоқий, бадий.

В) ахлоқий, афсонавий, илмий, фалсафий.

*Г) афсонавий, диний, фалсафий.

3. Табиат кучлари ва ҳодисаларини ҳиссий қиёфалар, алоҳида вужудлар шаклида жонлантириб тасвирловчи, кишиларнинг ҳаёлотига асосланувчи қарашлар ва тасаввурлар дунёқарашнинг қандай тури?

А) бадий

*Б) афсонавий

В) ахлоқий

Г) фалсафий

4. Кишиларнинг табиий ва ижтимоий ҳодисаларни илоҳий кучлар асосида акс эттирувчи қараш ва тасаввурлари ҳамда илоҳий кучларга бўлган ишонч ва эътиқодларини уларнинг қандай дунёқараш деб биласиз?

- А) афсонавий
- Б) фалсафий
- В) бадий-эстетик
- *Г) диний

5. ФАЛСАФАНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАСИ.

- А) табиат ва инсон муносабати
- Б) материя ва онгнинг муносабати
- *В) инсон муаммоси, инсоннинг борлиққа муносабати
- Г) борлиқ ва тафаккурнинг бирламчилиги.

6. МАТЕРИАЛИЗМНИНГ ТАРИХИЙ ШАКЛЛАРИ.

- *А) содда материализм, метафизик материализм, табиий-илмий материализм, диалектик материализм
- Б) стихияли материализм, метафизик материализм, вульгар материализм, диалектик материализм, атомистик материализм.
- В) мушоҳадавий материализм, механистик материализм, метафизик материализм, диалектик материализм.
- Г) содда материализм, механистик материализм, вульгар материализм, диалектик материализм.

7. ИДЕАЛИЗМНИНГ ШАКЛЛАРИ.

- А) диний идеализм, объектив идеализм.
- Б) идеалистик солипсизм, субъектив идеализм.
- В) агностицизм, объектив идеализм.
- *Г) объектив идеализм, субъектив идеализм.

8. ҚАДИМГИ ДАВРГА ХОС ИЛҒОР ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРНИНГ ХАРАКТЕРЛИ ХУСУСИЯТИ.

- А) диний-ибтидоий тушунча ва афсонавий тасаввурлар.
- Б) диний-идеалистик ва материалистик қарашлар.
- *В) содда материалистик ва стихияли диалектик фикрлар.
- Г) афсонавий тасаввурлар ва инсонпарварлик ғоялари.

9. Диалектикани “баҳс, мунозара санъати” деб ҳисоблаб, “Ҳақиқат мунозара, баҳслашув орқали қўлга киритилади” деган машҳур фикр қайси юнон мутафаккирига мансуб.

- А) Афлотун (Платон)
- Б) Арасту (Аристотель)
- *В) Сукрот (Сократ)
- Г) Батломус (Птолемей)

10. ҚАДИМГИ ҲИНД ФАЛСАФИЙ МАКТАБЛАРИНИ (таълимотларини) КЎРСАТИНГ.

- А) ортодоксал – веданта, миманса, санхья, йога, ньяя, вайшештка.
- Б) ноортодоксал – буддизм, жайнизм, чорвак.
- В) буддавийлик, чорвак, даосизм, йога, веданта ва бошқалар.
- *Г) А ва Б жавоблар тўғри.

11.ҚАДИМГИ ХИТОЙДА ШАКЛЛАНГАН БИР-БИРИГА ЗИД ФАЛСАФИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ҚАЙСИЛАР?

А) илохий-фалсафий таълимот – Конфуцийчилик фалсафаси.

Б) дунёвий-фалсафий таълимот – Даосизм таълимоти.

*В) А ва Б жавоблар тўғри.

Г) дунёвий даосизм таълимоти, Конфуцийчилик фалсафаси, буддавийлик диний-фалсафий таълимоти.

12.Қадимги Юнон фалсафий тафаккури ривожда мутафаккирлар ҳикматли сўзларни тарғиб қилиб асослаганлар. Жумладан, “Ўз-ўзингни англа!”, ўзгаларни ўзгартирмоқчи бўлган инсон, аввал, ўзини ўзгартириши лозим”, деган фалсафий ҳикматнинг моҳиятини ким асослаган?

А) Гераклит

Б) Пифагор

*В) Сукрот

Г) Фалес

13.“Ҳамма нарсадан кенг макондир, чунки у барча нарсаларни ўзида қамраб олган”, “Ҳамма нарсадан тез ақлдир, чунки у барчасидан ўзиб кетади”, “Ҳамма нарсадан кучли заруриятдир, чунки у барчасига ҳукмрон”, “Ҳаммасидан доно вақтдир, чунки у барчасини кўрсатади, аниқлайди” каби фалсафий ҳикматлар муаллифи ким?

А) Демокрит

*Б) Фалес

В) Сукрот

Г) Афлотун

14.“Ҳамма нарсадан бир бутун бўлган космосни (оламни) худолардан ҳам ҳеч ким ва одамлардан ҳам ҳеч ким яратмаган, балки қонуниятли тарзда алангаланадиган ва сўнадиган абадий барҳаёт олов бўлиб келган, ҳозир ҳам шундай ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади”, деган фикр муаллифи қайси файласуф.

А) Фалес

Б) Анаксимандр

*В) Гераклит

Г) Прометей

15.“У тириклигида ҳақу-ҳақиқатга катта хизмат қилди, ўлими билан эса ундан ҳам ибратли хизмат қилди”, деб ёзган эди Жавоҳарлаъл Неру. У қайси юнон мутафаккирининг ибратли ўлимини назарда тутган.

А) Фалес

Б) Пифагор

В) Демокрит

*Г) Сукрот

16.АНТИК ФАЛСАФА ТАРИХИДА КЛАССИК ДАВР ЮНОН МУТАФАККИРЛАРИ ЛЕВКИПП ВА ДЕМОКРИТ ҚАНДАЙ ТАЪЛИМОТНИ АСОСЛАГАНЛАР?

А) “ғоялар дунёси” ва “соялар дунёси” ҳақидаги таълимотни.

*Б) борлиқнинг атомистик ва детерминистик талқинини.

- В) борлиқни атомистик ва индетерминистик тушунишни.
- Г) сонларни оламнинг бирламчи асоси сифатида талқин қилишни

17. Буюк юнон файласуфи Платон (Афлотун) асос солган ва эшиги пештоқига “Геометр бўлмаганлар кирмасин” деган сўзлар битилиб деярли ўн аср - минг йилга яқин фаолият кўрсатган мактаб қандай номланади ва қачон очилган?

- А) Лицей, мил. ав. 335 й.
- Б) Киниклар, мил. ав. V аср бошлари.
- В) Неоплатонизм, мил. ав. III-IV асрлар.
- *Г) Академия, мил. ав. 387 й.

18. Антик юнон файласуфларидан кимлар ўз ижтимоий-сиёсий қарашларида “идеал давлат назарияси”ни илгари суриб, унда давлат ҳокимияти ваколатларини тақсимлаш ҳақидаги ғояларни илгари суришган.

- *А) Афлотун ва Аристотель
- Б) Софистлар ва Сукрот.
- В) Сукрот ва Афлотун.
- Г) Пифагор ва пифагорчилар.

19. Ўзининг идеал давлат назариясида “файласуфлар давлатни бошқаришлари лозим” деган ғояни илгари суриб, идеал давлат тепасида соф ва абадий ғояларни кузатувчи файласуф - донишмандлар туради. Уларни ҳарбийлар (соқчилар) ҳимоя қилади. Барча ҳаётий манбаларни эркин деҳқонлар ва хунармандлар таъминлаб туради, деб ҳисоблаган юнон мутафаккири ким?

- А) Аристотель
- Б) Сукрот
- *В) Афлотун
- Г) Гераклит

20. Мил. авв. 335 йили Аристотель Афинада ўзининг хусусий мактаби - Ликейни очади ва мактаб боғида табиат ва тарих музейи ташкил этилади ҳамда катта кутубхонага эга эди. Аристотель мактаб боғида ўз шогирдлари билан сайр қилиб, маъруза ўқир эди. Мактабнинг сайр қилиб маъруза тингловчи шогирдларини нима деб атаганлар?

- А) Лицей ўқувчилари.
- Б) Софистлар
- В) Апологетлар
- *Г) перипатетиклар.

21. АРИСТОТЕЛ БАРЧА ФАНЛАРНИ ИККИ ҚИСМГА АЖРАТАДИ. АРИСТОТЕЛНИНГ ФАНЛАР ТАСНИФИ ҚАЙСИ ЖАВОБДА ТЎҒРИ КЎРСАТИЛГАН?

- А) метафизика (биринчи фалсафа) ва физика
- Б) математика ва мантикий фанлар
- *В) назарий ва амалий фанлар
- Г) аналитик ва амалий фанлар

22. АРИСТОТЕЛ ОЛАМНИНГ ТУЗИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ТАЪЛИМОТИДА ҚАНДАЙ НАЗАРИЯНИ ЁҚЛАГАН?

- А) геоцентризм назариясини
- *Б) геоцентризм назариясини
- В) гелиоцентризм назариясини
- Г) антропоцентризм назариясини

23. АРИСТОТЕЛ МАНТИҚ (ЛОГИКА) ФАНИНИНГ ҚАЙСИ СОҶАСИГА АСОС СОЛГАН ВА УНИНГ МАНТИҚҚА ОИД АСАРЛАРИ ТЎПЛАМИНИНГ НОМИ НИМА?

- А) диалектик мантиқ фанига асос солган ва “Категориялар” асари.
- Б) математик мантиқ фанига асос солган ва “Аналитика” асари.
- В) символик мантиқ фанига асос солган ва “Янги Органон” асари.
- *Г) формал мантиқ фанига асос солган ва “Органон” асари.

24. Аристотел жамиятда хўжалик юретишнинг салбий шаклини “хрематистика” деб атаб танқид қилади ва хўжалик юретишнинг тўғри усулида мақсад оиланинг хўжалик эҳтиёжини оқилона қондириш ва фаровонликка эришиш бўлиб, уни ... деб атайди.

- А) политика
- *Б) экономика
- В) менежмент
- Г) статистика

25. Аристотел давлат тузумининг олти хил шаклини фарқлаб, шулардан учтаси тўғри, учтаси нотўғри давлат шакллари деб ҳисоблайди. Ушбу фикр қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

*А) тўғри: монархия, аристократия ва полиция (республика) ва нотўғри: тирания, олигархия ва демократия.

Б) тўғри: демократия, олигархия ва полиция (республика) ва нотўғри: монархия, аристократия, тирания.

В) тўғри: полиция (республика), монархия, демократия ва нотўғри: аристократия, олигархия, тирания

Г) тўғри: тирания, монархия, демократия ва нотўғри: аристократия, полиция (республика), олигархия

26. АРИСТОТЕЛ ВАФОТИДАН КЕЙИН УНИНГ МАКТАБИ ВА КУТУБХОНАСИГА ШОГИРДЛАРИДАН КИМ БОШЧИЛИК ҚИЛГАН ҲАМДА МЕРОСХЎРИ ДЕБ ТАЙИНЛАНГАН?

- А) Эвдем
- *Б) Теофраст
- В) Стратон
- Г) Птоломей

27. АНТИК ФАЛСАФА ТАРИХИДА АТОМИСТИК ТАЪЛИМОТ РИВОЖИГА САЛМОҚЛИ ҲИССА ҚЎШГАН МУТАФАККИРЛАРНИ КЎРСАТИНГ.

- А) Гераклит, Платон, Аристотел, Лукреций Кар

- *Б) Левкипп, Демокрит, Эпикур, Лукреций Кар,
- В) Сукрот, Платон, Стоиклар, Эклектика мактаби.
- Г) Милет мактаби, Эмпедокл, Анаксагор, Цицерон, Сенека.

28.АНТИК ФАЛСАФАДА ОЛАМНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲАМДА ОЛАМНИНГ ТУЗИЛИШИ ҲАҚИДАГИ ТАЪЛИМОТЛАР ҚАНДАЙ НОМЛАНАДИ?

- А) космогония ва онтология
- Б) онтология ва метафизика
- *В) космогония ва космология
- Г) онтология ва натурфалсафа.

29.Антик фалсафа тараққиётини шартли равишда тўрт даврга бўлиш мумкин. Унинг энг ривожланган даври илк демократиянинг гуллаб-яшнаган пайтига тўғри келади. Ушбу даврда софистлар фалсафаси, Сукрот, Афлотун, Аристотел каби мутафаккирлар таълимоти майдонга келди. У қайси жавобда кўрсатилган?

- А) Сукротгача бўлган фалсафа (мил. авв. VII-V асрлар).
- *Б) Классик давр фалсафаси (мил. авв. V аср ўрталари - IV аср охирлари)
- В) эллинизм даври фалсафаси (мил. авв. IV аср охири - II аср бошлари)
- Г) Рим даври фалсафаси (Мил. ав. I асрдан милодий V асргача).

30.Қадимги Римда энг машхур нотик, ҳуқуқшунос-адвокат, претон, консул, провинция ҳукмдори даражаларига эришган сиёсий арбоб, мутафаккир-файласуф ким эди?

- А) Гай Юлий Цезарь
- Б) Октавиан Август Цезарь
- В) Марк Аврелий.
- *Г) Марк Туллий Цицерон.

31.СЎНГГИ АНТИК ДАВРДА ЮНОНИСТОН ВА РИМДА ШАКЛЛАНГАН ФАЛСАФИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ҚАЙСИЛАР?

- А) Эпикурчилар фалсафаси.
- Б) Стоиклар фалсафаси.
- В) Скептицизм таълимоти.
- Г) Неоплатонизм таълимоти
- *Д) юқоридагиларнинг барчаси.

32.Мил. ав. IV аср охирида Юнонистонда шаклланиб, эллинистик ва Рим даврларида кенг тарқалган фалсафий оқимлардан бири, фалсафани “донишмандлик машқи” деб атаган ва фалсафанинг уч қисми (мантик, физика, ахлоқ)ни бир бутун тизимга бирлаштириш лозим, деб ҳисоблаган фалсафий таълимот қайси?

- А) Эпикурчилар таълимоти
- *Б) Стоиклар таълимоти
- В) Скептицизм таълимоти.

Г) Неоплатонизм таълимоти.

33.Фалсафа тарихида “ғоялар дунёси” ҳақидаги таълимотни илгари суриб, ғоялар дунёсида энг олий яхшилик, бахт ғояси худодир. ғоялар дунёсида “умумғоялар” ҳам мавжуд бўлиб, моддий оламнинг турли қисмлари ва нарса-ҳодисалар уларнинг нусхаси, “соясидир”. У ўзининг “Қонунлар” асарида шундай ёзади: “Худо барча нарсаларнинг ибтидоси, ўртаси ва ниҳоясидир. У шунинг учун ибтидоки, ҳамма нарса ундан келиб чиқади; у шунинг учун ўрталикдирки, у барча нарсаларнинг моҳиятини ташкил этади ва келиб чиқиш хусусиятига эга. У шунинг учун ниҳоядирки, барча нарса ўз мақсадига интилгани каби унга интилади”. Ушбу таълимотни ким асослаган?

- А) Сукрот
- Б) Софистлар.
- *В) Платон.
- Г) Гегел

34.АНТИК ЮНОН ФАЛСАФАСИ, ҚОЛАВЕРСА ҒАРБ ФАЛСАФАСИ ТАРИХИДА ДАСТЛАБКИ НАТУРФАЛСАФИЙ ТАЪЛИМОТ ҚАЙСИ ВА ҚАЧОН ЮЗАГА КЕЛГАН?

- А) Иония фалсафаси, мил. ав. VIII-VI асрлар.
- Б) Италия фалсафаси, мил. ав. VI-V асрлар.
- *В) Милет мактаби фалсафаси, мил. ав. VII-VI асрлар.
- Г) Атомистлар таълимоти, мил. ав. VI-V асрлар.

35.Рус адиби ва файласуфи Н.Г.Чернышевский: антик юнон мутафаккирининг ижтимоий сиёсий қарашларида “инсон давлатнинг гражданини бўлмоғи лозим” деган ғоя илгари сурилади, деб таъкидлайди. Н.Г.Чернышевский қайси юнон мутафаккири ҳақида ёзади?

- А) Сукрот
- *Б) Платон
- В) Аристотел
- Г) Эпикур

36. Мил. ав. V асрдан бошлаб Юнонистон маънавий ҳаётида, хусусан фалсафа майдонида икки оқим ўртасида кескин кураш даври бошланди. БУ ИККИ ОҚИМ ҚАНДАЙ НОМЛАНАДИ?

- А) натурфалсафа ва эпистемология.
- Б) моддиюнчилик ва ақлий (маънавий) оқимлар.
- В) Гераклит ва Элей мактаби таълимотлари.
- *Г) Демокрит йўли ва Платон йўли.

37.Қайси юнон мутафаккири инсоннинг моҳиятини таърифлар экан унда гражданлик хислатлари баркамол шахснинг ажралмас хусусиятлари эканлигини назарда тутиб “инсон-ижтимоий хайвон” деб атаган эди?

- *А) Аристотел
- Б) Эпикур
- В) Платон
- Г) Сукрот

38. “АВЕСТО” НИМА?

А) “Ҳаёт йўриқномаси” деб номланган китоб; зардуштийлик динига тааллуқли адабиётларнинг умумий номи;

Б) зардуштийлик динининг асосий китоби;

В) “Насихатнома”, “Қонунлар тўплами”, “Билимлар мажмуаси” сифатида талқин қилинадиган тарихий ёзма манба.

*Г) Юқоридаги барча жавоблар тўғри.

39. Авестошуносликни уч тарихий даврга бўлишимиз мумкин: Қадимги, ўрта асрлар шарқ ва янги давр авестошунослиги. Янги давр авестошунослиги кимнинг номи билан боғлиқ ва у қачон “Авесто”ни ғарб тилига биринчи таржима қилган?

А) Немис олими Кленкер бўлиб, у 1777 йилда “Занд Авесто”ни немис тилига ўгириб Рига шаҳрида чоп этилди.

Б) Дениялик тадқиқотчи Р. Раск бўлиб, у XIX аср биринчи чорагида “Авесто”дан немис тилига бир қатор таржималар қилиб 1826 й. Копенгаген шаҳрида чоп эттирди.

В) Иброҳим Пури Довуд Ҳиндистондаги форс қавми орасида 1925-1936 йилларда истиқомат қилиб, “Авесто”нинг тилини мукаммал ўрганди ва тўққиз томдан иборат “Авесто” китобини форс тилида нашр эттирди.

*Г) Француз тадқиқотчиси Анкетил Дюпперон бўлиб, у XVIII асрнинг иккинчи ярмида Жанубий Ҳиндистондаги зардуштий қавмлар орасида истиқомат қилиб 1771 йилда “Авесто”ни француз тилига таржима қилди.

40. Зардуштийлик динида ҳосилдорлик, ободонлик ва фаровонлик маъбудаси, ер юзининг жаннати деб ҳисобланган Хвар Зам ўлкасига ҳаётбахш сув ато этувчи Охшо (Амударё)нинг илоҳий тимсоли ва халқининг илоҳий онаси қиёфасида тасаввур қилинган, Аҳурамазданинг қизи, Қуёш маъбудининг қайлиғи сифатида талқин қилинган худо нима деб номланади?

А) Аҳурамазда.

Б) Митра.

*В) Анахита

Г) Ахриман

41. ЎРТА ОСИЁ ВА ЭРОН ХАЛҚЛАРИНИНГ ҚАДИМГИ ДАВРГА ХОС ДУНЁҚАРАШНИНГ ИФОДАСИ ЗАРДУШТИЙЛИК (“АВЕСТО”)ДА ҚАНДАЙ ҒОЯЛАР ЎЗ ИФОДАСИНИ ТОПГАН?

А) диний тасаввурлар, ватанпарварлик, жасурлик, садоқат, озодлик, тенглик ғоялари.

*Б) диний-афсонавий эътиқодлар, ижтимоий-иқтисодий, ахлоқий, ҳуқуқий, дуалистик фалсафий қарашлар.

В) диний-идеалистик тасаввурлар, табиат ва билиш ҳақидаги қарашлар.

Г) яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик ва зулматнинг кураши тўғрисидаги фикрлар.

42. ШАРҚ УЙҒОНИШ ДАВРИ ФАЛСАФАСИНИНГ АСОСИЙ МУАММОСИ ҚАЙСИ ЖАВОБДА ҚАЙД ЭТИЛГАН?

А) борлиқ ва инсон муносабати муаммоси, ахлоқий масалаларни фалсафий таҳлил қилиш.

Б) инсонпарварлик ва илм-маърифатлилик муаммоларини фалсафий таҳлил қилиш.

*В) инсон муаммоси, инсоннинг ахлоқий-маънавий камолоти масаласини фалсафий таҳлил қилиш.

Г) инсон ва жамият, ижтимоий ҳаёт муаммоларини фалсафий таҳлил қилиш.

43.ЎРТА ОСИЁДА ДУНЁВИЙ ИМЛАРГА АСОСЛАНУВЧИ ИЛҒОР ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ДУНЁҚАРАШНИНГ АСОСЧИЛАРИ КИМЛАР?

А) Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Форобий

Б) Ал-Хоразмий, Форобий, Беруний, Имом Бухорий

В) Арасту, Форобий, Ибн Сино.

*Г) Форобий, Беруний, Ибн Сино.

44.ШАРҚ УЙҒОНИШ ДАВРИ ФАЛСАФИЙ ДУНЁҚАРАШНИНГ ЕТАКЧИ ҒОЯЛАРИ.

А) ислом илоҳиёти фалсафий таълимоти, гуманистик ва рационалистик қарашлар.

*Б) инсонпарварлик ғоялари, рационализм ва пантеизм таълимотлари.

В) ҳурфикрлилик, инсонийлик ва илоҳийлик ғоялари.

Г) инсонпарварлик ғоялари, пантеистик ва деистик таълимотлар.

45.ЎРТА ОСИЁДА ТАСАВВУФ ИЛМИГА ОИД “ХОЖАҒОН” ТАРИҚАТИГА КИМ АСОС СОЛГАН?

А) Юсуф Ҳамадоний

Б) Аҳмад Яссавий

*В) Абдуҳолик Ғиждувоний

Г) Хожа Баҳоуддин Нақшбанд

46.ЕВРОПАДА ЎРТА АСРЛАР ФАЛСАФИЙ ДУНЁҚАРАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТИ.

А) Табиат ва инсоннинг худо томонидан яратилганлиги тўғрисидаги теологик (илоҳий) қарашлар.

Б) Ақл ва ирода, моҳият ва мавжудлик муаммолари хусусида реализм ва номинализм ўртасидаги баҳс.

В) Черков илоҳиётининг ҳукмронлиги ва ахлоқийлик қарашлари.

*Г) Фалсафий фикрнинг диний характери ва схоластик мазмундалиги.

47.Тасаввуфга оид “нақшбандия” таълимотининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллик юбилеи Президентимиз фармони билан қайси йили нишонланди?

А) 1992 йил

Б) 1996 йил

*В) 1993 йил

Г) 1995 йил

48.А.ЖОМИЙ, А.НАВОИЙ, Б.МАШРАБ СИНГАРИ ШОИРЛАР ЎЗ АСАРЛАРИДА ҚАНДАЙ ҒОЯЛАР ТАРҒИБОТЧИСИ ҲИСОБЛАНИШАДИ.

А) инсонпарварлик, ахлоқийлик ғоялари.

- Б) ватанпарварлик, меҳнатсеварлик ғоялари.
- В) етук ахлоқ, соф муҳаббат, ватанпарварлик ғоялари.
- *Г) тасаввуфий ғоялар.

49. Диний-фалсафий тафаккур тарихида шаклланган тана ва рух (жон)нинг мустақиллиги, рухнинг кўчиб юриши ҳақидаги таълимот қандай номланади.

- А) эманация назарияси
- *Б) таносух таълимоти
- В) вужуд ҳақидаги таълимот
- Г) пантеизм таълимоти.

50. Ўрта аср Шарқ фалсафасида илгари сурилган вужуд (борлик) ҳақидаги таълимотга кўра ягона вужуд иккига: зарурий вужуд (вужуди вожиб) ва имконий вужуд (вужуди мумкин)га бўлинади. Вужуди вожиб - бу мавжудлиги ҳеч нарсага боғлиқ бўлмаган ва азалий-абдий мавжудлик - тангридир. Қолган нарсалар имконий тарзда мавжуд бўлиб, зарурий вужуд (тангридан) келиб чиқади. Бу жараённинг асосини сабаб-оқибат муносабати, зарурият, қонуният ташкил этади. Шу тариқа тангри (худо) ва реал дунё (табиат)нинг бирлиги ҳақидаги вужудуюн (“Вахдат-ул-вужуд”) таълимоти турли кўринишларда илгари сурилган. БУ ТАЪЛИМОТ ФАЛСАФА ТАРИХИДА ҚАНДАЙ НОМЛАНАДИ?

- А) деизм таълимоти
- *Б) пантеизм таълимоти
- В) эманация назарияси
- Г) илоҳиёт (теология) таълимоти

51. “Худо неъматларин олийси идрок,

Ақлни мадҳ этар кимки дили пок.

Ақл йўл кўрсатиб, дилни этар шод,

Ҳар икки оламда ақлли обод.

Ақл бир тирик жонки, билмас завол.

Ақл турмуш асли буни ёдлаб ол.

Ақлдан ғамгинлик, шодлик, ўқтамлик,

Ақлдан борлигу, йўқлигу, камлик”.

Инсон ақл-идрокини мадҳ этувчи, тафаккурини улуғловчи рационалистик мазмундаги ушбу фалсафий мисралар муаллифи қайси мутафаккир ва асар?

- А) Форобий (“Илмлар таснифи”)
- Б) Умар Ҳайём (“Рубоийлар”)
- В) А.Навоий (“Хамса”)
- *Г) Фирдавсий (“Шоҳнома”)

52. Ўрта аср Шарқ фалсафасидаги пантеизм таълимотларининг ғоявий заминларидан бири неоплатонизмдир. Неоплатонизмга кўра, олам худодан эманация - (зухд) бўлиш натижасида вужудга келади. Илоҳиёт (худо) Қуёшдан нур таралганидек, ўзидан рух ажратади ва бу рух “дунё” руhini туғдиради. Илоҳиётдан ажралиб чиққан нур уч босқич - рух, жон, материяни (моддани) яратиб, сусайиб боради. Неоплатонизмнинг ушбу ғоялари пантеизм - худо ва оламнинг, худо ва табиатнинг бирлиги ҳақидаги таълимотларга ғоявий асос бўлди. НЕОПЛАТОНИЗМ ТАЪЛИМОТИНИНГ АСОСЧИСИ КИМ?

- А) Платон
- Б) Порфирий ва Ямблих
- *В) Плотин
- Г) Прокл

53. Ўрта Осиё мутафаккирлари, айниқса, Ибн Синонинг тиббиёт ва бошқа соҳалардаги табиий-илмий билимларининг XII асрдаги муносиб давомчиси қайси олим ва қандай асар ҳисобланади.

- А) Закариё ар-Розий (“Махорик ал-анбиё”)
- Б) Маҳмуд Чағминий (“Кичик Қонун”)
- В) Исмоил Журжоний (“Захираи Хоразм-шохий”)
- *Г) Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий (“Мафотих ал-улум”)

54. Туркий тилдаги адабиётнинг нодир ёдгорликларидан Юсуф Хос Хожибнинг “Қутадғу билик” (Бахтга элтувчи билим) ва Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибатул-ҳақойиқ” дostonларида қандай қарашлар ўз ифодасини топган.

- *А) ижтимоий-ахлоқий қарашлар.
- Б) ижтимоий-сиёсий қарашлар.
- В) ахлоқий қарашлар.
- Г) илмий-фалсафий қарашлар.

55. Ўрта Осиёда тасаввуфий (сўфийлик) таълимотларининг асосчиси, “шайх уш-шуйух” (шайхлар шайхи) бўлмиш мутасаввуф донишманд ким эди.

- А) Ҳаким ат-Термизий.
- Б) Абдуҳолиқ Ғиждувоний.
- В) Аҳмад Яссавий.
- *Г) Юсуф Ҳамадоний.

56. Тасаввуф таълимотига хос “Хуш дар дам”, “Назар бар қадам”, “Сафар дар ватан”, “Хилват дар анжуман” каби одоб-ахлоқ мезонлари қайси тариқатга хос.

- А) Кубравия тариқатига
- *Б) Нақшбандийлик тариқатига
- В) Хожагон тариқатига
- Г) Яссавийлик тариқатига

57. АВЕРРОИЗМ НИМА?

А) Аристотель, Абу Наสร Форобий ва Абу Али Ибн Сино (Авиценна) даҳоларига мансуб ғояларнинг ғарбга танилиши ва ривожлантирилишидан иборат таълимот.

*Б) Андалузиялик (испаниялик) машҳур мутафаккир Ибн Рушд фалсафий-маънавий таъсири остида Ғарбий Европа ҳудудида вужудга келган фалсафий йўналиш.

В) Андалузиялик (испаниялик) араб файласуфи ва давлат арбоби Ибн Божжа (лот. Авемпас) илғор фалсафий қарашлари таъсирида ғарбда шаклланган фалсафий оқим.

Г) Буюк ҳаким, қомусий олим ва машҳур мутафаккир Ибн Сино (лот. Авиценна) ғоялари таъсирида ғарбий Европада шаклланган фалсафий йўналиш.

58. Фалсафа тарихининг турли даврларида қайси мутафаккирлар барча фалсафий фанларни икки қисмга: назарий ва амалий фалсафага бўлади.

Назарий фан (метафизика, математика ва физика) ва амалий фалсафа (сиёсат, ҳуқуқ, иқтисодиёт, ахлоқ-одоб, таълим-тарбияни ўрганувчи фанлар) соҳаларини воқеий олам ходисаларининг реал шароитидан келиб чиққан ҳолда фарқлайдилар.

А) Антик юнон мутафаккири Платон ва ўрта аср Шарқ мутафаккири Форобий.

Б) Антик юнон мутафаккири Аристотель ва ўрта аср Шарқ файласуфи Форобий.

*В) Антик юнон файласуфи Аристотель ва ўрта аср Шарқ мутафаккири Ибн Сино.

Г) Антик юнон файласуфи Платон ва ўрта аср Шарқ мутафаккири Ибн Сино.

59.ЎРТА АСР ҒАРБИЙ ЕВРОПА ФАЛСАФАСИДАГИ АПОЛОГЕТИКАНИ ҚАНДАЙ ТАЪРИФЛАЙСИЗ? АПОЛОГЕТИКА - БУ ...

А) (юнон. apologia - ҳимоя) - бирор бир кишини ёки шахсни ҳаддан зиёд, кўр-кўрона ҳимоя қилиш ёки улуғлашга асосланган усул.

Б) (юнон. apologeomai - ҳимоя қиламан) - бирор нарсани ёки бирор кишини жон-жаҳди билан ҳимоя қилувчи ва мақтовчи одам.

В) Рим империясининг кўпхудолик динларига нисбатан янги диннинг (христианликнинг) афзалликларини тарғиб қилган, унинг юксак ахлоқий принципларини ва жамият учун фойдалилигини асослашга уринган илк насроний илоҳиётчи-файласуфлар.

*Г) (юнон. Apologetikos - ҳимоя қилиш) - илоҳиётда фалсафий тафаккур далиллари ёрдамида христиан диний ақидалари ва таълимотини ҳимоя қилиш, асослаш, оқлаш ва мақташ билан боғлиқ бўлган илоҳий-фалсафий соҳа.

60.ПАТРИСТИКА НИМА?

А) Бу (лот. “paternus” - отага тааллуқли) - дастлаб Италияда пайдо бўлган, каттанинг кичикка, қариндошнинг қариндошга, устознинг шогирдга, яқинларга нисбатан ғамхўрлиги асосида фаолият юритишни ифодалаган атама.

*Б) Бу (лот. “patris - ота) - 2-8 асрларда христиан руҳонийларининг (черков оталарининг) илоҳий-фалсафий ва сиёсий-социологик қарашлари мажмуини ифода этувчи тушунча.

В) ижтимоий муносабатларга киришаётган томонлар ўртасидаги мавжуд ишлаб чиқариш муносабатларини уйғунлаштириш ва барқарорлаштиришга маънавий омил таъсирини ифодаладиган тушунча.

Г) Никей ва Халкида соборларида асарлари ёзилган черков оталари патристика номи билан аталардилар.

61.Ғарбда черковнинг энг йирик отаси бўлиб, “муқаддас” (Блаженный) номини олган, икки давр - яъни антик давр ва шаклланиб келаётган ўрта асрчилик оралиғида яшаган илоҳиётчи-файласуф ким эди?

А) Флавий Юстин (100-165 йй.)

Б) Тертуллиан (160-220 йй.)

В) Климент Александрийский (150-202 йй.)

*Г) Аврелий Августин (354-430 йй.)

62.ЎРТА АСРЛАР ЕВРОПА ФАЛСАФАСИ СХОЛАСТИКА ДЕБ АТАЛАДИ. СХОЛАСТИКА НИМА?

А) Схоластика сўзининг луғавий маъноси “мактаб”, “ўқийдиган жой” кабиларни англатиб, сарой мактабларидаги ўқитувчилар ҳамда динни ўқитишда фалсафадан фойдаланган ўрта аср илоҳиётчилари таълимоти тушунилади.

Б) Схоластика - диний фалсафанинг асосий йўналишларидан бири бўлиб, илоҳиётни (теологияни) рационаллаштириш, илоҳий эътиқодни фалсафий тафаккур билан мустаҳкамлаш йўлидаги анъанадир.

В) Схоластика (юнон. Schola - мактаб ва лот. Scholasticos-таълим, мактаб) - Европа христианлик эътиқодини тушунтириш ва назарий асослашни мақсад қилган ҳамда “фалсафа-илоҳиётнинг хизматкори” деб ҳисоблаган теологик-фалсафий оқимдир.

*Г) Юқоридаги жавобларнинг барчаси тўғри.

63.ЕВРОПА УЙҒОНИШ ДАВРИНИНГ ТАБИАТ ФАЛСАФАСИГА ХОС КОИНОТНИНГ ЧЕКСИЗЛИГИ ҲАҚИДАГИ ВА ПАНТЕИСТИК ХАРАКТЕРДАГИ ДУНЁҚАРАШНИНГ ЁРҚИН ВАКИЛИ КИМ ЭДИ.

А) Н. Кузанский

Б) Н. Коперник

В) Леонардо до-Винчи

*Г) Ж. Бруно

64.ФАЛСАФА ТАРИХИДА ШАҚЛЛАНГАН ИЛҒОР ФАЛСАФИЙ ТАЪЛИМОТ- ПАНТЕИЗМНИ ҚАНДАЙ ИЗОҲЛАЙСИЗ?

А) Илоҳий куч (худо)ни яратувчи деб, табиатни эса ўз қонунларига кўра ривожланади деб кўрсатувчи таълимот

Б) Табиатдан ташқари илоҳий кучни инкор этувчи таълимот

*В) Табиат ва худонинг бирлиги ҳақидаги таълимот

Г) Оламнинг яратувчиси ва бошқарувчиси худонинг мавжудлигини назарий асословчи таълимот.

65.ЯНГИ ЗАМОН ФАЛСАФИЙ ДУНЁҚАРАШНИНГ ШАҚЛЛАНИШИ ҚАНДАЙ САБАБЛАРГА БОҒЛИҚ ЭДИ.

А) Феодал тузуми ва черков илоҳиётининг инқирози, капиталистик муносабатларнинг авж олиши туфайли;

Б) XVII аср илмий инқилобий туфайли;

*В) Жамият ҳаётидаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, илм-фандаги янги ютуқлар ҳамда қадимги, ўрта асрлар ва уйғониш даври фалсафий ғоялари замирида;

Г) Уйғониш даври илмий ва фалсафий дунёқарашининг ютуқлари асосида;

66.Агар ўрта асрлар фалсафаси черков илоҳиёти билан, Уйғониш даврида эса фалсафа санъат ва гуманитар билимлар билан чамбарчас боғлиқ бўлган бўлса, янги замон фалсафаси нимага асосланади.

А) Капиталистик саноат ишлаб чиқаришига

Б) Тажрибавий-математик табиатшуносликка

В) Янги буржуа жамиятининг ривожланишига

*Г) XVII аср илмий инқилоби ютуқларига

67. ЯНГИ ЗАМОН ФАЛСАФИЙ ДУНЁҚАРАШИ

- *А) механистик ва метафизик фалсафий қарашлар эди;
- Б) метафизик ва материалистик фалсафий қарашлар эди;
- В) механицизм ва номинализм фалсафий таълимотлари эди;
- Г) эмпиризм ва рационализм таълимотлари эди.

68. Дунёни илмий билишнинг тажрибага асосланувчи, конкрет далиллардан умумий хулоса сари ривожланувчи индуктив усулини асослаган ҳамда “Билим - кучдир” деган афоризмнинг муаллифи қайси файласуф.

- А) И. Ньютон
- Б) Р. Декарт
- В) Г. Гоббс
- *Г) Ф. Бэкон

69. Янги замон фалсафасида субстанция, унинг атрибут ва модулари тўғрисидаги материалистик таълимотни ким асослаган. Унингча, субстанция (борлиқнинг бошланғич асоси), яъни табиат ягона бўлиб, у ўзининг атрибутлари (хусусиятлари) орқали намоён бўлади. Алоҳида буюмлар эса - субстанциянинг ўзгарувчан модулари дир.

- А) Ф. Бэкон
- В) Т. Гоббс
- Б) Р. Декарт
- *Г) Б. Спиноза

70. XVIII асрни Европа халқлари маънавияти тарихида Маърифат асри деб ҳисобланади. XVIII асрдаги маърифат фалсафасининг етук намоёндалари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А) Бэкон, Вольтер, Руссо, Дидро, Гольбах, А.Смит, Д.Юм кабилар
- Б) Декарт, Ж. Локк, Вольтер, Руссо, Гольбах, Ж.Ламетри, Г.Лессинг, И.Гердер кабилар.
- *В) Ж.Локк, Ж. Толанд, А.Смит, Д.Рикардо (Англия), Ф.Вольтер, Ж.Ж.Руссо, Ш.Монтескье, Д.Дидро, П.Гольбах, Ж.Ламетри, Гельвеций (Франция), Г.Лессинг, И.Гердер, И.Кант (Германия) кабилар.
- Г) Ж.Локк, Т.Гоббс, А.Смит (Англия), Ф.Вольтер, Ж.Ж.Руссо, XVIII аср француз материалистлари (Франция), И.Гердер, И.Кант (Германия) сингарилар.

71. Абдул Қодир Мирзо Бедил фалсафий дунёқарашини чуқур ўрганган ҳамда “Бедил ўз дунёқараши бўйича пантеизмга мансубдир. Пантеизм Ўрта Осиё, Ҳиндистон, Эрон фалсафасида кўпроқ тарқалган таълимотлардан бири бўлиб, уни икки оқимга бўлиш мумкин: Биринчиси - ваҳдати вужуд (жисмоний бирлик), унинг қоидаси: “Дунё - худо демакдир”, Иккинчиси - ваҳдати мавжуд (олам бирлиги) деб аталган оқим бўлиб, унинг қоидаси: “Худо - дунё демакдир” деб ифодаланади”, - деган мисралар муаллифи бўлмиш Ўзбекистонлик шарқшунос файласуф олим ким ҳисобланади?

- А) Баратов М.Б.
- *Б) Мўминов И.М.
- В) Хайруллаев М.М.
- Г) Файзуллаев О.

72. НЕМИС КЛАССИК ФАЛСАФАСИНИНГ АСОСЧИСИ ИММАНУИЛ КАНТНИНГ ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИ ҚАНДАЙ ХАРАКТЕРГА ЭГА,

- А) стихияли материалистик ва агностицизм таълимоти
- Б) табиий-илмий ва идеалистик қарашлар
- В) илмий-маърифатпарварлик ғоялари ва субъектив идеализм таълимоти
- *Г) субъектив идеализм ва агностицизм таълимоти.

73. НЕМИС ФАЙЛАСУФИ Г.В. ГЕГЕЛЬ ФАЛСАФИЙ ТАЪЛИМОТИГА ХОС ЗИДДИЯТ НИМАДАН ИБОРАТ.

- *А) объектив идеалистик система билан диалектик услуб ўртасида
- Б) объектив идеализм таълимоти билан материалистик фикрлар ўртасида
- В) субъектив идеализм таълимоти билан диалектик фикрлар ўртасида
- Г) диалектика таълимоти билан метафизика ўртасида

74. ИММАНУИЛ КАНТ ФАЛСАФИЙ ДУНЁҚАРАШИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДАГИ ИККИ ДАВРДА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШ РЎЙ БЕРДИ?

- А) стихияли диалектик фикрлардан агностицизм таълимотига ўтади
- Б) стихияли материалистик фалсафадан субъектив идеалистик қарашларга ўтади
- *В) материалистик табиат фалсафасидан билиш назарияси масалаларидаги субъектив идеализм ва агностицизм таълимотига ўтади
- Г) метафизик қарашлардан агностицизм таълимотига ўтади

75. НЕМИС ФАЙЛАСУФИ Л. ФЕЙЕРБАХНИНГ ФАЛСАФИЙ ДУНЁҚАРАШИ ҚАНДАЙ ХАРАКТЕРГА ЭГА

- А) метафизик фалсафий қарашлар
- Б) материалистик фалсафий қарашлар
- В) объектив идеализм таълимоти
- *Г) метафизик ва антропологик материализм таълимоти

76. ФАЛСАФА ТАРИХИДА МАРКСИСТИК ФАЛСАФА ҚАНДАЙ ТАЪЛИМОТНИ АСОСЛАГАН.

- А) материалистик диалектика ва ижтимоий фалсафа асосларини яратган
- Б) материалистик ва диалектика таълимотлари асослаб берилди
- В) тарихни материалистик тушунишга асос солинди
- *Г) диалектик материализм, тарихни материалистик тушуниш фалсафаси яратилди

77. Фалсафа тарихида ўзининг ижтимоий-сиёсий қарашлари орқали давлат ҳокимиятининг бўлиниш тамойилини (қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари) биринчи бўлиб кимлар асослаган?

- А) Ф. Бэкон ва Т. Гоббс
- *Б) Ж. Локк ва Ш. Монтескье
- В) Р. Декарт ва Б. Спиноза
- Г) Б. Спиноза ва Г. Лейбниц

78. Европа Уйғониш даври гуманистик дунёқарашининг улкан сиймоси, ўзининг “Илоҳий комедия”, “Зиёфат” ва “Монархия” асарлари билан машҳур шоир-мутафаккир ким эди?

- *А) Данте Алигьери (1265-1321 йй.)
- Б) Франческо Петрарка (1304-1374 йй.)
- В) Жованни Боккачо (1313-1375 йй.)

Г) Пико Делла Мирандола (1463-1495 йй.)

79. Ўрта асрлар Шарқ фалсафасида илгари сурилган ва сўнгра Уйғониш даврида ғарб фалсафасига кенг ёйилган “икки ёқлама ҳақиқат” - ақлий (фалсафий) ва илохий ҳақиқатлар тўғрисидаги таълимотни ким асослаган?

- А) Аристотель
- Б) Абу Наср Форобий
- В) Абу Али Ибн Сино (Авиценна)
- *Г) Ибн Рушд (Аверроэс)

80. Ғарб Уйғониш даври натурфалсафаси (табиат фалсафаси)нинг ўтмишдоши, диалектик фикрлар асосчиси, ўрта асрлар ва Уйғониш даври оралиғидаги янги фалсафий тафаккурга асос солган мутафаккир ким эди?

- А) Николай Коперник
- *Б) Николай Кузанский
- В) Бернардино Телезио
- Г) Жордано Бруно

81. Оламни фалсафий тушунишда, хусусан Европа Уйғониш даври натурфалсафасида муҳим рол ўйнаган, табиатшунослик фани тарихида коперникона тўнтариш (инқилоб) номини олган таълимот қайси?

- А) пантеизм
- *В) гелиоцентризм
- Б) геоцентризм
- Г) космология

82. Европа Уйғониш даврининг табиатшунос олими, атоқли немис шифокори ва файласуфи Теофраст Бомбаст фон Гогенгейм Парацельс (1493-1541) эди. У шифокорлик маҳорати, кимё илми билан шуғулланиб магия (сеҳр-жоду)га қизиқади, пантеистик дунёқарашни намоён этади. Қайси адиб асарининг бош қаҳрамонини ушбу олимга қийслаб яратади?

- А) Шекспир, “Гамлет” асари, Гамлет образи.
- *Б) Гёте, “Фауст” асари, Фауст образи.
- В) Помпонацци, “Табиий ҳодисаларнинг сабаблари ва сеҳргарлик ҳақида” асари.
- Г) Эразм Роттердамский “Ахмоқликка ҳамду санолар” (“Овсарлик мақтови”) асари

83. Уйғониш даври илмий тараққиётини яқунлаб янги давр математик табиатшунослигини бошлаб берган, механикада инерция қонуни, нисбийлик тамойили ва бир қатор астрономик кашфиётлари туфайли “Осмон Колумби” номи билан шарафланиб гелиоцентризм назариясини тасдиқлаган буюк табиатшунос олим ким эди?

- А) Жордано Бруно.
- В) Иоганн Кеплер
- Б) Леонардо да Винчи.
- *Г) Галилео Галилей

84. Европа Уйғониш даври социологик таълимотлари ривожиди Италиянинг буюк сиёсий арбоби, файласуф ва ёзувчиси Никколо Макиавелли (1469-1527) ҳамда француз мутафаккири Жан Боден (1530-1596) қандай ғояни илгари сурганлар?

- А) “Табиий ҳуқуқ” ва “халқ суверенитети” ғояларини.
- *Б) Марказлашган қудратли давлат қуриш ғояси (давлат абсолютизми)ни.
- В) Илк утопик социализм ғояларини
- Г) Ижтимоий шартнома назариясини.

85. Европа Уйғониш даври ижтимоий-сиёсий қарашлари тарихида республика давлат бошқарувининг сиёсий-ҳуқуқий муаммоларини таҳлил қилиб, инсон ҳуқуқларини иккига - фуқаровий ва табиий ҳуқуққа ажратиб “табиий ҳуқуқ назарияси”га асос солган сиёсатшунос ва ҳуқуқ назариётчиси ким эди?

- А) Никколо Макиавелли (1469-1527 йй.)
- Б) Жан Боден (1530-1596 йй.)
- *В) Гуго Гроций (1583-1645 йй.)
- Г) Томас Мор (1478-1535) ва Томмазо Кампанелла (1568-1639 йй.)

86. Европа Уйғониш даври гуманистларидан ким “Утопия” ва “Қуёш шаҳри” номли асарларида жамият аъзоларининг ижтимоий тенглиги ва адолат қарор топган ҳаёлий (утопик) жамият ғоясини илгари суради?

- А) Никколо Макиавелли
- Б) Жан Боден
- В) Гуго Гроций
- *Г) Томас Мор ва Томмазо Кампанелла.

87. ҒАРБ ФАЛСАФАСИ ТАРИХИДА XVII АСР - ЯНГИ ДАВР ДЕБ НОМЛАНИШИНИНГ САБАБИ НИМАДА?

- А) Ғарбий Европа мамлакатларида илк буржуа инқилоблари юз бериб, саноатда капиталистик ишлаб чиқариш муносабатлари шаклланиши туфайли;
- Б) Саноат ишлаб чиқариши эҳтиёжлари туфайли илм-фан, табиатшуносликнинг турли тармоқлари ривожини, мустақил фан соҳаларининг вужудга келиши сабабли;
- В) Ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётдаги ўзгаришлар ҳамда табиатшунослик фани ютуқлари билан узвий боғлиқ тарзда фалсафанинг ривожланиши туфайли;
- *Г) Юқоридаги омилларнинг барчаси сабабли.

88. Ғарб фалсафаси тарихида фалсафанинг хусусий тармоғи сифатидаги “тарих фалсафаси” фанига ким асос солган ва қайси асари билан машҳур?

- А) Георг Вилгелм Фридрих Гегель, унинг “Тарих фалсафаси” асари.
- *Б) Иоган Готфрид Гердер, унинг “Инсоният тарихи фалсафаси ҳақида ғоялар” асари.
- В) Паул Анри Гольбах, унинг “Ижтимоий тизим” ва “Табиий тарих” асарлари.
- Г) Людвиг Андреас Фейербах, унинг “Христианликнинг моҳияти” асари.

89. Энг янги давр (XX аср) жаҳон фалсафаси ривожига хилма-хил фалсафий ғоя ва таълимотларни қандай йўналишларга ажратиб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

- А) материализм ва идеализмга;
- Б) дунёвий ва диний фалсафага;
- В) Марксистик фалсафа ва ғарб буржуа фалсафасига;
- *Г) Анъанавий (классик) ва ноанъанавий (ноклассик) йўналишдаги фалсафий таълимотларга.

90. Классик фалсафа ривожининг юксак чўққиси бўлган немис классик фалсафасидан кейин XIX асрда майдонга келган ва XX аср жаҳон фалсафаси

ривожланишининг ғоявий асоси бўлган фалсафий таълимотлар қайси ва кимлар томонидан асосланган?

А) Позитивизм фалсафаси, француз файласуфи Огюст Конт томонидан асос солинган;

Б) Марксистик фалсафа (диалектик ва тарихий материализм), К.Маркс ва Ф.Энгельс томонидан асос солинган;

В) Ирода фалсафаси (иррационализм таълимоти), немис файласуфи Артур Шопенгауэр томонидан асос солинган;

*Г) Ҳар учала фалсафий таълимот ҳам.

91.Қайси фалсафий таълимот асосчиси оламни, табиатни билиш тарихини уч даврга бўлади ва бу уч даврга дунёқарашнинг уч типи - теологик, метафизик, позитив қарашлар мувофиқ келишини кўрсатади. Теологик ва метафизик дунёқараш ўрнига “ижобий” билимлар тизимини яратишга интилади.

А) “Ҳаёт фалсафаси” таълимоти асосчиси Фридрих Ницше.

*Б) Позитивизм фалсафаси асосчиси Огюст Конт

В) Прагматизм фалсафаси асосчиси Чарлз Сандерс Пирс

Г) Экзистенциализм фалсафаси асосчиси М.Ҳайдеггер.

92.ХХ аср ғарб фалсафасида кенг тарқалган, луғавий “мавжудлик”, “моҳият” маъноларини англариб олам ва инсон борлиғи масаласини илгари сурувчи, инсон мавжудлигини ўрганишга қаратилган, инсон ҳаётининг мавжудлиги, моҳияти, мазмуни масалаларини таҳлил қилишга қаратилган фалсафий таълимот йўналиши қайси?

*А) Экзистенциализм фалсафаси

Б) Прагматизм фалсафаси

В) Ҳаёт фалсафаси.

Г) Позитивизм ва неопозитивизм фалсафаси.

93.ХІХ асрда АҚШда вужудга келиб ХХ асрда Ғарбда кенг ёйилган, америкаликларнинг миллий фалсафаси даражасига кўтарилган, юнонча сўздан олиниб “иш”, “ҳаракат”, “амал” маъноларини англатувчи, ҳақиқат ва амалиёт яхлитлиги ва унинг индивид манфаатида, субъектив қизиқишларида ифодаланишини, ҳақиқат ва фойда тушунчаларини айнанлаштирувчи фалсафий таълимот йўналиши қайси?

А) Экзистенциализм фалсафаси

Б) Индивидуализм фалсафаси.

*В) Прагматизм фалсафаси.

Г) Герменевтика фалсафаси.

94.ГЕРМЕНЕВТИКА НИМА?

А) юн. *hermenevtikos* - изоҳлаш, талқин этиш деган маънони англатувчи матнларни таҳлил қилиш назарияси ва амалиёти.

Б) Ҳозирги замон фалсафаси оқимларидан бири бўлиб, тарихий-фалсафий фан доирасида матнларни назарий асословчи ва методологик тушунтирувчи соҳа.

В) Фан сифатида ХVІІІ асрда пайдо бўлиб ХІХ аср ўрталарида фалсафий герменевтика яъни оламни фалсафий билиш методологияси (Ф. Шлейермахер, В.Дильтей, Х.Г.Гадамер) сифатида ривожланади.

*Г) Юқоридаги жавобларнинг барчаси тўғри.

95. XX аср фалсафасида инсон нафақат ақлли мавжудот, балки унда биологик характердаги кучлар ҳам мавжуд, инсон “ҳали тўлиқ шаклланмаган ҳайвондир”, “у биологик зарарлидир”, ҳайвоний ҳаётга мослашмаган, шунинг учун ҳам очик тизимдир, имкониятлари кенгдир каби асосий қоидаларни илгари сурувчи, инсон табиатини иррационал талқин қилувчи фалсафий оқим қайси?

- А) ҳаёт фалсафаси
- Б) феноменология
- *В) фалсафий антропология
- Г) психоаналитика.

96. XIX-XX асрлар Ғарбда позитивизм фалсафаси кенг тарқалган йўналиш бўлиб, унинг уч даври ажратилади. Шулардан иккинчи позитивизм даври - эмпириокритицизм фалсафасининг атоқли намоёндалари кимлар?

- А) Д.С. Милль (1806-1873) ва Г.Спенсер (1820-1903)
- Б) Д. Юм, Ж. Беркли, Эрнст Мах, Рихард Авенариус.
- *В) Эрнст Мах ва Рихард Авенариус.
- Г) Витгенштейн, Б. Рассел, Карнап.

97. Замонавий Ғарб фалсафасида психоаналитик таълимот инсоният фаолиятини онгсизлик ва онглилик соҳаларига бўлиб, бунда онгсизликни белгиловчи деб ҳисоблайди. Инсон психикасининг онгсизлик қатлами ўрганилмаган мавзу сифатида таҳлил қилинади. Ушбу таълимотни ким асослаган?

- А) Фридрих Ницше (1844-1900 йй.)
- *Б) Зигмунд Фрейд (1856-1939 йй.)
- В) К.Г.Юнг (1875-1961 йй.)
- Г) Эрих Фромм

98. XX аср Ғарб фалсафасида постпозитивизмнинг қайси етук намоёндаси ўз эътиборини ижтимоий-тарихий жараёнларни ўрганишга қаратиб, ўзининг “Очик жамият ва унинг душманлари” асарида “очик жамият” (демократик жамият) тўғрисидаги таълимотини илгари суради?

- А) Освальд Шпенглер (1880-1936);
- Б) Арнольд Тойнби (1889-1975);
- *В) Карл Поппер;
- Г) Карл Маркс.

99. ФАЛСАФИЙ БИЛИМЛАР ТАРИХИДА “СОЦИОЛОГИЯ” ТЕРМИНИ ВА ФАНИГА КИМ АСОС СОЛГАН?

- *А) Огюст Конт
- Б) Никколо Макиавелли
- В) Макс Вебер
- Г) Э. Дюркгейм.

100. Президентимиз таъкидлаган: “Албатта, фалсафа замон ва макон билан боғлиқ мураккаб фан эканини тушунамиз. Шу боис ҳақиқатни топиш учун қарама-қарши фикрларни ўртага ташлайлик, муҳокама қилайлик. Талабалар, зиёли ёшларимизнинг ўзи керакли хулосани чиқариб олсин.

Мана, мисол учун Фрейднинг назарий қарашлари, прагматизм ва экзистенциализм ғоялари, Бердяев ва бошқаларнинг фалсафасидан ўргансак, фойдадан холи бўлмайди”, деган фикрлар унинг қайси асарида баён қилинган?

А) Каримов И.А. “Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман”. - “Фидокор” газетаси, 2000, 8 июнь.

*Б) Каримов И.А. “Миллий истиқлол мафкураси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир”. “Фидокор” газетаси муҳбири саволларига жавоблар. -Т.: Ўзбекистон, 2000.

В) Каримов И.А. “Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин”. “Тафаккур” журнали бош муҳаррири саволларига жавоблар. - “Тафаккур” журнали, 1998 й., 2-сон.

Г) Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. -Т.: Ўзбекистон, 1994.

3-Бўлим. Фалсафа фани назарияси.

3.1.-мавзу: Борлиқ фалсафаси

Режа:

1. Борлиқ тушунчасининг моҳияти ва маъноси. Борлиқнинг асосий турлари
2. Материя категорияси. Дунёнинг моддий бирлиги.
3. Ҳаракат ва ривожланиш. Ҳаракатнинг асосий шакллари ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги.
4. Фазо ва вақт – материя мавжудлигининг объектив шакллари.

Ушбу категорияларда ўз ифодасини топган қонуниятли алоқадорликларни билиб олиш олам ва ундаги ҳодисаларни фалсафий идрок этишга ёрдам беради.

Борлиқ энг умумий ва жуда кенг қамровли фалсафий тушунча бўлиб, у дунёдаги мавжуд бўлган барча моддий ва маънавий нарсалар, ҳодисалар, жараёнларни ўз ичига олади. Борлиқ тушунчаси ёрдамида кишилар дунёнинг объектив мавжудлиги, унинг чексизлиги, абадийлиги ва бир бутунлиги ҳақида илмий ва фалсафий тасаввурга эга бўладилар.

Борлиқнинг асосий шакллари: 1) нарсалар ва предметлар (материя) борлиғи; 2) инсон борлиғи; 3) маънавий борлиқ; 4) ижтимоий борлиқ ҳисобланади. Борлиқнинг ҳар бир шакли ўзига хос хусусиятларга эга.

Материя фалсафанинг фундаментал категорияларидан бири бўлиб, у моддий оламдаги барча нарсаларга хос бўлган умумий хусусият – уларнинг мавжудлиги объектив реалликдан иборат эканлигини ифодалайдиган фалсафий категориядир. Материя тушунчасининг фалсафий мазмуни: биринчидан, нарсаларнинг бизнинг онгимиз, хоҳишимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд эканлиги, иккинчидан, улар бизнинг сезги ва билимларимиз манбаъи эканлигини билдиради. Материя тушунчасининг табиий-илмий маъноси – унинг тузилиши, битмас-туганмаслиги, хусусиятларининг хилма-хиллигини билдиради ва улар табиат ҳақидаги физика, химия, биология каби алоҳида фанлар томонидан ўрганилади.

Материя модда ва майдон кўринишларига эга Атом ва молекулалар материянинг моддий кўриниши, электромагнит майдон, ядро майдони, гравитацион майдон эса материянинг майдон кўринишларидир. Модда ва майдон бир-бирига ўтиб туради.

Ҳар қандай индивид ҳаёти давомида ўзи яшаётган социал муҳит таъсирида ва шахсий тажрибаси асосида муайян дунёқарашга эга бўлиб, оламдаги нарса ва ҳодисаларга шу дунёқарашига мувофиқ муносабатда бўлади. Материя ҳақидаги тасаввурларнинг кенгайиб, чуқурлашиб бориши натижасида инсоният оламнинг ички сирларини очишга муваффақ бўлмоқда. Эндиликда фан оламнинг моддий жиҳатдан бир бутунлигини исботлади. Масалан;

- а) Ер ва космик жисмлар бир хил кимёвий элементлардан ташкил топган;
- б) ҳамма кимёвий элементларнинг атом тузилиши бир типдаги заррачалардан иборат;
- в) барча жисмларга марказга интилиш ва марказдан қочиш ҳосдир;
- г) Ер ва коинотдаги жисмлар вужудга келиш ва йўқ бўлиш (бошқа шаклларга ўтиш) хусусиятига эга; уларга ҳаракат ҳосдир.
- д) материянинг ҳамма кўринишларига инъикос ҳосдир.

е) тирик организмларнинг ҳаммаси хўжайралардан ташкил топган, уларнинг барчасида генлар ирсиятни сақлашга ҳаракат қилади.

Барча моддий нарсалар доимо ҳаракатда, бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиш жараёнида мавжуддир. Зеро, материясиз ҳаракат йўқ, ҳаракат бор жойда материя мавжуддир. Мутлоқ осойишталик (тинч ҳолат) йўқ, осойишталик ҳаракатнинг муайян бир ҳолатидир. Фалсафий маънода ҳаракат дунёда содир бўлаётган барча ўзгаришларни умумий тарзда ифодалайди. Ҳаракат манбаи ҳар бир нарсанинг ўз ичида, унинг қарама-қарши томонларининг бир-бирига таъсиридадир. Албатта моддий жисмлар ҳаракатида ташқи таъсирларнинг ҳам роли бўлади. Ҳаракатни конкрет, аниқ кўринишлари бор. Улар а) механик ҳаракат; б) физик ҳаракат; в) химиявий ҳаракат; г) биологик ҳаракат; д) ижтимоий ҳаракатлардир. Ҳаракатнинг ҳар бир шакли ўзига хос хусусиятларга эга ва улар махсус фанлар томонидан ўрганилади.

Ҳаракат туфайли табиат ва жамиятда тараққиёт содир бўлади; ҳаракат кенг миқёсли тушунча, тараққиёт эса торроқ, аммо чуқурроқ тушунчадир. Фақат олдинма, илгарилама ҳаракатгина тараққиёт ҳисобланади.

Фазо ва вақт барча моддий объектлар ва жараёнлар борлигининг шакллари бўлиб, фазо ва вақтдан ажралган нарса йўқ, шунингдек, ҳаракатдаги материядан ташқарида фазо ва вақт бўлиши мумкин эмас. Фазо нарса ва ҳодисаларнинг кўламани, ўзаро жойлашиш тартибини билдирадиган фалсафий тушунчадир. Вақт – нарсаларнинг мавжуд бўлиш давомийлиги ва ҳодисалар юз беришининг кетма-кетлигини билдирадиган фалсафий тушунчадир. Вақт (фазо ҳам) ўзгармас, абсолют эмас, балки ўзгарувчан бўлиб, у материя ҳаракатига боғлиқдир. Барча моддий жисмлар фазода уч ўлчамга, вақтда бир ўлчамга, қайтарилмасликка эга. Материя (моддий олам) абадий бўлгани сабабли фазо ва вақт ҳам мутлоқдир. Бундан ташқари эндиликда фазо-вақт тушунчалари фанга кириб келдики, натижада биз фазо билан вақт бирлашиб, улар ўртасидаги чегара деярли йўқ ҳолатга келишини англаш имкониятига эга бўлмоқдамиз. Олимлар жисм тезлиги ёруғлик тезлигига яқинроқ бўлганда, унинг ичидаги жисм ҳаракати ниҳоятда секинлашишини исботладилар. Бунга кўра, ёруғлик тезлигига яқин ҳаракат қилаётган ракета ичидаги одам бир ёшга кўпайса, Ерда 375 йил ўтиб кетар экан.

3.2.-мавзу: Табиат – борлиқнинг ажралмас қисми.

Режа:

1. Табиат тушунчаси. Табиий ва сунъий муҳит. («бирламчи» ва «иккиламчи» табиат).
2. Табиат, жамият ва одамзот кооэволюцияси.
3. Экологик муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари. Республикамизда экологик вазият.
4. Кишиларда экологик онгни шакллантириш масалалари ва экологик тарбияни кучайтириш зарурияти.

1. Бу мавзуда борлиқнинг ўзига хос таркибий қисми бўлган табиат, унинг ҳозирги аҳволи ва табиатни асраб қолиш долзарб масала эканини англаб олинишига эътибор қаратилади.

Табиат бениҳоят хилма-хил шакл ва кўринишларда бўлиб инсонни қуршаб турган моддий олам, бутун борлиқни ўз ичига қамраб олади. Тор маънода тирик

организмлар яшаши учун шарт-шароит бўлган Ер, атмосфера ва бошқалардир. Шу билан бирга инсоннинг ўзи ҳам табиатнинг бир бўлагидир. Бу ўринда, биосфера – тириклик соҳаси, геосфера – ер соҳаси, ноосфера – ақл соҳаси, техносфера – санъат соҳаси демакдир. Ана шу тушунчалар фалсафий мазмунини англаб олиш муҳимдир.

Инсон ҳаётида икки хил - табиий (бирламчи табиат) ва сунъий («иккинчи табиат») муҳитни фарқ қилиш ва уларнинг ўзига хос томонларини ҳисобга олиш зарур. Табиий муҳит ёки бирламчи табиат – инсоннинг фаолиятини, меҳнати натижасига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд нарсалар - ҳаво, тупроқ, сув, қуёш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси кабиларнинг мажмуасидир уларсиз инсоннинг пайдо бўлиши ҳам, яшаши ҳам мумкин эмас эди. Сунъий муҳит, яъни иккиламчи табиат – инсоннинг меҳнати ва фаолияти натижасида у томонидан яратилган барча нарсалар – кийим-кечак, сунъий ёруғлик, турар-жойдан тортиб то инсон узок вақтлар давомида яшаб, ижод қилиши мумкин бўлган космик кемаларгача бўлган соҳаларни ўз ичига олади. Шуни айтиш керакки, инсоннинг амалий фаолияти, фан-техника тараққиёти жараёнида сунъий муҳит такомиллаштириб бораверади. Лекин соф ҳаво, тоза сув, унумдор тупроқ каби бирламчи табиатнинг асосини ташкил қилувчилар ўз аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайди.

2. Одамзот жамият бўлиб яшашга ўтгач, табиатда янги бир ҳолат юзага келди. «Иккинчи табиат»нинг яратилиши бир томондан яшаш қулайликларини вужудга келтирган бўлса, иккинчи томондан табиатдаги уйғунлик, мувозанат (коэволюция)га путур ета бошлади.

Кейинги 50-100 йиллар мобайнида ҳозирги замон илмий-техника инқилоби натижасида инсоннинг табиатга қиладиган таъсир имкониятларининг ниҳоятда ортиб кетиши, саноат ва транспорт воситаларининг янада юксалиши, аҳоли сонининг кўпайиб бориши, урбанизация жараёни, табиий ресурслардан тартибсиз, тор манфаатларни кўзлаб, эски технологиялар ёрдамида фойдаланиш каби қатор ҳолатлар инсон ва табиат орасидаги муносабатлар уйғунлигини бузиб юборди. Шу сабабли ҳозирги кунда инсон томонидан табиатга кўрсатилаётган таъсирни тартибга солиш, ижтимоий тараққиёт билан қулай табиий муҳитни уйғунлаштириш, инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатида мувозанатга эришиш борган сари долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

3. Бу ҳол фаннинг янги тармоғи – экология (экос – турар жой, логос - таълимот)ни пайдо бўлишига олиб келди. Ҳозирги кунда экология барча тирик организмлар - ўсимлик ва ҳайвонот олами, инсон кабиларнинг ўзлари яшашлари учун зарур бўлган табиий муҳитлар мажмуаси билан ўзаро муносабатлари қонуниятларини ўрганувчи бир бутун фан сифатида тушунилади.

Президент И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» (Т., «Ўзбекистон», 1997 й.) асарида дунё ва мамлакатимиз миқёсида экологик аҳвол чуқур таҳлил қилинган ва соғлом экологик муҳит яратиш борасидаги бажарилиши зарур бўлган чора-тадбирлар системаси кўрсатиб берилган.

4. Ҳозирги кунда ҳар бир мамлакатда, минтақада ва бутун дунёда маънавий-ахлоқий муҳитни инсонийлаштириш дастурлари тузилиб, давлатлар, одамлар уюшмаси фаолиятларини шу олижаноб йўлга буриб юбориш лозим.

Табиий муҳитни асраш аҳолини, айниқса ёшларнинг экологик маданиятини ривожлантириш, улар билан олиб бориладиган экологик таълим ва тарбиявий

ишларнинг кўлами ва самарасига бевосита боғлиқ. Таълим тизимлари, мафкура воситалари, жамоатчилик фикри орқали одамларда Ноосфера – ақл – идрок соҳаси тантанаси даври келишига комил ишонч руҳини қарор топтириш ҳаёт талаби бўлиб турибди.

3.3.-мавзу: Онг. Ижтимоий онг, унинг асосий шакллари ва даражалари.

Режа:

1. Онг – материянинг юксак шакли бўлган миянинг маҳсули, борлиқнинг инъикоси ва фаолият сифатида.

2. Онг ва руҳият.

3. Онг, тафаккур, ирода, хиссиёт; Онг ва тил.

4. Ўз-ўзини англаш муаммоси.

5. Ижтимоий онг ва унинг даражалари. Ижтимоий онгнинг нисбий мустақиллиги.

6. Ижтимоий онг тузилиши: ижтимоий руҳият ва ижтимоий мафкура. Мафкура, унинг жамият ҳаётидаги ўрни.

7. Миллий ўзликни англаш.

8. Ижтимоий онг шакллари, уларнинг ўзаро алоқадорлиги, хусусиятлари ва жамият тараққиётида тутган ўрни.

9. Мустақиллик шароитида кишиларда юксак сиёсий, ҳуқуқий, эстетик, ахлоқий, диний ва фалсафий онг ва маънавиятни шакллантиришнинг ахамияти ва йўллари.

1. Инсоннинг теварак-атрофини қуршаб турган моддий олам, борлиқ унинг онгида акс этади. Онг юксак даражада ташкил топган материя, яъни инсон миясининг маҳсули бўлиб, унинг хусусияти воқеликни акс эттиришдан иборат.

Онг – бу, табиат тарихий тараққиёти ҳамда материя эволюцияси жараёнида вужудга келган инсон миясининг маҳсулидир.

Инсон мияси ва уни ташқи олам билан боғлаб турувчи сезги каналлари бўлмаса, ҳеч қандай идроклар, тасаввурлар, тушунчалар ҳосил бўлиши мумкин эмас. Онг фақат инсон миясига хос бўлган инъикос жараёнидир.

Инъикос бу кенг маънода моддий система алоҳида хусусиятларининг акс этишидан иборатдир. Инъикос материянинг ҳамма тузилиш даражаларига хосдир. Материя тараққиёти даражасига қараб инъикос ҳам ўзгариб боради. Инъикоснинг юқори шакллари тирик материя билан боғлиқдир: а) таъсирланиш; б) сезиш; в) психик (руҳий) инъикос. Буларнинг ривожини ижтимоий муҳитда янги босқичга кўтарилади. Акс эттиришнинг муайян шакли бўлган сезгилар ҳайвонот дунёси тараққиётининг илк босқичларида келиб чиқиши билан бирга, одамда кўпроқ тараққий топди ва камолга етди. Сезги объектив оламнинг субъектив образидир.

Инъикоснинг психик даражаси икки кўринишда бўлади. 1) асаб системасига эга бўлган организмларда аниқ вазиятга қараб шошилиш тарзда ўз-ўзидан йўналиш белгилаш; 2) ноаниқ вазиятда ҳаракат йўналиши белгилаш учун ҳаёт тажрибаси, фахм-фаросат ва билим керак бўлади. Буларнинг биринчиси учун генетик дастур кифоя қилса, иккинчиси учун албатта билим, тажриба, фахм-фаросат керак. Одамзот тарихан буларга тобора кўпроқ эга бўлиб бормоқда.

2. Онг психик инъикоснинг ўзига хос, юксак шаклидир. Инсон психикаси кенг қамровли бўлиб, унга онгсизлик, онг ости ходисалари, онгнинг ўзидан иборат уч қатламни ташкил қилади. Онг ости ходисаси муайян вазиятда онгли фаолият билан боғланмаган, аммо онгли ҳаракатларнинг юз беришига таъсир этадиган руҳий

холатдир. Рух онг билан мустахкам боғлиқ бўлиб, у шахсий рух, жамоа рухи, ижтимоий рух, миллий рух, объектлашган рух шаклларида намоён бўлади.

Онгнинг вужудга келиши ва ривожланишида меҳнат ҳал қилувчи омилдир. Инсоният ўзининг маълум мақсадга қаратилган онгли меҳнати туфайлигина табиатдаги алоҳида тур сифатида юзага келди.

Инсон кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган нарсаларни топиш жараёнида табиат предметларига дуч келиб, уларнинг хоссаларини била борган, уларни бир-бири билан таққослаб, ажрата бошлаган.

Ишлаб чиқариш учун зарур бўлган меҳнат қуролларини тайёрлаш ва такомиллаштириш жараёни онгнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатганлиги шубҳасиздир. Онг меҳнат билан тафаккурнинг бирлиги асосида такомиллашиб борган.

3. Онгнинг муҳим белгиларидан бири шуки, у тушуниб етилган билимдир. Инсон мия ёрдамида фикр қилади. Онгнинг маъноси предметни билиш, ўзлаштириш, унинг моҳиятини очиб боришдан иборат жараёндир.

Онг фақат объектив олам инъикосини эмас, балки инсоннинг ўз руҳий фаолиятини англашини ҳам билдиради. Онг воқеликнинг ҳам оқилона, ҳам ҳиссий инъикосини қамраб олади. Шунингдек, у инсон ҳиссиётлари, иродасини ҳам ўз ичига олади.

Инсон онгининг тараққиётида тил, нутқ ғоят муҳим аҳамиятга эга. Тил тафаккур билан чамбарчас боғлиқдир. Инсонда нутқ тили бўлмаса, мураккаб фикрлаш ҳам бўлмайди. Тафаккур бўлмаса, тилнинг ҳам бўлиши мумкин эмас. Тафаккур – объектив реалликнинг инъикосидир, тил эса фикрни ифода этиш қуроли, уни қайд қилиш ва бошқа кишиларга етказиш, билдириш воситасидир. Тил тафаккурнинг намоён бўлиши, борлиқ шакли, тафаккур эса тилнинг мазмунидир.

Инсон онги теварак-атрофдаги воқеликнинг тараққиётида фаол ижодий роль ўйнайди. Инсоннинг онги маълум бир мақсадга қаратилган жараёндир. Инсон ташқи оламга боғлиқ бўлиб, ташқи олам инсонни қаноатлантирмайди. Шунинг учун инсон ўз амалий фаолияти билан ташқи оламини ўзгартиришга ҳаракат қилади, воқеликнинг ривожланиш қонуниятларини билишга интилади. Онгнинг фаоллиги шундаки, у объектив дунё қонуниятларини акс эттиради, англайди, уларни билиб олади ҳамда улардан инсон ўз манфаатлари йўлида фойдаланади. Инсоннинг амалий фаолияти асосида вужудга келадиган онг ундан илгари кетиши ва амалиётни йўналтириши, унга раҳбарлик қилиши мумкин.

4. Инсон объектив воқеликни акс эттириш билан бир қаторда ўзи ҳақида фикр юритиш, руҳида кечаётган жараёнларни таҳлил қилиш, хатти-ҳаракатларини назорат этишдек қобилиятга ҳам эга.

Ўзини ўзгалардан ажрата билиш, ўзига муносабат, имкониятларини баўолаш, ўз-ўзини англаш сифатида намоён бўлади. ўз-ўзини англашда ўзини билиш, баҳолаш ва тартибга солишдек унсурларни ажратиш мумкин. Бу унсурлар ўз-ўзини англашнинг соҳиби – субъектига кўра фарқланувчи муайян шахс, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамиятга хосдир. Инсоннинг ўз-ўзини англаши ҳақида гап кетар экан, у ўзини алоҳида организм, оила, ижтимоий гуруҳ, миллат, маданиятга мансублигини ва юқоридаги хусусиятлардан қатъий назар, алоҳида ва бетакрор «Мен» сифатида англашдек босқичларни босиб ўтишини таъкидлаш зарур.

Одамзотнинг ўзини англаши учун ҳам юксак ижтимоий мақсадлар ифодаси бўлган қатъий ишонч, ички аҳднома (имон) ҳамда идеал керак. Одамнинг инсонга

айланишида аждоодларнинг панд-насихатлари, ўғитлари, даъватлари, тажрибалари ҳам муҳим ўрин тутди. Одамда чин инсоний сифатлар ёки ғайриинсоний қусурлар шаклланишида мафкура ҳал қилувчи роль ўйнайди.

5. Онг ўз табиатига кўра ижтимоийдир. Ижтимоий онгнинг моҳияти, унинг ривожланишини ижтимоий борлиқ белгилайди ва унга нисбатан бирламчидир.

Ижтимоий борлиқ жамият моддий ишлаб чиқариш муносабатлари тизимидир. Ижтимоий онг жамиятнинг ишлаб чиқариш муносабаларини ўзида акс эттирувчи, жамиятнинг умумий маънавий ҳаёт даражасини ифодаловчи ҳис, туйғу, ғоя ва қарашларнинг мажмуидир. Ижтимоий онг ижтимоий борлиқнинг инъикосидир. Ижтимоий онг ижтимоий борлиққа нисбатан нисбий мустақилликка эгадир. Ижтимоий онгнинг нисбий мустақиллиги унинг ижтимоий борлиқдан ўзиб кетиши ёки орқада қолиши шаклида; унинг ривожланишидаги ворисликда; ғояларнинг жамият тараққиётида фаол ролида намоён бўлади.

Ижтимоий онгнинг қуйи даражаси одатий (кундалик) онг, юқори даражаси эса назарий онгдир. Одатий онг муайян ижтимоий муҳитда ўз-ўзидан шаклланади, назарий онг эса воқеликнинг ички ва ташқи муҳим алоқаларини, қонуниятларини ифодалагани учун у ўқиш, ўрганиш, муайян соҳанинг билимдони бўлишни тақоза этади. Одатий онг назарий онг ривожини учун бир туртки вазифасини ўташи мумкин, назарий онг эса одатий онгни янги мазмун билан бойитиб, реал ҳаётга яқинлаштиради.

6. Ижтимоий онг тузилиши (структураси) ижтимоий руҳият ва ижтимоий мафкура тарзида намоён бўлади. Ижтимоий руҳият кишиларнинг кундалик ҳаёти давомида стихияли тарзда (ўз-ўзидан) ҳосил бўладиган ҳис-туйғулар, кайфиятлар, кечинмалар, ҳаёллар, орзу-армонлар мажмуидир. Ижтимоий мафкура ижтимоий воқелик ва келажакни ўзида инъикос эттирадиган, муайян ижтимоий мақсадларни одамлар, социал гуруҳлар англаб олишларига имкон туғдирадиган фикрлар, ғоялар, қарашлар, гипотезалар, назариялар тизими ҳамда муайян устивор ғояни инсон имон-эътиқодига, халқ оммаси маслагига айлантириш ижтимоий институтлари, воситалари, усуллари йиғиндисидир. Ижтимоий онгнинг ҳар икки даражаси бири-бирига таъсир ўтказади.

Миллий мафкура муайян жамиятдаги барча миллат ва элатларни битта асосий мақсадга ундайдиган ғоялар тизимидан ташкил топади. У халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, динига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга сингдириши лозим. Шу билан бирга бу мафкура халқимизда ўзининг қудрати ва ҳимоясига суянган ҳолда, умуминсоний қадриятларга асосланиб, жаҳон ҳамжамиятидаги мутараққий давлатлар орасида тенг ҳуқуқли ўлароқ муносиб ўрин эгаллашга доимо интилиш ҳиссини тарбияламоғи керак.

Шубҳасиз, айнан шундай мафкурагина фикр қарамлиги, тафаккур қуллигининг олдини олишга хизмат қилади, миллий жипсликни, тараққиётни, мамлакатимизнинг том маънодаги буюк келажакни таъминлайди.

7. Миллий маданият ва миллий ўзликни англаш миллат маънавий оламининг қўш қанотидир.

Миллий ўзликни англаш иқтисодий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик ва бошқа муносабатлар мустақил давлат, тил ва маданият асосида инсон онгида ўз ифодасини топади. Ўзбекистон ўз мустақиллигига эга бўлгач, мустамлака шароитида йўқолиб бораётган миллий ғурур, ифтихор хислари ривожланиб,

миллий ўзликни англаш беқиёс ошиб бораётгани куйидаги ҳолатларда намоён бўлмоқда:

а) кишиларда ўзбек халқи ва бошқа халқлар намоёндаларининг ўз тарихи ва маданий меросини ўрганишга қизиқишда;

б) Ўз миллий тили ижтимоий вазифаларини кенгайтиришдан манфаатдорликда;

в) Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш учун кўрсатадиган жонбозликда;

г) миллий бирлик ва тотувлик зарурлигини тушуниб, шу асосда фаолият белгилашда;

д) бозор иқтисоди муносабатларига тўла-тўқис тезроқ ўтиб олиб, иқтисодий бўҳрондан чиқиб олиш учун кўрсатаётган фидоийликда;

ж) миллий маданиятга нисбатан лоқайдликка барҳам бериш заруриятини англашда ўз ифодасини топмоқда.

8. Ижтимоий онг шаклларида сиёсий онг, ҳуқуқий онг, ахлоқий онг, эстетик онг, диний онг ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, жамият ҳаётида муҳим аҳамиятга эга.

9. Бугунги кунда буюк давлат, буюк келажакка эришиш учун сиёсий етук, маърифатли, ҳуқуқий маданиятга эга, ўзининг ўтмиши, улуғ қадриятлари, миллати билан фахрланадиган ва келажакка ишонадиган инсонларни тарбиялаш жамиятимиз олдида турган долзарб вазифадир.

3.4.-мавзу: Ҳаракат ва тараққиёт, унинг фалсафий мазмуни.

Режа:

1. Умумий алоқадорлик, боғлиқлик ва ривожланиш тушунчалари.

2. Фалсафий тафаккур услублари: софистика, эклектика, догматика, метафизика, синергетика.

3. Билишнинг диалектик услуби.

1. Оламдаги нарса ва ходисаларнинг ҳаракати, ўзгариши, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиб туриши, ривожланиши, улар ўртасидаги алоқадорлик ва ўзаро таъсир каби масалаларни билмасдан туриб, олам ва унинг тараққиёти, ривожланиш манбаи, ҳаракатлантирувчи кучлари тўғрисида илмий тасаввурга эга бўлиш қийин.

Борлиқдаги ҳамма нарсалар, ҳодиса ва жараёнлар ўзаро боғлиқ бўлиб, улар умумий алоқадорликда бир-бирига таъсир ва акс таъсир қилиб туради, бир-бирларини тақоза қилади.

Ўзаро алоқадорлик ялпи умумий тасниф (характер)га эга. Унинг бу ялпи умумийлиги шундаки, биринчидан, бу алоқадорлик бир бутун борлиққа, яъни табиат, жамият, инсон, инсон тафаккури ва билишга хосдир; иккинчидан, бу алоқадорлик борлиқнинг ҳамма кўринишларига оид барча нарса ва ходисаларни, уларга хос ҳамма нарса ва ҳолатларни, бир бутун инсон билиш жараёнини, ҳуллас, бир бутун моддий ва маънавий оламнинг ҳамма боғланишларини ўз ичига олади. Алоқадорлик ва боғланишлар бир бутун борлиқнинг турли томонлари ва материянинг турли кўринишлари ўртасидагина мавжуд бўлмасдан, балки ҳар бир нарса ёки ходисанинг ҳам ўзидаги барча томонлари, ҳамма белги ва хусусиятлари ўртасида ҳам мавжуддир. Чунки ҳар бир нарса ёки ходисанинг ҳамма томонлари бир-бирига боғлиқ бўлиши ва бир-бирлари билан жуда маҳкам ва чамбарчас

алоқадорлиги қонуний ва табиий ҳолдир. Алоқадорлик ва боғланишлар борлиқнинг барча соҳаларида турли-туман шаклларда намоён бўлади. Борлиқнинг аниқ соҳаларига оид алоқадорликларни аниқ фанлар ўрганади.

Нарса ва ходисаларнинг ҳаракати, ўзгариши ва ривожланишига улар ўртасидаги боғланиш ва алоқадорлик, таъсир ва акс таъсир асос бўлади. Албатта оламдаги ҳар қандай боғланиш ҳам ривожланишга сабаб бўлавермайди. Чунки бу боғланишларнинг кўлами, моҳияти, таъсир кучи ва доираси турлича. Боғланишларнинг ана шу хусусиятларига қараб, зарурий ва тасодифий, ички ва ташқи, бевосита ва билвосита, муҳим ва муҳим бўлмаган ва ҳақозо боғланишларга ажратиш мумкин.

Биз «Борлиқ» категориясини ўрганганимизда, ҳаракат борлиқнинг умумий яшаш усули, унинг ажралмас хоссаси эканлиги, унинг фалсафий маъноси ҳар қандай ўзгаришни ифодалаши билан танишган эдик. Ҳар қандай ўзгариш ҳаракат, лекин ҳар қандай ҳаракат ўзгариш эмасдир. Ўзгариш нарса ва ходисаларнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга, бир кўринишдан бошқа кўринишга ўтишидир. Бироқ ҳар қандай ўзгариш тараққиёт бўлмаса ҳам, унинг таркибида тараққиёт унсурлари ҳам бўлади.

Тараққиёт кенг маънода қуйидан юқорига, оддийдан мураккабга қараб илгарилаб боровчи ҳаракатдир. У шундай ўзгаришки, у нарса ва ходисаларнинг қуйи босқичи ўрнини юқорироқ босқич олишидир. Тараққиёт бошқа жиҳатдан нарса ва ходисаларнинг миқдор ва сифатининг ўзгариб, бошқа нарса ва ходисаларга айланишини англатади. Ҳар қандай реал тараққиёт спиралсимон ҳолда, унинг ҳар бир янги ўраи олдингисига қараганда кенгроқ, бойроқ, мазмунлироқ, юқорироқ асосда эгри-бугри йўллар билан содир бўлади.

Шуни айтиш керакки, тараққиётнинг барча томонлари, босқичлари, унинг конкрет хусусиятлари хусусий фанлар томонидан ўрганилиб, уларнинг ҳар бири ўзининг соҳасига оид алоҳида назарияларни ишлаб чиқади ва мукаммалаштириб боради. Тараққиётнинг махсус фанлар соҳаларига оид бундай назарияларнинг умумий жиҳатлари фалсафа фанининг билиш назариясида ифодаланади. Тафаккур услуби билиш жавраёнининг йўналишини белгиловчи билимлар, ғоялар, назариялар йиғиндиси. Фалсафий тафаккур услубида моддий олам ва унинг ривожланиш қонуниятларини акс эттириш ҳамда англаб олиш муайян дунёқараш ва методологик тамойиллар асосида амалга оширилади. Моддий олам тараққиётининг энг умумий қонунларини акс эттирадиган фалсафий тамойиллар, қонунлар, категориялар ялпи умумийлик характериға эгадир. Шунинг учун улар оламни билиш ва қайта ўзгартиришнинг умумий усули сифатида намоён бўлади.

Инсон миясининг мавҳумлаштириш қобилияти натижаси бўлган тафаккур жараёнларини англаб олишда «услуб» (метод) тушунчасининг мазмунини билиб олиш лозим. Услуб, яъни метод юнонча «methodos» сўзидан олинган бўлиб, у одатда тадқиқот йўллари, назария, таълимот маъноларини англатади. Тадқиқот услублари аниқ фанларда ва фалсафа фанида ўзига хос хусусиятларга эгаки, уларни бир-бири билан аралаштириш мумкин эмас. Аниқ фанларда ишлатиладиган тадқиқот услублари илмий билиш методлари туркумиға киради. Фалсафа фанида услуб тушунчаси кенг маънода оламни фалсафий англаш, тафаккур тарзи мантиқи, қонун-қоидалари, тамойиллари шакллари ифодаланса, тор маънода фалсафий билимларни ҳосил этиш воситалари тушунилади.

Метод билиш жараёнида амал қилинадиган тамойиллар, ёндашувлар, қоидалар, талаблар тизимидир.

Методология илмий билишнинг бир қатор соҳаларига умумий ёндашув тамойиллари тизимидир. Фалсафий методология дунёқараш (онтология), гносеология (билиш) ҳамда тафаккур тарзининг ўзига хос хусусияти билан боғланиб кетадиган ялпи умумий ёндашувлар тизимидир.

«Тафаккур услуги» ва «илмий тафаккур услуги» тушунчалари бор. Кўп ҳолларда «тафаккур услуги», «ўрганиш услуги», «ёндашиш услуги» синоними сифатида қўлланилади. Шу маънода муайян муаммога ёндашиш, ўрганиш услуги сифатида тарихан билишнинг метафизик, эклектик, софистик, догматик ва диалектик услублари мавжуд бўлган. Эндиликда илмий билишнинг синергетик услуги шаклланмоқда.

2. Илмий билишнинг асосий мақсади табиатдаги, жамиятдаги, инсон руҳий оламидаги ҳодисалар моҳиятини билишдан иборат. Шу мақсад йўлидаги изланишлар туфайли табиётшунослик негизида илмий билишнинг метафизик услуги таркиб топди. Бу услубда табиатдаги нарсаларни бир-биридан ажратган, ҳаракатсиз ҳолда ўрганилиб, ана шу ўрганилаётган объектнинг ички жиҳатларини билиб олишга асосий эътибор қаратилади. Табиётшунослик, техникашунослик фанларида бу методдан фойдаланиб келинади. Чунки бу соҳаларнинг изланувчилари айрим-айрим нарсалардаги ички алоқадорликларни ўрганишга асосий эътиборни қаратиб, натижадор нарсаларни вужудга келтирадилар.

Оламдаги нарса, ҳодисалар доимо ҳаракатда, бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиш жараёнини бошидан кечириб туради. Фалсафий билишда бу ҳол ўз ифодасини топиши керак, албатта. Шунинг учун фалсафадан ва ижтимоий-гуманитар фанлардан натижадор маҳсулни талаб этиш ўринсиздир. Билишнинг метафизик услуги қадимда ва ўрта асрларда фалсафада ҳам қўллаб келинган. Аммо оламдаги муқаррар ўзгаришларни бу услуб ёрдамида тўласича қамраб олиб бўлмайди.

Софистик тафаккур тарзи асосида шаклланган билишнинг софистик методидан қадимги дунёдан то ҳозиргача фойдаланиб келинади. Антик дунёда нотик ва донишманд одамларни софистлар дейишган. Бироқ, кейинги асрларда софистик метод орқали ҳақиқат ниқоби остида ҳақиқий билимларни ёлғондакам билимлар билан алмаштиришга уриниб келдилар. Форобий шунинг учун ҳам «софос» - донолик, «истияс» - ёлғон, яъни «ёлғон донолик» деб софистик тафаккур тарзи ва методини қоралаган. Софистлар табиий тилдаги омонимия, амфиболиялардан фойдаланиб, одамлар эътиборини ҳақиқий билимдан чалғитадилар. Ф.Бэкон таъбири билан айтганда, софистлар ҳаддан ташқари маҳмадонадирлар, амалда улардан ҳеч қандай наф йўқ. Бизнинг давримизда ваҳҳобийлар, ҳизбут-тахрирчилар, акромийлар ва бошқа мазҳаблар софистик методдан фойдаланиб, одамларни, айниқса ёшларни тўғри йўлдан чалғитмоқдалар.

Билишнинг эклектик методидан ҳам фойдаланадилар. «Эклектика» юнонча сўз бўлиб, «танлайман» деган маънони англатади. Эклектиклар муҳим ва номуҳим, асосий ва ноасосий боғланишлар, алоқадорликлар ўртасидаги фарқни ҳисобга олмай, нарса ва ҳодисаларнинг қарама-қарши томонларини бир-бирига қориштириб юборадилар. Объектив дунёдаги нарса ва ҳодисалар ўзаро алоқа ва муносабатлардаги аниқ тарихий боғланишларни, аниқ (конкрет) ҳаракатда, ўзгариш ва ривожланишида асосий, ҳал қилувчи боғланишларнинг фарқига бормаслик билишнинг эклектик услубининг жиддий нуқсонидир.

Билишда тарихан догматик услуб ҳам қўллаб келинади. Даставвал бу услуб ёрдамида барча нарсага шубҳа билан қаровчилар (скептиклар)га қарши ижобий қоидалар ва таълимотлар яратганлар. Догматик услубга кўра, ҳақиқатлигини шубҳа остига олиш мумкин эмас, деб ҳисобланган тушунчалар ёрдамида олам ҳодисотларига муносабат билдирилади. Диний адабиётларда бу услубдан кенг фойдаланиб келинади. Шу билан бирга илм-фаннинг маълум бир соҳасида етарли билимга эга бўлмаган кишилар ҳам ўзлари буни истамаган ҳолда ёки мафкуравий таъзйиқ таъсирида догматик услуб ёрдамида тадқиқот олиб боришлари мумкин. Собик Шўролар даврида билишнинг догматик услуби асосида тадқиқот ўтказишга мажбур бўлганлар аслида коммунистик мафкура таъзйиқининг қурбонлари эдилар. Замон ва макондаги ўзгаришларни эътиборга олмай, ўзгармас (ақида) деб ҳисобланган тушунчалар билан билишга интилувчиларни одатда догматиклар, яъни ақидапарастлар ёки ҳарфхўрлар дейиш расм бўлган.

XX асрда фанда синергетик услуб тушунчаси пайдо бўлди. Синергетика юнонча сўздан олинган бўлиб, у «ҳамкорлик», «таъсир ўтказиш» маъноларини англатади. Синергетик ёндашувлар очик системалардаги тартибга тушмаган, беқарор, нотенг, чизиқсиз муносабатларни тадқиқ этишда қўл келади. Нотенглик воқеликдаги барча жараёнларнинг табиий ҳолати экан, демак, ўз-ўзини ташкиллаш жараёнларининг табиий интилишини англатади. Бу услуб табиат ва жамиятдаги тартибсиз ҳолатлар қандай қилиб ўз-ўзидан тартибга тушишини англаб олиш имконини беради. Оламни фалсафий билишга ёрдам берадиган бу услубни идеаллаштириб, уни диалектик услуб ўрнига қўйиш ҳам, бу услуб фақат табиётшунослик фанлари учун эътиборли деб қараш ҳам хатодир. Синергетик услубни ўз ўрнида қўллаш воқеликдаги тартибсиз ҳолатларнинг ўз-ўзидан тартибга тушиш қонуниятларини билиб олишга ёрдам беради.

3. Оламни билишнинг диалектик тафаккур тарзига ватандошимиз Зардушт асос солган. Унинг фикрича, оламда икки қарама-қарши куч (рух) ўртасида абадий кураш боради. Эзгулик руҳи ёвузлик руҳи устидан ғалаба қозонишида имонли (аъло) одамларнинг ҳаракати, фаолияти катта ўрин тутаяди. Эрамиздан олдинги V-IV асрларда қадимги Юнонистонда диалектика ҳам билиш методи, ҳам ҳақиқатни топиш учун баҳс санъати деб таърифланганини Форобий таъкидлайди. Форобийнинг қадимги грек файласуфларининг бу масалага доир фикрларига қўшилиш ва ривожлантиришнинг аҳамияти каттадир. Чунки марксизм-ленинизм ўзининг синфийлик тамойилидан келиб чиқиб, диалектикани таълимот (алоҳида назария) деб қарадики, бу хато қарашларга эргашувчилар фалсафани фан сифатида, назарий билим системаси эканини амалда тан олмай, катта хатоликка йўл қўядилар. Ҳозирги илмий фалсафанинг асосий методи диалектикадир. У нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини, уларнинг бир-бири билан алоқадорлиги ва ривожланиш қонуниятларини фалсафа фани қонунлари, категориялари, тамойиллари ёрдамида очиб бериш билан бошқа методлардан фарқ қилади.

Юзаки қараганда оламда нарса ва ҳодисалар қандайдир алоҳида-алоҳида, бир-бирига боғланмагандек ва гўё ҳаракатсиздек туюлади. Аслида улар бир бутун борлиқнинг айрим-айрим кўринган нарсалар ва ҳодисалари бўлиб, доимий ҳаракатда ва бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтишдадир. Билишнинг диалектик услубида нарса ва ҳодисалар ўзаро алоқада ва бир-бирини тақоза қилишда, айни вақтда улар доимий ҳаракатда, ўзгаришда ва бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтишда олиб қаралади. Олам ҳодисаларига бундай ёндашув одамни, тадқиқотчини

адашувлардан, янглишувлардан сақлаб, дунёнинг чинакам илмий манзарасини вужудга келтиради.

Диалектик мантиқ формал мантиқ билан узвий боғлиқ бўлиб, фақат ўзига хос тамойиллари билан ажралиб туради. Бу ўзига хослик шундан иборатки, фалсафа фанида дунёқараш билан узвий боғланиб кетган ялпи умумий методда тадқиқот олиб борилади. Бинобарин, диалектик услубнинг тамойиллари ана шу мақсадларга хизмат қилади. Бу тамойилларни икки гуруҳга бўлиш мумкин: а) объективлик, системалилик, тарихийлик ва диалектик зиддиятлилик тамойиллари; б) мавхумликдан аниқ (конкретлик)ка кўтарилиб бориш, мантиқийлик ва тарихийлик бирлиги тамойиллари.

Билишнинг диалектик методи ана шу тамойилларга таянган ҳолда оламни фалсафий англаш имкониятини воқеликка айлантириш учун хизмат қилиб, маънавиятни қарор топтиришнинг қудратли воситасига айланади.

Билишнинг диалектика услуби нарса ва ҳодисаларни ҳар тамонлама ва ўзаро муносабатда таҳлил қилиб, қандайдир ҳодисани ёки унинг айрим томонини бир ёқлама ажратиб таҳлил қилувчи софистикага ҳам, муҳим ва номуҳимни, оламдаги турли алоқа ва муносабатларни механик равишда қориштириб юборадиган эклектикага ҳам қаршидир.

3.5.-мавзу: Қонун⁴ ва фалсафа қонунлари.

Режа:

1. Фалсафада қонун тушунчаси ва унинг моҳияти. Қонун ва қонуният.
2. Миқдор ва сифатнинг ўзаро ўтиш қонуни.
3. Диалектик зиддиятлилик қонуни ва унинг моҳияти.
4. Инкорни инкор қонуни.

1. Одамзот тушунчалар, категориялар, қонунлар орқали оламни билиш имкониятига эга бўлади. Фалсафий қонунлар дунёдаги ўзгаришлар, пайдо бўлиш ва йўқолишлар, ривожланиш ва тараққиёт механизмларини англатади. **Қонун** муайян шарт-шароитда воқеалар ривожининг хусусияти ва йўналишини белгилайдиган, маълум бир қатъий натижани тақоза этадиган объектив дунёдаги нарса ва ходисаларнинг муҳим, зарурий, умумий, барқарор муносабатлари ифодасидир. Қонун билан қонуният тушунчаси ўртасида тафовут бор. Қонун қонуниятнинг бир, аниқ (конкрет) томонини ифода этади, қонуният эса умумий йўналиш, майл (тенденция)ни англатиб, туркум қонунлар мажмуаси сифатида намоён бўлади. Қонунлар амал қилиш доирасига қараб энг умумий, умумий ва хусусий бўлиши мумкин. Хусусий қонунлар муайян бир объектнинг ўзига хос хусусиятлари ўртасидаги ёки материя ҳаракатининг бирон-бир шакли доирасида мавжуд бўлган ички алоқадорликлар ифодасидир. Умумий қонунлар нарса ва ходисаларнинг катта мажмуалари ўртасидаги алоқадорликларни англатади.

⁴ Собик Шўролар даврида марксизм-ленинизм фалсафаси ва унинг синфийлик тамойиллари асосида фалсафага ўз тадқиқот соҳасига эга фан сифатида ёндашилмади. Бу ҳол фалсафа фани қонунларини номлашда ҳам ўз ифодасини топди. Масалан, қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни, миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ва сифат ўзгаришларининг миқдор ўзгаришларига ўтиш қонуни деб аталиб келинди. Бу қонунларни шу тарзда аташ мустақиллик йилларида нашр этилган адабиётларда ҳам учратиш мумкин. Аммо биз ҳозирги замон рус файласуфларининг фикрига кўшилиб, фалсафа фанининг бу қонунларини миқдор ва сифатнинг ўзаро ўтиш қонуни, диалектик зиддиятлилик қонуни, деб аташни илмий жиҳатдан маъқул ҳисоблаймиз.

Энг умумий қонунлар эса табиат, жамият ва тафаккурдаги барча алоқадорликлар, ўзгаришлар ва тараққиёт мурват(механизм)ларини англаш, воқеалар ривожининг пировард оқибатларини олдиндан фахмлаб олиш имконини беради. Буларга фалсафа фани қонунлари киради.

2. Миқдор ва сифатнинг ўзаро ўтиш қонунининг моҳияти шундан иборатки, нарса ва ходисалардаги сезиларли бўлмаган миқдорий ўзгаришлар аста-секин тўплана бориб, тараққиётнинг маълум бир босқичида меъёрни бузади ва сакраш йўли билан туб сифат ўзгаришларига олиб келади. Бу қонуннинг моҳиятини тушуниш учун сифат, миқдор, меъёр, хосса тушунчалари ва уларнинг моҳиятини билиш талаб қилинади.

3. Диалектик зиддиятлилик қонунига мувофиқ, ҳар бир нарса бир-бири билан узвий алоқада ва бири иккинчисини истисно этувчи зидма – зид томонларга, кучларга эга. Бу томонлар ўртасидаги муносабатлар зиддият деб аталиб, у тараққиётнинг манбаъини ифодалаб, эскининг йўқолиши ва янгининг пайдо бўлишини ифодалайди. Зиддиятлилик ҳамма нарса, ходиса ва жараёнларга хос. Ички ва ташқи, асосий ва ноасосий, бош ва бош бўлмаган, антогонистик ва ноантогонистик зиддиятлар бўлади.

Зиддиятлар хилма-хил тарзда хал қилиниши мумкин. Улардан бири эскининг емирилиб, янгининг қарор топишидир. Ижтимоий ҳаётда нарса ва ходисалар ўртасидаги зиддиятларни бартараф этиб, шу асосда тараққиётда илгарилаб бориш мумкин. Зиддиятларни бартараф этишнинг самарали шакллари билан бири - конценсус (ўзаро келишув)дир.

Агар жамиятда манфаатлар тўқнашувида юзага келадиган ноантогонистик зиддиятлар конценсус асосида хал этиб борилмаса, улар ўзининг қарама-қарши томонига оғиб, антогонистик зиддиятларга айланиб кетиши мумкин. Ҳар бир мамлакат ичида ҳам, дунё миқёсидаги зиддиятларни ҳам конценсус йўли билан хал этиб бориш ҳозирги давр учун ниҳоятда аҳамиятлидир.

4. Инкорни инкор қонунига мувофиқ объектив воқеликдаги нарса ва ходисалар ривожланиш жараёнида эскининг янги томонидан инкор қилиш шаклида рўй беради. Бироқ эскилик бутунлигича инкор қилинмайди, ундаги ижобий томонлар сақланиб қолади, яъни ворислик рўй беради. Ворислик туфайли янги ривожлана олади. Ворислик нарса ва ходисада, шунингдек билишда янги билан эски ўртасидаги объектив зарурий боғланишни англатади.

Ривожланиш бурама шаклда, маълум нисбий такрорланишлар асосида оддийдан мураккабга, пастдан юқорига қараб боради.

Инкорни инкор қонуни нотирик ва тирик табиатда ўзига хос шаклларда намоён бўлади.

3.6.-мавзу: Фалсафа фани категориялари.

Режа:

1. Фалсафа фани категорияларининг ўзига хос хусусиятлари.
2. Оламдаги умумий алоқадорликни ифодаловчи категориялар.
3. Нарса ва ходисалар тузилишини акс эттувчи категориялар.
4. Нарса ва ходисалар ўртасидаги сабабли боғланиш (детерминизм)ни англашга имкон яратувчи категориялар.

1. «Категория» юнонча сўз бўлиб, у «гувоҳ», «таъриф», «ифода» деган луғовий маъноларга эга. Уларнинг фалсафий маъноси эса объектив оламдаги нарса, ходисалардаги умумий ва муҳим боғлиқликлар, муносабатлар ифодасидир. Фалсафа фани категориялари бошқа фанлар категорияларидан қуйидаги хусусиятлари билан фарқ қилади:

1) Улар объектив оламдаги энг умумий қонуниятли алоқадорликлар инъикосидир.

2) Фалсафа фани категориялари билиш босқичлари ва таянч нуқтаси ҳисобланади.

3) Улар оламдаги нарса ва ходисаларни илмий билиш учун методологик асос бўлади. Фалсафий категориялар бир томондан, нарсаларнинг моҳиятини чуқурроқ ва тўлароқ билишга ёрдам беради, иккинчи томондан объектив дунёдаги нарса ва ходисалар ҳақида янги билимлар олиш ва тўплашга сабаб бўлади.

4) Фалсафа фани категориялари шаклланишида инсон ва унинг уюшмалари, барча фаолиятининг йиғиндиси бўлган амалиёт ётади ва айни чоғда улар амалиёт йўлини ёритади. Бошқа фанлар категориялари табиат, жамият ва тафаккурга хос боғланишлар, алоқадорликларнинг муайян бир соҳасини ифодаласа, фалсафий категориялар объектив оламдаги энг умумий алоқадорликлар, ўзаро боғлиқликлар ва ўзаро таъсирларни акс эттиради. Бу категориялар мавжуд нарсалар моҳиятини билишнигина эмас, шу билан бирга уларнинг истиқболда ўзгариш ва ривожланиш йўналишларини ҳам кўрсатади.

Фалсафа фанининг жуфт категориялари оламдаги зиддиятли ва сабабли боғланишлар, ўзаро таъсир ва тақозаларни ифодалайди.

Оламдаги умумий алоқадорликни ифодаловчи категорияларга айримлик, хусусийлик ва умумийлик; моҳият ва ходиса киради.

Фазо ва вақтда бир – биридан чегараланган, индивидуал сифат ва миқдор муайянлигига эга бўлган нарса ва ходисалар айримлик категориясида ифодаланади. Умумийлик эса нарса хоссалари ва муносабатлари ўртасидаги ўхшашлик, бир бутунликни англатади. Айримлик билан умумийликни гўё боғловчи сифатида хусусийлик мавжуд бўлади. Бу категорияларни билиш илмий тадқиқотларда ҳам, ижтимоий ходисаларни англашда ҳам хатоликлар, адашишлардан сақлайди.

Моҳият оламдаги нарса ва ходисалар ўз ичида яширинган энг муҳим, энг зарур ва нисбатан барқарор алоқадорликлар, муносабатлар бирлиги ифодасидир. Моҳият ялпи умумий алоқадорлик ифодаси сифатида қонуниятга тенг келади.

Ходиса моҳиятнинг тез ўзгарувчан, ҳаракатчан ва турли шаклларда намоён бўладиган ташқи томони бўлиб, уларни ўрганиш жараёнида нарсанинг моҳиятини англаб оламиз. Илм – фан, инсон кузатувлари ва тажрибаси нарса ва ходисалардаги моҳиятни топишга қаратилган бўлиб, бунга уларни ташқи томондан осон илғаб олинадиган ходисалар орқали эришилади. Моҳият ва ходиса алоқадорлигида моҳият белгиловчи ва ходиса белгиланувчи, моҳиятдан келиб чиқувчидир.

3. Нарса ва ходисалар сифатини ифодаловчи ички жараёнлар, муҳим унсурлар бир бутунлиги йиғиндиси мазмундир. Шакл эса мазмуннинг мавжудлик, намоён бўлиш ва таракқий этиш, унинг тузилишини ифодалаш усулидир. Ҳар бир нарса мазмун ва шакл бирлигидан иборатдир. Уларнинг бирини иккинчисидан устун қўйиш хатоликларга олиб келади.

Бутун ва қисм, система, структура ва элемент категорияси оламдаги нарса ва ходисалар ички ва ташқи томондан тартибли тузилиш, улар бир – бири билан узвий

боғлиқлиги ва бир – бирини тақоза этишини англатади. Бутун нарса ва ходиса уни ташкил этган қисмлардан иборат ягоналикдир. Бутун қисмларнинг оддий йиғиндиси эмас, балки уларнинг муайян тартибда ташкилланиши ва ички ўзаро боғлиқлиги ифодасидир. қисм бутун таркибига кирадиган, унинг доирасидагина ўз вазифаси (функцияси)ни бажара оладиган алохидалиқдир. Система бутунлик қисмларининг тартибли тарзда жойлашувини ифодалайди. Система таркибидаги ҳар бир қисм ва элемент ўз вазифасини (функцияси)ни маромли бажариш учун улар албатта ўз ўрнида туриб структурани ташкил этиши шарт.

Структура (тузилиш) бутунни ташкил қилган қисм ва элементларнинг тартибли боғланиши, бутун доирасидаги улар муносабатларининг ўзаро тақозасидир. Элемент ва структура қарама - қаршилиқлар бирлигини ташкил этади. Элементлар ўзгарувчан, структура эса турғунлик, ўзгармасликка мойил бўлади.

4. Нарса ва ходисалар ўртасидаги сабабли боғланишларни англашга имкон яратувчи категориялар: сабаб ва оқибат, зарурият ва тасодифият, имконият ва воқелик ҳисобланади.

Сабаб деб муайян шарт-шароитларда бошқа бир нарса, ходисани юзага келтирган ёки ўзгартирган нарса ёки ҳаракат таъсирига айтилади. Сабабият шундай ички алоқадорликни, бу алоқада ҳар сафар бир ходиса бўлганда, муқаррар равишда иккинчиси унинг оқибати сифатида рўй беради. Олам тараққиётидаги боғланишлар сабабиятга, умумий қонуниятга бўйсунди, деб ҳисобловчи таълимот фанда детерминизм дейилади. Аксинча, сабабият ва заруриятни инкор этиб, бу категорияларни воқеликдан ажратган ҳолда тушунтирувчи оқим индетерминизм, деб аталади.

Зарурият нарса ва ходисаларнинг ички моҳияти билан мустаҳкам боғлиқ бўлиб, бу моҳиятдаги қонуний алоқадорликларни ифодалайдиган ва муайян шароитда муқаррар равишда рўй берадиган ёки рўй бериши лозим бўлган нарса ва ходисаларни англатади. Заруриятнинг ички ва ташқи, умумий ва айрим, динамик ва статистик турлари мавжуд.

Тасодифият муайян нарса ва ходисанинг бевосита ички моҳияти, муқаррор қонуний алоқадорлигидан эмас, балки унинг ташқи, беқарор, ноизчил, англаниши қийин бўлган ўткинчи алоқадорликлар ва муносабатлардан келиб чиқади.

Имконият объектив воқеликда потенциал (эхтимоллик) даражасида мавжуд бўлган, тараққиёт жараёнида ва муайян шарт – шароитларда рўёбга чиқадиган мумкинликдир.

Воқелик ҳаракат ва тараққиёт жараёнида юзага келган ва келиши мумкин бўлган нарса ва ходисадир. Демак, воқелик амалга ошган, ўзини намоён этган имкониятдир. Олам кўп қиррали, турли ходисаларга бой бўлганлиги учун ҳам имкониятнинг воқеликка айланиши турлича содир бўлиши мумкин. Шундай экан назарий ва амалий фаолиятда реал имконият билан мавҳум ёки формал имкониятларни ажрата билиш лозим.

Фалсафа фанининг қонун ва категориялари ўзаро бир-бирини тўлдиради, улар биргаликда оламни илмий-фалсафий билиш имкониятини вужудга келтириб, объектив воқеликка мувофиқ келадиган дунёқарашни шакллантиради.

3.7.-мавзу: Фалсафа фани тамойиллари.

Режа:

1. Объективлик тамойили.
2. Воқеликдаги нарса ва ходисаларни ҳар томонлама ва ўзаро муносабатда таҳлил қилиш тамойили.
3. Нарса ва ходисаларни ҳаракатда, ўзгаришда ва ривожланишда олиб қараш тамойили.
4. Конкрет (аниқ) тарихий ёндошиш тамойили.

1. Илмий фалсафада диалектик услуб асосида фикрлаш ўзига хос бир қатор тамойилларга асосланади ва уларга қатъий риоя этиш талаб қилинади. Объективлик унинг муҳим тамойилларидан биридир. Бунга биноан объектни билишда у ҳақдаги бизнинг субъектив фикрларимиздан эмас, балки унинг табиатидан келиб чиқиб, предмет ҳақидаги қарашларни предметга бўйсундириш, олдиндан ўйлаб қўйилган схема ва фаразлар асосида муносабат белгиламасдан, балки унинг хоссалари, қирралари, тамонларини таҳлил этиш керак. Тадқиқот жараёнида бу тамойилнинг бузилиши тадқиқотчини нотўғри хулосаларга, беихтиёр воқеликни бузиб кўрсатишга олиб келади. Шунинг учун ҳам бу тамойилдан келиб чиққан ҳолда билиш субъекти объектнинг ўзига хос хусусиятлари ва алоқаларини, унинг мавжудлик ва ўзгариш қонунларини ҳисобга олиши керак. Шундагина субъект учун тадқиқот объектнинг ички табиати, моҳиятига кириш йўли очилади.

2. Билишнинг диалектик услуби оламдаги нарса ёки ходисани ўрганишда уларнинг ҳамма томон ва боғланишларини, шунингдек, унинг бошқа нарсалар ва ходисалар билан ўзаро муносабатларини ҳисобга олишни талаб этади.

Реал воқеликдаги нарсалар бир-биридан ажралган алоҳида мавжуд бўлмасдан, балки бир-бири билан мустаҳкам ўзаро боғланишларда бўлади ва бир-бирини тақоза қилади. Шунинг учун оламдаги нарсалар мантиқининг инъикоси бўлган инсон тафаккури воқеликдаги нарса ва ходисаларни бутун ташқи олам билан бирга жонли ва турли-туман алоқасини қамраб олиши, акс эттириши керак. Назарий билим ўрганилаётган объектнинг ҳар тамонлама муносабатларда бўлишини кўрсатиб бориши лозим. Фақат нарса ва ходисаларнинг ҳамма боғланиш ва ўзаро муносабатларини билиш инсонга ҳақиқатга эришиш имкониятини беради.

3. Билишнинг диалектик услуби оламдаги нарса ва ходисаларни фақат ўзаро алоқада ва бир-бирини тақоза қилишда олиб қараш билан бирга уни ҳаракатда, ўзгаришда ва ривожланишда қарашни талаб қилади. Бу ҳам диалектиканинг муҳим тамойилларидан бири бўлиб, у бевосита нарса ва ходисаларнинг ўзаро алоқадорлиги тамойилидан келиб чиқади. Бунинг боиси шундаки, воқеликдаги барча нарса ва ходисалар ўзаро алоқадорлиги, боғланишлари туфайли бир-бирига таъсир қилади ва уларнинг худди шу ўзаро таъсири ҳаракатдир. Табиат ва жамият ходисаларининг ўзаро боғлиқлиги ва бир-бирига таъсир қилиб туриши уларнинг доимий ҳаракатда ривожланиш ва ўзгаришда бўлиб туришини кўрсатади. Ҳамма ходисалар ўзаро боғлиқ бўлиб, бири иккинчисини тақоза этади. Зеро, дунё абадий ҳаракат, ўзгариш ва ривожланишдадир.

4. Билиш диалектик услубининг яна бир муҳим тамойилига биноан ҳар қандай нарса ва ходисани таҳлил қилишда, ўрганишда унга конкрет (аниқ) тарихий ёндошмоқ керак. Нарса ва ходисалар моҳиятини билиш учун уни теварак-атрофдаги муҳит, шароит, жой, вақтда боғланган ҳолда ўрганиш мақсадга

мувофикдир. Конкрет тарихий ёндашиш тамойилига амал қилмаслик назария ва амалиётда хатоликларга олиб келиши муқаррар.

Диалектик услубнинг бу тамойили илмий билиш ва амалиётда катта методологик роль ўйнайди. Нарса ва ходисаларга конкрет тарихий ёндошиш уларнинг ривожига таъсир кўрсатадиган омилларни тараққий этиш йўналишларини белгилаб олиш имкониятини яратади.

3.8.-мавзу: Билиш жараёнининг даражалари ва босқичлари.

Режа:

1. Билиш муаммосининг фалсафада қўйилиши ва ҳал қилиниши.
2. Билиш воқеликнинг инсон онгида инъикос этиш жараёни. Билишнинг объекти ва субъекти.
3. Билиш жараёнининг босқичлари. Хиссий ва ақлий (мантиқий) билиш.
4. Ҳақиқат тушунчаси. Ҳақиқатнинг объективлиги, нисбий ва мутлоқ ҳақиқат диалектикаси.
5. Илмий билиш ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
6. Илмий билишнинг эмпирик ва назарий даражалари.
7. Илмий билишнинг эмпирик даражасида қўлланиладиган услублар.
8. Илмий билишнинг назарий даражасида қўлланиладиган услублар.
9. Илмий билиш шакллари: илмий муаммо, илмий ғоя, гипотеза, назария, илмий олдиндан кўриш (башорат).

1. Дунёни билиш масаласи доимо файласуфлар диққат марказида бўлиб келган. қадимги файласуфлар, жумладан Марказий Осиё мутафаккирлари (Фаробий, Беруний, Абу Али ибн Сино ва бошқалар) ҳам оламни билиш ва ҳақиқатга эришиш мумкинлигини таъкидлайдилар. Шу билан бирга фалсафа тарихида табиат ва жамиятнинг ривожланиш қонунларини билиш мумкинлигини инкор этувчи, шубҳа қилувчи таълимотлар бўлиб, улар агностицизм ва скептицизмдир (И.Кант, Д.Юм).

Инсоният, ижтимоий амалиёт ва илмий билиш тараққиётининг илгарилаб бориши бундай таълимотларни пучга чиқармоқда.

2. Билиш – моддий ва маънавий борлиқнинг инсон миёсида умумлаштирилган, абстрактлашган ҳолида муайян мақсадга қаратилган фаол акс этишидир.

Фалсафа фанининг билиш назарияси қуйидагиларга асосланади.

- Объектив олам бизнинг тасаввуримизга боғлиқ бўлмаган ҳолда, ундан ташқарида мавжуд, у инсон сезги ва тасавурлари манбаъидир.

- Инсон дунё ва унинг ривожланиш қонунларини билиши мумкин, унинг сезги, тасаввур ва тушунчаларида ўзига боғлиқ бўлмаган олам мазмуни инъикос этади.

- Билиш жараёнида амалиёт муҳим роль ўйнайди. Биринчидан, амалиёт билишнинг бошланғич нуқтаси ва асосидир, иккинчидан, билишнинг мақсади ҳамдир.

3. Ташқи оламнинг инсон миёсидаги инъикоси мураккаб диалектик жараёндир, бу жараён хиссий ва ақлий (мантиқий) билиш босқичларида амалга ошади. Хиссий билиш босқичи сезиш, идрок, тасаввур шаклларида амалга ошиб, дунё ҳақида маълум даражада чекланган аниқ билимлар келиб чиқади. Нарсаларнинг муҳим белгилари, уларнинг ички боғланишлари, моҳиятлари мантиқий билиш босқичида – тушунча, ҳукм, хулосалар шаклида акс этади.

4. Ҳар бир тарихий даврда инсон ўзининг амалий фаолияти натижасида объектив оламни тўла ва аниқ акс эттирувчи билимга эга бўлиб боради. Билим объектив реалликка мос келадими ёки йўқми? Бу масала ҳақиқат тўғрисидаги таълимотда ўз ифодасини топади. Шу ўринда ҳақиқат, унинг объективлиги, мутлоқ ва нисбий ҳақиқатлар, ҳақиқатнинг конкретлигини билиш муҳим аҳамиятга эга.

5. Воқелик ходисаларини билиш оддий ҳаётий тирикчилик учун йўл топишдангина эмас, балки илмий тадқиқот йўли билан изланишлар натижасида янги билимларни вужудга келишидан ҳам иборатдир. Илмий тадқиқотда билишнинг аниқ шакл ва усулларида фойдаланиш орқали илмий билиш вужудга келади ва ривожланади.

6. Билишнинг асосий мазмунига қараб эмпирик ва назарий даражаларга ажратиш мумкин. Билишнинг эмпирик даражаси асосан тажриба билан боғланган билим бўлиб, у кузатиш, таққослаш, ўлчаш, чамалаш, эксперимент услублари маълумотлари натижасида вужудга келади ва ривожланади.

7. Назарий билиш даражаси асосан назарий тафаккур орқали ривожланади. Илмий билишнинг бу даражасида илгари тўпланган маълумотлар асосида оламдаги нарса ва ходисаларнинг алоҳида шакллари эмас, балки кенг миқдордаги бир қанча ходисалар ўртасидаги алоқадорлик ва тараққиёт қонуниятлари аниқланади. Мазкур асосий қонунлар бир қанча эмпирик қонунларнинг йиғиндисидан таркиб топган бўлиб, оламнинг илмий манзарасини ифодалайдиган назария ва концепцияларда намоён бўлади. Лекин шуни айтиш керакки, билишнинг бу икки даражаси бир-бири билан боғланган.

8. Билишнинг назарий даражасида мавҳумлик ва аниқлик, аксиоматик, тарихийлик ва мантикийлик, идеаллаштириш ва бошқа услублар қўлланилади. Шу билан бирга илмий билишнинг иккала даражаси учун умумий бўлган услублар ҳам мавжуд бўлиб булар: анализ ва синтез, индукция ва дедукция, аналогия, моделлаштириш, тизимлашдир.

9. Илмий билишнинг конкрет услублари билан бирга шакллари ҳам бўлиб, улар: илмий фараз, илмий назария, гипотеза, илмий башоратлардан иборат.

3.9.-мавзу: Фалсафада инсон муаммоси, унинг асосий жиҳатлари.

Режа:

1. Одамда табиийлик ва ижтимоийлик диалектикаси. «Одам», «инсон», «индивид» ва «шахс» тушунчалари.
2. Одам эволюцияси ҳақида ҳозирги замон фани хулосалари.
3. Индивид ва шахс тушунчаси.
4. Жамият ва шахс, шахс ва жамият муносабатлари.
5. Комил инсон шахсини шакллантириш объектив зарурият.
6. Жамиятимиз ҳозирги тараққиёт босқичида инсон омили ролининг, инсон ижтимоий-сиёсий фаоллигининг ўсиб бориши.

1. Инсон, унинг табиати ва моҳияти илм-фан ва фалсафанинг диққат-марказида турган муаммолардан бўлган. Бугунги кунга келиб эса илмий-техника инқилоби оқибатлари ва умумбашарий муаммолар ҳал этилишининг кескинлашуви туфайли ҳаёт маъноси айниқса долзарб бўлиб турибди. Фалсафа инсонни яхлит ўрганар экан, уни бир бутун (космик) система ичидаги алоҳида яхлитлик деб билади ва рационал (ақл ва фаросат) нуқтаи назаридан тарихий мавжудот сифатида ўрганади.

Одамдаги табиийлик ва ижтимоийлик бирлиги муаммосини англаб олиш муҳимдир. Одам аввало биологик мавжудот сифатида барча биологик турлар каби табиий тур белгиларига эга. Одамнинг туғилиши, ҳаётининг давомийлиги, вояга етиши, кўпгина қобилиятлари биологик асосга эга.

Табиийлик вақт жиҳатидан бирламчи бўлиб, ижтимоийлик шароит ва муҳит билан белгиланади. Одамнинг шаклланишида ижтимоийликни қарор топиши биологиявий омилларни бошқариш, тартибга солиш, чегаралаш ҳисобига амалга ошади. Шаклланган биологиявий омилларга ижтимоийлик катта таъсир кўрсатади.

Ижтимоийлик ва табиийликнинг инсон камолотидаги ўрни бир хил бўлмаган. Жамият ривожланган ва ижтимоий омил кучайган сари унинг биологиявийликка таъсири ҳам оша борган.

Аmmo биологик омил инсонда ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотиши мумкин эмас. У инсон моддий ва маънавий маданияти тараққиёти учун зарур шароитдир. Ҳар бир одам биологик жиҳатдан ҳам, ижтимоий жиҳатдан ҳам бетакрордир. Ҳар бир одам биологик ўзига хосликка, бетакрорликка эга экан, мана шу бетакрор негизга ижтимоий муҳитнинг таъсир қилиши ҳам бетакрор натижаларга олиб келади.

Ўзбек тилида «одам» ва «инсон» тушунчасига маънодош бўлган «шахс» тушунчалари ҳам мавжуддир. «Шахс» тушунчаси фақатгина ижтимоийликни англатиб, фалсафада мустақил категория сифатида қўлланилади. «Инсон» тушунчаси эса «одам» тушунчасига жуда яқин бўлиб, у жамият томонидан умум эътироф этилган қонун-қоидалар, одоб-ахлоқ нормаларига каттиқ риоя қилган ҳолда яшаш кўникмасига эга бўлади. «Одам» тушунчаси «шахс» ва «инсон» тушунчаларидан кенгрокдир. Бу тушунча фақат турга мансубликни ифодалаш билан ундаги ижтимоий жиҳатларни ҳам инкор қилмайди. Одамда биологик эҳтиёжларни қондириш олдинги ўринда турса, моддий эҳтиёжларини ўзи яшаётган жамият маънавий қадриятлари доирасида қондиришга интилиб яшашни афзал билади.

«Одам» ва «инсон» тушунчаларига муносабатда мана шу хусусиятларни албатта эътиборда олиш зарур. Акс ҳолда хулосалар бир томонлама ва ғайриилмий бўлиб қолади.

2. Одамнинг моҳиятини билиш унинг пайдо бўлиши ва тадрижий ривожланиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Дин ва унинг таълимотлари фанни ҳамиша ҳам инкор қилмайди, балки нарсаларнинг асл сабаби ва моҳиятини худо ғояси билан изоҳлайди. Инсоннинг пайдо бўлиши тўғрисидаги фалсафий таълимот ҳозирги замон табиийётшунослик фанлари далилларига асосланган. Одам сут эмизувчи ҳайвонларнинг махсус тури сифатида бундан тахминан 5-5,5 млн. йиллар муқаддам шаклланган, унинг хромосомаларида рўй берган ўзгаришлар туфайли у онгли меҳнат қилишга ўтиб, озиқ-овқат топишга, биргаликда ўз-ўзини ҳимоя қилишга ўрганган.

Антропосоциогенезнинг асосий омиллари - тил, нутқ, онг, маҳнат, никоҳ муносабатларининг тартиби, ижтимоий-ахлоқий тартиблар бир-бири билан узвий боғлиқликда амалга ошган.

3. Индивид одамлар гуруҳи жамоаси орасидаги ўзининг бетакрор хусусиятларига эга бўлган айрим кишидир.

Ижтимоий гуруҳ, жамоа, жамият индивидларни ўз измида боришга мажбур этибгина қолмай, балки улар «индивид ичида» ва улар туфайли мавжуд бўлади. Бунинг маъноси шуки, фақат жамоа индивидларга индивидуал қиёфалари қандай

шаклланишига таъсир кўрсатиб қолмай, шу билан бирга анча уюшган индивидлар ҳам муайян бутунлик (ижтимоий гуруҳ, жамоа ва ҳоказо) қандай ҳолатда намоён бўлишига таъсир этадилар. Индивид яшаётган тарихий давр, уни қуршаб олган ижтимоий муҳит унга ўз муҳрини босади, шунга мувофиқ у индивидуал феъл-атворга (хулққа) эга бўлади. Бу ҳол кўпинча унинг атрофидаги нарса ва ҳодисаларга фақат индивиднинг ўзигагина хос муносабатини вужудга келтиради. Индивид ўзи яшаб турган жамият имкониятлари ва шароитлари билан ҳисоблашади. Шу билан бирга жамият олдида, аждодлар руҳи ва келажак авлодлар олдида қарздор эканини англашдан бошлаб, индивидда шахсий сифатлар шакллана боради.

Шахс муайян тарихий шароитдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар жараёнида ўзи мансуб бўлган ижтимоий гуруҳ манфаатларини ифодалайдиган, буларни ҳимоя қила оладиган, мустақил фикрлаш ва муайян вазиятда маъсулиятни ўз бўйнига олиб, мустақил қарорга кела оладиган индивиддир. Мустақил фикрлаш, мустақил қарорларга келиш муайян дунёқараш, унинг таъсирида қарор топган кадриятларни кадрлашни тақоза этади. Шунинг учун шахс кадриятлар орқали муайян дунёқарашни ташувчи, ҳимоя қилувчи, қарор топтирувчи ижтимоий кучдир, бинобарин, у ўз дунёқарашини асосида шаклланадиган имон-этикод эгаси ҳамдир.

Эркинликка эга бўлиш шахс учун тарихий, ижтимоий ва ахлоқий кадрият бўлиб, унинг индивидуаллиги намоён бўлиши ва жамият тараққиёти даражасининг мезонидир.

Илмий фалсафа шахс ва унинг эркинлиги масаласига диалектик нуқтаи назардан қарайди: одам муайян тарихий давр ва жараёнда ҳар қачон танлов эркига эга, шунга мувофиқ унинг шахсий сифатлари намоён бўлади.

4. Жамият ўз аъзолари индивидуал қобилиятлари ва салоҳиятларини рўёбга чиқара олишлари учун нечоғлик шарт-шароит яратиш даражасига қараб, ўзи ҳам шу даражада тараққий этади. Илғор дунёқарашга эга шахслар қанчалик кўп бўлса, жамият ҳам шунчалар фаровон, ундаги муносабатлар шунчалик инсоний тус олиб боради. Жамият ўз тараққиёти давомида вужудга келган муаммоларни хал этиш жараёнида шахснинг муайян тарихий типларини яратади.

5. Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш шароитида имонли комил инсон шахсини шакллантириш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолди. Мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз олдига ана шундай шахсни шакллантиришни мақсад қилиб қўйди.

6. Мустақиллик йилларида амалга оширилаётган барча ислоҳотлар инсон манфаатлари, унинг эзгу мақсадлари рўёбга чиқишини таъминлашга, унинг баркамол сифатлар касб этишига қаратилгандир. Шахс ислоҳот натижаларидан баҳраманд бўлувчигина эмас, балки уларни собитқадамлик билан амалга оширувчи куч сифатида ҳам янгиланиш жараёнида ўзгаради, юксалади, кадр-қиммат топади ва эъозланади.

3.10.-мавзу: Маданият, қадриятлар, уларнинг инсон маънавий камолотидаги ўрнининг фалсафий талқини.

Режа:

1. Маданиятнинг фалсафий тушунчаси, унинг турлари ва жамият тараққиётидаги ўрни.
2. Маданият ва цивилизация, уларнинг ўзаро алоқадорлиги.
3. «Қадрият» тушунчаси, уларнинг моҳияти, турлари, жамият тараққиётидаги ўрни.
4. Миллий маданият ва қадриятлар, уларнинг комил инсонни тарбиялашдаги аҳамияти.

1. Маданият мураккаб ва серқирра ижтимоий ҳодисадир.

Маданият инсоннинг фаолияти жараёнида ҳамда унинг оқибатида яратилган жаъми моддий ва маънавий қадриятларни ўз ичига қамраб олади, маданият шахсни шакллантирувчи ва камолотга эриштирувчи ижтимоий ҳодисадир.

Маданият қадимий даврлардан пайдо бўлган ва у инсонлар ҳаётида доимо катта роль ўйнаб келмоқда. Маданият тарихи – инсоният тарихининг ажралмас бир қисми бўлиб, одамлар жамият бўлиб яшашга ўтгач, унинг аҳамияти бекиёс ошиб кетди.

Олимлар маданиятнинг келиб чиқишини турлича тушунтириб келадилар. Агар маданият нарсаларга ишлов, сайқал бериш маъносида талқин этилса, у ҳолда маданият элементлари питекантроплардан башланган, дейиш мумкин. Чунки, дағал бўлса-да, дастлабки меҳнат қуролларини яратиш ўшалардан бошлангани фанга маълум.

«Маданият» тушунчасига таъриф беришда ҳам турлича талқинлар мавжуд. Баъзи тадқиқотчилар уни арабча «мадина» ва «ият» сўзларининг қўшилишидан келиб чиққан ва у «шаҳарга оид» маъносини англатади, деб ҳисоблайдилар. Маданият бошқа халқлар тилларида, шу жумладан ўзбек тилида билимдонлик, тарбия кўрганлик маъноларида ишлатилади. Айрим Европалик олимлар маданият тушунчаси латинча «культура» сўзидан келиб чиққан, деб ҳисоблайдилар. Культура парваришlash маъносини билдиради. Уни кўпинча табиатга муносабатда, деҳқончилик билан шуғулланган ҳолатларга нисбатан ишлатганлар. Кейинчалик унга кенгроқ маъно бериб, маърифатлилик, билимлилик, тарбия кўрганлилик маъноларида ишлата бошлаганлар.

Маданият иккита турга – моддий ва маънавий маданиятга бўлинади. Маданиятнинг бу турлари ўзининг мазмун ва моҳиятига кўра бир-биридан фарқ қилади.

Моддий маданият деганда меҳнат қуроллари, моддий бойликлар моддий турмуш шароити учун хизмат қилишга яратилган нарсалар тушунилади. Моддий маданият моддий бойликларнинг бутун бир мажмуидир.

Маънавий маданият ижтимоий онгнинг барча шакллари, дунёқарашнинг бутун соҳасини, жамиятдаги ғоялар ва таълимотларни, бадий асарлар, эстетик қарашлар, маънавий-ахлоқий қадриятларни ўз ичига олади.

Маънавий ишлаб чиқариш натижасида яратилган ва жамият ҳамда инсонлар учун муҳим бўлган нарсалар маънавий бойликлар деб аталади. Маънавий бойликлар авлоддан-авлодга мерос бўлиб қолади ва у доимо жамият тараққиётида муҳим роль ўйнайди.

Маънавий маданият ўз шакли жихатидан икки хил – миллий ва байналмилал (интернационал) бўлади. Унинг миллий шакли муайян миллат, элатнинг тарихан таркиб топган маданиятидир: у буларга хос турмуш тарзи, рухий ҳолат, муносабатларни, хусусиятларни инъикос эттиради.

Ўзбек миллий маданиятида умумбашарий жихатлар кўп. Унинг мазмуни инсон ҳаёти, унинг муносабатларининг барча йўналишларида ижодийлик, фаоллик, яратувчи меҳнат қилишни ифодалайди.

Маданият ижтимоий амалиёт жараёнида бутун инсоният яратган ҳамда муайян жамият тараққиётида тарихан эришилган босқични англатадиган моддий ва маънавий қадриятлар йиғиндиси сифатида ҳам намоён бўлади.

Маданият тараққиёти муайян объектив қонунларга бўйсунди. Улар қуйидагилардан иборат.

а) маданиятнинг вужудга келиши бир типдан иккинчисига ўтиши, ишлаб чиқариш муносабатлари таснифи (характери), ижтимоий иқтисодий шароитларга ҳам боғлиқ;

б) Маданият тараққиётида ворислик муҳим ўрин эгаллайди. Жамиятда илгари ҳосил этилган, тўпланган моддий, маънавий бойликларни ўзлаштириш, ижодий ривожлантириш орқали маданият такомиллашиб боради, инкорни инкор қонуни туфайли тараққиётнинг олдинги босқичидаги тажрибаларни танқидий ўзлаштириш оқибатида юксалади;

в) Маданият тараққийпарвар ёки унга зид, эскирган ёки янги ғоя, мафкура, оқим, майллар курашида ҳам намоён бўлади. Унда ҳар доим зиддиятлар пайдо бўлиб, ҳал этиб борилади.

Маданият жамиятда билиш, алоқа (коммуникатив), тартибга солиш (регулятив), норматив, баҳолаш вазифаларини бажаради.

2. Маданият ва цивилизация тушунчалари ўзаро боғлиқ бўлиб, улар ўртасида умумийлик, яъни бирлик, муштараклик бор. Улар орасида яна тафовутлар (фарқ)лар ҳам мавжуд. Умумийлик шундаки, иккиси ҳам тарихий тараққиёт жараёнида халқ оммаси яратган, тарихан таркиб топган, моддий ва маънавий бойликлар, қадриятлар йиғиндиси негизида ривожланади.

Маданият билан цивилизация орасидаги тафовут шундаки, цивилизация инсон билан инсоният жамиятининг маданий ўзгартирувчилик, моддий ва маънавий маданиятни яратувчилик фаолиятининг бир босқичи, даражасидир.

Цивилизация ижтимоий-маданий бирикма сифатида маданиятнинг ижтимоий борлигини ҳам англатади. Кенг маънода цивилизация халқ ва халқлар ижодий фаолияти, муайян соҳалардаги муваффақияти, ўзига хос турмуш тарзининг намоён бўлишидир.

Цивилизацияни туркумлашда хилма-хилликлар кўп. Чунончи, ижтимоий, синфий, этник, диний, даврий тамойиллар асосида туркумлаш мавжуд. Цивилизация ҳар қандай формацияга, тарихий даврга қараганда кенгроқ тушунча бўлиб, унда умуминсоний, умумбашарий жихатлар етакчидир.

3. Қадрият ҳам фалсафа томонидан ўрганилаётган мураккаб ижтимоий ҳодисадир. Қадрият дейилганда, инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган, миллат, элат ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қиладиган ва шу туфайли улар томонидан баҳоланиб қадрланадиган табиат ва жамият неъматлари, ходисалар мажмуи назарда тутилади.

Қадриятлар ўз-ўзидан шаклланимайди, бойимайди. Уларнинг шаклланиши, ривожланиши учун муайян ижтимоий, иқтисодий, маънавий заминлар зарур.

Қадриятлар ўз моҳиятига кўра бир неча турга бўлинади. Инсон ва унинг ҳаёти энг олий қадрият ҳисобланади. Инсон йўқ жойда бирор нарсанинг кадр-қиммати тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам инсон кадр-қимматини эъзозлаш, унинг турмушини яхшилаш, билимли ва маданий савиясини ривожлантириш, соғлиғини сақлаш, ҳаётини ҳимоя қилиш давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишини ташкил этади.

Қадриятларнинг турларига яна табиий қадриятлар, моддий қадриятлар, маданий-маънавий қадриятлар, ижтимоий-сиёсий қадриятларни киритиш мумкин.

Қадриятлар амал қилиш доирасига кўра, миллий, минтақавий ва умуминсоний турларга бўлинади.

4. Миллий маданият ва қадриятлар доимо янги инсонни шакллантиришда, уни комиликка эриштиришда катта аҳамият касб этади. Мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлабқ миллий маданиятдан, қадриятлардан фойдаланган ҳолда комил инсонни шакллантиришга, унга юксак тарбия беришга ҳаракат қилинмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон фуқароларининг катта қисмини ёшлар ташкил этади, уларни шундай тарбиялаш керакки, токи улар Ватанни севиш, миллатни улуғлаш, миллий маданиятни кучайтириш, қадриятларни эъзозлаш ўзларининг бурчлари эканлигини хис қилишсин.

3.11.-мавзу: Жамятни фалсафий англаш асослари.

Режа:

1. Жамят тушунчаси, Жамятнинг келиб чиқиши, моҳияти ва тараққиёти тўғрисидаги фалсафий қарашлар.

2. Жамятни фалсафий англашнинг асосий тамойиллари.

3. Жамят тараққиёти тарихий жараён сифатида.

4. Маърифатли, фуқаролик жамятини қуриш Ўзбекистонда рўй бераётган туб демократик ўзгаришларнинг бош мақсади.

1. Фалсафа инсоннинг оламга муносабатини тадқиқ этади. Олам мураккаб, у турли-туман кўринишларга эга. Жамят оламнинг бир кўриниши, муҳим томони, намоён бўлиш шакли ҳисобланади. Файласуфлар қадимдан жамят нима? У қандай тузилган? Жамятнинг ривожланиши қандай кечади? Инсон унда қандай ўрин тутади? каби саволларга жавоб излаганлар. Бу ҳол жамят ҳақида хилма-хил фалсафий қарашларнинг шаклланишига сабаб бўлган. Диний дунёқараш жамятнинг келиб чиқиши, ўзгаришининг сабабларини илоҳиётдан излаган. Айрим фалсафий қарашларда жамятнинг моҳияти, тараққиёти сабаблари онгдан, ғоялардан, маънавийдан изланган, Марказий Осиё мутафаккирларининг бу борадаги фикрлари диққатга сазовор. Уларнинг фикрларича, олам, шу жумладан жамятнинг келиб чиқиши биринчи сабабга - «вужуди вожиб», яъни «Зарурий вужуд» (Оллоҳ)га боғлиқ. Марказий Осиёнинг йирик энциклопедист олимларидан Абу Наср Форобий жамятнинг келиб чиқиши тўғрисидаги қарашларида инсон жамоасининг келиб чиқиши асосида табиий эҳтиёжлар ётади; табиий эҳтиёж кишиларни бир-бири билан бирлашишига, жамоага уюшишига, ўзаро ёрдамга олиб келади. Ана шу ўзаро ёрдам туфайли эҳтиёж қондирилади. Кишилар ўртасидаги ўзаро ёрдам инсон жамоасини келтириб чиқаради, деб ҳисоблайди. Форобийнинг

таъкидлашича, инсоният жамияти турлича халқлардан ташкил топган бўлиб, улар бир-бирларидан тиллари, урф-одатлари, малакалари, хусусиятлари билан фарқланадилар. Форобий жамиятнинг асосида кишилар орасидаги муносабат ётиши ҳақида тўхталиб: - «одамларга нисбатан уларни бирлаштириб турувчи ибтидо - инсонийликдир, шу туфайли одамлар, одамзод туркумига оид бўлгани учун ҳам ўзаро тинчликда яшамоқлари лозим», деб ҳисоблайди. Жамиятнинг инсон учун муҳимлиги масаласи Абу Али ибн Синонинг «Ишорат ва танбихат» асарида ўз ифодасини топган: «Инсон ўз шахсий талаблари жихатидан бошқалардан ажралган ҳолда яшай олмайди, чунки у инсониятнинг бошқа вакиллари билан муносабатда бўлибгина, уларни қондириши мумкин»⁵.

Абу Райхон Беруний жамиятни «идора қилиш ва бошқаришнинг моҳияти азият чекканларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бировнинг тинчлиги йўлида ўз тинчлигини йўқотишдан иборат», деб билади. Бобоколониимиз, буюк мутафаккир Алишер Навоий «Идеал жамият»нинг ҳаёлий қиёфасини яратади. У идеал жамият деганда, адолат ҳукмрон бўлган, илм-маърифатли кишилар жамоасини назарда тутди.

2. Жамиятнинг моҳиятини ёритмоқ учун қуйидагиларни назарда тутмоқ лозим:

а) жамиятни инсонсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Жамият бу, аввало, инсонлар уюшуви, бирикувидан иборат бўлган жамоадир. Лекин одамларнинг ҳар қандай уюшуви жамиятни ташкил этмайди. Жамият мақсадлари, орзу-интилишлари, яшаш тарзлари муштарак бўлган кишилар уюшуви ҳисобланади;

б) жамият бир бутунликни ташкил этувчи яхлит ижтимоий вужуд. Жамиятни унинг аъзолари бўлмиш одамларнинг меҳнат фаолиятларисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Кишилар фаолиятлари давомида ўзларини ўраб турган олам, яъни табиат билан ҳамда ўзаро бир-бирлари билан алоқа ҳамда муносабатларга киришадилар. Шундан келиб чиққан ҳолда, жамият тушунчасини мақсадлари, интилишлари муштарак бўлган кишилар фаолияти, унинг кўринишлари, шунингдек, кишилар орасидаги ижтимоий муносабатлар маҳсули ва кўриниши сифатида тушунилмоғи лозим;

в) жамият шундай бир ижтимоий уюшмаки, у доим ўзгариб, тараққий этиб боради; бир сифат ҳолатидан иккинчи сифат ҳолатига ўтади. Табиат тараққиёти сингари жамият тараққиёти ҳам қонуний тарзда кечади;

г) жамият мураккаб, ташкиллашган ижтимоий вужуд бўлиб, унинг ҳаётининг икки бир-бири билан чамбарчас боғлиқ муҳим томони бор: а) жамиятнинг моддий ҳаёти; б) жамиятнинг маънавий ҳаёти;

д) жамиятнинг моддий ҳаёти деганда, биринчи навбатда, кишиларнинг ишлаб чиқариш фаолиятлари, табиатга таъсир этишга, моддий неъматлар ва ҳаётнинг моддий шарт-шароитларини яратишга қаратилган хатти-харакатлари назарда тутилади. Ҳар бир жамият ўзига хос ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларига эга;

е) Жамиятнинг маънавий ҳаёти деганда, ундаги турли ижтимоий қарашлар, мафкура ва мафкуравий муносабатлар, таълим-тарбия, маданий мерос, маънавий бойликларнинг жаъми кўринишлари (адабиёт, санъат, фан ва х.к.лар) назарда тутилади;

⁵ Ўзбекистонда ижтимоий – фалсафий фикрлар тарихидан. Т., «Ўзбекистон» 1995, 49–бет.

2. Ўша жойда, 49–бет.

3. Ўша жойда, 69–бет

ж) Ҳар қандай жамият муайян тузилишга эга. Жамиятнинг тузилиши деганда, унинг қандай ижтимоий гуруҳлардан, синфлардан ташкил топганлиги, ижтимоий-сиёсий уюшмалар, ташкилотлар назарда тутилади. Оила ва этник бирликлар (уруғ, қабила, элат, миллат) жамият таркибининг муҳим қисми ҳисобланади.

3. Жамият тараққиёти тарихий жараён бўлиб, бу кишилар амалий фаолиятлари орқали ва шу туфайли амалга ошади. Шу маънода жамият тараққиётининг манбаини инсоннинг меҳнати, жамият аъзоларининг фаолияти ташкил этади, дейиш ўринлидир. Жамият тараққиёти объектив ва субъектив омиллар таъсирида кечади. Жамиятнинг, ундаги тарихий жараённинг субъекти деганда халқ оммаси, шахслар ва тарихий шахслар назарда тутилади.

Тарихан жамият тараққиётининг икки йўли маълум: инқилобий ва тадрижий.

4. Ўзбекистон ўз мустақил тараққиётининг тадрижий йўлини, босқичма-босқич ўзгаришлар йўлини танлаб олган. Буни жамият тараққиётининг республикамикизга хос модели, деб аташ лозим бўлади.

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти шаклланиши унда рўй берган ва амалга оширилаётган барча демократик жараёнларнинг бош мақсади ҳисобланади. Демократия жамиятимизда амалга оширилаётган ислохатларнинг муҳим шартидир. Демократия халқнинг эркинлиги, ўз тараққиёт йўлини мустақил танлаб олганлигида, мустақиллик йўлидаги юритилаётган ички ва ташқи сиёсатда, жамият аъзоларининг ҳуқуқларининг кафолатланишида намоён бўлмоқда.

Демократия тамойилларига асосланган фуқаролик жамияти деганда, жамият аъзоларининг манфаатлари муштараклиги таъминланган, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳар томонлама кафолатланган, инсоннинг камол топиши учун шарт-шароитлар яратилган жамият назарда тутилади.

3.12.-мавзу: Ўзбекистон мустақиллигининг назарий – фалсафий масалалари.

Режа:

1. Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Мустақилликни мустаҳкамлаш ва тараққиётнинг равон йўлини аниқлашда фалсафа фанининг ўрни.
3. Фалсафага фан сифатида ёндашув – ижтимоий зарурат эканлиги.
4. Маънавиятимизнинг асосий масаласи.

1. Ўзбекистон мустақиллигини сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий, боринги, ҳаётнинг жамики соҳаларида мустаҳкамлаш манфаатлари фалсафа фанига янгича методологик ёндашувларни қарор топтириш, назарияга доир муаммоларни ҳал қилишни тақоза этаётганини англаб олиш мақсадга мувофиқ.

Бир асрдан зиёд мустамлакачилик тартибларида яшашга мажбур бўлган Ўзбекистон халқлари сиёсий мустақилликка эришгач, тараққиётнинг янги босқичига ўтдилар. Бу босқичнинг мураккаблиги ва ўзига хослиги шундаки, тоталитар давлат тузуми ва унинг махсули бўлган маъмурий – буйруқбозликка асосланган бошқарув тизимидан ҳар бир инсон ҳақ - ҳуқуқига кафолат бўладиган ҳуқуқий демократик давлат тартиботлари, жумладан, кучли давлатдан ўзини - ўзи бошқарадиган кучли жамиятга ўтиш тарихий зарурият бўлиб турибди. Сўнгра, мулкнинг давлат монополиясидан хусусий мулкчилик устивор бўлган ва бозор

иктисодига асосланган янги муносабатларни шакллантириш ҳам назарияда ва ҳам амалиётда илгаригидан тубдан фарқ қиладиган янгича қарашлар, янгича нуқтаи назарларга кучли эҳтиёжни юзага келтирмоқда. Буларнинг барчаси инсон омили билан боғланиб кетишини назарда тутсак, кишиларимиз тафаккур тарзини, дунёқарашини ўзгартириш ҳаёт тақозаси бўлиб турганига гувоҳ бўламиз.

Янги вазият, мустақил миллий давлатнинг фаол сиёсати туфайли ўзгараётган социал муҳит индивидлар ва ижтимоий онга таъсир этиб, ҳар бир одамнинг борлиқ ва ижтимоий ҳаёт ҳақида жиддий ўйлашга мажбур этмоқда; шу жараёнда хилма-хил фикрлар, ғоялар, қарашлар юзага келиб, одамлар ва уларнинг турли уюшмаларини у ёки бу масалада ижодий фикрлашга, ўзи, ўзлиги, бугуни ва келажаги ҳақида жиддий қайғуришга, демакки, турмушнинг янгича тарзларига ўтиб олиш учун ўйлашга даъват этмоқда. Шу аснода жамиятда янги бунёдкор синф – мулкдорлар синфи шаклланиб, улар сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий муносабатларга кучли таъсир ўтказа бошламоқда.

Ўтиш даври қийинчиликлари ва уларни мардонавор енгиш заруриятини ҳар бир одам англаб етиши, бу жараёнда фаоллик кўрсатиши учун назарий-фалсафий масалаларга биринчи даражали аҳамият бериш зарур бўлиб турибди.

2. Маънавий-маърифий ҳаётни тубдан ислоҳ қилмай ва янгича фикрлайдиган комил инсонлар шахсини шаклантирмай туриб, миллий давлатчиликни йўлга қўйишда, иқтисодий муносабатларни шакллантиришда жиддий муваффақиятларга эришиб бўлмасди. Аввало фалсафа фанига янгича методологик ёндашиб, синфийлик тамойиллари негизида ҳар бир мамлакат ва бутун дунё миқёсида душман образи яратишдан иборат қарашлардан батамом холи бўлиш, европапарастлик майлларига барҳам бериш, айти пайтда шарқпарастлик майлларининг қарор топиб қолишига йўл қўймаслик зарурияти пайдо бўлмоқда. Ўтмишни ялпи қоралаш ёки ялпи идеаллаштириш ҳам ижтимоий тараққиёт ва инсон камолотига салбий таъсир кўрсатишини ёш авлод аниқ-равшан тасаввур этиши лозим.

Миллий мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида тўсиқ бўладиган ҳар қандай ғояларга қарши муваффақиятли кураш учун миллий мафкурани такомиллаштириш, унинг фалсафий илдизларини мустаҳкамлаш, таъсирчанлигини тобора ошириб бориш, ёш авлодни ўз ватанини қадрлаш, миллий онгни ривожлантиришга имкон туғдириб, уларнинг ёт, бегона ғоялар таъсирига тушиб қолишидан сақлайди. Демак, миллий мафкура назарий асослари ва амалий йўналишларини янада ривожлантиришда файласуфларимиз олдида катта вазифалар турибди.

Фикрлар хилма-хиллиги (плюрализм) шароитида бир нарсага қарашлар, тушунчаларни турлича талқин қилишлар табиий бир ҳолдир. Аммо ана шу фикрлар, ғояларни саралаб олиб, миллий ва умуминсоний манфаатлар ва эҳтиёжлар ифодаси бўлган назарий қарашларга асосланиб фаолият йўналишини белгилаш учун илғор фалсафий қарашлар малакасига эга шахслар албатта керак.

3. Миллий давлатчилик дунёвий асосларда, демократик тамойиллар негизида шаклланаётганини, жаҳон миқёсида глобаллашув жараёни кетаётганини кадрларда ўз ихтисосининг мухтасар эгаси бўлишини тақозо этишдан ташқари яна улар оламий фикрлаш қобилиятларига эга бўлишлари зарурат бўлиб турибди. Зеро, фалсафий тафаккур ва дунёқарашдан беҳабар бўлган мутахассисни ўз даврининг пешқадам кишиси, баркамол шахси дейиш қийин. Шунинг учун ҳам илғор фалсафий фикрлар, қарашлар, назариялар, таълимотларга кенг йўл очиш

жараёнини жадаллаштириш учун аввало фалсафа фан эканини тан олиш, сўнгра уни фан сифатида ўрганиш зарурат эканини англаб етиш даври келди, деб ўйлаймиз. Бугунги кунда фалсафани фан эмас дейишдан тортиб, у фанлар таркибига тарқалиб кетгани учун махсус фан сифатида ўрганишга хожат йўқ, дейишгача фикрлар бор. Фалсафамиз фақат Шарқ фалсафаси бўлиши, Ғарб андозаларидан воз кечиш, ҳатто фалсафага миллий либос кийгизиш лозим, дегувчилар ҳам йўқ эмас.

Бугунги фалсафа фани бой категориал базага ва чуқур назарий қоидаларга эгадир. Унинг тушунчалари, категориялари, қонунлари, тамойиллари, билиш услубларини чуқур ўрганган кадрларгина ижтимоий ҳаётда қоқилмайдилар, ғайриинсоний ғоялар асири бўлиб қолмайдилар. Бинобарин, фалсафани фан сифатида ўқитиш кадрларга ижтимоий тараққиёт мурватларини ишга солиш қобилиятларини шакллантиради.

4. Ўзбекистон Конституциясида мамлакатимизда «инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш», гражданлик жамиятини шакллантириш, у эркинлик, озодлик, тенглик, ижтимоий адолат жамияти бўлмоғи назарда тутилган. Демак, бу давлат ва жамият маънавиятининг асоси миллий ва умуминсоний қадриятлар ифодаси сифатида фалсафа бўлади, дейиш мумкин. Бу фалсафа синфийлик, миллийлик тамойилларидан холи бўлиб, ҳар қандай шакл-шамойилда душман образи яратишдек амалиёт йўлини тўсади ва чинакам инсоний маънавият қарор топиши учун ғоявий асос бўлади. У Шарқ ва Ғарб фалсафаси дурдоналарининг қонуний вориси сифатида такомиллашиб боради. Айни чоғда бу фалсафа дин ва илоҳиёт маънавиятимизни бойитиши, жамиятда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириши учун хизмат қилишини назарда тутди. Натижада фалсафани илоҳиётга, фанни динга қарама-қарши қўйишдек ғайриинсоний амалиётга ўрин қолмайди.

Истиқболда ҳамма соҳада ақл-идрок тантанаси даври келишига одамларда комил ишончни тарбиялашдек тарихий вазифани бажаришда фалсафа фани қарвонбошилиқ қилади. Илмий-техника инқилоби шарофати туфайли юзага келаётган кашфиётлар инсониятнинг порлоқ истиқболига хизмат қилиши томонга буриб юборилишига илмий фалсафа хизмат қилиб, у ҳар бир мамлакатда ва бутун дунёда ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиб қолади. Натижада инсон омили бузғунчилик, вайронагарчиликка эмас, балки яратувчилик ва бунёдкорлик ишлари томон йўналиш олади.

Албатта Ўзбекистонда маънавият миллий негизда ривожланади ва бу ҳол умуминсоний қадриятларнинг қарор топиши учун қафолат бўлади. Ҳар бир миллатнинг тарихан таркиб топган ўз табиати (менталитети) ва шунга мувофиқ дунёқараши, тафаккур ва турмуш тарзи бўладик, бу унинг фалсафий қарашларида ўз мужассамини топади. Шунинг учун миллий фалсафа миллий қадриятлар гултожиси бўлиб, у умуминсоний қадриятлар мажмуаси бўлган фалсафа фанига ва фалсафий қарашларга терс бўлмаслиги устида гап кетади. Турли-туман фалсафий оқимлар бор ва янги-янги оқимлар пайдо бўлаверади. Лекин бу оқимларнинг биронтаси, жумладан миллий фалсафа фалсафа фанининг ўрнини эгаллаб олишдан эҳтиёт бўлиш керак. Акс ҳолда ижтимоий ходисаларга синфийлик тамойиллари ўрнини миллийлик тамойиллари эгаллаб, фалсафий ақидапарастликка янги йўл очилиши мумкин. Миллий фалсафалар умуминсоний фалсафий фикрлар хазинасининг таркибий қисми бўлиб қолгандагина кадр топади ва тараққиётга

хизмат қилади. Фалсафани фан сифатида ўтиш турли фалсафий оқимларни ёнма-ён яшаши учун қулай муҳит ҳозирлайди.

3.13.-мавзу: Жамиятни илмий билиш ва илмий бошқариш муаммолари.

Режа:

1. Ижтимоий воқеликни билишнинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Ижтимоий эҳтиёжлар ва манфаатларнинг билиш жараёнига таъсири.
3. Ижтимоий зиддиятлар ва уларни бартараф этиш шакллари.
4. Жамиятни демократик тамойиллар асосида бошқаришнинг асослари.

1. Жамиятнинг ривожланиш қонунларини билиш ижтимоий ҳаётимизнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳаларида намоён бўлаётган зиддиятларни чуқур ва атрофлича англаб, уларни ўз вақтида бартараф этишга ёрдам беради. Мамлакатимизни илмий асосда бошқариш жамиятимизда осойишталик, тинчликни барқарорлаштириш, инсоннинг бахт-саодати, истиқболи учун зарур бўлган барча нарсаларни яратиб беришнинг асосий омилларидандир. Ижтимоий билишнинг объекти жамият, унинг предмети эса инсон ҳамда унинг фаолияти ва маданияти ҳисобланади.

Табиатдан фарқ қилувчи жамият фақат билиш объекти бўлмасдан, балки унинг субъекти ҳамдир.

Моддий бойликлар ишлаб чиқариш усулининг ривожланиши ва алмашуви табиий-тарихий характерга эга, у ўз ички қонуниятларига амал қилади, уни ўрганиш эса ижтимоий билишнинг асосий масаласини ташкил қилади. Ижтимоий жараёнларни билишнинг ўзига хос хусусиятлари жамият қонунларининг табиат қонунларидан фарқидан келиб чиқади.

2. Ижтимоий билиш субъекти – бу, ўзининг аниқ мақсад, манфаат ва эҳтиёжларини кўзловчи, маълум синфга, ижтимоий гуруҳларга мансуб бўлган аниқ шахсдир. Билиш субъектининг ижтимоий ҳаётга қандай муносабатда бўлиши унинг табиатига муҳим таъсир кўрсатади. Ҳар бир жамиятда ижтимоий ҳодисаларни билиш, уларни тушунтириш одатда шу жамиятнинг дунёқараши, диний ва ахлоқий қоидаларига мувофиқ амалга ошади. Шунинг учун ижтимоий билишнинг мазмуни, моҳияти уни билаётган субъектнинг ижтимоий мавқеига боғлиқ бўлади. Илмий ҳақиқат ҳар доим ягона бўлиб, у объективдир. Бу маънода ҳақиқат кишиларга, синфларга бефарқдир, лекин кишилар, синфлар унга нисбатан бефарқ эмас.

Ижтимоий билишнинг аниқ тарихий далилларга таянган эмпирик даражаси маълумотлари ундан юқорироқ босқич бўлган назарий даражасида умумлаштирилиб, ижтимоий тараққиёт қонуниятлари очилади.

Ижтимоий далилларнинг ва ижтимоий назарияларнинг бирлиги илмий олдиндан кўриш ва башорат қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Жамият тараққиётини олдиндан билиш ва башорат қилиш тўғрисида турлича маълумотлар мавжуд. Шуларнинг ичида кенг тарқалган концепциялар ҳисобланган футурология ва герменевтикани кўрсатиш лозим.

Жамият тараққиёти қонуниятларини билиш ва улардан инсон манфаати учун фойдалинишда ижтимоий фаолиятнинг ўрни каттадир.

3. Жамиятдаги ижтимоий зиддиятларнинг келиб чиқиши сабабларининг чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилиниши уларни ҳал этишнинг муҳим омилидир. Ижтимоий зиддиятлар маълум мақсадлар ва манфаатлар йўлида ҳаракат қилувчи кишилар фаолиятида намоён бўлади.

Объектив ижтимоий зиддиятлар жамият эътиёжлари ва қизиқишларига мос тарзда, субъектив омиллар, қизиқишларни англаш, мақсадни белгилаш, ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқиш, жамиятни қайта қуриш дастурини амалга ошириш учун ижтимоий кучларни ташкил қилиш ва ҳақозолар орқали инсон фаолиятининг сабабияти сифатида намоён бўлади.

Ижтимоий зиддиятлар эскининг емирилиб, янгининг пайдо бўлиши, зиддиятларни ўз вақтида англаш, уларнинг қарама-қарши томонларга оғиб кетишига, яъни бутуннинг парчаланишига йўл қўймаслик, муҳим зиддиятларни номухимдан, антогонистик зиддиятларни ноантогонистик зиддиятлардан фарқлашни тақоза этади. Ҳозирги даврда бир мамлакат ичидаги ва бутун дунёдаги зиддиятларни консенсус (келишиш), мулоқотлар каби шаклларда ҳал қилиш тарихий зарурат бўлиб турибди. Зиддиятларни жанжаллар, можаролар, урушлар йўли билан ҳал этишга интилиш эндиликда катта ҳалокатларга олиб келишини жаҳон афкор оммаси тобора чуқурроқ тушуниб, бундан тегишли хулосалар чиқармоқда.

Жамиятнинг келиб чиқиши ва ривожланиш қонуниятларини атрофлича билиш, унинг иқтисодий, сиёсий, маънавий соҳаларида рўй бераётган зиддиятларни ўз вақтида англаб ва бартараф этиш билан бир қаторда, уни демократик тамойиллар асосида замонавий усулда бошқариш катта ўрин эгаллайди.

4. Инсоннинг ўз хоши-иродасини эркин билдириши ҳамда уни амалга ошириши, барча фуқороларнинг тенг ҳуқуқлилиги, давлат ва жамият бошқарувида қонун устиворлиги, давлат сиёсий органларининг сайланиши, уларнинг сайловчилар олдида ҳисоб беришини таъминлаш, давлат органларининг сайловчи ташкилотлар олдидаги жавобгарлиги, ошкоралик, фикрлар хилма-хиллигига йўл қўйиш ва бошқалар демократик тамойиллардир. Шарқда демократик жараёнлар ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, тадрижий ва узвий равишда аста-секин тараққий топади: жамиятни демократиялаштириш одамларнинг тафаккури ва ижтимоий савияси билан демократик ўзгаришлар даражаси ва суръатлар бир-бирига қанчалик мутаносиб бўлишига боғлиқдир.

Шунингдек, демократик жараёнлар халқимиз, миллий маданиятимизнинг ўзига хос жиҳатларини, унинг табиатини ўзида мужассамлаштиради.

Ўзбекистон жаҳондаги ривожланган демократик мамлакатлар тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда, миллий анъаналаримиздан келиб чиқиб, ўзига мос жамиятни бошқарув тизилмаларини танлаб олган.

3.14.-мавзу: Инсоният истиқболи. Глобал муаммолар фалсафаси.

Режа:

1. Жамиятни илмий билиш ва бошқаришда унда содир бўлаётган жараёнларни олдиндан кўра билишнинг аҳамияти.
2. Жамият тараққиёти қонунларини олдиндан кўра билишнинг асосий усуллари.
3. Жаҳон тараққиётининг ҳозирги даврдаги ўзига хос хусусиятлари.
4. Ҳозирги замон умумбашарий муаммолари ва уларни бартараф этиш йўллари.
5. Инсон ва инсоният, улар тақдирининг муштараклиги.

Мавзуга оид таянч тушунча ва атамалар:

Глобал муаммолар, прогнозлаш, глобал ривожланиш моделлари, Рим клуби, уруш ва тинчлик муамолари, экологик муаммолар, энергетик муаммо, демографик муаммо, ижтимоий-иқтисодий қолоқлик, этикология муаммоси, терроризм, фан-техника тараққиёти, глобаллашув, интеграция

А Д А Б И Ё Т Л А Р:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
3. Ahmedova M. va boshgalar. Falsafa: Darslik. –Т. –FMJN, 2006.
4. А.Печчеи. Человеческие качества. –М., 1985
5. Амирова Д. Современные глобальные проблемы и позиция Узбекистана // «Жайхун», 2007, №-3-4, 16-18 стр.
6. Вернадский В.И. Химическое строение биосферы Земли и ее окружения. – М., 1960.
7. Вернадский В.И. Философские мысли натуралиста. – М., 1988.
8. Смирнов С.Н. Глобальные проблемы в их взаимосвязи и взаимозависимости. – М., 1985.
9. Сангинов С. Р Рўзи маҳшар яқинми? ёхуд Рим клубининг башоратлари хусусида // “Тафаккур”, 1997, №-2, 39-41 бет.
10. Расулов Ҳ. Глобаллашув шароитида барқарор тараққиётнинг сиёсий-иқтисодий омиллари. // “Жайхун”, 2006, №-1, 6-10 бетлар.
11. Ясперс К. Смысл и назначение истории. – М., 1994.
12. Фалсафа: қомусий луғат. – Т.: “Шарқ”, 2004.
13. Фалсафа: (ўқув қўлланма) – Т.: Шарқ, 1999.
14. Фалсафа асослари. (Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров) –Т.: Ўзбекистон, 2005.
15. Основы философии. – Т.: Меҳнат, 2004.

1. Инсоният тарихий тараққиёти ҳеч қачон олдиндан белгиланган аниқ ва тўғри йўналишда кечган эмас. Ҳеч қандай олдиндан аниқ тайёрланган ва инсониятни қутаётган бахтли келажак йўқ. Ушбу бахтли келажак замини жамият аъзоларининг ўз хоҳишларига қараб эмас, балки объектив қонуниятлар асосида ижтимоий, иқтисодий, интеллектуал шарт-шароитга асосланиши керак. Бу эса жамиятни илмий билиш ва бошқаришда, унда содир бўлаётган жараёнлар натижасини олдиндан башорат қилишда катта аҳамият касб этади. Башорат қилиш – бу, жамият ҳаётида ҳали рўй бермаган, фанлар учун хозирча номаълум ҳисобланган, мавҳум имконият даражасидагина мавжуд бўлган воқелиқдир. Бирон-бир ижтимоий-сиёсий воқеа ёки ҳодисанинг келажакда қандай рўй беришини, унинг ҳолати, ривожланиш қонунлари ва оқибатларини муайян илмий далиллар, назарий хулосалар ва маълумотларга асосланган ҳолда олдиндан айтиб беришдир.

2. Ижтимоий тараққиёт натижаларини олдиндан билиш ва кенг мушоҳада этиш кишиларнинг орзу-истакларига эмас, балки жамият тараққиётининг қонунларини

пухта билишга асосланади ва у режалаштириш, дастурлаш, лойихалаштириш, бошқариш назариялари орқали амалга оширилади.

Жамият тараққиёти жараёнининг натижаларини олдиндан башорат қилишнинг маълум бир шароитда рўй берадиган қонуниятларни ҳозирги даврда келажакка боғлаш билан боғлиқ экстрополияция, илгари содир бўлган воқеа ва ҳодисаларга қараб тарихий аналогия, ижтимоий ходисаларни компьютер орқали намуналаштириш, тарихий, илмий тажрибага асосланиб эксперт баҳолаш усуллари мавжуд.

3. Инсоният янги минг йиллик бўсағасига келиб ўзига хос янги даврга қадам қўйди. Бу даврнинг ўзига хос, олдинги пайтлардан фарқ қиладиган муҳим томонлари бор. Булар қуйидагилардан иборатдир.

Ер юзидаги давлатлар ва халқлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва ҳамкорликнинг юксалиб бориши жаҳон тараққиёти ҳозирги босқичининг ўзига хос хусусиятидир.

XX аср давомида ҳукм сурган икки тузум ўртасидаги «совуқ уруш» хавфи барҳам топди. Ҳозирги пайтда ўтмишдаги ўзаро душманлик ва ихтилофлар сиёсатидан ҳамкорликка асосланган сиёсатига ўтиш муҳим бўлиб турибди.

Сайёрамизда этник ва миллатлароро зиддиятларнинг, шунингдек, термоядро уруши хавфи ва халқаро терроризмлар сақланиб қолаётганлиги, сиёсий ва диний экстремизмнинг турли шакллари кучайиб бораётганлигини эътиборга олиб, давлатлар ва халқлар уларга қарши биргаликда кураш олиб боришлари зарурат бўлиб турибди. Шунингдек, ҳозирги давр хусусияти дунёдаги аксарият мамлакатларнинг, айниқса яқинда мустақилликка эришган давлатларнинг энг кучли, энг катта халқаро банклар, нуфузли халқаро ташкилотларга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кириб, куч-ғайратлари ва иқтисодий имкониятларини умумий мақсадлар йўлида бирлаштириш жараёнларини рағбатлантириш ҳам муҳимдир. Буни Марказий Осиё республикалари учун алоҳида аҳамияти бордир.

4. Умумбашарий муаммоларга биринчи навбатда қуйидагилар киради:

- ер юзида термоядро урушининг олдини олиш, жаҳондаги барча халқларнинг тинч, осойишта яшаши ва тараққий этишини таъминлайдиган ядро қуролидан холи муҳитни яратиш;

- ривожланган мамлакатлар ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий, маданий ва демографик соҳалардаги муаммоларни ҳал этиб, бутун дунёда иқтисодий қолоқликка, қашшоқликка ва саводсизликка барҳам бериш;

- атроф муҳитни фалокатли ифлосланишидан сақлаб қолиш, инсониятни ёқилғи, хом-ашё, озиқ - овқат, чучук сув билан таъминлаш имкониятларидан оқилона фойдаланиш;

- илмий-техника инқилоби моҳиятини ўз вақтида англаб, унинг натижасида юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатларнинг олдини олиш;

- ИТИ ютуқларидан жамият ва шахс манфаатлари йўлида самарали фойдаланиш.

Айтиб ўтилган асосий умумбашарий муаммолар мураккаб ва кенг миқёсли бўлиб, уларни ҳал этишдан кўра зарур ва муҳим вазифа йўқ.

4. Кишилиқ жамияти тараққиётининг дастлабки даврларида ҳар бир уруғ, қабила, элат, халқ атрофидаги бошқа ижтимоий бирликлар билан ўзаро ижтимоий алоқаларга киришмай яшаши ва тараққий этиши мумкин бўлган бўлса, ҳозирги кунга келиб эса, дунёдаги барча халқларнинг тақдири ўзаро муштарак бўлиб бормоқда. Ушбу ҳолат заминида илмий-техника инқилоби натижасида юзага

келган умумбашарий муаммоларни ҳал этиш, мамлакатлар ўртасидаги савдо, иқтисодий, маданий алоқаларни мустақамлаш катта аҳамият касб этади.

Инсон такдири бутун башарият истиқболи билан муштарак эканлигини халқимиз яхши билади. Шунинг учун ҳам улар минтақамиздаги кўшни мамлакатлар билан бир қаторда жаҳон халқлари билан ўзаро хурмат – иззатда бўлишга доимо интилиб келади. Бу хол айниқса мустақилликка эришган мамлакатимиз давлати олиб бораётган сиёсатида яққол сезилмоқда.

5. Жаҳон тараққиётининг ҳозирги даврдаги ўзига хос хусусиятлари ва инсоният истиқболи.

Инсоният ҳаётий фаолиятининг бир қатор муҳим соҳаларида хатарли вазиятни келтириб чиқарган глобал ёки умумбашарий муаммолар инсониятнинг яхлит бир бутунлик сифатида уюшишида муҳим омил бўлмоқда. Ҳозирги даврда кўплаб жараёнларнинг умумбашарий хусусият касб этаётганлиги, сайёрамизнинг хоҳлаган нуқтасида содир бўладиган кескин вазиятлар занжирли реакция оқибатида қайтариб бўлмас глобал жараёнларни келтириб чиқариш эҳтимоли ҳеч бир давлатнинг ўзича мавжуд бўлолмаслиги ва бошқа мамлакатлар ва жаҳон ҳамжамияти манфаатларини ҳисобга олмасдан ўз сиёсатини қуриши мумкин эмаслиги тобора чуқурроқ англаб етилмоқда. XX аср охири XXI аср бошларига келиб ўзаро алоқадорлик, ўзаро таъсир даражаси глобаллашув туфайли шунчалик ошиб кетдики, турли маданий дастурлар (мақсадлар, дунёқараш мўлжаллари, манфаатлари, эҳтиёжлари, қадриятлари ва ҳоказолар)нинг биргаликда мавжудлиги масаласи глобал-планетар аҳамият касб эта бошлади. XX аср бутун **инсониятнинг омон қолиши муаммоси**ни вужудга келтирди ва илк бор **умумий планетар манфаатлар** реалликка айланди. “Жаҳон иқтисодиёти”, “жаҳон ижтимоий тартиботи”, “жаҳон ҳамжамияти”, “глобал гуманизм”, “умумбашарий қадриятлар” кабилар замонавий тафаккур йўналишини ифода этувчи муҳим тушунчалар бўлиб қолмоқда.

Глобал муаммолар пайдо бўлган пайтдан бошлаб олимлар, сиёсатшунослар, ижтимоий ва халқаро ташкилотлар эътиборини жалб этиб келмоқда. Шу муносабат билан глобал ривожланишининг турли-туман математик ва компьютар моделлари ва прогнозлари юзага кела бошлади.

Глобал жараёнларни тадқиқ этиш ва уларнинг мақбул ечимини топиш вазифасини дастлаб илмий доираларда ўз зиммасига олган жамоатчилик ташкилоти – **Рим клуби** бўлиб, 1968 йилда италиялик бизнесман ва инсонпарвар олим Ауремю Печчеи асос солади ва юздан зиёд илм ва маданият арбобларини бирлаштиради. Рим клуби томонидан глобал ривожланишнинг пессимистик ва оптимистик характердаги бир қатор математик-миқдорий прогноз моделлари яратилди.

Шунингдек, глобал ривожланиш жараёнларини сифат жиҳатидан таҳлил қилишга асосланган “Жаҳон тартиблари моделларининг лойиҳаси” доирасидаги тадқиқотлар ҳам кенг ёйилди.

Агар келажакнинг “мумкин бўлган дунёлари”нинг дастлабки моделлари технократик, пессимистик хусусиятга эга бўлган бўлса, кейинги даврда глобал муаммоларни бартараф этиш учун жамиятнинг ўзини, ижтимоий муносабатларни (минтақалараро, давлатлараро) ва инсоннинг ўзини, унинг қадриявий мезонларини ва кундалик хулқ-атворини мукамаллаштириш зарурлиги ҳақидаги ғоялар моделларда ўз аксини топмоқда.

XX аср охирида дунёнинг қарама-қарши блокларга бўлинишига асосланган икки кутбли тизими барҳам топди. Халқаро ҳамжамият халқаро муносабатларнинг янги даврига – янги дунёвий тартиботга қадам қўйди. Жаҳон сиёсатшунослигида эса бир ёклама манфаатларни ифода этувчи концепциялар ҳам авж олмақда. Жумладан, америкалик сиёсатшунослар Френсис Фукуяманинг “тарихнинг интиҳоси”, С.Хантингтоннинг “цивилизациялар тўқнашуви” номли таълимотларида АҚШ ва Ғарб дунёсининг жаҳон ижтимоий тараққиётида устунлиги ва етакчилиги ҳақидаги ғоялар илгари сурилади. Бу моделлар цивилизацион бағрикенгликка раҳна солиб, олимлар, жаҳон жамоатчилиги ва сиёсий доираларда салбий муносабатга сабаб бўлмоқда. Масалан, цивилизациялар ўртасидаги муносабат масаласи ЮНЕСКОнинг 1999-йилдаги сессиясида ва БМТнинг 2000-йилдаги 53-Бош Ассамблеясида муҳокама қилинди ва мазкур минг йиллик саммитида **XXI аср – цивилизациялараро мулоқот асри**, деб эълон қилинди.

Ислом Каримов ўзининг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” (1997) асарида “тоталитар тузум емирилганидан кейин дунёнинг кутбларга бўлиниши барҳам топди. Лекин шу билан у хавфсизроқ, барқарорроқ, собитқадамроқ бўлиб қолдими?” – деб савол қўяди. Ва “Ер юзида вазият ва кучлар нисбати шиддатли ўзгариб бормоқда. Янги мустақил давлатлар майдонга чиқмоқда. Бу эса ҳозирги кунда давлатлар ва халқларнинг барқарорлигини таъминлаш учун янги ёндашувларни излаб топишни, XXI аср арафасида хавфсизликнинг янги моделларини ишлаб чиқишни тобора қаттиқ талаб қилмоқда”, - деб таъкидлайди.

XX асрдаги иккита жаҳон уруши ва кўплаб минтақавий можаролар тажрибаси, ядро уруши бутун инсониятни ҳалокатга олиб келишини англаш, халқаро терроризм хавфи – зўравонликка асосланган сиёсат ва тафаккур усулининг истиқболсиз эканлигини кўрсатди ва XXI асрда ҳуқуқий ва ахлоқий нормалар устуворлигига асосланган сиёсат тамойиллари ва тафаккур қарор топмоқда.

Умуман олганда, ҳозирги давр жаҳон тараққиётининг қуйидаги хусусиятларини қайд этиш мумкин:

Биринчидан, бугун инсоният қарама-қаршилиқлар, хато ва қийинчиликлар билан бўлса-да, ўзининг бирлиги ва яхлитлигини яратишга қараб ҳаракат қила бошлади, тарихда биринчи бор онгли равишда ягона иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва ахборот маконини яратиш орқали бирлашишга интиломоқда. Гап жаҳон ҳамжамиятининг ўзаро таъсири ва ўзаро алоқадорлигининг кучайиб бориши ҳамда ягона ҳаётий маконнинг кенгайтирилишини ифода этувчи **глобаллашув** ҳақида бормоқда.

Иккинчидан, ҳозирги пайтда ҳам қарама-қаршилиқлар ва зиддиятларнинг турли шакллари мавжуд бўлсада, **интеграцион жараёнлар** халқаро ҳамжамиятнинг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий-маънавий соҳаларида ўзига йўл очмоқда.

Учинчидан, XX- XXI аср чегарасида жаҳонда юз берган бир қатор ижтимоий-мафкуравий ҳолатлар, глобаллашув ва интеграцион жараёнлар дунёни бир томондан кўп кутбга ажратган бўлса, иккинчи томондан эса бир-бирига узвий боғлаб қўйди. Глобаллашув билан боғлиқ жараёнларнинг мамлакатлар иқтисодиёти, сиёсати ва маънавий ҳаётига ўтказётган таъсири **барқарорлик ва хавфсизлик** масалаларини долзарблаштирмоқда. Ҳозирги кўпкутбли дунёнинг

шаклланиши халқаро муносабатлар соҳасида демократик тамойилларнинг кенгайишига йўл очиб монополизм ва гегемонлик ғояларига тўсқинлик қилиши, дунё сиёсатида давлатларнинг тенглик ва ўзаро манфаатдорлик тамойили асосида янада бирлашиши лозимлигини кўрсатмоқда. Инсоният цивилизацияси ўзини яхлит бир бутунлик сифатида ташкил этиш жараёнида ўз таркибий қисмларининг маданий хилма-хиллиги ва ўзига хослигини сақлаб қолиши зарур. Албатта, бу жараёнда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги, миллий манфаатлар дахлсизлиги асосий омил бўлмоғи шарт.

Тўртинчидан, XX аср охири – XXI аср бошларига келиб, нафақат минтақавий, балки микроижтимоий – тузилмалар – алоҳида инсон, оила, этник умумият ва бошқа ижтимоий гуруҳларнинг қадрини англашга эътибор қаратила бошланди. Инсониятнинг бутун тарихи давомида индивид ёки кишилар гуруҳининг манфаатлари, туйғу ва ташвишлари, ҳаттоки ҳаёти давлат манфаатлари ёки ҳукмрон синф манфаатларига нисбатан ҳеч қандай кадр-қимматга эга эмас эди. Алоҳида инсон манфаатлари устуворлиги, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг рўёбга чиқиши – инсониятнинг янги даврга – **глобал гуманизм даврига** кадам қўйганлигидан далолат беради. Шу муносабат билан илгари ишлаб чиқариш, фан ва техниканинг синоними бўлган тараққиёт тушунчаси энди инсонпарварлик мазмуни билан тўлдирилиб бормоқда. Рим клубининг президенти А.Печчеи ёзганидек: “Фақат инсон манфаатларига мос келадиган ва унинг ижтимоий мослашув қобилияти доирасидаги тараққиёт ва шундай ўзгаришларгина мавжуд бўлиш ва рағбатлантирилиш ҳуқуқига эга” (А.Печчеи, Человеческие качества. – М., 1985, 239-стр.). Ҳозирги замон цивилизациясининг тезкор тараққиётида **инсон омили**нинг ўрни ва аҳамияти демократик институтларнинг жадал ривожига, экологик ҳаракатлар ва дастурларда, инсон тафаккурининг глобаллашувида ўз ифодасини топмоқда.

Бешинчидан, ҳозирги замон цивилизациясининг муҳим хусусиятларидан яна бири – **умумбашарий тафаккур асри**нинг шаклланиши арафасида турибмиз. Глобал муаммолар кескин тус олган шароитда инсоният омон қолишининг зарурий шarti умумбашарий тафаккурнинг шакллантирилиши ва унинг асосида бутун инсоният истиқболининг муштараклигини англаш ва тушуниш бўлиб қолди. Тушуниш муаммоси фалсафада фақат гносеология масаласи бўлиб қолмай, инсоният ҳамжамиятини яратиш мақсадида аксиологик ва амалий аҳамият касб этмоқда.

Мавзуга оид назорат саволлари:

1. Глобал муаммолар деганда нимани тушунамиз?
2. Глобал муаммолар пайдо бўлиши сабабларини қандай изоҳлайсиз?
3. Ҳозирги замон цивилизациясининг ривожига қандай хусусиятларга эга?
4. Глобаллашув жараёнини қандай тушунасиз?
5. Инсониятнинг порлоқ истиқболи қандай омилларга боғлиқ?

Г Л О С С А Р И Й .

Аксиология (юнон. “axio”- қадрият ва “logos”- таълимот, фан) – қадриятшунослик; қадриятлар ҳақидаги фалсафий фан.

Антропология (юнон.anthropos – одам ва logos – таълимот) – одамнинг пайдо бўлиши ва эволюцияси, одам ирқлари ҳақидаги фан. Ҳозирги антропология

куйидаги учта катта бўлимдан иборат: 1) одам морфологияси; 2) антропогенез; 3) ирқшунослик (этник антропология). Ҳозирги даврда **фалсафий антропология** ҳам тараққий этган. Уни инсоншунослик номи билан атамоқдалар. У инсон ҳаётининг мазмуни, одам зотининг жамиятдаги ўрни, ижтимоий алоқалари, шахс камолоти, маънавияти каби бир қатор масалаларнинг фалсафий талқини билан шуғулланади.

Антропогенез (юнон. anthropos ва genesis – инсон, келиб чиқиш) – инсоннинг келиб чиқиш ва ривожланиш жараёни.

Атрибут (лот. attribut – бахш этаман) – предметнинг энг зарур ва муҳим хоссаси, хусусияти.

Ақл (лот. rationalis, юнон. nous, fronesis, араб. Ал-ақл – асосланган, мақсадга мувофиқ) – инсоннинг маънавий-руҳий фаолиятида барча ашё-нарсалар, ҳодисаларни қандай бўлса айнан шундай ҳолда билиш қобилияти, мавҳум фикрлаш ва тушунчалар яратиш хусусияти.

Базис ва устқурма – ижтимоий фалсафа ва иқтисодий фанларнинг тушунчаларидан бўлиб, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий таркибини ифодалайди, жамият ҳаётининг узвий боғлиқ бўлган икки томонини ифодалайдиган атамалардир. Базис тушунчаси жамият тараққиётининг муайян босқичидаги иқтисодий ҳаёт ва ишлаб чиқариш муносабатлари мажмуини акс эттиради. Мазкур иқтисодий тизим асосида устқурма вужудга келади ва унинг функцияси жамиятнинг иқтисодий тизимини муҳофаза қилишга қаратилган. Устқурмавий муассаса ва ташкилотлар жамиятнинг умумий тараққиётига фаол таъсир ўтказувчи куч бўлиб, ижтимоий ҳаётда муҳимдир.

Билим – ижтимоий-тарихий, амалиётда текширилган ва мантиқан тасдиқланган, воқеликнинг билиш жараёнида эришилган натижаси; шу воқеликнинг инсон онгида тасаввурлар, тушунчалар, муҳокама ва назариялар орқали ифодаланган инъикоси.

Билиш – оламнинг инсон онгида инъикос этиши жараёни. Билиш фақат инсонгагина хос бўлган маънавий эҳтиёж, ҳаётий заруриятдир.

Билиш назарияси (Гносеология (юнон. gnosis- билиш, билим, илм; logos – таълимот, назария) – фалсафа фанининг таркибий назарий қисми, онг ва билишнинг умумий қонуниятлари, усуллари тўғрисида баҳс юритувчи алоҳида соҳаси. У билиш қонуниятлари ва имкониятлари, билимнинг объектив реалликка муносабатини ўрганади, билиш жараёнининг босқичлари ва шаклларини, билишнинг ишончлилиги ва ҳаққонийлиги шартлари ва мезонларини тадқиқ қилади.

Борлиқ – олам ва ҳар қандай турдаги мавжудликни ифодалайдиган фалсафий категория.

Вақт – оламнинг атрибути бўлиб, барча объектлар мавжудлигининг давомийлигини ва ҳолатлар алмашинувининг изчиллигини характерлайди. Вақт макон билан чамбарчас боғлиқ.

Макон (Фазо) – олам мавжудлигининг шаклларида бири, вақтнинг муайян лаҳзасида оламни ташкил этган нуқталарнинг ўзаро жойлашиш тартиби, кўлами, вазиятлари ўлчамидир.

Воқелик (лот. realis) – ҳақиқий мавжудлик, реаллик.

Ворислик – фалсафий категория бўлиб, тараққиёт жараёнида янгилик билан эскилик ўртасидаги объектив зарурий алоқадорликни ифодалайди, инкорни инкор

қонунининг энг муҳим белгиларидан бири бўлиб тараққиётнинг узлуксиз давомийлиги ва илгариланма характерини билдиради.

Гендер (ингл. gender – уруғ) – инсон жинсининг ижтимоий-маданий жихатини ифода этувчи тушунча.

Геноцид (юнон. genos – насл-насаб ва лот. caedere – ўлдирыпман, йўқ қиляпман) – инсониятга қарши қаратилган энг оғир жиноятлардан бири. Аҳолининг айриа гуруҳларини ирки, миллати, этник ёки диний белгиларига қараб йўқ қилиш, шу гуруҳларни қасддан батамом ёки қисман қириб ташлашни кўзда тутадиган маиший шарт-шароитларни вужудга келтириш, шунингдек, болалар туғилишини чеклашга қаратилган чоралар кўриш.

Географик детерминизм – географик шароитлар (Ер ландшафти – тупроғи, иқлими, рельефи, ер ости ва усти заҳиралари, шунингдек, дарё, кўл, денгиз, океанлар ва б.) жамият тараққиётининг бирдан-бир асосий омили, деб қараладиган социологиядаги йўналишлардан бири.

Географик муҳит – инсон ва жамият ҳаёти учун бевосита ва билвосита зарур бўлган табиат элементлари мажмуаси, ижтимоий муносабатлар кечадиган табиий макон.

Гилозоизм (юнон. hyle ва zoe – жисм ва ҳаёт) – оламдаги барча нарсаларни жонли деб ҳисоблайдиган таълимот.

Гипотеза (юнон. hypothesis – асос) – ўрганилаётган ҳодисанинг сабаблари ва хусусиятларини тушунтирадиган асосли тахмин тарзидаги билим шакли.

Глобал (умумбашарий) муаммолар (франц. globus – Ер шари ва global – энг умумий, умумбашарий) – ўз кўлами, қамрови жихатидан хилма-хил ва бутун ер шарига, бутун инсониятнинг манфаатларига даҳл қилади, унинг келажагига хавф солади ҳамда улар бутун инсониятнинг, халқаро ҳамжамятнинг иштироки билангина ҳал этилиши мумкин.

Демография (юнон. demos – халқ ва grapho – ёзаман, тасвирлайман) – аҳоли, нуфус ҳақидаги фан. Демография – ижтимоий, иқтисодий, биологик, географик омиллар, сабаб ва шарт-шароитлар асосида аҳоли динамикаси, миграцияси, ўрнашуви, структураси қонуниятларини ўрганувчи ижтимоий-гуманитар фан ҳисобланади.

Демократия (юнон. demos – халқ ва kratos – ҳокимият) – фуқароларнинг озодлиги, тенглиги, эркинлиги тамойилларини эълон қилишга асосланган сиёсий тузум шакли.

Детерминизм ва индетерминизм (лот. determinare – белгилаш ва in – инкор) – ҳодисалар фазо ва вақтда ўзаро алоқадорлигининг характери, хусусиятлари ва моҳиятини турлича нуқтаи назардан талқин қилиниши. Детерминизм- муайян ҳодисалар ўртасидаги алоқадорликнинг қонуниятли, зарурий ва сабабий равишда рўй беришини, ҳодисаларнинг ҳозирги ҳолати уларнинг аввалги ҳолати билан узвий тарзда боғлиқ эканлигини эътироф этади. Индетерминизм эса бунинг акси.

Жамият (араб.- умумий) – борлиқнинг алоҳида шаклини ифодалайдиган фалсафий тушунча, одамлар уюшмасининг махсус шакли, кишилар ўртасида амал қиладиган кўплаб муносабатлар мажмуи. Жамият – мураккаб бир бутун ижтимоий организм (тизим) бўлиб, кишилар фаолияти жараёнида улар ўртасида амал қиладиган ахлоқий, диний, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, мафкуравий ва ҳоказо муносабатларнинг, тарихан таркиб топган оила, дин, давлат, ахлоқ ва шу каби ижтимоий институтларнинг мажмуидир.

Жамиятнинг сиёсий тизими – сиёсий институтлар, давлат ҳокимияти, сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмалари мажмуаси.

Жамоатчилик (ижтимоий) фикри – омманинг, аҳоли кўпчилиги қатламининг воқеа-ҳодисаларга, ижтимоий жараёнларга нисбатан муносабатини ифодаловчи фикрлари, ғоя, қараш ва тасаввурлари.

Ижтимоий борлиқ ва ижтимоий онг – доимо ўзгаришда, ривожланишда бўлган жамият ҳаётининг моддий ва маънавий томонларини узвий алоқадорликда ва ўзаро таъсирда эканлигини ифодаловчи фалсафий тушунчалар.

Ижтимоий идеал – ватан, миллат, халқ ёки айрим ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларидан келиб чиқиб, улар назарида энг адолатли, мукамал кўринган фаровон жамият курилишига, бахт-саодатга эришув йўлларига оид ғоя, фикр, таълимот.

Ижтимоий-иқтисодий уклад – ижтимоий ишлаб чиқариш ва ижтимоий хўжалик юритиш тизими.

Ижтимоий мақом (лот. status – ҳолат, аҳвол, мақом) – энг умумий маънода шахснинг ёши, жинси, келиб чиқиши, касби, оилавий аҳволига кўра жамиятда тутган ўрни.

Ижтимоий мослашув (лот. socialis- ижтимоийлашган) – шахс томонидан муайян маданият анъаналарига хос бўлган фаолият ва хулқ-атвор меъёрини ўзлаштириш, кадриятлар ва тартиб-қоидаларни англаш жараёни.

Ижтимоий муносабатлар – кишилар ўртасидаги турли алоқалар бўлиб, бундай муносабатлар уларнинг биргаликдаги моддий ва маънавий фаолияти натижасида қарор топади. Ижтимоий муносабатлар моддий ва маънавий муносабатларга бўлинади.

Ижтимоий муҳит – инсонни қуршаб турган, унинг мавжудлигини, шаклланишини таъминлайдиган моддий ва маънавий шарт-шароитларнинг мажмуаси.

Ижтимоий структура – ижтимоий қатламлар, гуруҳлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, меҳнат тақсмоти, ижтимоий институтлар характери билан белгиланадиган ижтимоий тизим таркибий қисмлари ўртасидаги турғун алоқалар тармоғи.

Ижтимоий тизим – кишилар ўртасида тарихан таркиб топган ижтимоий муносабатлар тизими.

Ижтимоий фалсафа (социал фалсафа, жамият фалсафаси) – фалсафа фанининг инсон ва кишилик жамиятининг моҳияти, келиб чиқиши, таркиби, энг умумий ривожланиш қонунлари, инсоннинг жамиятдаги ўрни ва роли тўғрисидаги алоҳида бир назарий соҳаси.

Илмий башорат – табиат, жамият, ижтимоий ҳаётда юз бериш эҳтимоли мавжуд бўлган ҳодиса, воқеалар, жараёнларнинг рўёбга чиқишини, содир бўлишини, унинг оқибатларини илмий билимлар асосида олдиндан айтиш ёки кўриш.

Илмий изланиш – илмий тадқиқотнинг ўзига хос кўриниши бўлиб, янгиликни топишга қаратилган фаолият, янги натижалар олишда давом этиш, янги билим ҳосил қилиш.

Интеграция (лот. integer- бутун) – 1) айрим қисм ва элементларни бир бутунга бирлаштириш; 2) турли мамлакатларнинг бирлашмалари, тор доирадаги

иктисодий-сиёсий гуруҳлар кўшилиши. Интеграциянинг шакллари турличадир: илмий, сиёсий, иқтисодий, маданий, халқаро ва ҳ.к.

Интерпретация (лот. interpretatio- тушунтириш, изоҳлаб бериш) – 1) Бирор нарсага маъносини, туб моҳиятини очиб бериш, тушунтириш. 2) Математика, логика, фанлар методологияси, билиш назариясида – муайян табиий-илмий ёки абстракт дедуктив назариянинг элементига бирор усул билан бериладиган маънолар мажмуи.

Интуиция (лот. intuitus – синчиклаб қарайман) – ҳақиқатни мантиқий далиллар ёрдамисиз, бевосита англаб олиш қобилияти.

Инъикос – нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро таъсирлашуви асосида ҳосил бўладиган ҳодиса, ҳолат, жараён ва ўзгаришни, бир моддий ёки маънавий объектларнинг бошқа моддий ёки маънавий объектларда ўз таъсирини қолдириши, акс этиши ҳодисаларини ифодаладиган фалсафий тушунча.

Ишлаб чиқарувчи кучлар - Жамиятдаги 1) ишчи кучи; 2) ишлаб чиқариш воситалари, улар ўз навбатида а) меҳнат предметлари, б) меҳнат қуролларидан таркиб топган; 3) ишлаб чиқариш малакаси, тажриба, малака, фан ва ҳ.к.ларни ўз ичига қамраб олади.

Ишлаб чиқариш муносабатлари – моддий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва айирбошлаш жараёнида кишилар ўртасида қарор топган моддий-иқтисодий муносабатлар, ишлаб чиқаришнинг ижтимоий шакли.

Категориялар (юнон. kategoria – белги, изоҳлаш) – фалсафий тафаккур учун ниҳоятда муҳим, оламдаги ўзгариш, ривожланиш, алоқадорлик ва узвий боғлиқликка хос умумий жиҳатларнинг инъикоси; нарса ва ҳодисаларнинг ўзига хослиги, ўхшашлиги ва фарқларини, барқарорлиги ва ўзгаришини англатувчи, билишнинг асосини ташкил этувчи энг умумий илмий тушунчалар.

Консерватизм (лот. conserv – сақлаб қолмоқ) – ижтимоий ҳаётнинг мавжуд ҳолатини, тартиб ва қоидаларини, эскиликни сақлаб қолиш ва янгиликка, ўзгаришга қаршилик қилиш. У ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида намоён бўлиши мумкин.

Конституционализм (лот. constituo – ўрнатиш) – жамият ҳаётини қабул қилинган қоида ва қонунларга қатъий риоя этган ҳолда ташкил этиш ва бошқариш жараёнини ифода этувчи тамойил.

Либерализм (лот. liberalis – эркинлик) – ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида эркинлик устувор бўлишини, жамиятнинг эволюцион ривожланиш йўлини эътироф этувчи ва асословчи назария, амалиёт, ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий оқим.

Материя – борликдаги моддий нарсалар, ҳодисалар ва жараёнларнинг умумий хусусиятларини ифодаловчи фалсафий тушунча, борликдаги моддийликнинг фалсафий ифодаси.

Мафкура (араб.- ғоялар тизими, эътиқодлар мажмуи) – муайян ижтимоий гуруҳ, қатлам, миллат, жамият, давлат манфаатлари, орзу-истак ва мақсад-муддаолари ифодаланган ғоявий-назарий қарашлар ва уларни амалга ошириш тамойиллари тизими.

Маданият – инсон фаолияти асосида яратилган моддий ва маънавий бойликлар мажмуи. У ижтимоий ҳодиса сифатида ҳар бир жамиятда ўзига хос бўлади. Унинг ривожланиши авлодларни бир-бири билан боғлайди, тараққиётнинг ворислиги, узлуксизлигини таъминлайди.

Маданият фалсафаси – маданиятнинг моҳияти, ривожланиш қонуниятлари, тараққиёт босқичлари ва истиқболларини яхлит, бир бутун ҳодиса сифатида ўрганувчи фалсафий фан.

Менталитет (лот. “mens»- ақл, идрок) – муайян жамият, миллат, жамоа ёки алоҳида шахснинг тарихан таркиб топган ўзига хос тафаккур даражаси, маънавий солоҳияти, ҳаёт қонунларини таҳлил этиш кучи, ижтимоий шароитларда шаклланган ақлий қобилияти. У миллий анъаналарда, расм-русумларда, урф-одатларда, эътиқодда гавдаланади.

Миллат – тил, маънавият, миллий ўзликни англаш, руҳияти, урф-одатлар, анъаналар ва кадриятлар ягоналиги асосида муайян ҳудудда яшовчи ижтимоий алоқалар билан боғланган мустақил субъект сифатида хос моддий ва маънавий бойликларни яратувчи кишиларнинг этник бирлиги.

Миллий давлатчилик – муайян миллатнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий кадриятларига, манфаатларига асосланган, жамиятнинг ижтимоий-тарихий ривожини натижасида шаклланган давлатнинг бир шакли.

Ғоя (лот. idea- тушунча, фикр) – инсон тафаккурида вужудга келадиган, ижтимоий характер касб этадиган, руҳиятга кучли таъсир ўтказиб, жамият ва одамларни ҳаракатга чорлайдиган, мақсад-муддао сари жипслаштириб сафарбар этадиган кучли, теран фикр.

Миллий ғоя – миллатнинг ўтмиши, бугуни ва истиқболини ўзида мужассамлаштирган, унинг туб манфаатлари ва мақсадларини ифодалаб, тараққиётга хизмат қиладиган ижтимоий ғоя шакли.

Миллий мафкура – миллатнинг этносоциал бирлик сифатида мавжудлиги ва ривожланиши, эркин ва озод тараққиётини асослаш, таъминлашга қаратилган ғоявий-назарий қарашлар тизими.

Миллий ўз-ўзини англаш – ҳар бир миллат (элат)нинг ўз-ўзини реал субъект, муайян моддий ва маънавий бойликларнинг эгаси, ягона тил, урф-одатлар, анъаналар, кадриятлар ва давлатга мансублигини, манфаатлар ҳамда эҳтиёжлар умумийлигини тушуниб етишига айтилади.

Назария – амалиётсиновларидан ўтган, маълум бир тизимга киритилган илмий қарашлар мажмуи.

Натурфалсафа (лот. natura – табиат) – табиат ҳодисаларини, табиатнинг инсонга ва инсоннинг табиатга бўлган муносабатларини тушунтириш ва изоҳлашдан иборат фалсафий билимлар мажмуи.

Нигилизм (лот. nihil – ҳеч нима, ҳеч қандай) – 1) Ижтимоий ҳаётда шаклланган, одат тусига кирган ҳар қандай қоида, тамойил ва қонунларни инкор қилувчи қараш; 2) Ўтмиш даврлардаги маданий меросни инкор этувчи таълимот.

Объективизм – ташқи оламдаги мавжуд нарса ва ҳодисаларни фалсафий таҳлил қилиш, билиш жараёнида субъект хоҳиши ва иродасига боғлиқ бўлмаган тарзда ҳолисона баён этиш.

Объектив реаллик – инсон онгига боғлиқ бўлмаган, ундан ташқаридаги моддий олам. Борлиқнинг моддий шакли бўлган материя ўзининг барча кўринишлари ва хоссалари билан объектив реалликни ташкил этади.

Олам – инсонни қуршаб турган дунё ҳақидаги кенг қамровли тушунча, маълум маънода воқеликнинг ифодаси.

Онг (ақл, тафаккур) – фалсафанинг субъектив реалликни ифодаловчи кенг маънодаги марказий категорияси, одамнинг, унинг мияси ва психикасининг ташқи

дунёни идеал тарзда инъикос (акс) эттиришидир, инсоннинг маънавий дунёси, ўзининг дунёдаги ўрнини англаб етиши ва унинг ташқи дунёга муносабатидир.

Онтология (юнон. *ontos* – борлик, *logos* – таълимот) – борлик ҳақидаги фалсафий таълимот, фалсафанинг борлик тўғрисидаги фундаментал тамойиллари ва муаммоларини ўрганувчи назарий соҳаси.

Сенсуализм (лот. *sensus* – ҳис, сезги) – объектив реалликдаги нарса ва ҳодисалар алоқадорлигини ва ўзига хос хусусиятларини билишда ҳиссий билишнинг ролини мутлақлаштирадиган фалсафий таълимот.

ФАЛСАФА ФАНИ НАЗАРИЯСИДАН ТЕСТ САВОЛЛАРИ.

1. ФАЛСАФА ҚАНДАЙ ТАЪЛИМОТ?

А). Олам ҳақидаги яхлит таълимот.

Б). Фалсафа олам ҳақидаги умумий таълимот.

*В). Фалсафа-табиат, жамият ва инсон тафаккури тараққиётининг энг умумий қонунлари тўғрисидаги таълимот.

Г). Фалсафа- инсон ҳақидаги, инсоний қадриятлар ҳақидаги таълимот.

2. ОНТОЛОГИЯ НИМА?

А). Табиат тўғрисидаги фалсафий таълимот.

*Б). Борлик тўғрисидаги фалсафий фан соҳаси.

В). Жамият ва инсон тўғрисидаги фалсафий таълимот.

Г). Онг ва билиш тўғрисидаги фалсафий фан соҳаси.

3. БОРЛИҚ НИМА?

А). Борлик – бу табиатдир.

Б). Борлик – бу моддий реалликдир.

*В). Борлик – бу барча моддий ва маънавий мавжуд нарсалардир.

Г). Борлик – бу материядир.

4. МАТЕРИАЛИЗМ ҚАНДАЙ ТАЪЛИМОТ?

А). Материализм – инсон ҳаёти учун моддий неъматларни устун кўювчи ҳаётий принцип.

Б). Материализм – нарса ва ҳодисаларга соғлом тўғри қараш, ҳаётдан йироқ, ҳаёлий фикрлардан воз кечиш.

В). Материализм – бутун олам атомлар ва бўшлиқдан иборат деб билувчи таълимот.

*Г). Материализм – материя, табиат, моддийликни бирламчи ва онгни иккиламчи деб таъкидловчи фалсафий оқим.

5. ИДЕАЛИЗМ ҚАНДАЙ ФАЛСАФИЙ ОҚИМ?

А). Идеализм – ҳаётда ғоялар аҳамиятини асослашга интилиш, инсоннинг мукамалликка интилиши.

*Б). Идеализм – инсон онгини бирламчи, моддий оламни иккиламчи деб тан олувчи фалсафий оқим.

В). Идеализм – мавжудликни ғоялар дунёсидан иборат деб билувчи

таълимот.

Г). Идеализм – ҳаётдан йироқ, ҳаёлий фикр юритиш.

6. МАТЕРИЯ НИМА?

А). Материя бизни ўраб турган нарсалар.

Б). Материя – бу атомлар.

*В). Материя – объектив реалликни ифодаловчи фалсафий тушунча.

Г). Материя – бу сезгиларимиз комбинацияси.

7. РИВОЖЛАНИШ ҲАҚИДА ҚАЙСИ ФИКР ТЎҒРИ?

А). Ривожланиш – материянинг миқдорий ўзгариши.

Б). Ривожланиш – материянинг сифатий ўзгариши.

В). Ривожланиш – табиатнинг такрорланмас ўзгаришидир.

*Г). Ривожланиш – оламдаги оддийдан мураккабга, қуйидан юқорига қараб борувчи сифат ўзгаришлари.

8. ҲАРАКАТ НИМА?

А). Ҳаракат – бу энергия айланиши.

Б). Ҳаракат – бу нарсаларнинг жой алмашинуви.

В). Ҳаракат – материянинг намоён бўлиши.

*Г). Ҳаракат – материянинг яшаш усули, унинг ҳар қандай ўзгариши.

9. ДУНЁНИНГ МОДДИЙ БИРЛИГИ НИМАДА?

А). Дунёнинг бирлиги у ҳақидаги фикрнинг бирлигидир.

*Б). Дунёнинг бирлиги унинг моддийлигидадир.

В). Дунёнинг бирлиги унинг борлигидадир.

Г). Дунёнинг бирлиги умумий қонунларнинг мавжудлигидадир.

10. ФАЗО ҚАНДАЙ ТУШУНЧА?

А). Фазо – бу борлиқ шаклини ифодаловчи тушунча.

Б). Фазо – бу нарсаларнинг жойлашувини ифодалаш усули.

*В). Фазо – бу материянинг тузилиши, кўлами ва жойлашувини ифодаловчи фалсафий тушунча.

Г). Фазо – борлиқнинг мавжудлигини, давомийлигини ифодаловчи фалсафий тушунча.

11. ВАҚТ НИМА?

А). Вақт – бу ҳодисаларнинг кетма-кет келиши.

Б). Вақт – бу нарса ва ҳодисаларнинг ўзгаришининг ифодаси.

В). Вақт – бу чексизлик ифодаси бўлган олий ҳакам.

*Г). Вақт – бу нарса ва ҳодисаларнинг давомийлигини характерловчи материянинг яшаш усули.

12. ФАЗО ВА ВАҚТГА ҚАНДАЙ ХУСУСИЯТЛАР ХОС?

А). объективлик, давомийлик, изчиллик.

Б). абадийлик, қайтарилмаслик, узлуксизлик, чексизлик.

В). объективлик, узлуклилик.

*Г). объективлик, чексизлик, узлуксизлик, абадийлик, узлуклилик, барча нарса ва ҳодисаларга тегишлилик.

13. ҚАЙСИ ФИКР ТЎҒРИ?

А). ҳаракат, фазо, вақт, табиат материядан ажралмасдир.

*Б). ҳаракат, фазо, вақт моддий оламга хос объектив тушунчалардир.

В). ҳаракат, фазо, вақт, табиат қонунлари материя эмас, демак булар моддий эмас.

Г). ҳаракат, фазо, вақт, табиат қонунлари инсон ақлининг маҳсули бўлган тушунчалардир.

14. САКРАШ ҲАҚИДАГИ ҚАЙСИ ФИКР ТЎҒРИ?

*А). Сакраш – бу янги сифатга ўтиш шаклидир.

Б). Сакраш – бу аста-секин бўлаётган ўзгаришларнинг узилишидир.

В). Сакраш – бу нарса ва ҳодисаларнинг янги ҳолатга ўтиш шаклидир.

Г). Сакраш – бу нарса ва ҳодисаларнинг миқдорий ўзгаришидир.

15. ТАБИАТ НИМА?

А). бутун олам.

Б). биз кўриб турган дунё.

*В). бениҳоя хилма-хил, турли-туман кўринишлари билан бизни қуршаб турган моддий олам.

Г). тирик организмлар яшайдиган муҳит.

16. ДЕТЕРМИНИЗМНИНГ МОҲИЯТИНИ ИФОДАЛАБ БЕРИНГ.

*А). барча ҳодисаларнинг умумий, қонуниятли алоқадорлиги, сабабли ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги таълимот.

Б). нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро алоқадорлиги ҳақидаги фан.

В). нарса ва ҳодисаларнинг тизимли, структуравий боғлиқлиги ҳақидаги таълимот.

Г). нарса ва ҳодисаларнинг функционал боғлиқлиги ҳақидаги таълимот.

17. ТАБИАТ ТЎҒРИСИДАГИ ФАЛСАФИЙ ФАН ТАРМОҒИ НИМА?

А). Физика.

Б). Космология.

*В). Натурфалсафа.

Г). Онтология.

18. ОНГНИНГ ТАЪРИФИНИ БЕРИНГ.

А). онг тафаккурлаш шакли.

Б). онг инсон моҳиятининг инъикоси.

В). онг маънавиятнинг ифодаси.

*Г). онг юксак даражада ташкил топган материянинг хоссаси, инъикоснинг олий руҳий шакли.

19. ИНЪИКОС НИМАГА ХОС ХУСУСИЯТ?

А). бу хусусият фақат инсонга хосдир.

*Б). бу хусусият барча материяга хосдир.

В). бу хусусият тирик мавжудотларги хосдир.

Г). бу хусусият фақат инсонга ва хайвонларга хосдир.

20. ИЖТИМОЙ ОНГ ОЛДИН ПАЙДО БЎЛГАНМИ ЁКИ ИНДИВИДУАЛ ОНГ?

А). Индивидуал онг.

Б). Ижтимоий онг.

*В). Иккаласи бир вақтда.

Г). Тўғри жавоб йўқ.

21. Инсоният тарихида ижтимоий онгнинг қайси шакли дастлаб пайдо бўлган?

А). Ижтимоий онгнинг барча шакллари бир вақтда пайдо бўлган.

*Б). Дастлаб ахлоқий ва эстетик онг пайдо бўлган.

В). Дастлаб ахлоқий ва сиёсий онг пайдо бўлган.

Г). Дастлаб диний ва фалсафий онг пайдо бўлган.

22. ОНГСИЗЛИК НИМА?

*А). беихтиёр, англамасдан қилинган ҳаракат.

Б). кутилмаганда айтилган сўз.

В). хайвонлардаги ҳатти-ҳаракатлар.

Г). дунёни билишни инкор қилиш.

23. ДИАЛЕКТИК ҚОНУН ТАЪРИФИНИ АЙТИНГ.

*А). дунёдаги нарса ва ҳодисаларнинг объектив муҳим, зарурий, умумий, нисбий барқарор алоқалари йиғиндиси.

Б). реал воқеаларнинг кетма-кет келиши.

В). объектив оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг умумий муносабатлари.

Г). объектив оламини билиш босқичи.

24. ДИАЛЕКТИК КАТЕГОРИЯ НИМА?

А). реал оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг умумий хоссаларини акс эттиради.

Б). воқелик ва билиш ҳодисаларининг белгиларини, муносабатларини ривожлантиради.

*В). воқелик ва билиш ҳодисаларининг энг умумий ва муҳим хоссаларини, томонларини, муносабатларини акс эттирадиган тушунча.

Г). тафаккур оламига хос умумий белгилар.

25. ДИАЛЕКТИКА ТЎҒРИСИДА ҚАЙСИ ЖАВОБ ЭНГ ТЎҒРИ?

А). ҳаракат, ўзгариш, ривожланиш тўғрисидаги таълимотдир.

Б). назарий ва амалий билимларнинг, тадқиқотларнинг усули.

В). категория ва қонунлар тизими.

*Г). дунё алоқадорлиги ва тараққиётининг энг умумий қонунлари тўғрисидаги таълимот.

26. РИВОЖЛАНИШ ДЕГАНДА НИМАНИ ТУШУНАСИЗ?

А). Ривожланиш – табиат ва жамиятнинг сифатий ўзгариши.

*Б). Ривожланиш – моддий ва идеал ҳодисаларнинг қайтарилмас, қонуний йўналтирилган ўзгаришидир.

В). Ривожланиш – фақат материянинг ўзгаришидир.

Г). Ривожланиш – бу нарсаларнинг қонуний, сифатий ўзгаришидир.

27. ТАРАҚҚИЁТ ҚАЕРДА КЕЧАДИ?

- А). Тараққиёт табиатда юз беради.
- Б). Тараққиёт жамиятда юз беради.
- В). Тараққиёт инсон тафаккурида юз беради.
- *Г). Юқоридаги барча жавоблар тўғри.

28. Тараққиётнинг сабабини қайси бир қонун очиб беради?

- А). Тараққиётнинг сабабини диалектиканинг қонун ва категориялари очиб беради.
- *Б). Тараққиётнинг сабабини диалектик зиддиятчилик қонуни очиб беради.
- В). Тараққиётнинг сабабини миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўзаро ҳтиш қонуни очиб беради.
- Г). Тараққиётнинг сабабини инкорни инкор қонуни очиб беради.

29. СИФАТ ТУШУНЧАСИНИ ИЗОҲЛАНГ.

- А). нарсаларнинг ўзига хос томонлари, белгилари.
- Б). нарсаларнинг бир-бирларидан ажратиб турувчи хусусиятлари.
- *В). нарсага муайянлик бағишловчи, уни бошқалардан ажратиб турувчи хосса ва хусусиятларларининг мажмуасидир.
- Г). хосса ва хусусиятларнинг бирлиги.

30. ЗАРУРИЯТ НИМА?

- *А). Зарурият – муайян шароитда албатта юз бериши лозим бўлган нарсадир.
- Б). Зарурият – воқеа ва ҳодисаларнинг юз бериш шартидир.
- В). Зарурият – нарсаларнинг қонуний ўзгаришидир.
- Г). Зарурият – ҳаракат ва ривожланишнинг манбаи.

31. ЗАРУРИЙ ВОҚЕАНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ НИМАДА?

- А). сабабий алоқадорликда.
- *Б). қонунийликда.
- В). тушунчадаги кучларнинг таъсири, субъектив омилда.
- Г). фаоллик, пешонага ёзилганликда.

32. ТАСОДИФ НИМА?

- А). заруриятнинг намоён бўлишидир.
- Б). сабабсиз вужудга келган воқеадир.
- *В). қутилмаганда содир бўладиган ҳодисадир.
- Г). муқаррар содир бўладиган ҳодиса.

33. УМУМИЙЛИК ТУШУНЧАСИНИ ИФОДАЛАНГ.

- *А). умумийлик якка нарсалар ва ҳодисалардаги объектив мавжуд томонлар, хоссалар, белгилар ва улар ўртасидаги алоқа ва муносабатлар.
- Б). умумийлик – яккаликка боғлиқ реал мавжуд нарса.
- В). умумийлик яккалик билан узвий боғлиқ ва якка нарсаларнинг йиғиндисидан иборат.
- Г). доимий такрорланадиган белгилар йиғиндиси.

34. САБАБ ТУШУНЧАСИНИ ТАЪРИФЛАНГ.

- А). сабаб- бу шундай воқеаки, унинг асосида нимадир вужудга келади.
- *Б). сабаб – бу ўзига мувофиқ келадиган бирор натижа келтириб чиқаради.
- В). сабаб – бу ҳодисанинг келиб чиқиши учун баҳонадир.
- Г). сабаб – инсон зехнига хос хусусият.

35. БУТУН ТУШУНЧАСИНИ ИФОДАЛАБ БЕРИНГ.

А). жисмларнинг катталиги.

Б). бир неча нарсаларнинг қўшилиши ва йиғиндиси.

В). моддий дунёдаги умумий алоқалар ва хусусиятлар.

*Г). ҳодисаларнинг яхлитлиги ва умумийлиги, ўзаро ички боғлиқлиги, ташқи куриниши.

36. БЎЛАК НИМА?

А). нарсаларнинг алоҳида қисми.

Б). энг майда нарсалардир.

*В). бирор нарса ва ҳодисаларнинг алоҳида қисми, ўзига хослиги, мустақиллиги, барқарорлиги, абадийлиги.

Г). алоҳида сифат ва миқдор аниқлигига эга бўлган нарса, ҳодиса.

37. ТИЗИМ ТУШУНЧАСИНИ ТУШУНТИРИНГ.

А). олам тартиби.

*Б). элементларнинг тўплами бўлиб, ўзаро муносабат ва алоқада муайян яхлитлик ҳамда бирликни ташкил этади.

В). қисмларнинг ўзаро алоқадорлиги.

Г). нарсаларнинг қўшилиши ва бирлиги.

38. ТУЗИЛИШ НИМА?

А). тизим ташкил топишнинг тузилиши ва ички нормаси.

Б). нарсаларнинг ёнма-ён туриши.

В). нарса ва ҳодисаларнинг бир жойда тўпланиши.

*Г). элементлар алоқадорлиги.

39. ТЎҒРИ ФИКРНИ АНИҚЛАНГ.

А). Элемент – бу материянинг дастлабки моддаси, бирламчи зарра.

Б). Элемент – бу энг майда нарсалар.

*В). Элемент – бу тизимнинг таркибий бир қисми.

Г). Элемент – бу атом ва бошқа моддий унсурлар.

40. ИНСОН ДЕГАНИ НИМА?

А). Инсон табиатнинг бир бўлаги.

Б). Инсон тирик мавжудотдир.

В) Инсон ижтимоий мавжудотдир.

*Г). Инсон биосоциал мавжудотдир.

41. ҚАЙСИ ФИКР ТЎҒРИ?

А). Инсонда ижтимоийлик ўзига биологикликни бўйсундиради.

Б). Инсон биринчи навбатда биологик мавжудот сифатида намоён бўлади.

В). Инсондаги ҳамма нарса ижтимоийлик билан белгиланади.

*Г). Инсон биологик ва ижтимоийликнинг чамбарчас бирлиги намоён бўлишидир.

42. Инсон шахсининг моҳияти нима билан белгиланади?

А). Шахс психологияси (руҳиятияяя) билан.

Б). Шахснинг ўз-ўзини англаши билан.

*В). Шахснинг дунёқараши билан.

Г). Шахс иродаси билан.

43. Жамият ҳақидаги қайси бир фикрни тўғри деб ҳисоблайсиз?

*А). Жамият объектив мавжуд бўлиб, ўзининг ривожланиш қонунларига эга бўлган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мажмуидир.

Б). Жамият кишиларнинг жамоавий йиғиндиси.

В). Жамият – табиатнинг “бир қисмидир”.

Г). Жамият ақл ва амалиёт орқали вужудга келувчи маънавий ҳодиса.

44. Ишлаб чиқариш усули нима?

А). Ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларининг диалектик бирлиги.

*Б). Кишиларнинг моддий ишлаб чиқариш фаолиятининг тарихан таркиб топган тизими.

В). Кишиларнинг моддий ва маънавий муносабатлари.

Г). Кишилар маънавий алоқадорлигининг намойиши.

45. Ишлаб чиқариш усулида нима белгиловчи ҳисобланади?

А). Мулкий муносабатлар.

Б). Ишлаб чиқарувчи кучлар.

*В). Ишлаб чиқариш муносабатлари.

Г). Айирбошлаш муносабатлари.

46. Ишлаб чиқариш муносабатлари деганда нимани тушунасиз?

*А). моддий ноз-неъматларни ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва тақсимлаш жараёнида кишилар ўртасида вужудга келадиган муносабатлар.

Б). моддий ноз-неъматларни айирбошлаш ва кишилар ўртасидаги муносабатлар.

В). моддий маҳсулотларни жамиятда ўзаро тенг тақсимлаб олишдир.

Г). ижтимоий ҳаётнинг моддий томони.

47. Ишлаб чиқарувчи кучларга нималар киради?

А). жамиятдаги бир гуруҳ шахслар.

*Б). меҳнаткаш омма, ишлаб чиқариш қуроллари, техника, фан.

В). ишлаб чиқаришнинг моддий ва шахсий унсурлари йиғиндиси.

Г). йирик техник ва технологик қуроллар.

48. Ишлаб чиқариш воситаларига нималар киради?

*А). Меҳнат қуроллари, меҳнат воситалари.

Б). ишлаб чиқариш қуроллари, транспорт, хом ашёлар.

В). техника ва технология.

Г). фақат меҳнат ва табиат предметлари.

49. ПРОГРЕСС НИМА?

А). Прогресс – бу ривожланишдир.

Б). Прогресс – бу жамият тарихидир.

В). Прогресс – бу ижтимоий муносабатларнинг самаралироқ тизимга ўтишидир.

*Г). Прогресс – бу табиат ва жамиятнинг илгариланма ҳаракатидир.

50. Жамият тўғрисидаги умумназарий фалсафий фан қайси?

А). Социология.

Б). Фалсафий антропология.

*В). Ижтимоий фалсафа.

Г). Тарих фалсафаси.

51. ЭРКИНЛИК НИМА?

А). Эркинлик – бу ҳуқуқдир.

Б). Эркинлик – бу кишининг ички дунёсидир.

*В). Эркинлик – бу анланган заруриядир.

Г). Эркинлик – бу ҳар қандай ҳаракат қилиш (хоҳлаганча ҳаракат қилиш) имкониятидир.

52. МАДАНИЯТ НИМА?

А). у инсон ақли билан яратилган барча нарсалардир.

Б). у бутун инсоният яратган барча нарсалардир.

В). у инсоният яратган барча маънавий бойликлар мажмуасидир.

*Г). у инсоният яратган барча моддий ва маънавий бойликларнинг мажмуасидир.

53. ЦИВИЛИЗАЦИЯ НИМА?

*А). у муайян тарихий тараққиётда жамият моддий ва маънавий ҳаёти ривожланишининг етуқлик даражаси.

Б). у урбанизациялашган (шаҳарлашган) жамият.

В). у тўла эркинлик жамиятидир.

Г). у инсон ўзгартирувчилик фаолиятининг натижаси.

54. ҚАДРИЯТ НИМА?

А). миллат, элат, ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари.

Б). тенглик, ҳақиқат, яхшилик, ҳалоллик фазилатлари йиғиндиси.

*В). инсоният томонидан яратилган моддий ва маънавий бойликлар йиғиндиси.

Г). маънавий бойликлар йиғиндиси.

55. ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ҚАЙСИЛАР?

А). табиий ва ижтимоий қадриятлар.

*Б). моддий ва маънавий, миллий ва умуминсоний қадриятлар.

В). маънавий, миллий, ижтимоий-сиёсий қадриятлар.

Г). маънавий, табиий, миллий қадриятлар.

56. ГНОСЕОЛОГИЯ НИМА?

А). Билишни инкор этувчи фалсафий таълимот.

Б). Воқеликни билиш мумкинлиги тўғрисидаги таълимот.

В). Билишнинг энг умумий усуллари тўғрисидаги фан.

*Г). Онг ва билиш ҳақидаги таълимот (фан).

57. АГНОСТИКЛАР КИМЛАР?

А). Дунёни билиш мумкинлигини инкор этмай бироқ, билимнинг ҳақиқийлигига шубҳа билдирувчилар.

Б). Дунёни билиш мумкинлигини таъкидловчилар.

*В). Дунёни билиш мумкинлигини рад этувчилар.

Г). Дунёни билишда амалиётнинг ролини инкор этувчилар.

58. Билимга қайси жавобда тўғри таъриф берилган?

- *А). Билим – инсоннинг онг ёрдамида оладиган дунё ҳақидаги маълумотларининг энг олий даражаси.
- Б). Билим – инсоннинг тафаккур қилиш борасида юзага келадиган маълумотлар тўплами.
- В). Билим – инсоннинг оммавий ахборот воситалари орқали оладиган маълумотлар тўплами.
- Г). Билим – воқеликнинг тафаккурдаги инъикоси.

59. Фалсафанинг билиш муаммолари кўриб чиқиладиган бўлими нима деб номланади?

- А). Социология.
- *Б). Гносеология.
- В). Герменевтика.
- Г). Феноменология.

60. Ҳиссий билишнинг шакллари айтиб беринг.

- А). сезги ва идрок.
- Б). сезги, идрок, тасаввур, тушунча.
- В). тасаввур ва хотира.
- *Г). сезги, идрок, тасаввур.

61. Сезги аъзолари орқали олинган билим қандай билим ҳисобланади?

- *А). Ҳиссий.
- Б). Ақлий.
- В). Трансцендентал.
- Г). Иррационал.

62. Қачонлардир инсоннинг сезги аъзоларига таъсир кўрсатган ва кейинчалик мияда сақланиб қолган алоқалар бўйича гавдаланадиган нарсаларнинг образлари бу - ...

- А). Идрок.
- Б). Хаёл.
- *В). Тасаввур.
- Г). Хотира.

63. Билиш жараёнини, инсон онгини ўтмиш ва келажак билан боғловчи, эгалланган билимларни сақловчи ҳодиса нима дейилади?

- А). Тасаввур.
- Б). Хаёл.
- *Б). Хотира.
- Г). Идрок.

64. Билишнинг эмпирик даражаси методлари қайсилар?

- А). тажриба, практика, кузатиш, эксперимент, идеаллаштириш.
- *Б). кузатиш, ўлчаш, таққослаш, эксперимент, тавсифлаш.
- В). ўлчаш, амалиёт, таққослаш, аналогия, формаллаштириш.
- Г). кузатиш, эксперимент, солиштириш, мавҳумлаштириш.

65. Билишнинг назарий даражаси методларини кўрсатинг.

- *А). абстракция, индукция ва дедукция, аналогия, идеаллаштириш, моделлаштириш, системали ёндошиш, мавҳумлик ва аниқлик, тарихийлик ва мантиқийлик кабилар.
- Б). мавҳумлик ва аниқлик, аналогия, моделлаштириш, анкета ва сўровнома, классификация, баённома кабилар.

В). индукция ва дедукция, идеаллаштириш, абстракция, эксперимент ва тажриба кабилар.

Г). классификация, кузатиш, тажриба, мавхумлаштириш, баённома кабилар.

66. Ҳақиқат тушунчасига қайси жавобда тўғри таъриф берилган?

А). Ҳақиқат – бу билимларнинг самарадорлиги, фойдалилигидир.

Б). Ҳақиқат – бу билимларнинг зиддиятсизлиги, воқелик инъикосининг натижаси.

*В). Ҳақиқат – бу билимларнинг объектив борлиққа мувофиқ бўлган ва амалиётда синалган мазмуни, билиш ривожланишининг якуни ва омили.

Г). Ҳақиқат – билиш назариясининг бош категорияси, олам ҳақидаги билимлар мазмуни.

67. Билимларнинг инсон иродаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган мазмуни ҳақиқатнинг қандай тури хусусиятини белгилайди?

А). Мутлақ ҳақиқат.

В). Субъектив ҳақиқат.

Б). Нисбий ҳақиқат.

*Г). Объектив ҳақиқат.

68. Предметни келажакда тўлдирилиши ёки унга аниқлик киритилиши мумкин бўлмаган тарзда тўла, мукамал билиш бу - ...

*А). Мутлақ ҳақиқат.

В). Субъектив ҳақиқат.

Б). Нисбий ҳақиқат.

Г). Объектив ҳақиқат.

69. Борлиқни асосан тўғри акс эттирса-да, образ объектга унча мос эмаслиги билан ажралиб турадиган ҳақиқат турини аниқланг.

А). Мутлақ ҳақиқат.

В). Корреспондент ҳақиқат.

*Б). Нисбий ҳақиқат.

Г). Когерент ҳақиқат.

70. Билишнинг фалсафий методлари тўғри кўрсатилган жавобни топинг.

А). Метафизика, таққослаш, идеаллаштириш, қиёслаш.

Б). Софистика, эклектика, аналитика, аналогия.

*В). Диалектика, метафизика, софистика, синергетика.

Г). Индукция, дедукция, аналогия, синтез, диалектика.

71. Қуйида келтирилган қайси фалсафий метод қарама-қарши фикрлар асосида ихтиёрий танланган фойдали мулоҳаза бўлиб, унинг ёрдамида ҳар қандай нарса ёки фикрни исботлай олиш мумкин?

А). Эклектика.

В). Метафизика.

*Б). Софистика.

Г). Диалектика.

72. Синергетика сўзининг маъноси қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А). Сабабий боғлиқлик, ўзаро алоқадорлик.

Б). Келишув, муҳокама.

В). Ўзаро таъсир, бирдамлик, умумийлик.

*Г). Келишув, ҳамкорлик, ўзаро таъсир.

73. Материя ҳаракатининг асосий шаклига мос бўлган муайян фанда қўлланиладиган билиш усуллари, тамойиллари, тадқиқот усуллари ва тартиб-тамойиллари мажмуи бу - ...

*А). Хусусий илмий методлар.

Б). Фан методлари.

В). Фалсафий методлар.

Г). Умумантиқий методлар.

74. Яхлит тизимларда уларнинг структурасини, структуранинг таркибий қисмлари ўртасидаги барқарор муносабатлар ва ўзаро алоқаларни ҳамда уларнинг бир-бирига нисбатан функцияларини ажратиш асосига қуриладиган метод бу - ...

- А). Системали-структуравий метод.
- Б). Синергетик метод.
- *В). Структуравий-функционал метод.
- Г). Тўғри жавоб кўрсатилмаган.

75. Қуйидагилардан қайси бири тушуниш ва тушунтириш масалаларини ўрганувчи фалсафий таълимот саналади?

- А). Синергетика.
- Б). Софистика.
- В). Феноменология.
- *Г). Герменевтика.

76. Дунёнинг асоси ва моҳиятини битта субстанциядан келиб чиқиб тушунтирувчи фалсафий таълимотлар қандай номланади?

- А). Материализм.
- Б). Идеализм.
- *В). Монизм.
- Г). Дуализм.

77. Дунё асосига икки субстанциянинг муштараклиги ғоясини илгари сурувчи таълимотни белгиланг.

- А). Материализм.
- Б). Идеализм.
- В). Монизм.
- *Г). Дуализм.

78. Одамларнинг тарихан шаклланган эҳтиёжларини қондириш учун у ёки бу объектни ўзгартириш мақсадида таъсир кўрсатиш фаолияти – бу ...

- *А). Амалиёт.
- Б). Тажриба.
- В). Ҳаракат.
- Г). Фаолият.

79. Амалиёт ҳақидаги фалсафий таълимот қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А). Аксиология.
- *Б). Праксиология.
- В). Геронтология.
- Г). Методология.

80. Амалиётнинг асосий шакли бу - ...

- А). Кўникма.
- Б). Тажриба.
- *В). Меҳнат.
- Г). Билиш.

81. Дунёқараш объекти ва асосий масаласи қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

- А). Бутун коинот, “коинот-инсон” муносабатлари.
- Б). Бутун табиат, “табиат-инсон” муносабатлари.
- В). Бутун инсоният, “жамият-инсон” муносабатлари.
- *Г). Бутун дунё, “олам-одам” муносабатлари.

82. Тарихда дунё манзаралари тўғрисидаги қандай дунёқарашлар мавжудлиги қайд этилади?

- А). Буддавийлик, христианлик, ислом.
- *Б). Мифологик, диний, фалсафий, илмий.
- В). Эзотерик, фалсафий, илмий, бадий.

Г). Мифологик, диний, интуитив, илмий.

83. МЕТОДОЛОГИЯ НИМА?

А). Методология - амалий фаолият принципларидир.

Б). Методология – гносеология (билиш назарияси)нинг ўзидир.

*В). Методология – билиш методлари ҳақидаги таълимотдир.

Г). Методология – илмий текшириш мантиқи (логикаси)дир.

84. ГЛОБАЛЛАШУВ ТУШУНЧАСИНИ ҚАНДАЙ ИЗОҲЛАЙСИЗ?

А). Глобаллашув феномени – фалсафий ҳаётини тушунча сифатида ижтимоий-сиёсий, табиий-биологик муҳитнинг шаклланишини, миллий ва минтақавий муаммоларнинг жаҳон миқёсидаги муаммоларга айланиб боришини ифода этади.

Б). Глобаллашув – бу аввало ҳаёт суръатларининг бекиёс даражада тезлашуви демакдир.

В). Глобаллашув – турли мамлакатлар иқтисодиёти, маданияти, маънавияти ва одамлари ўртасидаги боғланишнинг кучайишидир.

*Г). Юқоридаги жавобларнинг барчаси тўғри.

85. ГЛОБАЛ СЎЗИНИНГ МАЪНОСИ НИМА?

А). Глобал сўзи франц. globus – Ер шари маъносини билдиради.

Б). Глобал ҳамма соҳада устунлик ва ўз ҳукмига бўйсундиришни англатувчи тушунча.

В). Глобал сўзи франц. global – энг умумий, умумбашарий маъносини билдиради.

*Г). А ва В жавоблар тўғри.

86. ДАВЛАТ НИМА?

А). Давлат – жамият сиёсий тизимининг одамлар, гуруҳлар, синфлар, ташкилотларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини, ўзаро муносабатларини ташкил этувчи, йўналтирувчи ва назорат қилувчи асосий институти.

Б). Давлат – ҳокимиятнинг бош институти, ҳокимият давлат орқали ўз сиёсатини амалга оширади.

В). Давлат – бутун мамлакат миқёсидаги ҳокимиятнинг махсус бошқарув аппарати таянадиган, барча учун қонунлар чиқарадиган ва суверенитетга эга бўлган сиёсий ташкилоти.

*Г). Юқоридаги барча жавоблар тўғри.

87. Ҳозирги вақтда давлат бошқарув шаклига кўра қандай турларга бўлинади?

А). Мутлақ монархия ва парламентар (чекланган) монархия.

Б). Президентлик ва парламентар республика.

*В). Монархия ва республика.

Г). Федератив ва конфедератив.

88. СИЁСАТ НИМА?

А). Сиёсат бу дунёқарашнинг умумлашган ифодасидир.

*Б). Сиёсат бу синфлар, миллатлар, давлатлар ўртасидаги муносабатлар мажмуи.

В). Сиёсат – бу давлат тузилиши.

Г). Сиёсат бу жамият ҳолати ҳақидаги баҳоларнинг мажмуасидир.

89. Ҳамма соҳада устунлик ва ўз ҳукмини ўтказиш, барчани ўз ҳукмига бўйсундиришни англатувчи тушунча нима?

- *А). Гегемонизм.
- Б). Гедонизм.
- В). Волюнтаризм.
- Г). Геноцид.

90. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида эркинлик устувор бўлишини, жамиятнинг эволюцион ривожланиш йўлини эътироф этувчи ва асословчи назария, амалиёт, ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий оқим қандай номланади?

- А). Ижтимоий шартнома назарияси.
- Б). Конституционализм.
- *В). Либерализм.
- Г). Плюралистик демократия назарияси.

ФАЛСАФА ТАРИХИ ВА НАЗАРИЯСИ ФАНИДАН ЯКУНИЙ НАЗОРАТ (ЁЗМА ИШ) В А Р И А Н Т Л А Р И .

Вариант №-1.

1. Фалсафа фанининг предмети, унинг асосий муаммолари. “Фалсафа” атамаси, фалсафа фани, предмети, баҳс мавзулари, унинг тарихий ва замонавий талқинлари, тарихийлик, замонавийлик.

2. Борлиқ тушунчаси ва унинг асосий турлари, кўринишлари. Онтология, борлиқ, йўқлик, мавжудлик, реаллик, моддийлик, маънавийлик тушунчалари, уларнинг дунёвий, диний ва фалсафий талқинлари.

Вариант №-2.

1. Дунёқараш тушунчаси, унинг тарихий шакллари. Дунёқараш, инсоният дунёқарашининг ўзгариш диалектикаси, тарихий шакллари, мифологик, диний, фалсафий дунёқараш, истиклол ва фалсафий дунёқарашнинг ўзгариши зарурати.

2. Материя – борлиқнинг моддий шакли. Материя категорияси, материянинг тузилиши ва хусусиятлари ҳақида ҳозирги замон фани, материянинг мавжудлик шакллари, материя категориясининг илмий, фалсафий аҳамияти.

Вариант №-3.

1. Фалсафа фанининг асосий йўналишлари, фанлар тизимидаги ўрни ва вазифалари. Фалсафа – фан, фалсафий билимлар тизими, фалсафий ғоя ва назариялар, уларнинг асосий йўналишлари, фалсафа ва бошқа фанлар, фалсафанинг жамиятдаги асосий функциялари, фалсафа ва миллий мафкура.

2. Ҳаракат – борлиқнинг мавжудлик шакли. Ҳаракат категорияси, ҳаракат ва сокинлик, ҳаракатнинг асосий шакллари, ҳаракат ва тараққиёт, ҳаракатнинг объективлиги ва абадийлиги.

Вариант №-4.

1. Қадимги Шарқ мамлакатларида илк фалсафий фикрлар. Фалсафа тарихи – фан, Қадимги Шарқ – жаҳон цивилизациясининг марказларидан бири, қадимги Миср, Бобил, ҳинд ва хитой фалсафаси, “Веда”лар ва упанишадалар, чорвақ таълимоти, конфуцийчилик ва даосизм ғоялари.

2. Борлиқнинг фазо ва вақтда мавжуд бўлиш тамойили. Фазо ва вақт категориялари, уларнинг узвий боғлиқлиги, фазо ва вақт ўлчамлари ва уларнинг чексизлиги, фазо ва вақтнинг объективлиги, абадийлиги, узлуксизлик ва узлуклилик тамойили.

Вариант №-5.

1. “Авесто” ва зардуштийлик ғоялари. Марказий Осиёдаги энг қадимги фалсафий қарашлар, қадимги Хоразм, Бактрия, Суғдиёна, Афросиёб, Шош маданияти, зардуштийлик ғоялари, “Авесто” – қадимги маънавий мерос, нур ва зулмат, эзгулик ва ёвузлик, дуалистик дунёқараш, ахлоқийликнинг учлик қоидаси, Моний ва Маздак ғоялари.

2. Табиатнинг фалсафий таҳлили. Табиат тушунчаси, натурфалсафа, нотирик ва тирик табиат, уларнинг бир бутунлиги, ҳаёт, унинг кадр-қиммати муаммоси, Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши тўғрисида дунёвий ва диний қарашлар, биосфера, ноосфера, экосфера тушунчалари, табиат ва жамият, ўзаро алоқадорлиги, табиат-жамият-инсон коэволюцияси, экологик муаммолар, экологик онг ва экологик тарбия.

Вариант №-6.

1. Антик юнон илк фалсафий мактаблари. Қадимги Юнонистонда ижтимоий-иқтисодий, маданий тараққиёт, Иония ва Италия фалсафаси, Милет ва Элей фалсафий мактаблари, Гераклит, Пифагорчилар, Змпедокл ва Анаксагор, Атомистлар фалсафаси.

2. Фалсафада онг ва руҳият муаммоси. Онг ва руҳни фалсафий тушуниш, онг – инъикос ва фаолият, онгнинг келиб чиқиши ва тараққиёти ҳақидаги илмий маълумотлар, онгли фаолият шакллари, онг ва тил, онг ва кибернетика, онг ва ўз-ўзини англаш, миллий ўзликни англаш.

Вариант №-7.

1. Антик юнон фалсафасининг классик даври ғоялари. Қадимги Юнонистонда кулдорлик демократияси, Афина, софистлар фалсафаси, Сукрот, Афлотун фалсафаси, атомистлар, Аристотелнинг олам ҳақидаги қарашлари, диалектикаси, билиш назарияси, мантиқ илми, Афлотун ва Аристотелнинг ижтимоий-сиёсий ғоялари.

2. Ижтимоий онг, унинг асосий шакллари ва даражалари. Ижтимоий ва индивидуал онг, ижтимоий онг ва ижтимоий борлиқ, ижтимоий онгнинг нисбий мустақиллиги, ахлоқий, эстетик, диний, сиёсий, ҳуқуқий, илмий, фалсафий, бадий онг шакллари, ижтимоий руҳият ва ижтимоий мафкура, миллий мафкура.

Вариант №-8.

1. Қадимги Рим фалсафаси. Қадимги Римда ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёт хусусиятлари, фалсафий фикрлар, Лукреций Кар, стоиклар фалсафаси, Цицерон, Варрон, Сенека, Марк Аврелий, Антоний қарашлари, сўнгги антик давр, неоплотонизм, Плотин фалсафаси.

2. Диалектика назарияси. Тараққиёт ва алоқадорлик, унинг фалсафий мазмуни. Диалектика тушунчаси, ўзгариш, ҳаракат, тараққиёт, ўзаро алоқадорлик тушунчалари, турли назария ва концепциялар, билишнинг турли фалсафий усуллари (методлари): диалектика, софистика, эклектика, метафизика, синергетика.

Вариант №-9.

1. VII – VIII асрларда Марказий Осиёда диний-фалсафий фикрлар. Ислом ва унинг Марказий Осиёда тарқалиши, ислом илоҳиёти ва унинг оқимлари: мутакаллимлар ва мутазилийлар, сўфийлик (тасаввуф) ва унинг тариқатлари, Юсуф Ҳамадоний, Яссавийлик, Хожагон, Кубровийлик, Нақшбандийлик, сўфийлик таълимотида комил инсон тўғрисидаги фикрлар.

2. Қонун ва фалсафа фани қонунлари. Фалсафада қонун тушунчаси, табиат ва жамият қонунларидаги умумийлик ва тафовут, хусусий, умумий ва энг умумий қонунлар, ривожланиш ва ўзаро алоқадорликнинг энг умумий фалсафий қонунлари, диалектик зиддиятчилик қонуни, миқдор ва сифат ўзгаришларининг ўзаро ўтиш қонуни, инкорни инкор қонуни, зиддият, миқдор, сифат, инкор тушунчалари.

Вариант №-10.

1. IX – XII асрларда араб-мусулмон оламида Уйғониш даври фалсафаси. Шарқ Уйғониш даври, ҳурфикрчилик, Марказий Осиёда Уйғониш даври босқичлари ва хусусиятлари, ғоявий-назарий манбалари, табиий-илмий заминлари, ижтимоий-маданий асослари, ислом илоҳиёти ва дунёвий билимлар равнақи, гуманизм (инсонпарварлик), рационализм, пантеизм таълимотлари.

2. Диалектик зиддиятчилик (қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши) қонуни. Айният, тафовут, қарама-қаршилик, зиддият, конфликт тушунчалари, диалектик зиддиятчилик, зиддиятларнинг турлари, зиддиятларни бартараф этиш йўллари, зиддият – тараққиёт омили.

Вариант №-11.

1. Абу Наср Форобийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари. Форобий – буюк Шарқ мутафаккири, Шарқ Арастузи, “муаллими ас-соний”, асарлари, “Илмлар таснифи”, борлик, билиш ҳақидаги қарашлари, инсон тарбияси, жамият ва давлат муаммоларига доир фалсафий ғоялари.

2. Миқдор ва сифат ўзгаришларининг ўзаро ўтиш қонуни. Миқдор, сифат, меъёр, узлуксизлик ва сакраш тушунчалари, сакраш (сифат ўзгариши) турлари, мустақиллик туфайли рўй бераётган туб сифат ўзгаришлари.

Вариант №-12.

1. Беруний ва Ибн Синонинг табиий-илмий ва фалсафий мероси. Беруний – ўрта аср қомусий олими, табиий-илмий қарашларининг фалсафий аҳамияти, асосий асарлари, борлик, материя, ҳаракатга доир фалсафий фикрлари, жамият ҳақидаги

қарашлари, Ибн Синонинг илмий мероси, олам ва унинг ривожини, билиш ва мантикқа оид, жамият ва давлат ҳақидаги қарашлари ва унинг аҳамияти.

2. Инкорни инкор қонуни. Инкор тушунчаси, инкорни инкор, диалектик ва нигилистик тушуниш, диалектик инкор хусусиятлари, ворислик, мустақиллик йилларида ворисликка муносабат.

Вариант №-13.

1. Ўрта асрлар Европа фалсафаси. Ғарбий Европада ўрта асрлар ижтимоий-иқтисодий шароити, христианлик, черковнинг роли, черков илоҳиёти, апологетика, патристика, Тертуллиан, А.Августин, Ф.Аквинский, схоластик фалсафа, реализм ва номинализм.

2. Фалсафа фани категориялари. Категория тушунчаси, фалсафий категориялар, умумий алоқадорлик, яққалик ва умумийлик, моҳият ва ҳодиса, структуравий алоқадорлик, мазмун ва шакл, бутун ва қисм, система, структура ва элемент, сабабли (детерминистик) боғланишлар, сабаб ва оқибат, зарурият ва тасодиф, имконият ва воқелик.

Вариант №-14.

1. XIV-XV асрларда Марказий Осиёда табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий ғоялар. Ижтимоий-сиёсий аҳвол, темурийлар салтанати, фан ва маданият раўнақи, тасаввуф, Нақшбандийлик, Улуғбекнинг табиий-илмий ва ижтимоий-сиёсий қарашлари, Бобурнинг фалсафий қарашлари, А.Навоий фалсафаси.

2. Фалсафа фани билиш назарияси. Билиш – инъикос ва фоолият, гносеология, гностицизм (оптимизм), скептицизм, агностицизм, билиш субъекти ва объекти, билиш диалектик жараён, билиш босқичлари ва шакллари, хиссий билиш, ақлий билиш, билиш ва билим, ҳақиқат тушунчаси, ҳақиқат объективлиги, конкретлиги, нисбий ва мутлақ ҳақиқат.

Вариант №-15.

1. Алишер Навоийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари. Навоий ижодида “она тили – миллат руҳи” тамойили, асарлари, тасаввуф шоири, олам ва билишга доир қарашлари, инсон ва унинг ахлоқий-маънавий камолоти, гуманизм, одил подшоҳлар ва комил инсон тўғрисидаги ғоялари.

2. Илмий билишнинг моҳияти ва услублари (методлари). Илмий билиш, метод, назария ва методология тушунчалари, умумий ва махсус илмий методлар, илмий билиш даражалари, эмпирик тадқиқот, назарий тадқиқот, уларнинг методлари, илмий билиш шакллари.

Вариант №-16.

1. Ғарб Уйғониш (Ренессанс) даври фалсафий тафаккури. XIV-XVI асрлар, Ренессанс тушунчаси, дин ва схоластикага зарба, гуманизм, адабиёт ва санъат раўнақи, табиат- билимнинг ягона манбаи, натурфалсафа, Н.Кузанский, Н.Коперник, Ж.Бруно, Г.Галилей, социологик таълимотлар, Н.Макиавелли, Т.Мор, Т.Компанелла, идеал жамият ғояси.

2. Фалсафада инсон муаммоси. Инсон муаммоси, Шарқ мутафаккирлари инсон тўғрисида, инсонда биологик ва ижтимоий жиҳатлар, табиий жонзот, биологик зот, ижтимоий вужуд, “инсон”, “одам”, “шахс” тушунчалари, индивид ва

индивидуаллик, шахснинг шаклланиши, эркинлик ва масъулият, инсон омили, мустақиллик йилларида инсон омилига муносабат.

Вариант №-17.

1. Европада XVI-XVII асрлар янги давр фалсафий тафаккури. Ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар, табиатшунослик фанлари тараққиёти, ижтимоий-фалсафий фикр, метафизик ва механистик материализм, Ф.Бэкон, Р.Декарт, Т.Гоббс, Ж.Локк, Б.Спиноза, Г.Лейбниц, индуктив ва дедуктив билиш методлари, эмпиризм ва рационализм.

2. Маданият фалсафаси. Маданият ва цивилизация тушунчалари, маданият – ижтимоий ҳодиса, маданият турлари, моддий маданият, маънавий маданият, миллийлик ва умуминсонийлик, маданиятда ворислик ва янгилик диалектикаси, маданий мерос ва унга муносабат, маданиятнинг функциялари.

Вариант №-18.

1. Европада XVIII аср – Маърифат даври ва фалсафаси. Англияда маърифатпарварлик ғоялари, Ж.Толанд, Ж.Беркли, Д.Юм, А.Смит, Д.Рикардо, француз маърифатпарварлик фалсафаси, Ф.Вольтер, Ш.Монтескье, Ж.Ж.Руссо, Дидро, Ламетри, Гельвеций, Гольбах, немис маърифатчилиги, Г.Лессинг, Ф.Шиллер, Гёте, И.Гердер, тарих фалсафаси.

2. Қадриятлар фалсафаси. Қадрият тушунчаси, аксиология, қадриятларнинг намоён бўлиш шакллари ва хусусиятлари, қадрлаш ва баҳо, миллий ва умуминсоний қадриятлар, истиқлол даври янги қадриятлари тизими, демократик қадриятлар устуворлиги.

Вариант №-19.

1. Немис классик (мумтоз) фалсафаси. Немис классик фалсафасининг тарихий илдишлари, И.Кант фалсафий ғояларининг эволюцияси, космологияси, дуализми, агностицизми ва субъективизми, априоризми, Фихте, Шеллинг, Гегель фалсафий системаси ва диалектикаси, Л.Фейербах, антропологик материализм.

2. Жамият тушунчаси, унинг моҳияти, мавжудлиги ва тараққиёти қонунари. Жамият, жамият ҳаётининг мавжудлик соҳалари, базис ва устқурма, моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлиги, иқтисодий ва маънавий, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий ҳаёт, моддий неъматлар ишлаб чиқариш – жамият ривожланишининг табиий ва зарурий шарт, юксак маънавият – ижтимоий тараққиёт ва барқарорлик омили.

Вариант №-20.

1. Марксизм фалсафаси: оқибат ва сабоқлар. Марксизм, вужудга келишининг тарихий шарт-шароитлари, назарий манбалари, синфийлик тамойили, диалектик ва тарихий материализм, материализмнинг мутлоқлаштирилиши, синфий кураш, социалистик инқилоб ғоялари, марксизмнинг кадрланиши ва кадрсизланиши сабаблари, ҳозирги замонда унга турлича муносабатлар.

2. Жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий ташкилотлар. Сиёсат тушунчаси, сиёсий ҳаёт, давлатнинг ўрни ва роли, сиёсат ва ҳуқуқ, сиёсий партия, кўппартиявийлик, жамоат ташкилотлари, фуқаролик жамияти, нодавлат ташкилотлар, ОАВ, ўз-ўзини бошқариш органлари, “кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили, сиёсий ҳаётни эркинлаштириш.

Вариант №-21.

1. Россияда XVIII – XIX асрларда ижтимоий-фалсафий фикрлар ривож. Ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, Пётр I, ислохотлар, фан ва маданият, М.В.Ломоносов, А.Н.Радищев, В.Г.Белинский, А.И.Герцен, Н.Г.Чернышевский, Н.Добролюбов, ижтимоий-сиёсий қарашлари, маърифатпарварлик, уйғониш, “рус космизми”.

2. Жамият ҳаётининг социал структураси. Ижтимоий соҳа, синфлар, ижтимоий гуруҳлар, қатламлар, социал структура, социал стратификация, оила, этник бирликлар, уруғ, қабила, эл, элат, миллат, демографик гуруҳлар, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, тарихий жараён субъекти ва ҳаракатлантирувчи кучлари.

Вариант №-22.

1. XVI-XIX асрларда Марказий Осиёда ижтимоий-фалсафий фикрлар. Ижтимоий-сиёсий вазият, фан ва маданиятнинг ўзига хос тарзда ривожланиши, фалсафий фикр қашшоқлиги, тасаввуфий ғоялар, Б.Машраб, Махмур, гулханий, Огахий, Ҳиндистонда Бобурийлар даври, М.Бедил, пантеизми, ижтимоий-фалсафий қарашлари.

2. Ўзбекистон мустақиллигининг назарий-фалсафий масалалари. Мустақиллик тушунчаси, ўтиш даври, ислохотлар, тараққиётнинг ўзбек модели, фалсафа фани янгиланиши, миллий маънавият ва ижодий тафаккур, фалсафа фани вазифалари, миллий мафқуранинг аҳамияти.

Вариант №-23.

1. XIX аср охири ва XX аср бошларида Марказий Осиёда маърифатпарварлик ва ижтимоий-фалсафий фикрлар. Маънавий ҳаёт юксалиши, маърифатпарварлик, ривожланиш босқичлари, Аҳмад Дониш, Фурқат, Муқимий, Завқий, Ҳ.Ниёзий, маърифатпарвар ўзбек аёллари, жадид маърифатчилиги, ижтимоий-фалсафий ғоялар.

2. Жамиятни илмий билиш ва бошқариш муаммолари. Ижтимоий билиш, ўзига хослиги, субъект ва объект, ижтимоий билишга турли ижтимоий гуруҳлар ва давлатларнинг эҳтиёж-манфаатлари ва дунёқарашлари таъсири, билишда социал далил, кузатиш, статистик маълумотлар, башорат ва прогнозлар роли, ижтимоий фанларнинг роли ва вазифалари.

Вариант №-24.

1. Жадид маърифатпарварларининг ижтимоий-фалсафий ғоялари. Жадидчилик ҳаракати, босқичлари, миллий ғоялар учун кураш фалсафаси, М.Бехбудий, Мунаввар қори, А.Фитрат, А.Чўлпон, А.Қодирий, А.Авлоний, истиқлол, хуррият, эрк, озодлик ва бошқа ғоялар.

2. Жаҳон цивилизациясининг ҳозирги даврдаги ўзига хос хусусиятлари. Ҳозирги давр, глобаллашув, интеграция, универсал технологиялар, фан ва маданият ютуқлари, фан-техника инқилоби, геосиёсий вазият, глобал муаммолар, инсоният тақдирининг муштараклиги.

Вариант №-25.

1. XIX аср охири XX аср бошларида Ғарб фалсафаси. Ижтимоий-сиёсий вазият, фан-техника тараққиёти, маънавий маданият, фалсафада акс этиши, позитивизм, О.Конт, норационаллик (ирода фалсафаси), А.Шопенгауэр, марксизм, К.Маркс, Ф.Энгельс, диалектик материализм, фалсафада анъанавий (классик) ва ноанъанавий йўналишлар.

2. Глобал муаммолар фалсафаси. Глобал муаммолар, турлари, келиб чиқиш сабаблари, ҳал этилиш йўллари, уруш ва тинчлик, экология, энергетик, демографик муаммолар, қашшоқлик ва колоқлик, хавфли касалликлар, халқаро терроризм, фалсафий таҳлил.

Вариант №-26.

1. Ҳозирги замон Ғарб фалсафаси. Геосиёсий вазият, ижтимоий-маданий тараққиёт, фан-техника тараққиёти, фалсафадаги анъанавий ва ноанъанавий оқимлар, неопозитивизм, постпозитивизм, неокантчилик, неогегелчилик, неотомизм, экзистенциализм, психоаналитик оқим, ақл ва фанга муносабат, фан фалсафаси, тарих фалсафаси ва шу кабилар.

2. Жаҳон ва Ўзбекистон XXI асрда. Геосиёсий аҳвол, жаҳоннинг қутбларга бўлигишининг барҳам топиши, хавфсизликка таҳдидлар, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари, инсон ва инсоният, муштараклик.

ҚЎШИМЧА ВА ТАКЛИФЛАР УЧУН:

